

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ



«Ахборот технологиялари» факультети

“Касбий таълим” кафедраси

“Педагогика”

Фанидан
Маъруза матни

5140900 – «Касб таълими: информатика ва ахборот технологиялари»
Бакалавр йуналиши талабалари учун

Фарғона-2009 йил

Ушбу маъруза матни Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус таълим вазирлигининг Олий ўқув юртлари бошқармаси тасдиқлаган наъмунавий ўқув дастур ва кафедрада ишлаб чиқилган ишчи ўқув дастур асосида тузилган.

Маъруза матни «5140900 – «Касб таълими: информатика ва ахборат технологиялари» бакалавр йуналиши талабалари учун мўлжалланган бўлиб, у 64 соатга режалаштирилган.

Маъруза матни “Касб таълими” кафедра йиғилишида кўриб чиқилди (1-сон баёни 29 август 2009 йил).

Фаннинг маъруза матни Тошкент ахборот технологиялари Университети Фарғона филиали педагогик услубий кенгашининг 2008 йил 30 августдаги 1-сонли баёномаси билан тасдиқланди.

Кенгаш раиси: _____ А.Расулов
(имзо) (Ф.И.Ш.)
2009 йил “___” _____

Келишилди:

Мутахассислик кафедра мудири:
2009 йил “___” _____. _____ доц.Мирзакаримов.Б
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Тузувчилар:

**Собиров Ш.О.
Ражабова Х.Х.**

Такризчи:

П.ф.н, доцент, Х.Абдуллаев

1-Мавзу: Кадрлар тайёрлаш миллий модели.

РЕЖА:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий модели.
2. Узлуксиз таълим тизими ва турлари.

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг моҳияти. Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақилликни қўлга киритгач, ижтимоий ҳаётимизнинг барча қларида туб ислохотлар амалга оширила бошланди. Тоталитар бошқарув усули асосида иш юритилаётган халқ таълими тизимида ҳам сўнгги ўн йилликлар давомида юзага келган муаммоларни ҳал этиш вазифаси Республика ҳукумати ҳамда мутасадди ташкилотларни таълим тизимида ҳам жиддий ўзгаришларни амалга оширишга ундади. Бу борадаги саҳи-ҳаракатларнинг самараси сифатида 1992 йил июл ойида мустақил Ўзбекистоннинг илк «Таълим тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун мазмунида Республика таълими тизими, унинг асосий йўналишлари, мақсад, вазифалари, таълим босқичлари ва уларнинг моҳияти каби масалалар ўз ифодасини топди. Бироқ, 1997 йилга келиб, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва унинг мазмунида илгари сурилган ғояларнинг амалиётга тадбиқи таҳлил этилганда бу борада муайян камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, таълим тизимида олиб борилаётган ислохот аксарият ўринларда чуқур илмий асосларга эга бўлмаганлиги Маълум бўлди ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимини ислох қилиш зарурлиги белгиланди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди.

Ҳар қандай мамлакатнинг кучи унинг фуқароларининг маънавий етуклиги, интеллектуал салоҳиятга эгалиги билан белгиланади. Фуқароларнинг маънавий етуклиги, интеллектуал салоҳияти эса таълим тизимининг мазмуни, шахснинг ҳар томонлама шаклланиши учун хизмат қилувчи моддий ва маънавий шарт-шароитларнинг мавжудлиги, жамиятда қарор топган ижтимоий соғлом муҳит даражаси, ижтимоий муносабатлар мазмуни, шунингдек, аҳолининг этнопсихологик хусусиятлари, ахлоқий қарашлари ва ҳаётий эҳтиқодлари асосида шакллантирилади. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг яратилишида мазкур жиҳатлар тўла ўрганилди. Миллий дастур асосини Ўзбекистоннинг тараққиётини таҳминлай оладиган, уни жаҳоннинг илғор мамлакатлари даражасига кўтарилишига ҳисса қўшувчи дадил, мустақил фикрловчи, билимли, малакали мутахассис, шунингдек, ижобий сифатларга эга бўлган кадрларни тайёрлаб вояга етказиш жараёни ташкил этади.

Хўш, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қандай ҳужжат? Унинг мазмунида қандай ғоялар ифода этилган? «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг қоидаларига мувофиқ, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини

илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир¹.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг мақсади – таълим қсини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қараш ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдан иборатдир².

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да илгари сурилган мақсаднинг тўлақонли рўёбга чиқариш бир қатор вазифаларнинг ижобий ҳал қилинишини назарда тутди. Дастурда бу борадаги вазифаларнинг қуйидагилардан иборатлиги кўрсатилади:

- «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш қсида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув, илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таҳминлаш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга ошираётган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаштириш;

- кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таҳминлаш, педагогик фаолиятининг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

- кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш;

- таълим олувчиларни маънавий ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг ҳолис тизимини жорий қилиш;

- янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таҳминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

- таълим, фан, ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таҳминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек, нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;

- узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан, чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

¹ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури //Олий таълим: меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. 2001. – 20-бет.

² Ўша манба, – 25-бет.

- кадрлар тайёрлаш қсида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич амалга оширилади. Ҳар бир босқичда муайян вазифаларнинг ҳал этилиши¹ назарда тутилади. Ушбу вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

Биринчи босқич (1997-2001 йиллар) мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳукукий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий шарт-шароитларни яратиш.

Иккинчи босқич (2001-2005 йиллар) - Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш. Бу босқичда, шунингдек, таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таҳминланади, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мақсадини рўёбга чиқаришнинг иккинчи босқичда таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади, ўқув-тарбия жараёнининг юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таҳминлаш, узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш вазифаларининг ҳам ҳал этилиши алоҳида урғу берилди.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш. Бу босқичда, яна шунингдек,

- таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустаҳкамлаш;


- ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таҳминланиши;

- миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш;

- таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олинishiга эришиш каби вазифаларнинг ҳам ижобий ечими таҳминланади.

Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» таркибий тузилмаси қуйидагича акс этади (1 - чизма).


¹ Ўша манба, – 27-29-бетлар.



1 – чизма. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг моҳияти ва таркибий тўзилмаси

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари. Кадрлар тайёрлаш миллий модели фақат таълим-тарбия жараёнинигина қамраб олмай, ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш каби таркибий қисмларнинг ўзаро ҳамкорлиги, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик асосида «юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш Миллий тизими» моҳиятини ақс эттирувчи андоза, лойиҳа ҳисобланади (2-чизма):



2 - чизма. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғлиқлик

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг асосида кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг моҳияти ёритилади. Миллий моделнинг ўзига хос хусусияти мустақил равишда тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълимини жорий этилиши билан белгиланади. Бу эса ўз

навбатида умумий таълим дастурларидан ўрта махсус, касб-хунар таълими дастурларига ўтилишига замин яратади¹.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборатдир:

1. Шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим қсидаги хизматларнинг истеҳмолчиси ва уларни амалга оширувчидир.

Шахс узлуксиз таълим жараёнида дунёвий, илмий билимларни ўзлаштиради, фан асосларини пухта эгаллайди, ишлаб чиқариш қлари билан танишади, шунингдек, ўзида ижтимоий таъсирлар ёрдамида маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаб боради. Шахсда ўзлаштирилган билим, фаолият кўникмалари ва ҳаётий тажриба асосида касбий маҳорат ҳам шаклланиб боради. Юксак маънавий-ахлоқий сифатлар ва юқори даражадаги касбий малакага эга бўлиш учун шахс ўз олдига муайян мақсадни қўя олиши ҳамда унга эришиш йўлида тинимсиз изланиши, ўқиб-ўрганиши лозим. Шундагина у ижтимоий рақобатга чидамли, малакали кадр бўлиб шаклланади.

Ўз-ўзини англаш туйғусига эга бўлиш, таълим қсидаги хизматлардан тўлақонли, самарали фойдалана олиш, илмий ва касбий билимларни пухта ўзлаштиришга эришиш шахсга етук мутахассис бўла олиши учун пойдевор яратади. Инсон камолоти, энг аввало, унинг ўзига боғлиқдир. Шу боис миллий дастурда шахс ва унинг камолотини шакллантиришга алоҳида эҳтибор қаратилган.

«Таълим хизматларининг истеҳмолчиси сифатида шахсга давлат таълим олиш ва касб-хунар тайёргарлигидан ўтиш кафолатланади. Таълим олиш жараёнида шахс давлат таълим стандартларида ифода этилган талабларни бажариши шарт.

Шахс таълим хизматларининг яратувчиси сифатида тегишли малака даражасини олгач, таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат кўрсатиш қсида фаолият кўрсатади ва уз билими ҳамда тажрибасини ўргатишда иштирок этади»¹.

2. Давлат ва жамият таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафилларидир.

Шахс камолоти нафақат ўзи учун, балки давлат ва жамият тараққиёти, равнақи учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бинобарин, фуқаролари юксак маънавиятга эга жамият ҳар томонлама тараққий эта олади.

Шахс ва давлат (жамият) ўртасидаги алоқа икки томонлама хусусиятга эга. Шу боис ҳар қандай давлат (жамият) ўз фуқароларининг яшаши, меҳнат қилиши, иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқариши, уни намоён эта олиши учун етарли даражада шарт-шароит яратиб бера олиши лозим. Республика таълим тизимида давлат ва жамият шахснинг ҳар томонлама шаклланиши, ўзлигини намоён эта олиши учун етарли даражада шарт-шароит яратиб бериш масхулиятини ўз зиммасига олувчи субъект сифатида намоён бўлади.

¹ Ўша манба, – 34-бет.

¹ Ўша манба, – 30-бет.

Давлат ва жамият таълим муассасаларининг юқори малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш йўлидаги фаолиятини ҳам уйғунлаштиради ҳамда қуйидагиларга кафолат беради:

- фуқароларнинг билим олиш, касб танлаш ва ўз малакасини ошириш ҳуқуқларнинг рўёбга чиқарилишига;
- мажбурий умумий ўрта таълим ҳамда академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида таълим олиш йўналишини танлаш ҳуқуқи асосида мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини олишга;
- давлат грунтлари ёки пулли-шартномавий асосда олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимни олиш ҳуқуқига;
- давлат таълим муассасаларини маблағ билан тахминлашга;
- таълим оловчиларнинг ўқиши, турмуши ва дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги вазифаларнинг ҳал этилишида жамоатчилик бошқарувини ривожлантиришга;
- таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга;
- соғлиқ ва ривожланишида нуқсони бўлган шахсларнинг таълим олишига¹.

3. Узлуксиз таълим малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турлари, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини тахминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор қ бўлиб, ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахснинг шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрларнинг жадал тайёрланиши учун зарур шарт-шароитларни яратади².

Узлуксиз таълим жараёни шахснинг ҳар томонлама қарор топиши учун энг қулай давр саналади. Мазкур даврда шахс фан асослари ҳамда касб-ҳунар Маълумотларини ўзлаштиради, юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга шахс ва малакали кадр сифатида камол топиб боради. Унда муайян дунёқараш шаклланади.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим Давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурлари талабларига мувофиқ ташкил этилади.

Узлуксиз таълимни ташкил этиш муайян тамойилларга асосланади. Жумладан:

- таълимнинг устуворлиги;
- таълимнинг демократлашуви;
- таълимнинг инсонпарварлашуви;
- таълимнинг ижтимоийлашуви;
- таълимнинг миллий йўналтирилганлиги;
- таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;

¹ Ўша манба, – 30-31-бетлар.

² Ўша манба, –31-бет.

- иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишлари ҳам аниқ кўратиб берилган. Мазкур йўналишлар сирасига қуйидагилар киради: кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш; педагогларнинг касбий нуфузини ошириш; давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг турларини ривожлантириш; таълим тизимини таркибий жиҳатдан қайта қуриш; таълим дастурларини тубдан ўзгартириш; мажбурий ўрта умумий таълимдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтилишини тахминлаш; янги типдаги ўқув муассасаларини вужудга келтириш; янги касб-ҳунар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар, шу жумладан, бошқарув тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; таълимнинг барча даража ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш; таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, таълим муассасаларини минтақалаштириш; шахсга таълим бериш ва уни тарбиялашда оила, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, хайрия ва халқаро фондларнинг ролини кучайтириш; таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатига ҳолис баҳо бериш тизимини яратиш; таълим тизимини молиявий, моддий-техника ва бошқа тарздаги ресурслар билан тахминлаш механизмларини шакллантириш; узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаштиришнинг пухта механизмларини ишлаб чиқиш; чет эл ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш; туб ерли миллатга мансуб бўлмаган шахслар зич яшайдиган жойларда уларнинг ўз она тилларида таълим олишлари учун ташкилий ва педагогик шарт-шароитларни яратиш; таълимнинг барча даражаларида таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва санитария-гигиена таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш.

Узлуксиз таълим қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

Мактабгача таълим боланинг соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини тахминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди ҳамда бола олти-етти ёшга етгунча давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ва оилаларда амалга оширилади. Бу каби таълим муассасаларининг фаолиятини ташкил этишда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондлар фаол иштирок этади.

Кейинги йилларда мактабгача таълим муассасаларининг янги тармоғи шаклланиб бормоқда. Бу ўринда «Хонадон боғчаси» ҳамда «Болалар боғчаси – бошланғич мактаб» мажмуаларини мисол қилиб келтириш мумкин. Мактабгача таълим муассасаларида Болаларга тасвирий санъат, мусиқа, тил ва компютер саводхонлигини ўргатувчи гуруҳлар ташкил этилмоқда. Бу каби ҳаракатлар

мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашга хизмат қилади.

Умумий ўрта таълим тўққиз йиллик мажбурий ҳарактердаги умумий ҳамда уч йиллик мажбурий-ихтиёрий ҳарактердаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидан иборат. Умумий ўрта таълим бошланғич таълимни ҳам қамраб олади. Мазкур босқичда ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишлари, уларда билим олиш эҳтиёжининг юзага келиши, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларнинг ўзлаштиришлари, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатлар, меҳнат, ижодий фикрлаш, атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлиш, шунингдек, касб танлаш кўникмаларининг шаклланиши учун педагогик шарт-шароит яратилади. Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги аттестат ўқувчиларнинг умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар Маълумотиغا эгаликларини белгилайди.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш вазифаси мактаб жамоаси ва оналар ҳамкорлигида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташҳис марказлари раҳбарлигида амалга оширилади.

Ўқиш муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури саналиб, умумий ўрта таълим негизида ташкил этилади. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг икки муҳим йўналиши бўлган – академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида таълим олиш ўқувчилар томонидан ихтиёрий равишда танланади.

Академик лицей ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, қлаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишларини таҳминлаш мақсадида давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасасидир.

Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши (гуманитар, техника, аграр ва бошқа қлар) бўйича билим савияларини ошириш ҳамда ўзларида фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-ҳунар кўникмаларини шакллантириш имкониятига эга бўладилар.

Академик лицейлар асосан олий ўқув юртлари қошида ташкил этилади. Касб-ҳунар коллежлари эса ўқувчиларнинг муайян касб-ҳунарга мойиллиги, лаёқатлари, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, уларнинг танланган йўналишлар бўйича бир ёки бир неча замонавий касб сирларини эгаллаш имконини беради.

Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантирувчи, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини яратиш мақсадида тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасасидир.

Касб-ҳунар коллежлари янги типдаги таълим муассасалари бўлиб, уларнинг жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг пухта танланганлиги, шунингдек, ўқув жараёнининг замонавий техника ва технологиялар ёрдамида ташкил этилиши алоҳида эҳтиборга лойиқ.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Ушбу дипломлар асосида битирувчилар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш

ёки эгалланган ихтисос ва касб-хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Олий таълим ўрта махсус, касб-хунар таълими негизига асосланиб, икки босқич (бакалаврият ҳамда магистратура)да ташкил этилиб, мутахассисликлар йўналишлари бўйича халқ хўжалигининг турли қларига олий Маълумотли мутахассисларни тайёрлайди. Олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш давлат грантлари негизида ва пуллик-шартномавий асосда амалга оширилади.


Бакалаврият - мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим олиш муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълим.

Бакалавр даражасига эга бўлган шахс олий таълим тизими йўналишидаги ўзи танлаган қ бўйича олий Маълумотли мутахассис ҳисобланади ва давлат классификаторида белгиланган лавозимда ишлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизида таълим муаддати камида икки йил давом этадиган олий таълим бўлиб, магистратурадаги таҳсил якуний классификацион давлат аттестациясига мувофиқ олиб борилади.

Магистр бакалавр даражасидаги мутахассисдан фарқли Маълум ихтисослик бўйича таълим олган юқори малакали мутахассис ҳисобланиб, у илм-фан ксида, ишлаб чиқаришнинг масхулиятли лавозимларида фаолият кўрсатади. У аспирантурага кириш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасида қуйидаги турдаги олий таълим муассасалари фаолият кўрсатади:



Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, шахснинг ижодий таълим – касб-хунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилиб, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида аспирантура, адхюнктура ва докторантурада таълим олиш, шунингдек, мустақил тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш асосида амалга оширилади. Олий ўқув юртидан кейинги таълим

номзодлик ёки докторлик диссертацияларининг ҳимояси билан якунланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан олиб борилган якуний давлат аттестацияси натижалари тегишли равишда фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси ҳамда давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломга эга бўлиш ҳуқуқини беради.

Ҳар икки (аспирантура, докторантура) даражада ҳам мақсад муайян мутахассисликлар бўйича олий тоифали илмий-педагогик кадрларни шакллантиришдан иборат.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жараёнида асосий эҳтибор мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилади. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ана шу йўналишда фаолият юритувчи таълим муассасаларида амалга оширилади. Бу муассаса тингловчилари ўқиш натижаларига кўра давлат томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ёки сертификатга эга бўладилар.

Мактабдан ташқари таълим мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларида давлат органлари, жамоат ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда йўлга қўйилиб, болалар ҳамда ўсмирларнинг таълимга бўлган, яқка тартибдаги, ортиб боровчи талаб-эҳтиёжларини кондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш мақсадида олиб борилади.

4. Фан юқори малакали мутахассисни тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи бўлиб, «кадрлар тайёрлаш миллий тизимида табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимлардан фойдаланишни, юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар таркибини шакллантиришни, улардан таълим тизимида унумли фойдаланишни, шунингдек, кадрлар тайёрлаш жараёнининг илмий тадқиқотлар инфраструктурасини яратиш, таълимнинг ахборот тармоқларида фойдаланиш учун билимнинг турли қлари бўйича ахборот базасини шакллантиришни ҳамда илмий тадқиқотлар даражасига янгича қарашлар замирида ёш олимларнинг, илмий-педагогик ходимларнинг ижтимоий мавқеи ва обрўсини оширишни ва шу кабиларни қамраб олади»¹.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмларидан бири сифатида фан, яна шунингдек, «таълим мазмунини тубдан янгилашда: таълим стандартлари, таълим дастурлари, ўқув дарсликлари ва қўлланмалар тайёрлашда, илмий-методик таҳминотни амалга оширишда бевосита ва билвосита иштирок этади»².

5. Ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган ижтимоий эҳтиёжни шунингдек, уларнинг тайёргалик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молиявий ва моддий-техника жиҳатдан таҳминлаш жараёнининг қатнашчисичиси.

«Ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжлари кадрлар тайёрлаш тизимининг йўналиши, даражаси ва миқёсларини шакллантиради, касб тайёргарлигининг мақсади, вазифалари ва мазмунини белгилайди, малака талабларини илгари суради, таълимнинг замонавий технологиялари ва шакллари танлашни тақозо

¹ Баркамол авлод орзуси //Тузувчилар Ш.қурбонов, Ў.Саидов, Р.Аўлиддинов. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1999. – 172-бет.

² Ўша асар, 171-бет.

этади. Ишлаб чиқариш пировард натижада кадрларнинг сифати ва рақобатбардошлигига баҳо беради»¹.

Ишлаб чиқариш муассис, ҳомий ва бошқа сифатларда алоҳида мутахассисларни тайёрлашни, гуруҳларни ва ўқув юртларини молиялаш жараёнида иштирок этиб, мутахассисларнинг касбий ривожланиши ва шахсий фаоллигини рағбатлантиради, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда бевосита иштирок этади»².

Авваллари ишлаб чиқариш тайёр кадрлар кучи ва салоҳиятидан фойдаланувчи истеҳмолчи сифатидагина фаолият олиб борган бўлса, бугунги кунда ушбу фаолиятнинг мазмуни тубдан ўзгарди. Эндиликда ишлаб чиқариш кадрларни тайёрлаш сифати ва савиясига нисбатан ўз талабларини қўя олади. Шу билан бирга сифатли ҳамда юксак савияли мутахассисни тайёрлаб етиштириш йўлида узлуксиз таълим ҳамда фан тармоқларининг молиявий, моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Шу асосида кадрлар тайёрлаш тизимининг фаол иштирокчисига айланди.

Миллий модел Концепциясининг мазмуни ўзбек халқининг миллий турмуш тарзи ва маънавий-ахлоқий анҳаналари билан ҳамнафасдир. Зеро, халқ орасида қадимдан « маърифатли инсон» тушунчаси қўлланилиб келинган бўлиб, у ўзида кенг маҳнони ифода этади. Билим олишга интилиш, маърифатли бўлиш ўзбек халқи, миллатининг руҳиятида устувор ўрин тутувчи омил саналади. маърифатлилик – фақатгина билим ва малакага эга бўлиш эмас, айтилиши вақтда чуқур маънавий ахлоқ ҳамдир. Билимли, комил инсон қиёфасида ана шундай хислатларга эга шахслар намоён бўлади.

Шунинг учун ҳам кадрлар тайёрлаш миллий моделининг бутун моҳияти ўзбек халқининг миллий тарихи ва ҳаёт тарзи билан боғланиб кетган.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида ўзига хос, тақдорланмас, тарихий анҳаналарга асосланган ҳамда бугунги кун талабларига тўла жавоб бера оладиган кадрлар тайёрлаш миллий модели яратилди.

2- Мавзу: Ҳозирги даврда ўқитувчилик касби ва унинг жамиятда тутган ўрни РЕЖА:

1. Педагоглик касби ва унга қўйиладиган талаблар.
2. Педагогик маҳоратни эгаллаш йўллари.
3. Педагогнинг жамиятда тутган ўрни

Педагоглик касби, унинг пайдо бўлиши ва равнақ топиши. Педагоглик касбининг шаклланиши кишилиқ тараққиёти тарихи билан узвий боғлиқ. Териб-термачлаб кун кечирган ибтидоий давр кишилари болаларни ўзлари билан эргаштириб юриб, уларга ов қилиш, турли дарахт меваларини териш, ўсимликларнинг илдизи қовлаб олиш, сув манбаларини излаб топиш каби

¹ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури //Олий таълим: меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. 2001. – 42-бет.

² Барқамол авлод орзуси //Тузувчилар Ш.Қурбонов, Ў.Саидов, Р.Аўлиддинов. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1999. – 173-174-бетлар.

ҳаракатларни амалга оширишни ўргатганлар. Бундай ҳаракатлар қабила (уруғ)нинг тажрибали кишилари ёки кексалар томонидан амалга оширилган. Оддий кундалик эҳтиёжларни қондириш йўлида олиб борилаётган хатти-ҳаракатлар асосида ёшларга мавжуд тажрибалар асосида Маълумотларни бериб, уларда амалий кўникмаларни шакллантирганлар. Турли товушларни чиқариш ёрдамида атрофдагиларни яқинлашаётган хавфдан огоҳ қилишни болалар катталарнинг намуналари асосида ўзлаштирганлар. Нутқ ва ёзув пайдо бўлгунга қадар бу каби ҳаракатлар имо-ишоралар асосида амалга оширилган. Кишилиқ тарихида туб инқилобни содир этган нутқ ва ёзувнинг пайдо бўлиши, шунингдек, уруғ жамоаси томонидан бажариладиган меҳнат фаолиятининг турли қларга ажралиши ёшларга нисбатан муносабатнинг илғор (прогрессив) ҳарактер касб этишига имкон берди.

Турли табиий офатлар таъсиридан ҳимояланиш, кишилар ҳаётига хавф солаётган касалликларни даволаш, ҳаёт кечириш учун етарли озиқ-овқатларни жамлаб олишга бўлган табиий эҳтиёж ёшларга ҳаётий тажрибаларни Маълум меҳнат фаолияти йўналишида етарлича билимга эга бўлган кишилар томонидан берилиши мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди. Натижада болаларга ҳаёт тажрибаларини ўргатувчи кишилар гуруҳи шаклланди ҳамда болаларга Маълум йўналишлар бўйича билимларни бериш махсус ажратилган жойларда ташкил этила бошланди.

Дастлабки мактаблар қадимги Шарқда (Вавилон, Миср, Ҳиндистонда пайдо бўлиб, уларда болаларга маҳмурий-хўжалиқ бошқаруви асослари ўргатилган.

Антик даврда мактаблар Спарта, Афина ва Рим тарбия тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида фаолият олиб борганлар.

қадимги Юнонистонда бундай жойлар академия деб номланган. «Академия» сўзи афсонавий қаҳрамон Академа номидан келиб чиққан. Эрамиздан аввалги IV асрда Афина яқинидаги Академа номи билан номланувчи жойда Платон ўз шогирдларига маърузалар ўқиган бўлиб, кейинчалик таълим ташкил этилувчи маскан ҳам шундай ном билан атала бошлаган. қадимги Рим ва Юнонистонда болаларга билим бериш файласуфлар зиммасига юклатилган.

Жамиятнинг табақаланиши натижасида кудорлик тузумида болаларни таълим масканларига олиб бориш ва олиб келиш вазифасини қуллар бажаришган ва улар «педагог» деб номланганлар. Ушбу тушунчанинг маъноси «бола етакловчи» демакдир.

Тарихий тараққиётнинг кейинги босқичларида болаларга тизимли билимларни бериш билан доимий шуғулланувчи кишилар айнан шу ном билан атала бошлаганлар.

Феодализм даврида аксарият мактаблар масжид (мусулмон мамлакатларида) ёки ибодатхоналар (Ҳиндистон) қошида ташкил этилган. Бундай мактабларда ёшларга диний билимлар билан бирга дунёвий билимлар ҳам ўргатилган.

Ўрта асрлар даврида Шарқда академия кўринишидаги таълим муассасалари ҳам фаолият юритган бўлиб, улар «Донишмандлар уйи» (IX аср, Бағдод), «Маҳмун академияси» (XI ар бошлари, Хоразм), обсерваториялар қошидаги жамиятлар (XV аср, Самарқанд) тарзида номланган. Академияларга турли фан йўналишлари бўйича кучли билимга эга бўлган қомусий олимлар жалб этилган бўлиб, улар томонидан математика, геодезия, минералогия, медицина, астрономия каби йўналишларда кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилган.

Ўрта асрлар ҳамда капитал ишлаб чиқаришига асосланган жамиятларда академия (Шарқда мадраса)лар кўринишидаги мактабларда маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, турли қлар бўйича мукамал билимга эга педагогларнинг фаолият юритишларига алоҳида аҳамият қаратилган. Чунончи, Муҳаммад Тарағай Улуғбек томонидан барпо этилган мадрасаларда ўз даврининг таниқли олимлари – Али кушчи, Тафтазоний, қозизода Румий, Мавлоно Муҳаммад, ғиёсиддин Жамшид Коший, Муиниддин Коший ҳамда Мансур Кошийлар талабаларга таълим берганлар.

XIX аср охири ҳамда XX аср бошларида юзага келган жадиализм ҳаракатининг асосчилари, таниқли маърифатпарварлар – Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний, Абдуқодир Шакурӣ, Исматулла Раҳматуллаев, Абдурауф Фитрат, Исоҳхон Ибрat ва бошқалар аҳоли орасида нафақат мураббий, балки маънавий етук инсон сифатида ҳам ном қозондилар.

Шарқ мутафаккирлари ва ғарб педагоглари жамиятда педагоглик касбининг тутган ўрни ҳақида. Жамият томонидан ўқитувчи шахсига қўйилаётган талаблар ўз даврида Шарқ мутафаккирлари ҳамда ғарб маърифатпарварларининг асарларида ўз аксини топган.

Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий ҳамда Абу Райҳон Берунийлар ўқитувчининг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук бўлишларига алоҳида аҳамият қаратадилар. Уларнинг фикрларича, яхши ўқитувчи бошқалардан бир жиҳати билан фарқ қилади, яҳни, у ўзи эга бўлган билимларни ёшларга беминнат ўргатади, ҳар бир ишда уларга намуна бўла олади.

Абу Али ибн Сино ўз асарларида ўқитувчи болаларга таълим беришдек масхулиятли бурчни бажариши зарурлигини уқтирар экан, уларга фаолиятда муваффақиятга эришиш гарови бўлган қуйидаги тавсияларни беради:

- 1) болалар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиш;
- 2) берилаётган билимнинг талабалар томонидан ўзлаштирилишига эҳтиборни қаратиш;
- 3) таълимда турли шакл ва методлардан фойдаланиш;
- 4) талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиши;
- 5) фанга қизиқтира олиши;
- 6) берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиши;
- 7) билимларни талабаларга тушунарли, унинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериш;
- 8) ҳар бир сўзнинг боалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиш¹.

Алишер Навоий ўз даврининг айрим мактабдорлари эга бўлган сифатлар, хусусан, қаттиққўллик, таҳмагирлик ва жоҳилликларни қоралар экан, ўқитувчининг маънавий қиёфасига нисбатан жиддий талабларни қўяди. Хусусан, «мударрис керакки, ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтишга уринмаса, манманлик учун дарс беришга ҳавас кўргазмаса ва олғирлик учун гап-сўз ва қавқо юргизмаса, нодонликдан салласи катта ва печи узун бўлмаса, гердаиш учун мадраса айвони боши унга ўрин бўлмаса. ... Ярамасликлардан кўрқса ва нопокликдан қочса, наинки, ўзини олим билиб, неча нодонга турли хил фикс

¹ Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. – Тошкент, Ўқитувчи, 1967. – 75-бет.

ишларни мумкин, балки ҳалол қилса, қилмас ишларни қилмоқ учун содир бўлса ва қилар ишларни қилмаслик унга қоида ва одат бўлиб қолса. Бу мударрис эмасдир, ёмон одатни тарқатувчидир»².

Айни ўринда ўқитувчи меҳнатининг машаққатли эканлигини таъкидлаб ўтади: «Унинг иши одам кўлидан келмас, одам эмас, балки дев ҳам қила билмас. Бир кучли киши бир ёш болани сақлашга ожизлик қиларди, у эса бир тўда болага илм ва адаб ўргатади, кўрким бунга нима етсин.

Шуниси ҳам борки, у тўдада фаҳм-фаросати озлар бўлади, ундай кишига юзларча машаққат келса қандай бўлади. Ҳар қандай бўлса ҳам, ёш болаларга унинг ҳаққи кўпдир. Агар шогирд подшоҳликка эришса ҳам унга (муаллимга) қуллуқ қилса арзийди.

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила»¹.

Машҳур педагог Абдулла Авлоний ҳам ўз асарларида ўқитувчи шахси ва унинг фаолияти борасидаги қарашларни ифодалашга алоҳида ўрин беради. Алломанинг қайд этишича, боланинг соғлом бўлиб ўсишида ота-оналар ўзига хос рол ўйнасалар, унинг фикрий жиҳатдан тараққий этишида ўқитувчининг ўрни бекиёс эканлигини таъкидлайди. Хусусан, болаларнинг ақлий қобилиятларини шакллантириш муаллимларнинг «диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифа» эканлигини таъкидлаб, «фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги, муаллимнинг тарбиясига боғлиқдур»², - дейди.

Ян Амос Коменский ўз даврида ўқитувчининг бола дунёқарашини ривожлантиришдаги ролига катта баҳо бериб, ўқитувчилик «ер юзидаги ҳар қандай касбдан кўра юқорироқ турадиган жуда фахрли касб» эканлигини таъкидлайди. Муаллифнинг фикрича, педагог ўз бурчларини чуқур англай олиши ҳамда ўз кадр-қимматини тўла баҳолай билиши зарур. Я.А.Коменский ўқитувчи образини тасвирлар экан, унинг шахсида қуйидаги фазилатларнинг намоён бўлиши мақсадга мувофиқлигига урғу беради: виждонли, ишчан, саботли, ахлоқли, ўз ишини севувчи, ўқувчиларга оталаридек муомала қилувчи, уларда билимга ҳавас уйғотувчи, ўқувчиларни ўз ортида эргаштирувчи ва диний эҳтиқод.

К.Д.Ушинский ўқитувчи маънавияти ва касбий фаолиятига юқори баҳо беради ҳамда уларнинг касбий малакаларини доимий равишда такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги фикрни илгари суради. Мазкур ғоянинг ижтимоий аҳамиятини тасдиқловчи тизим – ўқитувчиларни тайёрловчи тизимни илк бор асослайди.

Ўқитувчининг асосий вазифалари ва унинг шахсига қўйиладиган талаблар. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларини амалиётга тадбиқ этиш Республика таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар муваффақиятини тахминлаш, таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи, тарбиячи, ишлаб чиқариш усталарининг маънавий қиёфаси ҳамда касбий маҳоратларига ҳам боғлиқдир.

² Навоий, Алишер. Махбуб ул-қулуб. Асарлар. Ўн беш томлик. 13 том. – Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1966. –189-190-бетлар.

¹ Навоий, Алишер. Махбуб ул-қулуб. Асарлар. Ўн беш томлик. 13 том. – Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1966. 192-193-бетлар.

² Ўшимов К. ва бошқалар. Педагогика тарихи //Педагогика олий ўқув юртлари ва дорилфунунлар талабалари учун қўлл. - Тошкент, Ўқитувчи, 1996, - 301-бет.

Шахсни тарбиялаш иши ниҳоятда мураккаб фаолият жараёни бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг етук кишилари жалб этилгандир. Мазкур ҳолат ёш авлод тарбияси, унинг ташкил этилиши мазмуни нафақат шахс камолоти, балки жамият тараққиётини ҳам белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчи кадрларнинг маънавий қиёфаси, ақлий салоҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар қўймоқда. Чунончи, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов куйидагиларни қайд этади: «Тарбиячи – устоз бўлиш учун, бошқаларнинг ақл-идроқини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун, энг аввало, тарбиячининг ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак»¹.

Юқорида қайд этилган фикрлардан бугунги кун ўқитувчиси шахсига нисбатан қўйилаётган талаблар мазмуни англанилади. Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши зарур?

Ўқитувчи (педагог) педагогик, психологик ва мутахассислик йўналишлари бўйича махсус Маълумот, касбий тайёргарлик, юксак ахлоқий фазилатларга эга ҳамда таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахс саналади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 5-моддаси 3-бандига мувофиқ таълим муассасаларида судланган шахсларнинг педагогик фаолият билан шуғулланишларига йўл қўйилмайди.

Бизнинг назаримизда, замонавий ўқитувчи-бакалавр қиёфасида куйидаги фазилатлар намоён бўла олиши керак (сўз юритилаётган сифатлар моҳиятан ўқитувчи-бакалавр томонидан амалга оширилиши зарур бўлган вазифа, бурч ва масхулиятларини ифодалайди):

1. Ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий ислохотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ҳамда бу борада ўқувчиларга тўғри, асосли Маълумотларни бера олиши лозим.

2. Замонавий ўқитувчининг илм-фан, техника ва технология янгиликлари ва ютуқларидан хабардор бўлиши талаб этилади.

3. Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур, пухта билимга эга бўлиши, ўз устида тинимсиз изланиши лозим.

4. Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиш, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолият ташкил этиши керак.

5. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида энг самарали шакл, метод ва воситалардан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоғи лозим.

6. Ўқитувчи ижодкор, ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши шарт.

7. Ўқитувчи юксак даражадаги педагогик маҳорат, чунончи, коммуникативлик лаёқати, педагогик техника (нутқ, юз, қўл-оёқ ва гавда ҳаракатлари, мимика, пантомимика, жест) қоидалари чуқур ўзлаштириб олишга эришишлари лозим.

¹ Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳукукуий кафолати. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1993, 27-28-бет.

8. Ўқитувчи нутқ маданиятига эга бўлиши зарур, унинг нутқи қуйидаги хусусиятларни ўзида акс эттира олиши керак:

- а). нутқнинг тўғрилиги;
- б). нутқнинг аниқлиги;
- в). нутқнинг ифодавийлиги;
- г). нутқнинг софлиги (унинг турли шева сўзларидан ҳоли бўлиб, фақат абадий тилда ифода этилиши); жаргон (муайян касб ёки қ мутахассисликларига хос сўзлар); варваризм (муайян миллат тилида баён этилаётган нутқда ўзга миллатларга хос сўзларни ноўрин қўлланилиши); вулгаризм (ҳақорат қилиш, сўкишда қўлланиладиган сўзлар) ҳамда концеляризм (ўрни бўлмаган вазиятларда расмий сўзлардан фойдаланиш) сўзлардан ҳоли бўлиши, ўқитувчининг нутқи содда, раво ва тушунарли бўлиши керак;
- д). нутқнинг раволиги;
- е). нутқнинг бойлиги (ҳикматли сўзлар, ибора ва мақоллар, маталлар ҳамда кўчирма гаплардан ўринли ва самарали фойдалана олиш).

9. Ўқитувчи кийиниш маданияти (содда, озода, бежирим кийиниши), таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг диққатини тез жалб этувчи турли хил безаклар (олтин, кумуш тақинчоқлар)дан фойдаланмаслиги, фасл, ёш, гавда тузилиши, юз қиёфаси, ҳатто, соч ранги ва турмагига мувофиқ равишда кийинишни ўзлаштиришга эришиши.

10. Ўқитувчи шахсий ҳаётда пок, атрофдагиларга ўрнак бўла олиши лозим.

Ўқитувчи педагогик мулоқот жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида ўзида бир қатор сифатларнинг таркиб топишига эришиши зарур. Чунончи, у энг аввало, мулоҳазали, босиқ, вазиятни тўғри баҳолай оладиган, мавжуд зиддиятларни баратараф этишнинг уддасидан чиқа олиши зарур. Ўқувчи, ота-оналар ҳамда ҳамкасблари билан мулоҳот жараёнида фикрини аниқ ва тўла баён этилишига аҳамият қаратиши мақсадга мувофиқ. Улар билан муносабат жараёнида сўзни салбий ҳолатлар ҳақидаги далилларни келтиришдан эмас, аксинча, ўқувчи (ёки ҳамкасби, ота-оналар)нинг муваффақиятларини эхтироф этиши, уларнинг янада бойишига ишонч билдириши у билан тиллаша олишига имкон беради. Мулоқот жараёнида ўқитувчининг сўзларидан суҳбатдошига нисбатан хайрихоҳлик, самимийлик, дўстона муносабат сезилиб туриши, шунингдек, имкон қадар кўтаринки кайфиятда бўлиши зарур.

Ўқитувчи шахсининг мазкур талабларга мувофиқ келувчи қиёфаси унинг ўқувчилар, ҳамкасблар ҳамда ота-оналар ўртасида обрў-эҳтибор қозонишини тахминлайди.

Педагогик маҳоратни эгаллаш йўллари. Ўқитувчи баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида иштирок этар экан, нафақат маънавий-ахлоқий маданияти билан атрофдагиларга ўрнак бўлиши, шу билан бирга, педагогик маҳоратини намоён эта олиши, етук педагог сифатида малакали кадрларни тайёрлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши зарур.

Педагогик маҳорат – юксак педагогик тафаккур, таълим-тарбия жараёнига онгли, ижодий ёндашув, методик билимларни самарали қўллаш олиш қобилияти бўлиб, у доимий равишда педагогик билимларни ошириб бориш, янгиликлардан хабардор бўлиш, илғор технологияларни ўзлаштириш асосида таркиб топади. Ёш, шунингдек, таълим муассасасида бир неча йиллик меҳнат стажига эга бўлган

ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратга эга бўлишлари ўзини касбий жиҳатдан такомиллаштириш йўлида бир қатор шартларга амал қилиши ҳисобига тахминланади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Мустақил ўқиб-ўрганиш (педагогика фанида рўй бераётган янгиликлар ҳақида Маълумотларни берувчи янги адабиётлар, Интернет материаллари, вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилаётган Маълумотлар, шунингдек, илғор технологиялар билан танишиб бориш, уларда илгари сурилаётган ғояларни умумлаштириш, хулосалаш асосида мустақил лойиҳаларни тайёрлаш).

2. Ҳамкасб тажрибали ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш (таълим муассасасидан четга чиқмаган ҳолда ташкил этилиб, вақт, шунингдек, иқтисодий нуқтаи назардан самарали саналади. Тажрибали ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш улар томонидан ташкил этилаётган машғулотларни кузатиш, таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Бу борада олинган таассуротларни умумлаштириш асосида хулоса чиқариш мақсадга мувофиқдир).

3. Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курс (институт)ларида касбий малакаларини ошириш.

4. Доимий равишда илмий анжуманлар (назарий ва амалий конференция ҳамда семинарлар, педагогик ўқиш ҳамда тренинглар)да фаол иштирок этиш.

5. Республика ҳамда ривожланган хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасаларида уларнинг иш тажрибаларини ўрганиш (стажировка).

Айни вақтда республикада «Устоз» жамғармасининг ҳомийлигида таълим муассасаларининг ўқитувчилар ривожланган хорижий мамлакатларда бўлиб, уларнинг таълим тизими ва иш тажрибаларни ўрганмоқдалар.

Педагогик маҳоратни эгаллашда гуруҳли ва оммавий тадбирларда иштирок этиш ижобий натижалар беради. Бинобарин, бундай муҳитда ўзаро фикр алмашиш, шахсий мулоҳазаларни бошқалар томонидан билдирилаётган қарашлар билан таққослаб, уларнинг тўғрилиги, ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилиш, мавжуд билимларни янада бойитиш, хато ёки камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни баратараф этиш йўллари топиш имконияти мавжуд.

Педагогик маҳоратга эга бўлиш таълим-тарбия самарадорлигини тахминлаш гарови бўлибгина қолмай, айни вақтда ўқитувчининг жамоадаги обрў-эҳтиборини ҳам оширади, ўқувчиларга унга нисбатан ҳурмат юзага келади.

Касбий маҳоратни ошириш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиш педагогик фаолиятда йўл қўйилган ёки қўйилаётган хатолардан ҳоли бўлиш, ўқувчилар, ҳамкасблар ҳамда ота-оналар билан муносабатда муваффақиятларга эришиш имкониятини яратади.

Ўз даврларида Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Ян Амос Коменский, Лев Толстой, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний ва бошқалар ўз асарларида ўқитувчилик касби, унинг машаққатлари, шунингдек, ўқитувчи шахсида акс этиши зарур бўлган сифатлар хусусидаги қарашларни ёритиш орқали ўзлари ҳам педагогик маданиятга эга эканликларини намоён этганлар. Бинобарин, педагогик жараённинг моҳиятини англамаган, болага нисбатан чуқур ҳурматда бўлмаган шахс таълим-тарбия самарадорлиги ва инсон камолотини тахминловчи фикрга эга бўлмайди. Уларнинг педагогик маданиятлари негизини болани тушуна олиш, унга инсбатан

инсонпарвар муносабатда бўлиш, вазиятни тўғри баҳолаш, юзага келиш эҳтимоли бўлган зиддиятларни ўз вақтида бартараф этиш, педагогик фаолиятнинг ҳақлиги, жамият тараққиёти ҳамда педагогик жараёнда ўқувчилар онгига сингдирилаётган эзгу ғояларнинг ҳаёт мавжудлигини тахминлашда қудратли омил (восита) эканлигига ишонч кабилар ташкил этади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида малакали (маҳоратли) ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тажрибаларини оммалаштиришга алоҳида эҳтибор қаратилмоқда. Маҳоратли ўқитувчиларни аниқлаш мақсадида турли кўрик, танловлар ташкил этилмоқда. Хусусан, «Йил ўқитувчиси» Республика кўрик-танлови таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчиларга педагогик маҳоратларини индидаул равишда намоиш этиш имкониятини бераётган бўлса, «Йил мактаби» Республика кўрик-танлови ўқитувчиларга жамоа асосида таълим муассасасида қўлга киритилаётган ютуқларни оммага кўрсата олишлари учун шароит яратмоқда.

Шунингдек, республика миқёсида педагогик фаолиятда улкан ютуқларни қўлга кирита олган ўқитувчилар таълим қсида нуфузли саналувчи давлат мукофоти – Ўзбекистон Республикаси Халқ ўқитувчиси кўкрак нишонига сазовор бўлмоқдалар.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш жоизки, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Ўзбекистон республикасида таълим тизимида амалга оширилаётган ислохалар мазмунини ўзида акс эттирган муҳим юридик ҳужжат бўлиб, истиқбол учун йўлланмадир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да алоҳида таъкидланган миллий модел Ўзбекистон Республикасининг миллий-худудий хусусиятларини инобатга олиш ҳамда илғор фан, техника ва технология ютуқлари асосида тайёрланган кадр (мутахассис) – комил инсон ва етук мутахассис қиёфасини ўзида тўлақонли акс эттирувчи намунадир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларининг амалиётга тадбиқ этилиши Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ҳаёти учун муҳим саналган бир қатор ҳолатларнинг қарор топишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларини амалга ошириш жараёнида ўқитувчи кадрлар муҳим рол ўйнайдилар. Комил инсон ва етук малакали мутахассис¹ махсус ташкил этилган педагогик фаолият жараёнида тарбияланар экан, ушбу жараёнда ўқитувчиларнинг ўрни бекиёсдир. Шу боис уларнинг шахсида бир қатор ижобий маънавий-ахлоқий сифатлар намоён бўла олиши мақсадга мувофиқдир.

Назорат учун саволлар:

1. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг бош ғояси нимадан иборат?
2. Кадрлар тайёрлаш миллий модели нима?
3. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари нималардан иборат?
4. Узлуксиз таълим тизимининг моҳиятини ёритиб беринг.
5. Олий ўқув юртидан кейинги таълим мазмунини изоҳлаб беринг.

¹ Баркамол авлод орзуси //Ўқувчилар Ш.қурбонов, Ў.Саидов, Р.Аўлиддинов. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1999. – 143-бет.

6. Педагоглик касбининг асосий хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
7. Ўқитувчи қандай сифатларга эга бўлиши зарур?
8. Сизнинг назарингизда бугунги кун ўқитувчисига қандай педагогик талаблар қўйилмоқда?

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Тошкент, Ўзбекистон, 1994.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
3. Баркамол авлод орзуси ёзувчилар: Ш.қурбонов, Р.Ахлитдинов, Ҳ.Саидов. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1999.
4. Педагогика Ўқув қўлланма. А.Мунавваров таҳрири остида. – Тошкент, Ўқитувчи, 1996.
5. Олий таълим: меҳририй ҳужжатлар тўплами.- Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2001. – 18-52-бетлар.
6. Очилов М., Очилова М. Ўқитувчи одоби. – Тошкент, Ўқитувчи, 1998.

3-Мавзу: Педагогика фан сифатида унинг предмети, мақсад ва вазифалари, РЕЖА:

1. Педагогика ижтимоий фан сифатида.
2. Педагогикани асосий категориялар.
3. Педагогика фанини тузилиши. Педагогика фанининг тармоқлари.
4. Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси.

Педагогика предмети. Педагогика (юнонча *paidagogike* бўлиб, *paidagogos* «бола» ва «етаклайман») ижтимоий тарбиянинг умумий қонуниятлари, муайян жамиятда ягона ижтимоий мақсадга мувофиқ ёш авлодни тарбиялаш ҳамда унга таълим беришнинг моҳияти ва муаммоларини ўрганадиган фан. Педагогика ижтимоий фанлар тизимига кирувчи фан саналиб, ёш авлод ҳамда катталарни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялаш, унга таълим бериш муаммоларини ўрганади.

Педагогика фани шахсни ривожлантиришнинг икки муҳим жиҳати – уни ўқитиш ва тарбиялашга асосий эҳтиборни ҳаратганлиги боис дидактика (таълим назарияси) ва тарбия назарияси фаннинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади. Дидактика ((таълим назарияси, юнонча *didaktikos* «ўргатувчи», *didasko* «ўрганувчи»)) таълимнинг назарий жиҳатлари, таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, ўқитувчи ва ўқитувчи фаолиятлари, таълимнинг мақсади, мазмуни, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва ҳоказо муаммоларни тадқиқ этади.

Таълим ўз моҳиятига кўра умумий ва махсус каби турларга ажратилади. Умумий таълим ҳар бир шахснинг камол топиши ҳамда у томонидан ҳаётий фаолиятни ташкил эта олиши учун зарур бўлган Маълумотларни беришга йўналтирилади. Умумий таълим асосида ўзлаштирилган Маълумотлар келгусида шахснинг касбий тайёргарлигини таҳминлашга имкон берувчи махсус таълим олиши учун асос бўлади. Махсус таълим – ўзида мутахассислик хусусиятларини намоён қилиб, шахсга муайян касбий фаолиятни ташкил этиш борасида назарий

билимларни бериш асосида амалий кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Таълим, шунингдек, турли даражадаги таълим дастурларини амалга оширишига кўра мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунара таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ҳамда мактабдан ташқари таълим каби турларга бўлинади.

Тарбия назарияси – педагогиканинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, тарбия жараёни мазмуни, шакл, метод, восита ва усуллари, уни ташкил этиш муаммоларини ўрганади.

Тарбия муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёнидир.

Ижтимоий тарбия ақлий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат, эстетик, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик ва жинсий тарбия каби йўналишларда ташкил этилади.

Ижтимоий тарбия ва унинг босқичлари. Инсониятнинг яшаш учун курашиш ва турли табиий офатлардан ҳимояланиш йўлида олиб борган ҳаракатлари тарбия ғояларининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилган.

Ибтидоий жамоа тузумида одамларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳаёт кечириши сабабли болаларга тирикчилик ўтказиш йўлидаги фаолият (ўсимлик мевалари, илдизларини териш, ҳайвонларни овлаш)ни ташкил этиш борасидаги тажрибаларни ўргатиш гуруҳ аҳзолари томонидан бирдек амалга оширилган. Билимлар, аксарият ҳолларда, меҳнат ва ўйин жараёнларида ўзлаштирилган. Меҳнат фаолиятини ташкил этиш жинсий характерга эга бўлганлиги боис ўғил ва қиз болаларни тарбиялашда ўзига хос жиҳатлар кўзга ташланган.

Оила, хусусий мулк ва давлатнинг пайдо бўлиши ижтимоий тарбия мазмунида ҳам туб ўзгаришларнинг содир этилиши, қулдорларнинг пайдо бўлиши олиб келди. Айнан мана шу даврдан тарбия жамиятнинг ижтимоий талаб ва эҳтиёжлари асосида йўлга қўйила бошлади. Эркин фуҳароларни тарбиянинг мақсади, вазифалари, мазмуни ва воситалари борасидаги фикрлар Демократик, Платон ва Аристотелларнинг асарларида муҳим ўрин эгаллаган. Мутафаккирларнинг асарларида ушбу фикрлар мустақил педагогик назария сифатида эмас, балки фалсафий ҳарашлар ёки жамиятни ташкил этиш лойиҳасининг муҳим компоненти тарзида баён этилган. Ушбу даврда табиий-ижтимоий фанлар тизими шаклланиши учун бошланғич асослар қўйилди.

қулдорлик тузумида эркин бўлмаган кишилар (қуллар)нинг ҳақ-ҳуқуқлари чекланганлиги боис тарбия тизими фақатгина қулдорлар, уларнинг фарзандлари учун хизмат қилган.

қулдорлик тузуми ўрнида шаклланган феодал тузумда педагогик ғоялар феодаллар манфаатини ифода эта бошлади. Мазкур давр педагогик жараёни ташкил этишда диний ғоялар етакчи ўрин эгаллаши билан тавсифланади. Ижтимоий ҳаётда диний муассасалар (ғарбда черков, Шарқда эса мечитлар)нинг роли оша бориб, болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ишлари асосан шу масканларда ташкил этилди. Гарчи дунёвий ғояларни илгари суриш, илмий назарияларни яратиш ва тарғиб этишнинг дин пешволари томонидан қораланиши каби ҳолатлар ҳам кўзга ташланган бўлса-да, аммо савдо-иқтисодий алоқалар кўламининг

кенгайиши, табиий офатларга ҳарши кескин чора кўриш эҳтиёжи илмий билимларнинг ривожлантириш ҳаётий зарурият эканлигини исботлади. Инсоният тарихидан мустаҳкам ўрин олган Шарқ Уйғониши деб ном олган тарихий жараён айнан феодал тузуми – ўрта асрлар даврида содир бўлди. Шарқда буюк алломалар - Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райқон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний, ғарбда эса Т.Мор, Т.Кампанелла, Э.Роттердамский, Ф.Рабле, М.Монтенг ва бошқалар томонидан ҳар томонлама ривожланган, рухий ва жисмоний жиҳатдан соғлом, антик дунё ва буржазия даври ютуқлари асосида илмий билимларни ўзлаштира олган шахсни тарбиялаш ғояси илгари сурилди ва пухта асослаб берилди.

Савдо, хунармандчилик ва мануфактура негизида ривожланиб бораётган ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш йўлидаги амалий ҳаракатлар бу борадаги муваффақият мураккаб техникани бошқара оладиган шахсни шакллантириш эвазига ҳал этилиши тасдиқлади. Мазкур даврда илғор, прогрессив педагогик ғоялар илгари сурилди. Аксарият ғоялар мазмунида билим олишга нисбатан ижтимоий тенгликни ҳарор топтириш борасидаги ҳараш ўз ифодасини топди.

Айнан шу даврда педагогика фани асослари муайян тизимга солинди ва илмий жиҳатдан асосланди. Бу ўринда педагогика фани ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини кўшган мутафаккирлар: ғарбда - Я.А.Коменский, Д.Дидро, Ж.Ж.Руссо, Ф.Гербарт, В.В.Дистервег, К.Д.Ушинский, А.С.Макаренко, В.А.Сухомлинский, Шарқда И.Ибрат, С.Сиддиқий, А.Шакурий, С.Айний, А.Авлоний, А.Фитрат, Ҳ.Ҳ.Ниёзий, М.Абдурашидов, М.Бехбудийлар шахсга таълим бериш ва уни тарбиялаш борасидаги ҳарашларни янда бойитдилар ҳамда таълим тизимига илм-фан, техника янгиликларини тадбиқ этиш, ўқитишни янги тизим (изчил, узлуксиз, асосланган) асосида ташкил этиш каби ғояларни илгари сурдилар.

Собиқ Шўро даврида педагогика фани мазмунан илм-фан, техника ва технология ютуқлари асосида бойиди, таълим муассасалари тизими шакллантирилди, шунингдек, ҳар томонлама (гармоник) ривожланган шахсни шакллантириш назарияси асосланди. Бироқ, мазкур назария ғояларини амалиётга тадбиқ этишнинг пухта асосланган механизми яратилмади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни кўлга киритгач, ривожланиш ва тараққиёт йўли демократик, инсонпарвар ва ҳуқуқий жамиятни барпо этишдан иборатлиги эҳтироф этилиб, «таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш»¹ давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири дея белгиланди. Асосий эҳтибор юксак маънавий ва ахлоқий талабаларга жавоб берувчи, юқори малакали кадрларни тайёрлашга қаратилди.

Республикада таълим қсида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мазмун ҳамда йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» каби меҳёрий ҳужжатларда белгилаб берилган.

¹ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури //Олий таълим: меҳёрий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2001. –25-бет.

Демак, мавжуд шароитда педагогика фани баркамол шахс ва малакали мутахассисни тайёрлашга йўналтирилган ижтимоий ҳракат истиқболлари, бу борадаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини ўрганади.

Педагогика фанининг вазифалари. Педагогика фани шахсни шакллантиришдек ижтимоий буюртмани бажариш асосида жамият тараққиётини таҳминлашга алоҳида ҳисса қўшади. Педагогика фани мақсади ва вазифаларининг белгиланишида ижтимоий муносабатлар мазмуни, давлат ва жамият қурилиши, унинг ҳаётида етакчи ўрин тутувчи ғоялар моҳиятини муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида демократик, инсонпарвар ҳамда ҳуқуқий жамиятни барпо этиш шароитида мазкур фан юксак маънавий ва ахлоқий талабаларга жавоб берувчи юқори малакали кадрни тарбиялаш тизимини ишлаб чиқиш, миллий истиқлол ғояси асосида таълим ва тарбия назариясини ижодий ривожлантириш вазифасини ҳал этади. Мазкур жараёнда қуйидаги вазифаларни бажаришга эҳтибор ҳаратилади:

1. Маънавий ва ахлоқий талабаларга жавоб берувчи юқори малакали кадрни тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараённинг моҳиятини ўрганиш.
2. Шахсни ҳар томонлама камол топтириш қонуниятларини аниқлаш.
3. Ижтимоий тараққиёт даражасидан келиб чиққан ҳолда ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизими тажрибасини ўрганиш асосида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш.
4. Таълим муассасалари ҳамда уларда фаолият олиб бораётган педагоглар фаолияти мазмунини асослаш.
5. Илғор педагогик тажрибаларни умумлаштириш ва амалиётга жорий этиш.
6. Педагогларни педагогика назариясига оид билимлар ҳамда таълим-тарбия усуллари билан қуроллантириш.
7. Таълим-тарбия бирлиги ҳамда ижтимоий тарбия йўналишлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таҳминлашнинг педагогик шарт-шароитларини ўрганиш.
8. Ўқитиш ҳамда тарбиялаш жараёнининг самарали технологияларини яратиш.
9. Оила тарбиясини муваффақиятли ташкил этиш юзасидан ота-оналар учун илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш.

Педагогика фанининг асосий категориялари. Бизга яхши Маълумки, ҳар бир фан ўзининг таянч тушунчалари, қонуниятлари, тамойиллари, қоидалари тизимига эга. Айнан мана шу ҳолат унинг фан сифатида эҳтироф этилишини кафолатлайди. Фаннинг моҳиятини очиб берувчи энг муҳим, асосий тушунча категория деб аталади.

Педагогика фанининг асосий категориялари шахс камолотини таҳминлаш, таълим ва тарбия самарадорлигига эришишга ҳаратилган жараёнларнинг умумий моҳиятини ёритади. Энг муҳим категориялар сирасига қуйидагилар киради: шахс, тарбия, таълим (ўқитиш, ўқиш), билим, кўникма, малака, Маълумот, ривожланиш.

Шахс – психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, муайян хулқ-атвор ва дунёқарашга эга бўлган жамият аҳзоси.

Тарбия - муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни.

Таълим –ўқувчиларни назарий билим, амалий кўникма ва малакалар билан куроллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини шакллантиришга йўналтирилган жараён.

Билим – шахснинг онгида тушунчалар, схемалар, Маълум образлар кўринишида акс этувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий Маълумотлар мажмуи.

Кўникма – шахснинг муайян фаолиятни ташкил эта олиш қобилияти.

Малака –муайян ҳаракат ёки фаолиятни бажаришнинг автоматлаштирилган шакли.

Маълумот – таълим-тарбия натижасида ўзлаштирилган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда таркиб топган дунёқараш мажмуи.

Ривожланиш – шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён.

Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси. Ижтимоий тарбия моҳиятини илмий жиҳатдан асослаш Маълум педагогик ҳодисанинг муайян вазиятларда намоён бўлиш қонуниятларини билишни тақозо этади. Бизга Маълумки, педагогик ҳодиса мураккаб тузилмага эга бўлиб, унинг умумий моҳиятини тўлақонли англаш учун бир қатор фанларнинг имкониятларига таянилади. Ана шу нуқати назардан педагогика фани билан қуйидаги фанлар ўртасида яқин алоқадорлик мавжуд:

1. Фалсафа – шахс ривожланиши жараёнининг диалектик хусусиятлари, муайян педагогик ғоя, қараш ҳамда таълимотларнинг фалсафий жиҳатлари каби масалаларни таҳлил этишга имкон беради.

2. Иқтисод – таълим муассасаларининг фаолиятини йўлга қўйиш, ўқув биноларини қуриш, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва уларнинг моддий-техника ва замонавий технологиялар билан жиҳозлаш каби масалаларнинг иқтисодий жиҳатларини англашга хизмат қилади.

3. Социология – ижтимоий муносабатлар мазмуни, уларни ташкил этиш шартлари хусусида Маълумотларга эга бўлиш асосида таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини самарали ташкил этиш учун имконият яратади.

4. Этика- шахс маънавиятини шакллантириш, унда энг олий инсоний сифатлар, ахлоқий онг ва маънавий-ахлоқий маданиятни тарбиялашда муҳим ўрин тутувчи назарий ғояларни педагогик жараёнга татбиқ этишда алоҳида ўрин тутади.

5. Эстетика – шахс томонидан гўзалликнинг ҳис этилиши, унга интилиши, шунингдек, унда эстетик дидни тарбиялашда муҳим йўналишларни аниқлашга хизмат қилади.

6. Физиология- ўқув-тарбия жараёнида болаларнинг физиологик, анатомик хусусиятларини инобатга олиниши учун бошланғич асосларни беради.

7. Гигиена – ўқувчиларнинг саломатлигини муҳофазалаш, уларнинг жинсий жихатдан тўғри шакллантиришда назарий ва амалий ғоялари билан ёрдам беради.

8. Психология – шахсда маънавий-ахлоқий, руҳий-интеллектуал, ҳиссий-иродавий сифатларни таркиб топтириш учун замин яратади.

9. Тарих – педагогика фани тараққиёти, таълим-тарбия жараёнларининг динамик, диалектик хусусиятларини инобатга олиш, шунингдек, халқ педагогикаси ғояларини келгуси авлодга узатиш учун йўналтирилади.

10. Маданиятшунослик – ўқувчиларда инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий маданият асослари ҳақидаги тасаввурни шакллантириш, уларда маданий хулқ-атвор хислатларини таркиб топтириш учун хизмат қилади.

11. Тиббий фанлар – шахснинг физиологик-анатомик жихатидан тўғри ривожланишини тахминлаш, унинг организмида намоён бўлаётган айрим нуқсонларни бартараф этишга амалий ёндашув, шунингдек, нуқсонли болаларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш муаммоларини ўрганишда кўмаклашади.

Педагогика фанлари тизими. Шахс камолотини тахминлаш, унинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий ҳамда жисмоний жихатдан ривожланишига эришишда турли ёш давлари, ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, боланинг физиологик, психологик ҳолатини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Шу боис яхлит педагогик жараён муайян туркумни ташкил этувчи педагогик фанлар томонидан ўрганилади. Улар қуйидагилардир:

1. Умумий педагогика – мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш масалаларини ўрганади.

2. Мактабгача таълим педагогикаси – мактабгача таълим ёшидаги болаларни тарбиялаш, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жихатдан камолотга етказиш масалаларини ўрганади.

3. Бошланғич таълим педагогикаси – бошланғич синфлар ўқувчиларини тарбиялаш, уларга таълим бериш, уларнинг ўзига хос психологик ҳамда физиологик хусусиятларини тадқиқ этиш, шунингдек, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жихатдан камолотга етказиш масалаларини ўрганади.

4. Коррекцион (махсус) педагогика – ривожланишида турли психологик ва физиологик нуқсонлари бўлган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш билан боғлиқ муаммоларни ўрганади.

Ўз навбатида коррекцион педагогика таркибига махсус педагогика ва психологиянинг турли қлари киради. Улар қуйидагилардир:

4.1. Сурдопедагогика ва сурдопсихология – эшитиш қобилияти бузилган болаларни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ўрганади.

4.2. Олигофренопедагогика ва олигофренопсихология – ақли заиф болаларни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ўрганади.

4.3. Тифлопедагогика ва тифлопсихология – кўриш қобилияти бузилган болаларни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ўрганади.

4.4. Логопедия ва нутқий бузилишлар психологияси – нутқи, шунингдек, моторли-ҳаракатланиш доирасида мураккаб нуқсонлар бўлган болалар (кўр, соқов ва қар болалар)ни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ўрганади.

5. Методика – хусусий фанларни ўқитиш хусусиятларини ўрганади.

6. Педагогика тарихи – таълим ва тарбиянинг юзага келиши, тараққий этиши, муайян тарихий даврларда етакчи ўрин эгаллаган педагогик фикрлар тараққиёти масалаларини ўрганади.

7. Педагогик технология – таълим ва тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш муаммоларини ўрганади.

8. Педагогик маҳорат – бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини ошириш, такомиллаштириш муаммоларини ўрганади.

9. Таълимни бошқариш – таълим муассасаларининг фаолиятини йўлга қўйиш, бошқариш, назорат қилиш ҳамда истикболларини белгилаш масалаларини ўрганади.

10. Ижтимоий педагогика – ижтимоий муносабатлар жараёнида педагогик ғояларнинг тутган ўрни ва роли, шахсни касбий ва ижтимоий фаолиятга йўналтириш муаммоларини ўрганади.

4-Мавзу. Педагогик фанининг тадқиқот методлари

РЕЖА:

1. Педагогика фанининг илмий-тадқиқот методлари
2. Педагогик кузатиш методи
3. Суҳбат методи.
4. Педагогик тажриба

Педагогик илмий-тадқиқот методлари. Педагогика фани ривожини муайян педагогик муаммоларни тадқиқ этиш мақсадида олиб борилган тадқиқот ишларининг ғояси, мазмуни ҳамда натижалари ҳисобига тахминланади. Ижтимоий ва ишлаб чиқариш жараёнининг кескин ривожланиши шахсни ҳар томонлама камол топтириш имконини берувчи омил ҳамда педагогик шарт-шароитларни аниқлаш, жамият ва шахс маънавиятига зиён етказувчи ҳолатларни бартараф этишни тақозо қилади. Тарбия жараёнларининг моҳиятини англаш уларни кенг ёки тор доирада ўрганиш, мавжуд кўрсаткичлар воситасида уларнинг содир бўлиш сабабларини ўрганиш, зарур чора-тадбирларни белгилаш илмий изланишларни ташкил этиш заруриятини юзага келтиради. Педагогик изланишларнинг самарали кечиши бир қатор об'ектив ва суб'ектив омилларга боғлиқ. Мазкур жараёнда мақсадга мувофиқ келувчи, мақбул. Айни вақтда самарали бўлган методларни танлай олиш ҳам муҳимдир.

Педагогик илмий-тадқиқот методлари шахсни тарбиялаш, унга муайян йўналишларда чуқур, пухта илмий билимларни беришга бериш тамойиллари, об'екти ва суб'ектив омилларини аниқловчи педагогик жараённинг ички моҳияти, алоқа ва қонуниятларини махсус текшириш ва билиш усуллариدير. Айни вақтда Ўзбекистон Республикасида педагогик йўналишда олиб борилаётган илмий изланишлар диалектик ёндашувга асосланади. Педагогик ҳодиса, воқелик ва уларнинг қонуниятлариларни аниқлашга бундай ёндашув педагогик ҳодиса ва жараёнларнинг умумий алоқаси, уларнинг изчил, узлуксиз ривожланиши, боланинг физиологик ривожининг психологик, интеллектуал жиҳатдан такомиллаштириб боришини тахминлаши, ҳарама-ҳаршиликларнинг шахс камолотини тахминлашдаги ўрни ва роли, шунингдек, диалектика категорияларининг аҳамиятини эҳтироф этади.

Педагогик илмий тадқиқотларни амалга ошириш мураккаб, муайян муддатни тақозо этувчи, изчиллик, узлуксизлик, тизимлилик ҳамда аниқ мақсад каби хусусиятларга эга бўлган жараён бўлиб, унинг самарали бўлиши учун бир қатор шартларга риоя этиш зарур. Улар қуйидагилардир:

- 1) муаммонинг долзарблиги ва мавзунинг аниқ белгиланганлиги;
- 2) илмий фаразларнинг тўғри шакллантирилганлиги;
- 3) вазифаларнинг тадқиқот мақсади асосида тўғри белгиланганлиги;
- 4) тадқиқот методлар тизимига нисбатан обхектив ёндашув;
- 5) тажриба-синов ишлари жараёнига жалб этилувчи респондентларнинг ёш, психологик ва шахсий хусусиятлари, шунингдек, шахс ривожланиши қонуниятларининг тўғри ҳисобга олинганлиги;
- 6) тадқиқот натижаларини олдиндан ташҳислаш ва унинг натижаларини башоратлаш;
- 7) тадқиқот натижаларининг кафолатланганлиги.

Замонавий шароитда педагогик йўналишда тадқиқотларни олиб боришда қуйидаги методлардан фойдаланилмоқда:

1. Педагогик кузатиш методи.
2. Сухбат методи.
3. Анкета методи.
4. Интервю методи.
5. Таълим муассасаси ҳужжатларини таҳлил қилиш методи.
6. Тест методи.
7. Педагогик таҳлил методи.
8. Болалар ижодини ўрганиш методи.
9. Педагогик тажриба методи.
10. Математик-статистик метод.

Педагогик кузатиш методи. Уни қўллаш жараёнида таълим муассасаларининг ўқув-тарбия ишлари жараёнини ўрганиш асосида тадқиқ этилаётган муаммо ҳолат аниқланади, тажриба- аввали ва якунида қўлга киритилган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ тўғрисидаги Маълумотга эга бўлинади. Педагогик кузатиш мураккаб ва ўзига хос хусусиятларга эга. Кузатиш аниқ мақсад асосида, узлуксиз, изчил ва тизимли амалга оширилса, кутилган натижани қўлга киритиш мумкин. Олиб борилаётган педагогик кузатиш таълим-тарбия сифатини ошириш, ўқувчи шахсини шакллантиришга хизмат қилса, мазкур методнинг аҳамияти янада ошади.

Педагогик кузатувни ташкил этишда хатога йўл қўймаслик муҳимдир. Бунинг учун тадқиқотчидан қуйидагилар талаб этилади:

- 1) кузатув жараёнида аниқ мақсадга эғалик;
- 2) кузатишни тизимли равишда йўлга қўйиш;
- 3) кузатишнинг ҳар бир босқичида муайян вазифаларни ҳал этиш;
- 4) ҳар бир ҳолатнинг моҳиятини синчиклаб ўрганиш;
- 5) хулоса чиқаришга шошилмаслик.

Сухбат методи. Бу метод педагогик кузатиш жараёнида эга бўлинган Маълумотларни бойитиш, мавжуд ҳолатга тўғри баҳо бериш, муаммонинг ечимини топишга имкон берувчи педагогик шарт-шароитларни яратиш, тажриба-синов ишлари субхектлари имкониятларини муаммо ечимига жалб этишга ёрдам беради. Сухбат мақсадга мувофиқ ҳолда индивидуал, гуруҳли ҳамда оммавий

шаклда ўтказилади. Суҳбат жараёнида респондентларнинг имкониятлари тўлатқис намоён билишга эришиш муҳимдир. Унинг самарали бўлиши учун қуйидагиларга амал қилиш мақсадга мувоиқ:

1) мақсаддан келиб чиққан ҳолда суҳбат учун белгиланувчи саволларнинг мазмуни аниқлаш ҳамда саволлар ўртасидаги мантиқийлик ва изчилликни таҳминлаш;

2) суҳбат жойи ва вақтини аниқ белгилаш;

3) суҳбат иштирокчиларининг сони хусусида Маълум тўхтамга келиш;

4) суҳбатдош тўғрисида аввалдан муайян Маълумотларга эга бўлиш;

5) суҳбатдош билан самимий муносабатда бўлиш;

6) суҳбатдошнинг ўз фикрларини эркин ва батафсил айта олиши учун шароит яратиш;

7) саволларнинг аниқ, қисқа ва равшан берилишига эришиш;

8) олинган Маълумотларни ўз вақтида таҳлил қилиш.

Анкета методи (французча – текшириш). Ушбу метод ёрдамида педагогик кузатиш ва суҳбат жараёнида тўпланган далиллар бойитилади. Анкета методи ҳам тизимланган саволлар асосида респондентлар билан мулоқотни ташкил этишга асосланади. Анкета саволларига жавоблар, кўп ҳолларда, ёзма равишда олинади. Ўрганилаётган жараён моҳиятидан келиб чиққан ҳолда анкета саволлари қуйидагича бўлади:

1) очиқ турдаги саволлар (респондентларнинг эркин, бафсил жавоб беришлари учун имкон берувчи саволлар);

2) ёпиқ турдаги саволлар (респондентлар «ҳа», «йўқ», «қисман» ёки «ижобий», «қониҳарли», «салбий» ва ҳоказо тарздаги жавоб вариантларини танлаш орқали саволларга жавоб берадилар).

Анкета методини қўллашда ҳам бир қатор шартларга амал қилиш зарур. Улар қуйидагилардир:

1)анкета саволлари тадқиқ этилаётган муаммонинг моҳиятини ёритишга хизмат қилиши лозим;

2)анкета саволлари йирик ҳажмли ва ноаниқ бўлмаслиги керак;

3)анкета саволлари ўқувчиларнинг дунёҳарши, ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш асосида тузилиши зарур;

4)анкета саволлари респондентлар томонидан тўла жавоблар берилишини таҳминловчи вақтни кафолатлай олиши зарур;

5)анкета ўқувчиларнинг педагогик ва психологик тавсифномаларини тузиш манбаига айлантириб юборилмаслиги зарур;

6)анкета жавоблари муайян мезонлар асосида пухта таҳлил этилиши шарт.

Интервью методи респондент томонидан тадқиқ этилаётган муаммонинг у ёки бу жиҳатини ёритувчи ҳодисага нисбатан муносабат билдирилишини таҳминлайди. Интервью респондент эҳтиборига туркум саволларни ҳавола этиш асосида ўтказилади. Интервью жараёнида олинган саволларга нисбатан тадқиқотчи томонидан муносабат билдирилиши унинг самарасини оширади.

Таълим муассасаси ҳужжатларни таҳлил қилиш методи. Педагогик ҳодиса ва далилларни текшириш мақсадида таълим муассасалари фаолияти мазмунини ёритувчи Маълумотларни текшириш мақсадга мувофиқдир. Мазкур метод Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда «Кадрлар

тайёрлаш миллий дастури» талабларининг таълим муассасалари амалиётидаги бажарилиш ҳолатини ўрганиш, бу борадаги фаоллик даражаси, эришилган ютуқ ҳамда йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ва таълим муассасаси педагогик тажрибасини ошириш мақсадида қўлланилади.

Таълим муассасаси фаолияти моҳиятини ёритувчи хужжатлар қуйидагилардан иборат: ўқув машғулотларининг жадвали, ўқув дастури, гуруҳ (ёки синф) журналлари, ўқувчиларнинг шахсий варақалари, буйруқлар, Педагогик Кенгаш йиғилиши баённомалари ёзилган дафтар, Педагогик Кенгаш ҳарорлари, таълим муассасаси сметаси ҳамда паспорти, тарбиявий ишлар режаси, ўқув-тарбия ишларини ташкил этиш борасидаги ҳисоботлар, таълим муассасаси жиҳозлари (ўқув парталари, стол стуллар, юмшоқ мебеллар ва ҳоказолар) қайд этилган дафтар ва ҳоказолар.

Мазкур метод муайян йўналишларда ўқув-тарбия ишлари самарадорлиги даражаси, ўқувчиларда ҳосил бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажми, илғор педагогик тажрибалар мазмунини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Тест методи. Ушбу метод респондентлар томонидан муайян фан қси ёки фаолият (шу жумладан, касбий фаолият) бўйича ўзлаштирилган назарий билим ва амалий кўникма, малакалар даражасини аниқлашга хизмат қилади. Тест ўз моҳиятига кўра қуйидаги саволлардан иборат:

2) очиқ турдаги саволлар (респондентларнинг эркин, бафсил жавоб беришлари учун имкон берувчи саволлар);

2) ёпиқ турдаги саволлар (респондентлар «ҳа», «йўқ», «қисман» ёки «ижобий», «қониҳарли», «салбий» ва ҳоказо тарздаги жавоб вариантларини танлаш орқали саволларга жавоб берадилар).

3) тўғри жавоб вариантлари қайд этилган саволлар (респондентлар ўз ёндашувларига кўра тўғри деб топган жавоб вариантыни белгилайдилар).

Тест методини қўллашда аниқланиши зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни туркум асосида берилишига эҳтибор бериш мақсадга мувофиқдир. Ушбу методнинг афзаллиги респондентлар жавобларини аниқ мезонлар бўйича таҳлил этиш имконияти мавжудлиги ҳамда вақтнинг тежалиши билан тавсифланади. Бироқ, метод айрим камчиликдан ҳам ҳоли эмас. Чунончи, аксарият ҳолатларда жавоблар ёзма равишда олинади, шунингдек, респондент таклиф этилаётган жавоб вариантлардан бирини танлаши зарур. Шу боис респондент ўз фикрини батафсил ифода этиш имконияга эга эмас.

Педагогик таҳлил методи. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида ушбу методни қўллашдан кўзланган мақсад танланган муаммонинг фалсафий, психологик ҳамда педагогик йўналишларда ўрганилганлик даражасини аниқлашдан иборат бўлиб, тадқиқотчи илгари сураётган ғоянинг назарий жиҳатдан ҳаққонийлигини асослашга хизмат қилади.


Болалар ижодини ўрганиш методи. Мазкур метод ўқувчиларнинг муайян йўналишлардаги лаёқати, қобилияти, шунингдек, Маълум фан қлари бўйича билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш мақсадида қўлланилади. Уни қўллашда ўқувчиларнинг ижодий ишлари – кундаликлари, иншолари, ёзма ишлари, рефератлари, ҳисоботлари муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Методнинг афзаллиги шундаки, у Маълум ўқувчига хос бўлган индивидуал имкониятни кўра олиш, баҳолаш ва уни ривожлантириш учун замин яратади.

Болалар ижодини ўрганишнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- 1) фан олимпиадалари;
- 2) турли мавзулардаги танловлар;
- 3) мактаб кўргазмалари;
- 4) фестиваллар;
- 5) мусобақалар.

Педагогик тажриба (эксперимент – лотинча «синаб кўриш», «тажриба қилиб кўриш») методи. Педагогик тажриба методидан муаммо ечимини топиш имкониятларини ўрганиш, мавжуд педагогик шароитларнинг мақсадга эришишнинг кафолатлай олиши, илгари сурилаётган тавсияларнинг амалиётда ўз инҳикосига эга бўла олиши ҳамда самарадорлигини аниқлаш мақсадида фойдаланилади. Мазкур методдан фойдаланиш тадқиқотчи томонидан илгари сурилаётган махсус методиканинг самарадорлигини аниқлай ҳамда унга баҳо бера олиши зарур.

Педагогик тажриба ташкил этилиш шароитига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:



3- чизма. Педагогик тажриба турлари

Педагогик тажриба ҳам бир қатор шартларга амал қилган ҳолда ташкил этилади. Хусусан:

- 1) тажрибанинг мақбул лойиҳа (дастур) асосида уюштирилиши;
- 2) тадқиқот илмий фаразининг пухта асосланиши;
- 3) тадқиқот объектлари вв усулларининг тўғри танланиши;
- 4) тажриба ўтказилиш вақти ҳамда давомийлигини аниқланиши;
- 5) зарур педагогик шарт-шароитлар (асбоб-ускуна, жиҳозлар, воситалар)нинг яратилганлиги;
- 6) тажриба Маълумотларини умумлаштириш, таҳлил қилиш ва натижаларни қайта ишлаш.

Математик-статистик метод тажриба-синов ишлари, шунингдек, умумий ҳолда тадқиқотнинг самарадорлик даражасини аниқлаш мақсадида қўлланилади, муаммо ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар махсус математик формулалар ёрдамида қайта таҳлил этилади. Якуний қиймат тадқиқот самарасини ифодаловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Айни вақтда педагогик йўналишда тадқиқотлар олиб боришда Стјудент, Кўвирляг, Рокич, В.П.Беспалғко ҳамда В.В.Гречихин методларидан кенг фойдаланилмоқда.

Назорат учун саволлар:

1. «Педагогика» тушунчаси қандай мазмунни англатади?
2. Таълим назарияси (дидактика) нима?
3. Тарбия назарияси нималарни ўрганади?

4. Педагогиканинг асосий категорияларини айтинг ва моҳиятини ёритинг.
5. қандай фанлар педагогик фанлар тизимига киради?
6. қандай методлар педагогик илмий-тадқиқот методлари ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент, Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ғўБаркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
4. Педагогика ғўА.Мунавварованинг умумий таҳрири остида. - Тошкент, Ўқитувчи, 1993.
5. Подласий И.П. Педагогика. В 2 кн. Кн. 2. – Москва, Владос, 1999.

5-Мавзу: Педагогиканинг методологик асоси.

РЕЖА

1. Педагогиканинг методологияси.
2. Жамият ривожланишида педагогика.
3. Педагогиканинг қонуниятлари.

Педагогиканинг фан сифатида шаклланиб бориши ижтимоий-иқтисодий зарурият бўлиб, у турли фанлар билан қадим-қадим замонлардан бошлаб боғлиқликда ривожланиб келган. Аллоҳ, еру осмонни, бутун борлиқни инсон туфайли яратиб, унга ақл гавҳарини, тафаккур қилиш қобилиятини берди ва ер юзига халифа этиб юборди. Ўзининг мавжудлиги ҳар бир ишга қодирлигини, илмда тенгсизлигини, меҳру мурувватда беқиёслиғни билдирди. Исломда илм беришда бир-бирига боғлиқ бўлган дин ва дунё ҳақида тушунча мавжуд, улар алоҳида тушунча эмаслиги исботланган. Дунёвий деб аталадиган илмларнинг барчаси Қуроони Карим таълимоти билан борлиқ ва уйғундир. Чунки исломий хидоятнинг бутун инсониятга қарата айтилган илк китоби «ўқи» сўзи эди. Яони, илк бор нозил бўлган «Алақ» сурасида «Яратган зот бўлмиш Роббингиз номи билан ўқинг! У инсонни лаҳта қондин яратди. Ўқинг!» Демак, Қуроон инсониятни маорифатга, илмга чорлаб, ўрганмоқ учун ўқишни амр этмоқда. Шунини таъкидламоқ керакки, педагогика фанининг методологик асоси диний ва дунёвий фанлар таркибида ривожланиб келган. Қуроонда «Илм» сўзи турли тилларда 765 марта такрорланади. Ғарб файласуф олимлари ҳам ислом фалсафасига суянган ҳолда ижод этганлар.

Ислом таълимоти барча фанларнинг асосни негизидир. Француз файласуфи Жак Кондерсе «Тафаккур тараққиётининг тарихий манзараси чизгилари» номли асарида «Ўрта асрлар мусулмон оламида тўпланган илмий билимлар Ғарбда Уйғониш даврини тайёрлашга хизмат қилмаганида инсоният бесамар йўқолиб кетар эди», деб ёзганлиги сўзимиз далилидир.

Қадимги Юнонистонда Сукрот, Аристотел, Платонлар ғояга асосланган ўзларининг инсон камолоти ва тарбия масалаларининг фалсафий негизини яратган. Аристотел «Искандарга қилган насиҳати» да инсонни энг юксак фазилати тақводорлик, иймонли, илмли бўлишлигини алоҳида таъкидлаган эди, яъни: «Тақводорлик иймон воситасида камол топади. Иймон эса фикру андиша соясида ҳосил бўлади», деган эди. Машҳур физик Энштейн шундай деган: «Аллоҳ» бўлган иймон илмий изланишларнинг энг улкан самарасидар.

Форобий ўз даврининг буюк олими сифатида кўпгина фанларга оид асарлар ёзиш билан бирга Шарқда қадим юнон фалсафаси, дунёнинг энг машҳур олими Аристотелнинг асарларини уларга шарҳлар ёзиш ғояларини тарғиб этади ва янада ривожлантиришга улкан ҳисса қўшади, бутун уларга шарҳлар ёзиш ғояларини реуф ғоясини янада ривожлантиришга улкан ҳисса қўшади, бутун Шарқда «Иккинчи муаллим» унвонига сазовор бўлди. У юнон олимлари Платон, Гален, Евклид, Парафий, Сукрот каби олимлар рисоаларига шарҳлар ёзди.

Форобийнинг фикрича, мавжудотнинг энг буюк ва энг етук маҳсули-бу одамдир. Инсон ўзининг онги, ақли, сезиш қобилиятига эгадир. Инсон ўз ақли ёрдамида ўзини ўраб олган мавжудот моҳиятини тушунади. Форобийнинг педагогик таълимотлари ўз даври учун, айниқса, катта аҳамиятга эга бўлиб, инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган. Форобий инсонпарварлиги унинг таълим-тарбия, инсон шахсни камол топтиришнинг йўл-йўриқлари, илм-маорифатига унинг усуллари, ижтимоий муаммоларни ечиш масалалари асосида ётади. Бу эса бугунги педагогиканинг метадологик асосларини яратишда ўз ўрни бор.

Халқ оғзаки ва ёзма ижодиёти, халқ ёдгорлик обидалари тараққиёт жараёнида пайдо бўлган, ривожланган қадрият даражасига кўтарилган аноаналар, урф-одатлар, расм-русмлар, амалий фаолиятда катта аҳамият касб этади.

Педагогика фани методологиясининг яратилишида қомусий мутафаккирлар ва машҳур педагогларнинг ўрни диққатга сазовордир. Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Рудакий, Фирдавсий, Алишер Навоий, Воиз Кошифий, чех олими Ян Амос Коменский, швейцариялик педагог Иоганн Генрих Песталоцци, немис педагогик Адолф Дистерверг, рус педагоги К.Д.Ушинский Кабилар ўз ижодиётларида педагогиканинг методологик асосини яратдилар. Педагогика фанининг мазмуни, мақсади, вазифалари, тамойил, услуб ва воситалари, умуман ҳар бир инсон учун зарур бўлган тарбиявий таосирлар янгича асосга эга бўлиши керак.

Аввало, педагогика фанининг методологик асоси, тадқиқот методлари, мақсад ва вазифалари, янги йўналишлари, таълим ва тарбия мазмуни, шакл ва методлари ҳамда бошқа қатор муаммолар янгича ёндашув миллий истиқлол ғоялари ва миллий мафкура асосида яратилиши муҳим. Шунингдек, Президентимиз И.А.Каримов ўз рисола, нутқ ва суҳбатларида илгари сурган фикрлар, ғоялар, ана шу фикр ва қарашлар асосида яратилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» педагогика фанининг методологик асоси саналади.

Шу билан бирга педагогика фанининг ҳам ўз илдизлари, сарчашмалари мавжуд. Маолумки, таълим-тарбия тарихига назар ташлар эканмиз мозийда ҳам энг муҳим, бош масала инсон, уни баркамол этиб тарбиялаш бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Энг қадимги манбалардан бошлаб, кейинчалик пайдо бўлган таълимий-ахлоқий асарларда ҳам назарий, ҳам амалий масалалар таҳ-ил этилганки, унинг асосида инсон шахсини маонавий-ахлоқий шакллантириш муаммоси марказий муаммо бўлган. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаридан бошлаб, Кайковуснинг «Қобуснома», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойик», Саодийнинг «Гулистон», Алишер Навоийнинг «Махбуб ул-қулуб», Абдулла Авланийнинг «Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ» ва бошқа жуда кўп дидактик асарларнинг ҳар бирини бир педагогик дарслик десак янглишмаган бўламиз. Биз ана шу асарларга таянган ҳолда тадқиқот ишларини олиб борган тақдирдагина педагогиканинг илмий асосларини бойитган бўламиз.

Президентимиз ИА.Каримов бу борада шундай деган эди: «Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади. Бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маонавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик»

Ўзбекистонда мустақилликни сақлаб қолиш ва уни мустаҳкамлашда, педагогика фани ва унинг методологик асосларига бевосита боғланган ҳолда, ҳар бир педагог масалага ижодий, ривожланувчи нуқтаи назаридан ёндашиши зарурдир. Ана шунда мазмунан янгиланаётган замон талаблари асосида шаклланаётган педагогика - инсон рухиятига таъсир этувчи замонавий методлар асос бўлгандагина ҳақиқий, миллий ва замонавий тарбияшунослик фанига айланиши муқаррар.

3. Педагогик тушунчалар

Педагогика фани мустақил фан тармоғи сифатида ҳамма вақт ўзининг асосий тушунчаларига эга. Бироқ бу тушунчаларнинг айримлари давр ва ҳукмрон мафкуранинг ғоялари асосида ўзгариб турган.

Янгиланаётган бугунги педагогика илмидаги тушунчалар ва таорифлар эса, асосан, миллий истиқлол мафкурасига мос, умуминсоний қадриятлар ва миллий ўзига хослик билан биргаликдаги уйғунлик асосида яратилмоқда.

Педагогиканинг бир-бири билан узвий боғланган муҳим тушунчалари қуйидагилардир: тарбия, таълим, маолумот, инсон камолоти, инсоннинг шаклланиши, ўқитиш, тарбиянинг асосий қонунлари ва мақсади, педагогик жараён, педагогик муҳит, тарбия турлари (ҳукуций, иқтисодий, меҳнат, экологик, ахлоқий, жисмоний ва эстетик), тарбия услублари, таълим методлари, педагог-психологик тушунчалар (рухият, шахс, фаолият, ўз-ўзини англаш, мулоқот, рухий жараён ва ҳолат, малака, қобилият, жўшқинлик, ҳарактер, идрок, диққат, хотира, тафаккур, сезги, ҳиссиёт, ўрганиш ва ўргатиш).

Юқорида келтирилган педагогик тушунча (категория) ларнинг барчасига таориф бериш ва изоҳлаш мавзуимиз ҳажмий даражаси имконидан ташқари

бўлганлиги боис педагогикада энг кўп қўлланиладиган асосий тушунчаларгагина изоҳ беришни лозим топдик.

Тарбия - ҳар бир инсоннинг ҳаётда яшаши жараёнида орттирган сабоқлари ва интеллектуал салоҳиятларининг ижобий кўникмасини ўзгаларга бериш жараёни.

Чунончи, тарбия кенг социал маонода ижтимоий ҳодиса сифатида қўлланилганда жамиятнинг барча тарбиявий воситаларини ўз ичига олади.

Тарбиянинг обьектив қонунлари - ўқув-тарбиявий жараёни ташкил этиш ва ижтимоий ҳаётнинг шахсни, уни ўзига хослиги ҳамда сифатларини шакллантириш талабалардаги турғун бўлган аноаналардир.

Дарҳақиқат, тарбия ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ҳодисалардир. Тарбия юксак маонавий, жисмоний баркамоллик, яхшининг ёмондан фарқини англаш, юксак инсоний фазилатларини шакллантириш қудратига эгадир. Тарбия кишилик жамиятининг ҳамма босқичларида ривожланиб, ўсиб, авлоддан-авлодга ворислик вазифасини бажарадиган ҳодиса. Лекин ҳар бир жамиятда тарбиянинг мақсади, вазифаси, мазмуни ўзига хослиги билан фарқ қилади.

Халқ иқтисодий, сиёсий ва маонавий заруратдан келиб чиқиб, ёш авлодни тарбиялаш муаммолари дастлаб халқ оғзаки ижодиёти, халқ педагогикаси, ёзма ёдгорлик ва пандномаларда, мутафаккир ва маорифатпарварларнинг асарларида бош мавзу бўлиб, комил инсон шахсини шакллантириш учун зарурий ҳодиса сифатида талқин этилган. Халқ оғзаки ижодиётида тарбия бош масала сифатида тавсифланган бўлса тарбия ва одоб, ватанга чексиз муҳаббат, адолат, инсоф, ботирлик, меҳнатсеварлик, билимдонлик каби ғоялар тарбия воситаси тарзида қўлланилган. «Ватан қадрини билмаган ўз қадрини билмас», «Ватанга келган иймонга келар». «Бола туққанники эмас, тарбиялаганники», «Ота ғайратли бўлса, бола ибратли бўлар» каби халқ мақоллари бевосита тарбияга дахлдордир. Ҳадис илмида тарбиянинг инсон камолоти учун чексиз муҳаббат, илмий туйғу каби сифатларнинг изоҳи ҳам берилади. «Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшилангиз», «Отага итоат қилиш-тангрига итоат қилишдир» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Халқ оғзаки ижодиёти ва педагогикасида тарбия муаммоси инсон учун зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий, жисмоний, маонавий, ахлоқий сифатларни

қамраб олган бўлиб, тарбия орқали амалга ошириш назарда тутилади. Алишер Навоийнинг «Махбуб ул-қулуб» асарида келтирилганидек:

Қобилга тарбия эрур ул навоқин гуҳар
Тушса, нажосат ичра ювгай кимса ани пок.
Гар ит узумига киши май бирла берса сув,
Бу тарбия билан қила олгайму ани ток.

Қуйидаги сатрларда аллома тарбияни кимга беришни ҳам билиш кераклигини таъкидлаб, тарбия жараёнини тўғри ташкил қилишга, унинг қонун-қоидаларига амал қилишга ҳам чорлайди. Педагогика фанида тарбия - инсон тарбияси муаммоларини асосий мақсад қилиб, баркамол шахсни шакллантиришга замонавий педагогика фани ютуқларидан фойдаланиш билан бир қаторда миллий ва умуминсоний қадриятларимиздан фойдаланиш ва ижодий ёндошишни талаб этади. Бу талаб аждодларимиз ғояларига суяниб, қуйидаги қонунларга асосланиши зарур деб ҳисоблаймиз:

-Тарбия инсон фаолияти жараёнида тартибли таъсир этувчи омил бўлиб, натижасини инсоннинг яшаб турган ижтимоий шароити белгилайди;

! -Инсон камолотини ҳаракатлантирувчи куч, қарама-қаршиликларни мавжудлиги унинг шахсий ҳаётида намоён бўлади;

-Инсон фаолияти жараёнида атрофдаги нарса ва ҳодисаларга қизиқиш уйғотиш ва уни эҳтиқодга айлантириш лозим. Чунки инсоннинг жамиятда бўлган муносабатида, теъарак-атрофда кечаётган воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабатида намоён бўлади;

-Тарбия жараёни ёшларнинг катталар билан, катталарнинг ёшлар билан қонуний муносабати натижасида амалга оширилишини[таъминлаши демакдир.

-Тарбия жараёнининг қонун, қоида, таъойил ва методларини педагогиканинг тарбия назарияси қисми чуқур, атрофлича ўрганади.

Таълимга умумий тарзда қуйидагича таъриф бериш мумкин: маълум мақсадга йўналтирилган, режали равишда амалга ошириладиган ўқитувчи-ўқувчиларнинг ўзаро мулоқот-муносабати бўлиб, ўқув фанларига оид тушинчаларни ва етакчи ғояларни ўқувчилар онгига сингдириб боришга асосланади. Бунинг натижасида ўқувчида маълумот, тарбия ва умумий шаклланиш, ривожланиш амалга ошади.

Таълим бериш ўқувчиларга билимни тартибли баён қилиш жараёнидир. Таълим ва тарбия узвий боғланган жараён бўлганлиги сабабли тарбияланган комил инсон ақлий камолотига тартибли таосир кўрсатиш орқали илмли, баркамол инсон бўлиб етишади. Таълим жараёни инсонларга нималарни бериши ҳақида Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билик» асарида шундай ёзган эди:

Ўқув қайда бўлса, улуглик бўлур,

Билим кимда бўлса, буюклик олур.

Ўқувли тирикдир, ўқувсиз-ўлик,

Келу, эй ўқувсиз, ўқув ол ўлик.

Таълим инсон ақлий камолотини юзага чиқарувчи педагогика-тарбияшуносликнинг бир қисмидир. Педагогиканинг дидактика бўлими уни атрофлича ўрганади.

Маолумот - ўқитиш ва ўзича мустақил билим олиш жараёни бўлиб, унинг натижасида кишида билим, иқтидор, малака ва ижобий қобилиятларнинг ривожланганлиги, илмий дунёқарашнинг шаклланганлиги назарда тутилади. Педагогик маолумот ўрта ва олий даражада бўлиб, ўрта маолумот махсус академик лицей, педагогик коллежларда босқичли шаклда борилади. Натижада ўрта маолумот ҳақидаги гувоҳнома берилади. Олий педагогик маолумотли мутахассислар университетларда, педагогика институтларида, бакалаврият ва магистратура босқичларида тайёрланади.

Фанлар тизимида педагогиканинг ўрни ва аҳамияти

Педагогика фани инсонда жаҳон тажрибаларида синалган тизим бўлган бозор муносабатларини шакллантириш, миллий мерос, аносаналар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг бой манбалари бўлган маонавий-маорифий тушунчалар ҳақида билим, малака ҳосил қилишда бошқа фанлар қатори ўз ўрни ва алоқадорлиги бор. Педагогика биринчи навбатда фалсафа билан муштарак ривожланиб келган. Чунки фалсафадан ажралиб чиққан педагогика инсоний жамият ва табиат ривожланишининг умумий қонунларидан илмий манба сифатида фойдаланади.

Бугунги кунда бир қатор умумий масалалар ишлаб чиқилганки, у масала фалсафада ҳам, педагогикада ҳам баробар мавжуд. Булар жумласига, тарбия билан бошқа ижтимоий ҳодисалар орасидаги ўзаро алоқалар: дунёқарашни,

ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбияни шакллантириш масалалари; шахс ва жамоа муносабатлари; таълим жараёнининг моҳиятини тушуниш ҳамда билишнинг диалектик назариясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган генесеологик масалалар ва бошқа муаммолар киради. Педагогиканинг аниқ масалаларини ишлаб чиқишда фалсафанинг социология, этика (ахлоқ-одоб), эстетика каби тармоқлари катта аҳамиятга эгадир.

Педагогика ижтимоий фанлардан: иқтисодиёт, психология ва физиологиялар билан ҳам бевосита ва билвосита боғлиқдир.

Инсоннинг ақлий ривожланиши қирраларини, жиҳатларини бошқа фанлардан фарқи ўлароқ, педагогика инсон ЦМВш, унинг тараққиёт босқичлари билан шуғулланади. Бугунги кунда педагогика фанига кўп тармоқли фан сифатнда мисол бўлмоқда. Жумладан, педагогика фанлари тизимида этно-педагогика, мактабгача таълим педагогикаси, касбий таълим педагогикаси, олий мактаб педагогикаси, «ахлоқ тузатиш ва меҳнат, жисмоний камолот педагогикаси, ҳарбий педагогика, махсус педагогика: кар соқовлар (сурдо) педагогикаси, тафло педагогикаси, ақлий жиҳатдан орқада қолган (болалар) педагогика, логопедагогика, педагогик маҳорат киради. Педагогика фанининг бошқа фанлар билан алм[^]кн. Педгогиака фани инсон тарбияси билан шуғулланганлиги сабабли унга а фанлар кўмаклашиши табиийдир. Инсон тарбиясининг соҳасини олиб кўрсангиз, у қайсидир фан билан алоқадор амалга оширилади, ўша фаннинг қонун-қоидаларига сурдо-Педагогиканинг методологик асоси, билиш назарияси ва тарихиаги қонун-қоидалар бевосита фалсафа фанининг таъсирида амалга оширилади. Абу Наср ал-Фаробий «Талхисул навомиси Афлотун» (Афлотун қонунларининг моҳияти) асарида инсон камолатини фалсафа фанининг таъсирида ривожланншини шундай ўргатган эди: «Яхши фазилатга эга бўлган шаҳар аҳолиси энг бахтиёр одам бўлиши, қонунларга ихтиёрий бўйсуунишни таинлаш учун қонунларни такомиллаштириш, улардаги қоидаларни мустаҳкамлаш учун зарурдир». Педагогика, психология, ҳуқу ва тиббиёт фанларидаги қонун - қоидаларга бевосита боғланади. Педагогика фанида болаларни даврларга бўлиш талимини асослашда анатомия, физиология, мактаб гигиенаси к фанларнинг ҳам ўрни каттадир. Педагогика илмий тадқиқот м

тодларни такомиллаштиришда математика, физика, ЭҲМ касб фанлар билан боғланади.

Мустақил Ўзбекистонда миллий педагогика фани бевосита иқтисод фани билан боғланиб, бозор иқтисодиётига ўтиш муамоларини, иқтисодий тарбия масалаларини узвийлик билан амалга оширади.

Педагогика фанида бу улуғвор вазифа ҳар бир ўқув фанини ўқитишда “миллий таълим модели”дан келиб чиқиб, ҳар бир мавзу, тушунчаларнинг таълимий, тарбиявий ривожлантирувчи функцияларни олишнинг методологик, тарбия назарияси ва амалиёти, таълим назарияси ва амалиёти, таълим тизимини бошқариш, педагогика тарихига доир бўлимларида асослаб берилади.

Адабиетлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. —Т.: ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. —Т.: ўзбекистон, 1993.
3. Каримов И.А. ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. —Т.: ўзбекистон, 1993.
4. Каримов И.А Баркамол авлод орзуси. – Т.:Ўзбекистон 1998
5. Педагогика. Ўқув қўлланма. Ж.Хасанбоев, О.Мавлонова. Т.: 2006 й
6. Подласый И. П. Педагогика (учебник для вузов) в 2 кн. Книга 1– М.: ВЛАДОС, 2000. (10-40, 44-68 стр.)
7. Педагогика (проф. А. К. Минавваров таҳрири остида). Т. 1996 й.

Мавзу -6: Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизими ва турлари.

Р Е Ж А:

1. Узлуксиз таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари.
2. Узлуксиз таълим тизимини ислох қилиш йўналишлари.
3. Узлуксиз таълим тизими ва турлари

1. Узлуксиз таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари.

Ўзбекистон Республикасида таълим жамиятининг ижтимоий – иқтисодий, мадавий – маданий ривожлантиришнинг устивор соҳаси эканлиги таълим ислохиятини педагогик таълим мазмунини ўзгартиришдан бошлашни тақозо этади. Соҳани ҳар томонлама ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири Республика бўйича таълимнинг замонавий муштарак тизимини яратиш ва уни такомиллаштиришдир. Республикада ягона таълим тизими яратилган бўлиб, у мактабларгача тарбия, умумий таълим, мактабдан ташқари таълим, хунар – техника таълими, ўрта–махсус таълим, олий таълим, илмий ва илмий педагогик ходимлар тайёрлаш, ходимларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, оиладаги таълим ҳамда мустақил таълимни ўз ичига олади.

Ушбу тизим халқ таълими тармоқларидаги турли қарашлар, йўналишларни бартараф қилиб таълимни такомиллаштириш ва ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, ишлаб чиқариш усуллари асосига қурилган.

Тизим қуйидаги қоидаларга асосан амалга оширилади:

- Узлуксиз таълим тизимининг янгилиги, унинг барча қисмлари билан ўзаро алоқада бўлиши;
- Шахс ва жамиятнинг талабидан келиб чиқиб, таълимнинг ҳар тамонлама мақбул йўллари танлаш, фан ва ишлаб чиқаришнинг шунингдек таълим ва тарбиянинг меҳнат билан алоқасини мустаҳкамлаш;
- Мутахассислар тайёрлайдиган ва малакасини оширадиган ўқув даргоҳларида ўқитишнинг мақбул услуб ва шакллари қўллаш;
- Таълимнинг давлат стандартларини (ДТС) жорий этиш;
- Узлуксиз таълимда рухий – педагогик услубларни қўллаш, шахсни қобилиятни тест йўли билан иқтидорини аниқлаш;
- ходимлар тайёрлашнинг илмий ва миллий асосларини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқилган кенг қамровли ўқув тарбия тизимининг аниқ дастурини барча тармоқларда амалга оширишнинг назорат қилиш, унинг ички боғлиқлигини таоминлаш;
- бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида таълимни ҳар тамонлама химоялаш чора – тадбирларни излаш бошқаришнинг замонавий, иқтисодий негизларини ташкил қилиш;
- Халқ таълими соҳасида халқаро алоқаларни йўлга қўйиш, дунёвий билим бериш технологиясини қўллаш, дунёвий таълим стандартларининг ўзига хос усулларини танлаш.

Узлуксиз таълим тизимининг ҳаётга тадбиқ этилиши халқ таълими фаолиятни тубдан ўзгартиради ҳамда малакасининг ижтимоий – иқтисодий ривожига муҳим ҳисса қўшади.

Узлуксиз педагогик таълим тизимида педагог ходимлар тайёрлаш босқичли амалга оширилади.

2. Узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўллари.

Узлуксиз таълим соҳасида ислохатлар қуйидагиларни назарда тутати:

- таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш, тарбиячи, ўқитувчи, муаллим ва илмий ходимнинг касбий нуфузини ошириш;
- давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг ҳар ҳил турларини ривожлантириш;
- мажбурий умумий ўрта таълимдан ўрта махсус, касб – ҳунар таълимига ўтилишни таоминлаш;
- махсус, касб-ҳунар таълимнинг марказлари сифатида Фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашган янги типдаги ўқув муассасаларини вужудга келтириш;
- халқни бой миллий меросига асосланган ҳолда таълим олувчиларнинг маонавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш;
- таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жамоат бошқаруви шакллари ривожлантириш, таълим муассасаларини минтақалаштириш;
- таълим олишда ота-оналар, оила, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, ҳайрия ва халқаро фондларнинг ролини кучайтириш;
- таълим жараёни ва кадрлар тайёрлашга ҳолис баҳо берадиган тизимини яратиш ва жорий этиш;
- таълим тизимини молиявий, моддий-техника билан таоминлаш механизмларини шакллантириш;

- таълим ва илм – фан билан боғлиқ чет эл ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш;
- туб ерли миллатга мансуб бўлмаган шахслар зич яшайдиган жойларда улар ўз она тилларида таълим олишлари учун ташкилий ва педагогик шарт – шароитлари яратиш;
- таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва санитария-гигиена таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш.

3. Узлуксиз таълим тизими ва турлари.

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари ДТС асосида, турли даражадаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таоминланади. У қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади:

- Мактабгача таълим;
- Умумий ўрта таълим;
- Ўрта махсус, касб – ҳунар таълими;
- Олий таълим;
- Олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- Кадарлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;
- Мактабдан ташқари таълим;
- Оилада ва мустақил таълим.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделни ўзига хос хусусияти мустақил равишдаги тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта махсус, касб – ҳунар таълимини жорий этишдан иборатдир. Бу эса умумий таълим дастурларидан ўрта махсус, касб – ҳунар таълими дастурларига изчил ўтилишни таоминлайди. Умумий таълим дастурлари:

- а) Мактабгача таълим.
- б) Бошланғич таълим (I – IV синфлар)
- в) Умумий ўрта таълим (I – IX синфлар)
- г) Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини қамраб олади.

Мактабгача таълим.

Мактабгача таълим бола соғлом, ҳар тамонлама камол топиб шаклланишини таоминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Бу таълим бола 6-7 ёшга етгунча давлат, нодавлат ташкилотларида ва оилада амалга оширилади. Бу таълимни мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондлар фаол иштирок этади.

Бу соҳани ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим.

1. Малакали тарбиячи ва педагог кадрларни устивор равишда тайёрлаш.
2. Мактабгача таълимни самарали психо-педагогик услубларини излаш ва жорий этиш.
3. Болаларни оилада тарбияланишни ташкилий, психо-педагогик ва услубий жихатдан таоминлаш.
4. Замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва ўйинлар яратиш уларни ишлабчиқиш.
5. Болаларни ҳалқнинг бой маданий –тарихий мероси ва қадриятлар асосида маонавий-ахлоқий жихатдан тарбиялаш учун шарт – шароитлар яратиш

6. Дастурларни ўзига мосини танлаб олиш, малакали маслахатлар бериш хизматни яратиш.
7. Мактабгача тарбия ва соғломлаштириш тармоғини қўллаб – қувватлаш ва ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш

Умумий ўрта таълим.

Тўққиз йиллик (I – IX синфлар) ўқишдан иборат умумий ўрта таълим мажбурийдир. Таълимнинг бу тури бошланғич (I – V синфлар) таълимни қамраб олади, ўқувчининг фанлар асосида бўйича мунтазам билим олишлари, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжи, асосий ўқув – илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий кадрятларга асосланган маонавий – ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишини ва касб танлашни шакллантиради. Умумий ўрта таълим тугаллангандан кейин таълим фанлари ва улар бўйича олган баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат томонидан тасдиқланган намунадаги аттестат берилади.

Умумий ўрта таълимнинг янгича тизим ва мазмунини шакллантириш учун қуйидагилар зарур:

1. Мактабнинг I–IX синфлари доирасида сифатли умумий ўрта таълим олишни таоминловчи ДТС ишлаб чиқиш ва жорий этиш, бунда академик лицейлар ва касб – ҳунар коллежларидан кейин олинадиган таълим дастурлари билан мантикий боғлиқлик ҳисобга олиниши лозим.
2. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш
3. Худудларнинг жўғрофий ва демографик хусусиятларига, шахс, жамият ва давлатнинг эҳтиёжларига мувофиқ равишда таълим муассасаси тармоқларини ривожлантириш.
4. Ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувини жорий этиш.
5. Таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув – услубий мажмуаларини яратиш ва ўқув – тарбия жараёнини дидактик жиҳатда таоминлаш.
6. Ўқувчилар касб-ҳунар танлайдиган ва психо-педагогик жиҳатдан маслахатлар оладиган марказлар ташкил этиш.

Ўрта махсус, касб – ҳунар таълими.

Умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати 3 йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касб – ҳунар таълими узлуксиз таълим тизимидаги мустақил турдир. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналиши академик лицей ёки касб – ҳунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.

Академик лицей ДТС га мувофиқ ўрта махсус таълим беради. Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларига қараб жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, сохалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишни таоминлайди. Бола ўзи танлаб олган соҳа бўйича (гуманитар, техника, аграр) билим ва кўникмаларни ўқишни муайян олий даргоҳларда давом эттириш, ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлари мумкин.

Касб – ҳунар коллежи тегишли ДТС доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради. Болани касб-ҳунар мойиллиги, билим ва кўникмаларни чуқур

ривожлантириш, танлаб олинган касб – ҳунар бўйича бир ва бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради. Касб-ҳунар коллежларининг жихозланганлик даражаси, педагогик таркибни танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этиш бўйича янги типдан ўқув муассаса ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-ҳунарни эгаллаш тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради. Битирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом берилади. Бу дипломлар ёшларга ўқишни кейинги босқичда давом эттириш ёки эгаллаган ихтисос бўйича меҳнат фаолиятини давом эттириш ҳуқуқини беради.

Ўрта махсус, касб ҳунар таълими ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур.

1. Ҳар икки муассасалар фаолият кўрсатишнинг норматив базаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.
2. Олий таълим, ишлаб чиқариш, фан ва маданият мутахассисларининг жалб этган ҳолда юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг шу жумладан чет элда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш.
3. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими ДТС ишлаб чиқиш ва жорий этиш.
4. Ҳар иккала муассаса учун таълим ва ўқув-услубий мажмуалар, касб-ҳунар дастурлари ишлаб чиқиш.
5. Меҳнат фаолияти кўникмаларини эгаллашлари учун ихтисослаштирилган дастурлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш.
6. Коллежлар битирувчиларига нисбатан ихтисос ва касб-ҳунар, малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиш.
7. Ҳар икки муассасаларнинг моддий-техник ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш.

Олий таълим.

Олий таълим ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими негизига асосланади ҳамда (бакалаврият ва магистратура) босқичга эга. Олий таълим муассасаларига талаба қабул қилиш.

а) давлат грантлари

б) пуллик-шартномавий асосда амалга оширилади.

Бакалаврият – Мутахассисликлар бўйича фундаментал ва амалий билим беради ва таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Бакалаврлик дастури тугагандан сўнг битирувчиларга давлат аттестацияси яқунлариғабиноан касб бўйича «бакалавр» даражаси берилади ва давлат томонидан касб-ҳунар билан шуғилланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Магистратура - аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизига таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир «Магистр» даражасини берадиган давлат малакаси аттестацияси магистрлик дастурининг интихосидир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб – ҳунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Икки босқичли олий таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур.

1. Икки босқичли ДТС ни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.
2. Олий таълимга профессор ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, чет эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларда тайёрлаш.
3. Олий таълим муассасаларида таркибий ўзгаришлар ўтказиш .
4. Олий таълим муассасаларида бошқарувни шакллантириш, мустақиллигини кучайтириш, жамоат назорат бошқарувни жорий этиш.
5. Олий таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси таосирчан механизмни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.
6. Ўқишни, мустақил билим олишни кучайтириш ҳамда масофадан ўқитиш таълим тизими технологияси ва воситаларни ишлаб чиқиш ва тўлиқ ўзлаштириш.
7. Янги педагогик ва ахборот технологиялари, тайёргарликнинг модел тизимидан фойдаланган ҳолда талабаларни ўқитишни жадаллаштириш.
8. Таълимнинг ҳалқ бой меросига, умум башарий кадриятларга асосланган ҳолда инсонпарварлик йўналишларини таоминлаш.

Олий ўқув юртида кейинги таълим

Бу таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим касб – хунар манфатларини қаноатлантиришга қаратилган. Бу таълим;

- а) аспирантура
- б) адоюнктура
- в) докторантура
- д) мустақил тадқиқотчиликлар мужассамлашган.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим босқичлари диссертация химояси билан якунланади. Якуний давлат аттестацияси натижасига кўра тегишли равшда фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом топширилади. Олий ўқув юртдан кейинги таълимни ривожлантириш тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олади.

1. Олий малакали илмий ва илмий – педагогик кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш.
2. Касб таълим тизими учун олий малакали илмий – педагог кадрларни устивор равишда тайёрлайди.
3. Ривожланган давлатларнинг илмий марказларида устувор йўналиш бўйича олий малакали, илмий – педагог кадрлар тайёрлаш учун шарт шароитларни яратиб бериш.
4. Фан, технология ва таълим соҳасида ривожланган мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.

Ўзбекистон таълим тизимида рахбарлар ва мутахассислар касбий ва лавозим малакасини оширишни таминловчи малака ошириш ва қайта тайёрлашни ягона тизими мавжуд. Бу давлат ва бошқа ўқув муассасаларида бепул ёки пуллик шартнома асосида амалга оширилади. Ҳалқ таълими тизимида 15 та малака ошириш институтлари бўлиб, шундан Республика ҳалқ

таълими ходимларини малакасини ошириш Марказий институтини ва 14 та вилоятларда малака ошириш институтлари ҳамда курслар ишлаб турибди. Бу институтларда кадрлар ўз касбий маҳоратларини ошириб билимларни мустахкамлайдилар.

Хлақ таълими ходимларининг малака оширишдан асосий кўзланган мақсадлари:

1. Малакка ошириш давригача оралиқдги Янги билимлар олиш ва эгаллаш.
2. Касб маҳорати ва малакасини такомиллаштириш.
3. Ўз устида ишлаш зарурити кўникмасини ҳосил қилиш, курс давомида ўзаро тажриба алмашиш.
4. Курс давомида уни қийнаб келаётган муаммоларга ечим (жавоб) топиш.

Малака оширишнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- ишлаб чиқаришда ажралган ҳолда вилоят, туманда ўтказиладиган курслар;
- интернет тарздаги курслар;
- эркин тингловчилик курслари;
- сиртки ва қатновчи курслар;
- муаммоли (мақсадли) курслар;
- шахсий режа асосидаги курслар;
- муаллифлик курслари (илғор педагоглар базасида);
- туман ва шаҳрлараро доимий ҳаракатдаги курслар.

Шуларнинг ичида ишдан ажралмаган ҳолда малака ошириш кенг қўлланилиб келмоқда.

Бозор шароитида педагоглар учун мустақил ҳолда малака ошириш асосий йўналиш бўлиб қолиши керак. Зеро, ҳар қандай малака ошириш курслари доимий мустақил мутаала қилиш ўрнини боса олмайди.

Бундан ташқари, малака ошириш жараёнининг дастлабки босқичлари ўз устида ишлаш, ўзаро дарсларга кириш, метод бирлашмалари, педагогик кенгашлари, курсий бирлашмалар ишларида, турли илмий-амалий анжуманларда, педагогик ўқишлар, халқ университетлари ишларида иштироки билан белгиланади. Малака ошириш тизимида ўз ечимини кутаётган муаммолар жуда кўп. Масалан,

- а) малака оширишни бозор иқтисодиётига мослаб қайта ишларни ташкиллаш.
- б) меҳнатга провард натижага қараб ҳақ тўлаш.
- в) ўқитувчи малакаси мезонини курсгача ва курсдан кейин ҳисоблаш меҳанизминини ишлаб чиқиш.
- д) малака ошириш институтларида дарс самарадорлигини ошириш мақсадида илмий жиҳатдан педагоглар сифатини қайта кўриб чиқиш.
- г) ўтилаётган машғулотларни таҳлил қилиш, баҳо беришни йўлга қўйиш.

Мактабдан ташқари таълим.

Ўзбекитон Републикаси «Таълим тўрисидаги қонун» нинг 10-моддасига асосан болаларнинг эҳтиёжларини, ҳолис фикрини рўёбга чиқариш, уларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида давлат муассасалари, турли мулк шаклларида эга бўлган корхоналар, жамоат ташкилотлари ва алоҳида фуқаролар маданий-бадий, илмий-табiiй, техника, спорт ва бошқа йўналишларидаги мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин. Бу

ташкilotларнинг вазифаси: Ватанга фидоий, халқпарвар, миллий аноана ва урф-одатларни биладиган ва кадрлайдиган ишбилармон мустақил, олий ҳиммат, яратувчан, байналминал хис туйғулар эгаси бўлган ёшларни тарбиялаш.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. И.А.Каримов «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». Тошкент. 1998 й.
2. Ж.Йўлдошев «Ўзбекистон таълим – тараққиёт йўлида». Тошкент. 1994 й.
3. Ж.Йўлдошев «Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари» (ёхуд ўқитувчи бўлиш осонми?). Тошкент. 1998 й.

7-Мавзу: Шахс ривожланиши тарбияси, ижтимойлашуви.

РЕЖА

4. Педагогикада шахс тушунчаси ва таорифи.
5. Шахс ривожланишининг биологик ва ижтимоий омиллари.
6. Бола шахси тарбия обьекти ва субьекти сифатида.
7. Шахс тараққиётининг ёши ва ўзига хослиги
8. Болалар иқтидорлилигининг турлари ва меъзонлари

Шахс ривожланиши ҳақида тушунча. Индивид, шахс, индивидуаллик. Шахс тушунчаси инсонга тааллуқли бўлиб, психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, муайян хулқ-атвор ва дунёқарашга эга бўлган жамиятнинг аҳзосини ифодалашга хизмат қилади. Одам шахс бўлиши учун психик жиҳатдан ривожланиши, ўзини яхлит инсон сифатида ҳис этиши, ўз хусусиятлари ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қилмоғи керак.

“Индивид” нима? Бола Маълум ёшга қадар “индивид” саналади. Индивид (лотинча “individuum” сўзидан олинган бўлиб, «бўлинмас», «алоҳида шахс», «ягона» маъноларини англатади) хатти-ҳаракатларини шартли рефлекс ёрдамидагина ташкил эта олувчи биологик мавжудотдир.

Индивидуаллик эса шахснинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, унинг намоён бўлиши тарбия жараёнини амалга оширишда бола шахсини пухта ўрганиш, унинг яшаш шароитларидан етарли даражада хабардор бўлиш ва уларнинг ҳисобга олинишини тақозо этади.

Индивидуал ёндашув ўқувчиларнинг ақлий қобилиятлари, билишга бўлган қизиқиш ҳамда истеҳдодини намоён этишда муҳим аҳамиятга эга.

Бола ҳаракатлари онгли, ижтимоий муносабатлар жараёнидаги иштироки натижасида шакллана боради.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим қсидаги хизматларининг истеҳмолчиси ва уларни амалга оширувчи сифатида таърифланади.

Кадрлар тайёрлаш қсидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоҳий жиҳатдан тарбиялаш, унинг ҳар томонлама ривожланган шахс

сифатида намоён бўлишига эришишни назарда тутди. Мазкур ижтимоий талабнинг амалга оширилиши ҳар бир фуҳароннинг билим олиш, ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиши ҳамда муайян касб йўналиши бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқни қафолатлайди.

Одамнинг ижтимоий мавжудот сифатида шахсга айланиши учун ижтимоий муҳит шароитлари ва тарбия керак бўлади. Ана шулар таъсирида одам инсон сифатида ривожланиб боради ва шахсга айланади.

Ривожланишнинг ўзи нима?

Ривожланиш шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараёндир. Ривожланиш моҳиятан оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига, эски сифатлардан янги ҳолатларга ўтиш, янгиланиш, янгининг пайдо бўлиши, эскининг йўқолиб бориши, миқдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига ўтишини ифодалайди.

Ривожланишининг манбаи қарама-қарашликларни ўртасидаги курашдан иборатдир.

Бола шахсининг ривожланиши инсон ижтимоий мавжудотдир деган фалсафий таълимотга асосланади. Айни вақтда инсон тирик, биологик мавжудот ҳамдир. Демак, унинг ривожланишида табиат ривожланишининг қонуниятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, шахс бир бутун мавжудот сифатида баҳоланар экан, унинг ривожланишига биологик ва ижтимоий қонуниятлар биргаликда таъсир этади, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Чунки шахснинг фаолияти, ҳаёт тарзига ёши, билими, турмуш тажрибаси билан бирга бошқа фожиаҳо ҳолатлар, касалликлар ҳам таъсир этади.

Инсон бутун умри давомида ўзгариб боради. У ҳам ижтимоий, ҳам психик жиҳатдан камолга етади, бунда болага берилаётган тарбия мақсадга мувофиқ бўлса, у жамият аҳзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар тизимида ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Чунки ривожланиш тарбия таъсири остида боради.

Шахснинг фазилатларини тўғри кўриш ва беҳато баҳолаш учун уни турли муносабатлар жараёнида кузатиш лозим.

Демак, шахсни ривожлантириш вазифасини тўғри ҳал этиш учун унинг ҳулқига таъсир этувчи омиллар ҳамда шахс хусусиятларини яхши билиш зарур.

Тарбия болага самарали таъсир этиши учун ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини билиш ва ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Шундай қилиб, ривожланиш ва тарбия ўртасида икки томонлама алоқа мавжуд.

Шахс тарбиясига таъсир этувчи омиллар. Фанда одамнинг шахс сифатида ривожланишига биологик ва ижтимоий омилларнинг таъсири ўртасидаги муносабатни белгилашга оид мунозара кўпдан буён давом этмокда.

Инсоннинг шахс сифатида ривожланишида ижтимоий ҳодисаларнинг таъсири кучли бўладими? Ёки табiiй омиллар етакчи ўрин тутадими? Балки тарбиянинг таъсири юқоридир? Улар ўртасидаги ўзаро муносабати қандай?

Фанда биологик йўналиш деб номланган нуқтаи назар етакчи ўринлардан бирини эгаллаб, унинг вакиллари Аристотел, Платонлар табiiй-биологик омилларни юқори кўяди. Улар туғма имкониятлар, тақдир, толе ҳар кимнинг ҳаётдаги ўрнини белгилаб берган, дейдилар.

XVI аср фалсафасида вужудга келган преформизм оқими намояндалари эса шахс ривожланишидаги наслнинг ролига катта баҳо бериб, ижтимоий муҳит ва тарбиянинг ролини инкор этади.

Хориж психологиясидаги яна бир оқим – бихевиоризм XX аср бошларида юзага келган бўлиб, унинг намояндалари, онг ва ақлий қобилият наслдан-наслга ўтиб, инсонга у табиатан берилган, дейилади. Мазкур таълимот вакили америкалик олим Э.Торндайкдир.

Прогматизм оқими ва унинг вакиллари Д.Джюл, А.Комбе ҳам шахс ривожланишини биологик нуқтаи назарда асослайдилар. Улар ривожланишни фаҳат микдорий ўзгаришдан иборат, деб қарайдилар. Наслнинг ролини абсолютлаштириб, уни инсон тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб биладилар.

Демак, бир гуруҳ хорижий олимлар ривожланишни биологик (наслий) омилга боғлайдилар.

Биологик оқимга қарши фалсафий оқим вакиллари ривожланиши ижтимоий омил билан белгилайдилар. Бу оқим вакиллари бола шахсининг жисмоний, психик ривожланиши у яшайдиган муҳитга боғлиқ деб кўрсатадилар. Муҳит деганда одам яшайдиган шароитдаги барча ташқи таъсир тушунилади. Шу нуқтаи назардан тарбия туфайли болани ўзи яшайдиган ижтимоий шароитга мослаштириш мумкин, деган хулоса келиб чиқади.

Улар ижтимоий муҳитнинг ролини ҳал қилувчи омил деб ҳисоблайдилар. Демак, одам боласининг шахс сифатида ривожланиб, тараққий этиб бориши, унинг шахс бўлиб камолга етишида насл (биологик омил), ижтимоий муҳит (бола яшайдиган шароит), шунингдек, мақсадга мувофиқ амалга оширадиган тарбия ҳам бирдек аҳамиятга эга. Бу омилларнинг таъсирини аниқлашда илғор педагогик олимлар, психолог ва файласуфлар таълимотига суянилади.

Фалсафада шахсни жамият билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳаётдаги мураккаб воқелик деб қаралади. Улар индивиднинг маънавий бойлиги унинг муносабатларига боғлиқ, деб ҳисоблайдилар.

Ҳақиқатдан ҳам, шахс меҳнат фаолияти заминида ривожланади, камолга етади. Инсон шароитни, шароит эса одамни яратади. Бу эса ўз навбатида инсон фаоллигини намоён этади. Зеро, шахс Маълум ижтимоий тузум маҳсулидир. Жамият шахс камолотининг муайян имкониятларини рўёбга чиқариши ёки йўқ қилиши мумкин.

Файласуфлар шахсни табиатнинг бир бўлаги деб баҳолайдилар. Бу инсондаги лаёқат куртаклари бўлиб, унинг ривожланиши учун тарбия керак, деган ғояни ифодалайди.

Жамият тараққиёти шахс ривожланиши учун кенг имкониятларни яратади. Демак, шахс билан жамият ўртасида ҳам узвий алоқа мавжуд.

Шундай қилиб, одам шахсининг жамиятдаги ривожланиши табиат, муҳит, инсон ўртасидаги мураккаб алоқа таъсири остида рўй беради, инсон уларга фаол таъсир этади ва шу йўл билан ҳаёти ва ўз табиатини ўзгартиради.

Шахсга ижтимоий муҳитнинг таъсири ҳам муҳим. Бу тарбия тизими орқали амалга оширилади. Яҳни,

Биринчидан, тарбия таъсирида муҳит бера олмаган билим, Маълумот эгалланади, меҳнат ва техник фаолият билан боғлиқ кўникма ва малакалар ҳосил бўлади.

Иккинчидан, тарбия туфайли туғма камчиликлар ҳам ўзгартирилиб, шахс камолга етади.

Учинчидан, тарбия ёрдамида муҳитнинг салбий таъсирини ҳам йўқотиш мумкин.

Тўртинчидан, тарбия келажакка қаратилган мақсадни белгилайди.

Демак, тарбия билан ривожланиш бир-бирига таъсир этади, бу тарбия доимий ва узлуксиздир.

Шундай қилиб, бола шахсининг ривожланишида тарбия ҳам етакчи ўринга эга бўлиб, тарбия туфайли насл-насаби, оила муҳити, ижтимоий муҳит таъсирида ҳар томонлама ривожланишга қодир, деган хулосани чиқариш мумкин.

Шахс ривожланишида фаолиятнинг ўрни. Шахс ривожланишида ирсият, муҳит, тарбия билан бир қаторда инсон фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу дегани инсон қанчалик меҳнат қилса, унинг ривожланиши шунчалик юқори бўлади.

Фаолият ўзи нима? Фаолият шахс томонидан табиий ва ижтимоий ҳаётни мақсадга мувофиқ ташкил этилувчи кундалик, ижтимоий ёки касбий ҳаракатларнинг муайян шакли, кўриниши. Инсоннинг қобилияти ва ёши у томонидан ташкил этилаётган фаолият моҳиятига кўра белгиланади.

Фаолият жараёнида инсон шахси, ҳар томонлама ва бир бутун, яхлит ҳолда ривожланади. Лекин фаолиятни мақсадга мувофиқ амалга ошириши учун уни тўғри ташкил этиш лозим. Лекин кўп ҳолатларда шахснинг ривожланиши учун имкониятлар яратилмайди, тарбияланувчиларнинг ижтимоий меҳнат, билиш фаолиятлари чекланган бўлади.

Ўсмир ва ўспиринлар фаолиятининг асосий турларига ўйин, ўқиш ва меҳнат киради. Улар йўналишига кўра билишга доир, ижтимоий, спорт, бадий, техник, ҳунармандчилик ҳамда шахсий қизиқишга кўра танланган қлардан иборат. Фаолиятнинг асосий тури – мулоқотдир.

Фаолият фаол ва пассив бўлиши мумкин. Ўсмир фаолияти муҳит ва тарбия таъсирида фаоллашиши ёки сусайиши мумкин. Инсон шахсининг ривожланишида унинг бутун вужуди билан севиб, ўз имкониятларини намоён этиб, меҳнат қилиш, ўзини шахс сифатида кўрсата олиши унда ўз фаолиятидан қониқиш ҳосил қилади. Унинг ижтимоий меҳнатдаги иштирокида фаоллик кўзга ташланади.

Таълим жараёнида фаоллик ўқувчига билимларни чуқур ва мустаҳкам эгаллашга, ўз қобилиятини намоён этишга йўллайди. Билишга бўлган фаоллик ўқувчининг интеллектуал ривожланишини тахминлайди.

Фаоллик кўрсатишнинг асосини эса ҳамма вақт эҳтиёж ташкил этади. Эҳтиёжларнинг хилма-хиллиги фаолиятининг ҳам турларини кенгайтиради. Шунга кўра, ўқувчининг турли ёш давларида уларнинг фаолияти турлича бўлади. Таълим муассасасида ҳамма вақт бир хил талаб шахс ривожланишида ижобий натижа беравермайди. Турли ёш давларида фаолиятнинг турлари ва моҳияти ўзгариб туриши керак.

Инсоннинг ижтимоий фаоллиги, қобилияти барча муваффақиятларининг гаровидир. Чунки ҳар бир инсон ўз меҳнати, ғайрати, интилиши билангина фаоллашади. Ўқитувчи қанчалик яхши ўқитмасин ёки тарбия бермасин, тарбияланувчининг ўзи ҳаракат қилмаса, ривожланиш муваффақиятли кечмайди.

Зеро, барча маънавий-ахлоқий камчиликларнинг асосий сабаби ҳам инсоннинг ўз фаолиятини тўғри йўлга қўймаганлигидадир.

Шунинг учун ҳам инсон фаолияти унинг ривожланиши натижаси ҳамдир. Демак, шахс фаоллиги асосида ижтимоий фаоллик, ташаббускорлик, ижодкорлик хислатларини шакллантириш – унинг шахслик имкониятларини намоён этиши орқали фаолиятини ривожлантириш муҳим саналади.

Ривожланишнинг ёш ва ўзига хос хусусиятлари. Муайян бир ёш даврига хос бўлган анатомик, физиологик (жисмоний) ва психологик хусусиятлар ёш хусусиятлари деб аталади. Ана шу ёш хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда таълим ва тарбия иши ташкил этилади. Шунда бола ривожланишига тарбия таъсири кучли бўлади.

Болаларнинг тарбиясига тўғри ёндашиш, уни муваффақиятли ўқитиш учун бола ривожланишидаги турли ёшдаги даврларига хос хусусиятларни билиш ва уни ҳисобга олиш муҳимдир. Чунки бола оргинизмининг ўсиши ҳам, ривожланиши ҳам, психик тараққий этиши ҳам турли ёш даврларида турлича бўлади. Абу Али Ибн Сино, Ян Амос Коменский, К.Д.Ушинский, Абдулла Авлонийлар ҳам болани тарбиялаш зарурлигини уқтириб ўтганлар.

Боланинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиш жуда мураккаб. Чунки бир хил ёшдаги болалар ҳам психик жиҳатдан турлича бўлиши мумкин.

Масалан, кўриш ва эшитиш қобилияти, фаоллиги, тез англаш, суст фикр юритиши, ҳовлиқма ёки вазминлиги, сергап ёки камгаплиги, серғайрат ёки ғайратсизлиги, ялқов ёки тиришқоқлиги, пала-партиш ва чала ишлайдиган, йиғинчоқлиги ёки ишга тез киришиб кетиши, қобилияти кабилар нерв фаолияти тизимининг таъсири бўлиб, ўқитувчи ёки тарбиячи уларни билиши зарур.

Боланинг индивидуал – ўзига хос хусусиятини билиш учун темпераментнинг умумий типлари ва боланинг ўзига хос хусусиятини ўрганиш методикасини билиш муҳим. Темперамент (лот. «temperamentum» «қисмларнинг бир-бирига муносабати» маъносини англатиб, шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуидир.

Шунингдек, турли ёш даврларининг ўзига хос ривожланиш қонуниятлари ҳам мавжуд. Масалан, 5-синф ўқувчилари билан 10-синф ўқувчисини тенглаштириб бўлмайди. Шунинг учун боланинг жисмоний ва психик камолоти қуйидаги даврларга бўлинади:

1. Гўдаклик даври – чақалоқлик (1 ой) даври тугагандан то бир ёшгача бўлган давр.

2. Боғчагача бўлган ёш даври – 1 ёшдан 3 ёшгача.

3. Мактабгача таълим ёши – 3 ёшдан 7 ёшгача.

4. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар – 7-11-12 ёшгача.

5. Ўрта мактаб ёшидаги ўқувчилар (ўсмирлар) 14-15 ёш.

6. Катта ёшдаги мактаб ўқувчилари (ўспиринлар) – 16-18 ёш.

Кичик мактаб ёшида ўйин фаолиятининг ўрнини энди ўқиш фаолияти эгаллайди. Бу жуда қийин ўтиш даври бўлиб, боланинг бўйи, оғирлиги жиҳатдан унинг ташқи кўриниши кам фарқ қилади. Суяклари қотмагани туфайли тез шикастланади. Мускуллари тез ўсиши туфайли серҳаракат бўлади. Бош мияси тез ривожланади.

Жисмоний ўсишига хос бу хусусиятлар тарбиячидан эҳтиёткорликни талаб этади. Бу ёшда бола билим олиш ва ўрганишга қизиқувчан бўлади.

Болалар қизиқишини қаноатлантирувчи қизиқарли учрашув, сайр ва томоша ва экскурсияларни ташкил этиш зарур. Мазкур ёш даври ўқувчиларига эмоционаллик хос, уларнинг фикрлаши образли бўлади, ҳис-туйғулари мазмуни ўзгаради. Улар одамлар билан алоқа қилишга қизиқадилар.

Ўрта мактаб ёши (ўсмирлик 12-15 ёш). Ўсмирликнинг мураккаблиги анатомик-физиологик ва психологик хусусиятдаги кучли ўзгаришлар билан боғлиқдир. Боланинг ўсиши тезлашади. Бу даврни ўтиш даври ҳам дейилади. Бу даврда жинсий етилиш даври бошланади. Бу боланинг феъл-атворига таъсир этади. Ўсмир ҳаётида меҳнат, ўйин, спорт ва жамоат ишлари катта рол ўйнайди. Баўзиларининг ўзлаштириши пасаяди, интизоми бўшади.

Ҳозирги давр ўсмирларининг руҳиятида қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланади:

1. Интеллектуал ривожланиш – тафаккур қобиляти, ақлий фаолиятни юқори савияда ташкил этишни талаб этади, билишга қизиқиши ортади. Бу даврда тўғараклар, студия, секция, турли тадбирлар ўтказиш катта аҳамиятга эга. Уларнинг китоб ўқишга қизиқиши ортади.

2. Ўз-ўзини англаш, баҳолаш, тарбиялаш шаклланади. У ўзини бошқалар билан солиштира бошлайди.

Аммо юқоридагилар билан бир қаторда ўсмир характерида мураккаб қарама-қаршиликлар ҳам мавжуд бўлади. Бу ўсмир фаолияти, ҳулиқида янги хислатлар – ёш хусусиятнинг янгидан бошланиши саналади.

Лекин ўсмирларнинг ҳаммасида ҳам билишга қизиқиш даражаси юқори эмас. 38 фоиз ўсмир ҳеч қайси ўқув фанларини ўқишга қизиқмайди. Бошқаларининг учта ёки иккита ўқув фани, аксарият ҳолатларда эса битта ўқув фанига қизиқиши аниқланган. Кичик ёшдаги ўсмирлар қизиқиши ўқитувига боғлиқ. Лекин уларнинг қизиқишлари, шунингдек, китоб ўқишлари ҳам барқарор эмас.

Турли тўғаракларга 21 фоиз ўсмир қатнашади, қолганлари спорт ёки музика билан шуғулланади. 40 фоиз ўқувчида синфдан ташқари ишларда қатнашишда ҳам барқарорлик йўқ.

Энг муҳим қизиқиш – телеэшиттиришларга қаратилган. ТВни ҳар куни 88 фоиз ўсмир томоша қилади.

Улар оддий кунни ўз ихтиёрлари билан қандай ўтказадилар, деган саволга жавоб топиш учун ўтказилган тадқиқот натижалари қуйидагиларни қайд этди: 85 фоиз ўсмир вақтини ўз ҳолича ўтказади, 70 фоизи кино ёки телевизор кўради, 50 фоизи спорт билан шуғулланади, 45 фоизи ухлаб ёки ётиб дам олади. Шунингдек, ёмон баҳо олмаслик учун мактабга бордиган ўсмирларнинг сони 15 фоизни ташкил этади.

Ўсмирларда бирор нарсага эришишга нисбатан талаб ривожланади. Улар томонидан ижтимоий талабларнинг бажарилиши асаб тизимининг ривожланишига таъсир этади. Шунинг учун мактаб ҳаёти “қийин” вазифаларга тўлиқ бўлади.

Бу ёшда ўсмирлар катталар олдида ўзининг эркинлигини намойиш этишга ҳаракат қилади. Ўз-ўзини тарбиялашга бўлган талаб ўсади. “Дангаса”, “қўпол”,

“беэҳтибор”, “қобилиятсиз” деган катталарнинг баҳоларини улар оғриниб қабул қиладилар.

Ўсмир ёшида ўғил ва қиз болалар ўртасида фарқ кучаяди. VII синфдан интеллектуал малакалар пасаяди. Шунинг учун бу даврда болалар ривожланишига катта эҳтибор бериш лозим.

Ўз-ўзини тарбиялаш натижасида ўғил болалар кучли, эркин, эҳтиборли, жасур; қизлар эса – ўта кўниқувчан, камтар ва жиддий бўла бошлайдилар.

Шунинг учун ўсмирга ўз вақтини режалаштиришда ёрдам бериш зарур. 13-14 ёшгача ўсмирда бурч ҳисси, масҳулиятни ҳис этиш, вазминлик пайдо бўла бошлайди. Муҳими, ўсмир шахсини ҳурмат ҳилиш, камситмаслик, катта бўлиб қолганлигини тан олиш зарур.

Катта мактаб ёши – коллеж, лицей ўқувчилари (ўспиринлик даври 15-18 ёш). Бу давр ўспиринларнинг илк балоғатга етган давридир. Мазкур даврда жинсий етилиш тугайди. Уларда мустақиллик сезила бошлайди. Ўспирин ёшлар ҳаётга келажак нуқтаи назаридан қарай бошлайдилар. Маданий даражасини орттиришга интилиш кучая боради. ҳис-туйғуларида ҳам ўзгариш юз беради. Ўз-ўзларини тарбиялашга киришадилар. Идеал танлаш ва унга эргashiш кучаяди. Бу даврда улар ўртасида мунозаралар ўтказиш яхши натижа беради. Ўспиринлар ўз гуруҳига интилади. Шунинг учун ҳам ўспириннинг барча интилишлари Маълум мақсадга йўналтирилган бўлиши зарур. Уларда ўқув фанларини танлашга нисбатан эҳтиёж кучая боради.

Ўспиринлик бу ахлий фаолиятнинг ҳам ривожланиш даври саналади. Улар ўз фикрларини мустақил ифодалашга ҳаракат қилиб, шахслик хислатларини намоиш эта бошлайдилар. Шунда ўқитувчилар ва катта ёшлилар уларнинг ҳали ғўр фикрлари ва дунёқарашларини тўғри йўналтиришлари муҳим. Зеро, бу даврда ўз-ўзини англаш, маънавий-ахлоқий, ижтимоий хислатлари тез шаклланади.

Бунга унинг фаолияти, жамоада ва жамоат жойларида ўзини тутиши, одамлар билан тез мулоқотга киришиши ҳам туртки бўлади. Ўзини катталардек ҳис этиш, ўзига хослигини намоён этиш, бошқаларнинг диққатини ўзига қаратишга ҳаракат қилади. Ахлоқий муаммоларни ўз қарашлари нуқтаи назаридан ҳал эта бошлайди. Ҳаёт моҳияти, бахт, бурч, шахс эркинлигини ўз қизиқишлари билан ўлчайдилар. Шу боис уларга катта ёшлиларнинг беғараз, тўғри йўналиш беришлари ўта муҳим.

Мазкур даврда ёшлар ҳулқи ҳам таркиб топа бошлайди. Бунда шахснинг жамоадаги мавқеи, жамоа шахслари билан муомала-мулоқоти муҳимдир.

Албатта, бу борада таълим муассасасида фаолият кўрсатаётган ёшлар ижтимоий ҳаракати таъсири катта аҳамиятга эга. Чунки ўспирин-ёшлар мустаҳил ҳаёт оstonасида бўлиб, уларнинг бу ҳаётга тўғри қадам қўйиши унинг жамиятнинг фаол фуқароси бўлишининг муҳим шартидир.

Шахснинг ижтимоийлашуви. Шахс ижтимоий муносабатлар жараёнида шаклланади. Чунки таълим жараёнида болаларга жамиятда бирга яшаш билан боғлиқ бўлган ҳолат ва ҳодисалар ўргатилади. Бу жараёнда ўқувчи жамиятга «киришади» ва у билан ўзаро муносабатда бўлади. Улар Маълум ижтимоий тажриба (билим, қадрият, ахлоқий қоида, кўрсатма) орттирадилар, яхши, ижтимоийлашадилар.

Ижтимоийлашув узок давом этадиган мураккаб жараён. Чунки ҳар қандай жамият ривожланиш жараёнида ижтимоий ва ахлоқий қадриятлар, идеаллар,

ахлоқий меҳёрлар ва қоидалар тизимини ишлаб чиқади, ҳар бир бола юқоридаги қоидаларни қабул қилиб, ўрганиб мазкур жамиятда яшаш, унинг аҳзоси бўлиш имкониятига эга бўлади. Бунинг учун жамият у ёки бу шаклда шахсга мақсадга мувофиқ таъсир этади. Бу таъсир таълим воситасида амалга ошади. Иккинчи томондан, шахснинг шаклланишига турли ғоялар, ижтимоий муҳит таъсир кўрсатади.

Одамлар ижтимоий меҳёрлар ва ахлоқий қоидалар билан муносабатга киришадилар ва уни ўрганадилар.

Ижтимоийлашув жараёни ички қарама-қаршиликларга эга. Ижтимоийлашган инсон жамият талабларига мос келиши, унга «киришиб» кетиши, жамият ривожланишидаги салбий жиҳатларга, шахснинг индивидуал ривожланишига тўсқинлик қилувчи ҳаётий ҳолатларга қарши туриши керак. Лекин ҳаётда баҳзан акси ҳам бўлади: тўлиқ ижтимоийлашган, жамиятга киришиб кетадиган, аммо муҳитда баўзи салбий ҳолатларга қарши курашишда фаоллик кўрсатмайдиган одамлар ҳам мавжуд.

Бу ҳолат кўп жиҳатдан бутун жамият, тарбия муассасалари, ўқитувчилар ҳамда ота-оналарга ҳам тааллуқли. Тарбияда қарама-қаршилик инсонпарварлик ғояси ёрдамидагина бартараф этилиши мумкин.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳам таъкидлаб ўтилганидек, узлуксиз таълимни ташкил этиш, ривожлантириш ҳамда таълимнинг ижтимоийлашувига эришиш долзарб масаладир. Таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни шакллантириш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш қабилар муҳим ижтимоий талаблар ҳисобланади.

Назорат учун саволлар:

1. «Индивид», «шахс», «индивидуаллик» тушунчаларини шарҳланг.
2. Ривожланиш ва шахс ривожланишини таърифланг.
3. Шахснинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар ҳақида нималарни биласиз?
4. Шахс фаолияти ҳақида сўзлаб беринг.
5. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини тавсифланг.
6. Шахснинг ижтимоийлашувини қандай тушунасиз?

АДАБИЁТЛАР:

1. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1998.
2. Педагогика (А.Мунавварованинг умумий таҳрири остида). – Тошкент, Ўқитувчи, 1996.
3. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. –Т.: Ўқитувчи, 1997.
4. Ғозиев Э. Психология (Ёш давлари психологияси). _Т.: Ўқитувчи, 1994.
5. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. В 2 кн. . Кн. 1. – Москва, Владос, 1999.
6. Алметов Н. Педагогика: саволлар ва жавоблар Ўқув қўлланма. -Алмата.

8-Мавзу: Тарбия мазмуни,мақсади ва вазифалари.

РЕЖА:

1. Тарбия тушунчаси ва унинг мақсади.
2. Шарқ мутафаккирлари баркамол инсон тарбияси ҳақида.
3. Тарбия вазифалари ва мазмуни.

Тарбия ҳақида тушунча. Тарбия назарияси педагогика фанининг таркибий қисми бўлиб, тарбиявий жараён мазмуни, шакл, метод, восита ва усуллари ҳамда уни ташкил этиш муаммоларини ўрганади. Ёш авлодни тарбиялашда нималарга эҳтибор қаратмоқ лозим? Бундай масалаларни ҳал этишда аввало мамлакатимизда сиёсий-ижтимоий қларда юз бераётган ислохатлар моҳиятини чуқур ва атрофлича мушоҳада қилиб олишга тўғри келади. Чунки давр ҳам, инсон тарбияси ҳам ўзгариб бормоқда. Айниқса, ХХІ аср инсоният тарихида компьютер даври бўлиб кириб келди. Бироқ, фан-техника қанчалик жадал ривожланиб, жамият ҳаётида муҳим жой олиб, ишлаб чиқариш жараёнларини тезлашувига қанчалик самарали таъсир этмасин, тарбия назариясида шахсни комил этиб тарбиялаш, бу борада Марказий Осиё мутафаккирлари, халқ педагогикаси ҳамда жаҳон педагогикасининг илғор фикрларига таяниб иш кўриш зарур бўлади. Ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялашда биринчи навбатда Шарқ мутафаккирларининг қимматли маънавий мерослари муҳим дастурил амал аҳамиятига эга бўлади. Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом Исмоил ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нахшбанд, Амир Темур, Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Алишер Навой ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари оламга машҳур алломаларининг ижтимоий, сиёсий ва фалсафий қарашлари барча замонлар учун муҳим аҳамият касб этади. Ўз ўтмиш маданий меросини чуқур ўрганмаган ва эҳзозламаган, аждод-авлодлари босиб ўтган тарихий йўлни идрок этмаган, миллий мустақиллик йўлида жон фидо қилган буюк аждодлар фаолиятидан хабардор бўлмаган инсон ўзлигини ҳеч ҳачон англаб етолмайди.

Ўтмиш маданий меросини ўрганиш мураккаб жараёни саналади. Маданий мероси намуналари ва уларда илгари сурилган эзгу ғояларни ёш авлод онгига сингдириш узлуксиз, изчил, тизимли ҳамда мақсадга мувофиқ амалга оширилиши зарур.

Тарбия мақсади ва вазифалари. Тарбия муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, ҳулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёнидир. Турли замон ва маконда ижтимоий тарбия моҳиятан турлича ифодалаб келинган бўлиб, унинг мазмуни ижтимоий мақсадлардан келиб чиқиб асосланган.

Тарбия мақсади ижтимоий буюртма асосида белгиланади. Энг оддий ҳаракатдан тортиб то кенг қўламли давлат дастури асосида ташкил этилувчи тарбия доимо муайян мақсадга йўналтирилган бўлади.

Мақсадсиз, Маълум ғояни ифода этмайдиган тарбия бўлмайди. Тарбия мақсади асосида унинг мазмуни асосланиб, мақсадни амалга оширишга хизмат қилувчи метод ва усуллар аниқланади. Тарбия мақсадининг муаммоси педагогиканинг долзарб масалаларидан бири саналади.

Тарбия мақсади умумий ва индивидуал ҳарактерга эга бўлиши мумкин. Илғор педагогика умумий ва индивидуал мақсадлар бирлиги ва уйғунлигини намоён этади.

Мақсад тарбиянинг умумий ижтимоий мақсадни ижобий ҳал этишга йўналтирилади ҳамда аниқ вазифалар тизими сифатида намоён бўлади. Демак, тарбия мақсади тарбия жараёнини ташкил этиш асосида ҳал этиладиган вазифалар тизимидир. Тарбия мақсадлари моҳияти ва кўламига кўра умумий ва аниқ вазифалар сифатида гуруҳланади.

Тарбия мақсади қандай шаклланади? Унинг шаклланишида кўплаб объектив сабаблар етакчи рол ўйнайди. Организмнинг физиологик етилиш қонуниятлари, инсоннинг руҳий ривожланиши, фалсафий ва педагогик фикрлар ютуғи, ижтимоий маданият даражаси мақсадга умумий йўналиш беради. Бироқ асосий омил доимо давлат мафкура ва сиёсати бўлиб қолаверади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ёшлар орасидан энг иқтидорли, салоҳиятлиларини танлаб, саралаб олиб, уларни илмий, маданий-маънавий жиҳатдан камолотга эришишлари, замонавий фан-техника асосларини пухта ўзлаштириб олишлари учун ғамхўрлик қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг истиқболи назарда тутилиб, кўпгина ёшларнинг Туркия, Хитой, Япония, АҚШ, Германия каби ривожланган хорижий мамлакатларга таҳсил олиш учун юборилаётганликлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» қонунини ҳаётга жорий этиш, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ҳамда умумий тиббиёт муаммоларини замон талаблари даражасида олиб бориш, мактабларни миллийлаштириш, ўрта махсус ҳамда олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини тест усулида ўтказиш борасида амалга оширилаётган ижобий ишлар ўз самарасини бермоқда.

Жамият маънавияти ва шахс камолотида муҳим ўрин тутувчи маънавий ва ахлоқий поклик, иймон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат, кексаларга ҳурмат сингари инсоний фазилатлар ўз-ўзидан шаклланмайди. Барчасининг асосида ёш авлодга оила, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим тизимида амалга оширилаётган таълим-тарбия мазмуни, ғоявий йўналиши ва самараси ётади.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг замон талабларига мос, баркамол инсон бўлиб шаклланишлари учун ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисмлари – ақлий, маънавий-ахлоқий, жисмоний, меҳнат, эстетик, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий ҳамда жинсий тарбияни ташкил этишга нисбатан янгича нуқтаи назардан ёндашиш, уларнинг самарали йўллариини ишлаб чиқиш алоҳида долзарблик касб этади. Бу эса тарбиядаги энг муҳим вазифалардир.

Тарбия мазмуни. Ақлий тарбия – шахсга табиат ва жамият тараққиёти тўғрисидаги билим асосларини бериш, унинг ақлий (билиш) қобилияти, тафаккурини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни бўлиб, шахс томонидан табиат, жамият, шунингдек, инсон тафаккури ҳақидаги билимларни ўзлаштириш, унда илмий дунёқарашни шакллантиради. Ақлий тарбия юксак маънавий ва ахлоқий сифатларга эга шахсни тарбиялашда етакчи ўрин тутади.

Билимлар тизимини онгли равишда ўзлаштириш мантикий фикрлаш, хотира, диққат, идрок этиш, ақлий қобилият, мойиллик ва иқтидорни ривожлантиришга кўмаклашади.

Ақлий тарбиянинг вазифалари қуйидагилар саналади:

- шахс томонидан илмий билимларнинг муайян ҳажмини ўзлаштирилишига эришиш;
- билишга бўлган қизиқишларни юзага келтириш;
- ақлий қобилият ва иқтидорни ривожлантириш;
- билишга бўлган фаолликни кучайтириш;
- мавжуд билимларни мунтазам равишда бойитиб бориш, умумий ўрта таълим ва махсус касбий тайёргарлик даражасини оширишга бўлган эҳтиёжни ривожлантириш.
- илмий дунёқарашни шакллантириш.

Муҳаммад алайҳиссалом ўз ҳадисларида; «Илмга илм олмоқ йўли билан эришилгайдир. Илму ҳунарни Хитойга бориб бўлса ҳам ўрганинглари. ... Илм эгалланг. Илм саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғиз дамларда йўлдош бахтсиз дақиқаларда раҳбар, қайғули онларда мададкор, одамлар орасида зебузийнат, душманларга қарши курашишда қуролдир» дейди.

Шунингдек, ҳадиси Шарифда «Илм олмоққа интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир» дейдилар.

Алишер Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достонидан Фарҳоднинг ақлу-идрокли, билимдон, ҳунароманд, камтар, инсонпарвар, иродали ва эҳтиқодли бўлганлигини тасвирлайди.

Жисмоний тарбия ўқувчиларда жисмоний ва иродавий сифатларни шакллантириш, уларни ақлий ва жисмоний жиҳатдан меҳнат ҳамда Ватан муҳофафасига тайёрлашга йўналтирилган педагогик жараён бўлиб, ижтимоий тарбиянинг ажралмас таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Юқори даражада ривожланган ишлаб чиқаришга асосланган мавжуд ижтимоий шароит жисмонан бақувват, ишлаб чиқариш жараёнида юқори унум билан ишлашга қодир, қийинчиликлардан чўчимайдиган, шунингдек, ватан ҳимоясига доимо тайёр бўлган ёш авлодни тарбиялаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Жисмоний тарбиянинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ўқувчиларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, уларни тўғри жисмоний ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг ақлий ва жисмоний иш қобилиятларини ошириш;
- уларнинг табиий ҳаракатчанлигини ривожлантириш ва мукаммалаштириш;
- ўқувчиларни ҳаракатнинг янги турларига ўргатиш;
- уларнинг иродавий сифатлари (куч, чакқонлик, уқувлилик ва бошқалар)ни ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг гигиеник кўникмаларни ривожлантириш;
- уларда маънавий-ахлоқий сифатлар (дадиллик, қатъиятлик, интизомлилик, масҳулиятлик, жамоа билан бўлиш)ни тарбиялаш;
- ўқувчиларда жисмоний тарбия ва спорт билан доимий ва мунтазам шуғулланишга бўлган эҳтиёжни шакллантириш;
- ўқувчиларнинг соғлом ва бақувват бўлишларига эришиш.

Жисмоний тарбияни болаларнинг мактабгача ёшидан бошлаб мунтазам ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Жисмоний тарбия таълим муассасаларида ўқитилиши йўлга қўйилган фанлардан бири саналади. Синфдан ва мактабдан ташқари шароитларда ташкил этилувчи жисмоний машғулотлар жисмоний тарбия дарсларининг самарадорлигини тахминловчи қўшимча тадбир

ҳисобланади. Жисмоний тарбия тарбиянинг бошқа таркибий қисмлари билан мустаҳкам боғланган ҳамда улар билан биргаликда ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш вазифаларини ҳал этади.

Демак, юқорида таъкидлаганидек, ёшларни ақлий жиҳатдан камол топтиришнинг биринчи шarti уларни илм олишга даҳват этишдир.

Ахлоқий тарбия муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган тартиб, одоб, ўзаро муносабат, мулоқот ва хулқ-атвор қоидалари, мезонларини ўқувчилар онги, ҳаёти, турмуш тарзига сингдириш мақсадида ташкил этилувчи педагогик жараёндир. Ахлоқий тарбия ҳам ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисмларидан бири саналади. Ахлоқий тарбия асосини шахсни ижтимоий ахлоқий меҳёрлардан хабардор этиш ташкил қилади. Ахлоқ (лот. «moralis» - хулқ-атвор маҳносини билдиради) ижтимоий онг шаклларида бири ҳисобланиб, ижтимоий муносабатлар ҳамда шахс хатти-ҳаракатини тартибга солувчи, муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган тартиб, одоб, ўзаро муносабат, мулоқот ва хулқ-атвор қоидалари, мезонларининг мажмуи сифатида акс этади.

Қуръон и Карим ва Ҳадиси Шарифлардаги ахлоққа оид ибратли маслаҳатлар, ҳикоятлар асрлар давомида таркиб топган миллий урф-одатлар, анҳана ва қадриятлар мазмунида ўз ифодасига эга бўлган. Шарқ мутафаккирлари Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом Исмоил ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Наҳшбанд, Амир Темур, Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Саҳдий Шерозий Алишер Навой ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқаларнинг ахлоқ ҳақидаги қарашлари бугунги кунда ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиқ кўнгиллик, миллатидан қатҳий назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси – кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меҳёри ҳисобланади. Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозларига, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатлардир».

Амир Темур ахлоқи хусния – яхши хулқлар эгаси бўлган. У оқил ва тадбирли саркарда сифатида кишиларни турли лавозимларга тайинлаш ва вазифасидан озод этишда ҳам шошма-шошарлик ва адолатсизликка йўл қўймаган, балки етти ўлчаб, бир кесган.

Имом Исмоил ал-Бухорий «Ахлоқнинг яхши бўлиши, таомнинг покизалиги, ростлик ва омонатга хиёнат қилмаслик – мана шу тўрт хислатни Оллоҳ Таоло сенга берган бўлса, дунёвий ишлардан четда қолган бўлсанг ҳам, зарари йўқдир», деган эди.

Демак, ахлоқий тарбия баркамол инсон тарбиясида етакчи бўғин, инсоний сифатларни яратувчи, шакллантирувчи, мукаммаликка эриштирувчи восита ҳисобланади. Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, ахлоқий тарбия инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир омилдир. Яхши хулқларнинг яхшилиги, ёмон хулқларнинг ёмонлигини дадил ва мисоллар билан баён қиладурғон китобдир.

Худди шу маҳнода ахлоқ кишининг хулқ-атвори, эҳтиқод-иймони, юриштириши, фикр-мулоҳазалари, мушоҳада ва мулоқотида намоён бўлади. Ахлоқли инсон ўзини қаттиқ ҳурмат қилади, унда ички интизом кучли бўлади. Суҳбатдошнинг кўнглига қараб гапиради, кишининг дилини оғритмайди, мулоқот одобига риоя қилади.

Ижтимоий тарбиянинг яна бир муҳим таркибий қисми меҳнат тарбияси саналади. Меҳнат тарбияси шахсга меҳнатнинг моҳиятини чуқур англатиш, уларда меҳнатга онгли муносабат, шунингдек, муайян ижтимоий-фойдали ҳаракат ёки касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараёндир. асоси, ҳаёт манбаи, умр мазмуни ҳисобланади. Меҳнат тарбиясидан кўзланган мақсад, аввало, ўқувчиларга меҳнатнинг моҳияти, мазмунини чуқур англатишдан иборатдир.

Меҳнат ижтимоий ҳаётнинг муҳим асоси, шахсда маънавий-ахлоқий ва иродавий сифатларни шакллантиришнинг кафолатидир. Меҳнат қилаётган киши ўзи бажараётган ишнинг натижаларини кўрса, ҳис қилса, ўша натижалардан қониқса, роҳатлансагина меҳнат тарбиявий аҳамият касб этади. ҳалол меҳнат – киши ҳаётининг мазмунини ташкил қилади.

Халқимизнинг «Меҳнат – меҳнатнинг таги роҳат», «Бугунги ишни эртага қолдирма», «Дарё сувини баҳор тоширар, инсон қадрини меҳнат оширар», «Ишлаган тишлайди, ишламаган кишнайди», «Меҳнатдан кўркма, миннатдан кўрк», «Одамнинг ҳусни меҳнат» каби мақоллар бежиз яратилмаган. Буюк аллома Баҳоуддин Наҳшбанднинг «Дил ба ёру, даст ба кор» деган ҳикмати бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Алломанинг фикрича, «Агар киши ҳунарли бўлса, у билимини ҳақиқатга бағишлайди, ўз меҳнати билан кун кечиради, борди-ю касби бўлмаса, билимини кун кечиришга сарфлайди, ҳалолликни унутади».

Таъкидлаш лозимки, меҳнатсиз келган бойлик инсон руҳиятини бузади, ҳар қандай муқаддас нарсани қадрсизлантиради. Меҳнат жараёнида кишиларда дўстлик, биродарлик, жамоа бўлиб ишлаш каби барча тарбиявий сифатлар шаклланади. Энг муҳими, меҳнат муҳтожлик, бекорчилик, ахлоқий жиҳатдан бузилишдан сақлайди. Меҳнат орқали инсон ўзининг ва ўзгаларнинг қадрини билади.

Аждодлармиз бола тарбиясида, энг аввало, уни меҳнатга ўргатиш, касб-ҳунарга қизиқтиришга алоҳида эҳтибор беришган. Ўзлари фарзандларига меҳнатсеварликлари билан намуна бўлганлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Кримов таъкидлаганидек: «Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яҳни, бу нарса уларнинг собитқадам, ғайрат-шижоатига, тўла-тўқис фидокорлилига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимизнинг равнақ топишининг асосий шартидир».

Бу вазифаларни амалга оширишда ота-она, устоз ва мураббий, кенг жамоатчилик ўз меҳнатини аямасликлари, айниқса, мактаб ўқувчиларида меҳнатга ва меҳнат аҳлига тўғри муносабатни шакллантиришдаги масхулиятни чуқур ҳис қилишлари керак.

Нафосат тарбияси (эстетик тарбия: лот. «эстеziо» – «ғўзалликни ҳис этаман» маҳносини билдиради) шахсни ижтимоий воқелик, табиат ва меҳнат

муносабатлари ҳамда турмуш турмуш гўзалликларини англаш, идрок этиш, тўғри тушунишни ўргатиш, уларнинг эстетик дидини ўстириш, уларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш, шунингдек, гўзалликни яратиш қобилиятларини тарбиялаш жараёни бўлиб, ижтимоий тарбиянинг яна бир муҳим таркибий қисми саналади. Ақлий, ахлоқий, меҳнат тарбиясини эстетикасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Эстетик тарбиянинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- шахсга ижтимоий воқелик, табиат ва меҳнат муносабатлари ҳамда турмуш турмуш гўзалликлари ва уларни англаш тўғрисидаги билимларни бериш;
- шахсда ижтимоий воқелик, табиат ва меҳнат муносабатлари ҳамда турмуш турмуш гўзалликларини англаш ва идрок қилиш қобилиятини тарбиялаш,
- унда мавжуд гўзалликларни қадрлаш ҳисси ҳамда эстетик дидни шакллантириш, гўзалликка муҳаббат уйғотиш;
- гўзалликни яратиш эҳтиёжини қарор топтириш, бу борадаги қобилият ва эстетик маданиятни шакллантириш.

Эстетик тарбия ахлоқий қиёфа, ижобий хулқ-атвор меҳёрларини таркиб топтириш, уларнинг ижодий қобилиятларини тараққий эттиришга катта таъсир кўрсатади. Таълим муассасаларида мусиқа ва тасвирий санъат дарслари, адабиёт каби фанларнинг ўқитилиши эстетик тарбияни самарали йўлга қўйиш воситаси ҳисобланади.

Эстетик тарбия бола туғилгандан бошлаб умрининг охиригача амалга оширилади. Шу сабабли, у нафақат мактабда, балки синфдан ва мактабдан ташқари шароитларда уюштирилувчи тадбирларда, турли анжумаларда ёш авлодни гўзаллик ва нафосатни ҳис этишга ундовчи воситадир.

Халқимизда, «Оқ бўлмасин, пок бўлсин», «Поклигинг – соғлигинг», «Соғ юрай десанг, озода бўл», «Яхши либос танга оройиш» каби мақоллари билан ёшларимизни табиат ва жамиятдаги гўзалликларини кўра билишга, уларни қадрлашга ўргатиб келишган.

Эстетик тарбия фақат нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини англаш, гўзал жиҳатларини кўра билишнигина эмас, балки ички гўзалликни ҳис қилиш ҳислатини ҳам тарбиялайди. Инсондаги хулқий гўзалликни қадрига етишга ундайди.

Алишер Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достонида Ширинни зоҳирий ва ботиний гўзаллик соҳибаси сифатида тасвирлайди. Биламизки, унинг бу даражага етишишда ҳоласи Меҳрибонунинг тарбиявий таъсири катта бўлган. Ширин мамлакат ободончилиги, канал қизиш, сув чиқариш каби ишларда иштирок этади ва уша хайрли ишларга раҳбарлик қилади.

Ширин энг оғир дамларда ҳам Фарҳодга вафодор, садоқатли, иродали ёр бўлиши билан бирга тадбирли мураббия, одил ва донишманд давлат арбоби, комила, оқила ва фазилатли, латофатли қиз эди. Шириннинг бу фазилатлари минглаб қизларга ўрнак бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Эстетик тарбия томонидан амалга оширилувчи вазифаларини шартли равишда қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) ўқувчиларга назарий эстетик билимларни бериш;
- 2) уларда амалий эстетик кўникмаларни шакллантириш.

Назарий ва амалий эстетик билимларни эгаллаш асосида ўқувчиларда қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланади:

- эстетик билимларнинг таркиб топганлиги;

- эстетик маданиятнинг тарбияланганлиги;
- эстетик ва маданий мерос намуналаридан хабардор бўлиш;
- эстетик туйғунинг ривожланганлиги;
- ижтимоий ҳаёт, табиат ва меҳнат гўзалликларини ҳис этиши;
- гўзалликка интилиш эҳтиёжининг ривожланганлиги;
- эстетик идеалнинг шаклланганлиги;
- фикрлаш, фаолият, хатти-ҳаракат ҳамда ташқи кўринишда гўзал бўлишга интилиш.

Эстетик фаолиятга киришиш вазифаси ҳар бир тарбияланувчининг тасвирий санъат, мусиқа, хореография тўғрақларида фаол иштирок этиши, ижодий бирлашмалар, гуруҳлар, студиялар ва ҳоказоларда қатнашишини назарда тутди.

Бироқ, ҳозирги замон мактабларида ташкил этилаётган эстетик тарбия шахсни эстетик жиҳатдан шаклланишини таҳминлаш борасидаги мавжуд талабларга жавоб бермаяпти.

Ижтимоий тарбия мақсади ва вазифаларини амалга ошириш учун тарбия жараёнининг хусусиятларини англаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Тарбия жараёнининг моҳияти. Тарбия жараёни ўзига хос хусусиятларга эга. Унинг муҳим хусусияти аниқ мақсадга йўналтирилганлигидир.

Замонавий талқинда тарбия жараёни ўқитувчи ва ўқувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган самарали ҳамкорлик жараёни демакдир. Зеро, тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолиятлари ташкил этилади, бошқарилади ва назорат қилинади.

Тарбия жараёни кўп қиррали жараён бўлиб, улар тарбия моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи ички ва ташқи (субъектив ва объектив) омиллар асосида ташкил этилади. Субъектив омиллар шахснинг ички эҳтиёжлари, қизиқишлари, ҳаётий муносабатларини англатиш, объектив омиллар эса шахснинг ҳаёт кечириши, шаклланиши, ҳаётий муаммоларини ижобий ҳал этиши учун шароит яратади. Тарбия мақсади педагогик фаолият мазмуни, йўналиши, шакли ҳамда объектив шароитлар билан қанчалик мутаносиб келса, шахсни шакллантириш борасида шунчалик муваффақиятга эришилади. Тарбия жараёнининг ташкил этилиши ва бошқарилишида нафақат ўқитувчи фаолияти, балки ўқувчининг ёш ва психологик хусусиятлари, ўй-фикрлари, ҳаётий қарашлари ҳам муҳим ўрин тутди.

Тарбия жараёнининг яна бир хусусияти унинг узок муддат давом этишидир. Тарбия натижалари тез сурхатда яққол кўзга ташланмайди. Ўзида инсоният сифатларини намоён эта олган шахсни тарбиялаб вояга етказишда узок муддатли давр талаб этилади. Мактаб тарбияси шахс онги, дунёқарашини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Чунки ёшлик йилларида инсонда одоб тизими юқори даражада таъсирчан ҳамда беқарор бўлади. Шу боис тарбия муваффақияти айни ўқувчилик йилларида шахсга тўғри тарбия бериш лозимлигини тақозо этади. Тарбия жараёнининг яна бир муҳим хусусияти унинг узлуксизлиги саналади. Тарбия жараёни ўқувчилар ва ўқитувчининг биргаликдаги узлуксиз, тизимли ҳаракатлари жараёнидир. Ўқувчиларда ижобий сифатларни қарор топтиришда ягона мақсад сари йўналтирилган, бир-бирини тўлдирувчи, бойитиб борувчи, такомиллаштирувчи тарбияни ташкил этиш

алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис, оила, таълим муассасалари ва жамоатчилик ҳамкорлигида ташкил этилаётган тарбиявий тадбирларни узлуксиз ўтказилишига эришиш мақсадга мувофиқдир.

Мактаб ёшидаги болани тарбиялашда мактаб етакчи ўрин эгалласа ҳам, болаларга узлуксиз таъсир ўтказа олмайди. Чунки болалар Маълум муддатгина мактаб, ўқитувчининг тарбиявий таъсири остида бўлиб, қолган вақтнинг асосий хисмини оилада, кўчада, жамоат орасида ўтказадилар. Кузги, қишки, баҳорги ва айникса, ёзги таҳтил даврларида ўқувчилар мактаб, ўқитувчи таъсиридан четда қоладилар. Демак, мактабда болаларни тарбиялаш вақт жиҳатидан чегараланган бўлиб, синфдан ва мактабдан ташқари амалга ошириладиган тарбиявий ишлардан ҳоли вақтда улар ўқитувчи ёки тарбиячининг тарбиявий таъсири ва назоратидан узоқлашадилар.

Ўқувчиларга нисбатан мактаб (таълим муассасаси)нинг таъсирини сусайтирмаслик мақсадида, синфдан ва мактабдан ташқари ҳамда таҳтил даврларида тарбиявий ишларга алоҳида эҳтибор берилади.

Айни вақтда, республикада ўқувчиларнинг таълим-тарбия муассасаларидан узоқлаштирмаслик мақсадида қўшимча таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. қўшимча таълим муассасаларида ўқувчилар хусусий фанлар ва хорижий тилларни мукамал ўрганишлари, техника ва бадий йўналишлар бўйича билим олишлари, амалий фаолият кўникмаларига эга бўлишлари мумкин. қўшимча таълим муассасаларида ташкил этилаётган турли йўналиш ва мавзулардаги учрашув, кўргазма, кўрик ва суҳбатлар ўқувчиларнинг тафаккур дунёсини бойитишда, уларда мустахкам ҳарактер ва иродани таркиб топтиришда муҳим ўрин тутди.

Тарбия жараёнининг яна бир хусусияти унинг яхлит тарзда тизимли ташкил этилишидир. Яхлитлик шундан иборатки, тарбия жараёнининг мақсади, мазмуни, вазифалари ва методларининг бирлиги шахсни шакллантириш ғояси амалга ошириш учун хизмат қилади. Бизга Маълумки, шахс сифатлари навбатма-навбат эмас, балки яхлит тарзда ўзлаштирилади. Шу боис педагогик таъсир ҳам яхлитдир, тизимлилик ҳарактерига эга бўлиши мумкин.

Тарбия жараёнининг яхлитлик, тизимлилик хусусияти бир қатор муҳим педагогик талабларга амал қилиши ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги ҳамкорликни эҳтиёткорлик билан қарор топтириши талаб қилади.

Икки томонлама алоқа икки йўналишда, яъни, ўқитувчининг ўқувчига нисбатан кўрсатадиган таъсири (тўғри алоқа) ҳамда ўқувчининг ўқитувчига нисбатан муносабати (тесқари алоқа) тарзда ташкил этилади.

Тарбиянинг педагогик технологияси назарияси ғоясига мувофиқ эндиликда ўқувчи тарбия жараёнининг объектигина бўлиб қолмасдан, субъектив сифатида ҳам фаолият кўрсатади. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчининг ички имкониятлари, унга нисбатан бўлаётган ташқи таъсирлар, ахборот манбаларини иноватга олиши зарур. Агарда, мазкур талаб унутилса, шахсни тарбиялаш қийинлашади ёки барча уринишлар самарасиз якунланади.

Мана шундан тарбия жараёнининг яна бир муҳим хусусияти – тарбияда қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги келиб чиқади. Ушбу қарама-қаршиликлар ўқувчиларда ўз тушунчаларига мувофиқ пайдо бўлган дастлабки сифатлар ўртасида ёки ўқувчиларга қўйиладиган талаблар билан уларни бажариш имкониятлари ўртасида зиддиятларнинг келиб чиқиши учун замин яратади.

Бундан ташқари, бу қарама-қаршиликлар кўпинча боланинг онги билан хулқи бир-бирига мувофиқ бўлмаслигидан, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ўқувчилар ёш ва шахсий психологик хусусиятлари (феҳл-атвори, характери, кизиқишлари, жисмоний, руҳий ва физиологик соғломлиги)ни яхши билмаслиги оқибатида келиб чиқади.

Демак, тарбия жараёни ўзида қуйидаги хусусиятларни намоён этиди:

- 1) аниқ мақсадга йўналтирилган жараён;
- 2) кўп қиррали жараён;
- 3) узоқ муддатли жараён;
- 4) яхлит тизимлилик жараён;
- 5) икки томонлама алоқа жараёни;
- 6) қарама-қаршиликлардан иборат жараён.

Назорат учун саволлар:

1. Тарбиянинг мақсади нимадан иборат?
2. Шахсан Сиз тарбиянинг вазифаларини қандай тушунасиш?
3. Тарбиянинг турларини тавсифлаб беринг.
4. Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент, Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
4. Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Тошкент, Халқ мероси нашриёти, 1993.
5. Педагогика А.Қ.Мунавварованинг умумий таҳрири остида. - Тошкент, Ўқитувчи, 1993.
6. Подласый И.П. Педагогика. В 2 кн. Кн. 2. – Москва, Владос, 1999.

9-Мавзу: Ҳозирги замон фаншунослигида педагогикани давраштириш.

РЕЖА:

1. Ватанимизда педагогика тараққиётини давраштириш
2. Энг қадимги ёдгорликларда инсон тарбиясига оид фикрлар, қадимги даврларда тарбиянинг келиб чиқиши.

1.Энг қадимги халқ оғзаки ижодиёти ёдгорликларида инсон тарбиясига оид фикрлар.

Ҳозирги ўзбек халқининг аجدодлари бундан бир неча минг йиллар олдин яшаган бўлиб, улар юксак ва ўзига хос маданиятни вужудга келтиришда жуда катта ва машаққатли йўлни босиб ўтган. Дастлабки тош қуролларида тирикчилик учун фойдаланишда анча такомиллашган меҳнат қуроллари яшагача, ундан уруғчилик, қабилачилик даврларига келиб, хўжалик ва маданий

тараққиётда эришилган ютуқларгача бўлган тарихимиз ота-боболаримизнинг бой қадимий маданиятга эга бўлганлигидан далолат беради.

Маълумки, кишилар ва кишилик жамияти врқудга келиши жараёнида инсон ҳам биологик жихатдан, ҳам инсон сифатида такомиллашиб борган. Дастлабки диний эҳтиқодлар, оддий ихтироларнинг такомиллашиб бориши, инсон онгининг шаклланиб боришига туртки бўлди. Бу жараён минг-минг йиллар давом этиб, инсон онги шаклланишининг асоси бўлган хулқ-одоб қоидалари таркиб топади.

Энг қадимги кишиларнинг дастлабки оддий истаклари, орзу-умидлари, хислатлари қадимги эпосларда, улардаги афсонавий образлар қиёфасида ўз ифодасини топган. Рухга сиғиниш - онимизм, аجدодлар рухига сиғиниш тотемизм, сеҳргарлик каби диний эҳтиқодлар ва маросимлар акс этган афсоналар, ривоятларда энг қадимги авлодларимизнинг тафагасур дунёси акс этган. Аммо бу ривоятлар, афсоналар массагетлар, саклар, хоразмийлар, суғдлар, парфияликлар яшаган даврларга бориб тақалади.

Шуни таъкидлаш лозимки, энг қадимги тарбия ҳақидаги ёдгорликлар бизгача бевосита етиб келмаган. Туркий ва форсийзабон халқларнинг «хаёт кечириш санъати, донолик малсмуаси сифатида юзага келиб, борлиққа амалий муносабатда бўлиш намунаси» ифодаланган маънавий маданият ёдгорликлари: Марказий Осиё халқларининг энг қадимги маросимлари, урф-одатлари, ижтимоий-фалсафий, маданий, адабий-тарихий воқеаларини ифода этувчи комусий ёдгорлик намунаси бўлмиш «Авесто»; афсонавий қахрамонлар тасвирланган достонлар яхни, «Алпомиш», «Манас», «Широк», «Тўмарис», «Гўрўғли», «Муродхон», «Равшан», шунингдек қадимги юнон тарихчиси Геродотнинг «Тарих», Страбоннинг «География» асарлари, Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк», Урхун-Енисей битиклари ва бошқа шу каби адабий-тарихий манбаларда сакланган ва шулар орқали бизгача етиб келган. Бу ёдгорликлар инсоннинг шаклланишида моддий ва маънавий маданият қай даражада катта рол ўйнаганлигидан далолат беради. Хусусан, тарбия инсоннинг ақлий ва ахлоқий жихатдан таркиб топа боришига таъсир этган бўлса, инсоннинг шакллана бориши ҳам, ўз навбатида, инсоният жамиятининг таркиб топа боришига ёрдам берган. Хуллас, инсоннинг ўз-ўзини англаши ва жамият тараққиёти бир-бири билан узвий алоқада бўлган. Бу тарихий жараёни билиш, инсон тафаккурининг қадимги даврлардан бошлаб босқичма-босқич ривожланиши ва шу билан бирга инсоннинг ҳам тобора шакллана борганлиги ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилишга имкон беради.

Биз юқорида келтирган тарихий, фалсафий, педагогик адабиётларда тадқиқотчилар, умуман, энг қадимги маданий бойликларимизни ўрганишда уч асосий манбага таянганлигини кўрамиз:

1. Халқ оғзаки ижоди материаллари.
2. Буюк адиблар, алломаларнинг ижодий мероси.
3. Археологик қазилмалар натижасида топилган ашёлар.

Маълумки, ўтмишда кишилар меҳнат фаолияти жараёнида ўз эҳтиёжларини қондирган ва бу жараён ёш авлодга меҳнат кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга ёрдам берган.

Тарихчилар ва тарихчи-педагогларнинг кўрсатишича, кишиларнинг меҳнат фаолияти ёш жихатидан уч гуруҳга бўлинган:

1. болалар ва ўсмирлар;
2. ҳаёт ва меҳнатда тўла иштирок этувчилар;
3. кексалар.

Ибтидоий жамият даврида бола ўзи уддалай оладиган фаолиятга бевосита қўшилиб, у ҳаёт кечириш ва меҳнат қилишга ўрганган. Ўғил болалар эркаклар билан бажариладиган ов қилиш, қурол ясаш каби ишларни бажарса, қизлар аёллар меҳнати билан танишар эди. Бола Маълум тайёргарликдан сўнг синовлардан ўтиб, кейин амалий фаолиятда иштирок эта бошлайди. Уруғчилик жамоаси босқичида болалар меҳнати, касб-хунарга интилиш фаоллашиб борди. Тажрибали кишилар болаларни тарбиялаш билан бирга уларни ёзишга ҳам ўргата бошлайдилар. Аста-секин тарбия тизимига ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг бошланғич турлари кириб кела бошлайди. Жамият тараққиёти билан бирга болаларга далаларни ўлчаш, сув тошқинларининг олдини олиш, одамларни даволаш усуллариغا оид билимлар бериш ишлари авж олди. Натижада мактабларга ва ёзувга эҳтиёж сезила бошлайди. Дастлаб сураткашлик ривожланиб, пиктографик хат пайдо бўлган бўлса, кейинчалик қўшни мамлакатлардан кириб келган ҳарф билан ёзиш усули пайдо бўлади ва тез тарқала бошлайди.

Тадқиқотчилар эрамиздан олдинги биринчи минг йиллик ўрталарида оромий ёзуви, Александр Македонский истилосидан сўнг эса юнон ёзуви ва шу билан бирга форсий миҳхат ҳам Маълум вақтларда қўлланиб келинганини таъкидлайдилар.

Демак, ўша даврдаёқ Хоразм, Сўғд, Кушан, Рун (Урхун-Енисей), уйғур ва бошқа ёзувлар пайдо бўлган ва бу юксалиш таълим-тарбиянинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этиб келган. Чунки инсон ибтидоий жамоа бўлиб яшаш тарзини аста-секин ривожлантириб бориб, жаҳон маданиятида катта кашфиётлар яратди. Чунончи, Хитойда қоғознинг ихтиро этилиши, Хиндистонда ҳисоблаш ўнлик системасининг пайдо бўлиши, Месопотамияда Ер қуррасини градусларга, суткани соат, дақиқа ва сонияларга бўлишнинг жорий этилиши, Марказий Осиёда ўрта денгиз билан Ҳиндистонни боғловчи археологик топилмалари, тарихчилар, адабиёт ва санъат намоёяндаларининг ижодий мероси, санъат ва адабиёт намуналари бунинг далилидир.

Маълумки, ўтмишда кишилар меҳнат фаолияти жараёнида ўз эҳтиёжларини қондирган ва бу жараён ёш авлодга меҳнат қўникма ва малакаларини ҳосил қилишга ёрдам берган. Энг кадимги даврларда таълим-тарбияга оид қимматли Маълумотларни биз халқ оғзаки ижоди намуналари афсоналар, қаҳрамонлик эпослари, қўшиқлар, мақол ва ибораларда ҳам кўрамиз.

Чунки халқ донишмандлигининг кўзгуси бўлган халқ оғзаки ижодида халқ педагогикасига хос бўлган тарбия тажрибалари умумлашгандир. Айниқса, Полиэннинг «ҳарбий хийлалар» асарида келтирилган Широқ афсонаси, Геродотнинг «Тарих» китобидаги жасур Тўмарис ҳақидаги афсоналар шулар жумласидандир. М.Қошғарийнинг «Девону луготит турк» асарида эса илм олишнинг кадри, билимли, донишманд кишиларни ҳурмат қилиш, меҳмондўстлик хушхулқлик мардлик ва жасурликни тарғиб этувчи, ўз манфаатини кўзлаган молпараст, бахил, очкўз, дўстига ва халқига хиёнат каби салбий томонларни коралайдиган шехрлар қўп учрайди. Бундай шехрлар туркий

халклар кадим-қадимлардан бошлаб, инсон шахсини шакллантиришда таълим-тарбияга катта эҳтибор берганлигини кўрсатади.

Айниқса, панд-насихатларда асосий ўринни илм олишга ундаш, унинг фойдалари, илм ахлини хурмат этиш тўғрисидаги фикрлар эгаллайди. Ёшларга илмли кишиларга яқинлашиш, улардан ўғитлар олиш маслаҳат берилади:

Ўғлим, сенга қолдирдим ўғит,
Унга амал қил.

Олимларга яқинлаш, бахра олгил, Тутиб дил.

Маълумки, билим- маърифатли киши кибр-хаводан узоқроқ туришини тахминлайди, бунга инсоннинг ўзи ҳам сабабчи деб уқтиради, ўғитларда. Илм сари интилишни кутлуғ иш санайди. Демак, ҳар бир киши илм сари интилиши, унга бўйсунуши, мойил бўлиши, кибрни эса ўзидан нари суриши керак бўлади.

Ўрган унинг билимин,
Боргин унинг сари.
Қутлуғ ишга бўйсунгин,
Кибрни қув нари. (Пт. 161-162).

Ақлли одамнинг зехни ўткир бўлади, у ҳар қандай ўғит-насихатни худди юқорида парвоз этаётган қушнинг пастда овни кўргандаги тезлик билан шўнғишига ўхшатади. Оқил одам зехнининг тезлиги қуш парвозига қиёсланади:

Қуш ов кўрса, юксаклардан пастга чўқар,
Олим киши ўғит берса, дархол уқар. (III т.53)

Бу мисолда ақлли, билимли одамнинг табиати, ўзига хос хислати ифодаланган. «Девону луғатит турк» асарида инсоний фазилатларнинг ажралмас қисми хушхулқлик алоҳида ажратиб кўрсатилади. Ҳар бир инсон эгаллаши лозим бўлган эзгулик-яхшилик, умум манфаати учун меҳнат қилиш хушхулқ инсонга хос фазилат эканлиги уқтирилади:

Улуғлигинг ошса агар.
Хушхулқ бўлгил.
Бек ёнида халқ учун хўб иш қилгил. (I т.95)

Кишилар ўртасидаги тотувлик, ахилликнинг муҳимлигини ҳам қуйидагича ифодалайди:

Кўни-қўшни, қариндош кўрсин сендан яхшилик.
Не-не совға қилишса яхшироғин қил тортиқ. (I т. 137)

Яна бир шеҳрий парчада шоир инсон фақат ўзини ўйламаслиги, ўзгалар манфаати учун ҳам ҳаракат қилиши лозимлигини айтади:

Кўрклик тўнинг ўзингга, Тотлиғ ошинг ўзгага, Қўноққа кўргиз иззат, Ёзсин шахнинг узоққа.

Шоир мол-мулкка хирс қўймаслик, инсоннинг мол-мулки кўпайганда ҳам мағрурланиб кетмасликни, бу борада кекса авлод ўғитларига риоя этишни таъкидлайди. Таълим-тарбияга оид панд-насихатларга бой шеҳрлар инсон турмушининг турли томонларига оиддир. Инсон ҳаётининг абадий эмаслиги, шунинг учун ҳам кишиларга яхшилик қилиш лозимлиги, ёшлик хуснига ишониш сувга суяниш билан баробар, дейди. Шу билан бирга шеҳр парчаларида:

Кимнинг кўнгли бўлса
Қашшоқ, камбағал.
Тўқ бўлмайди,
Бой бўлмайди, дейилган мисралар ҳам учрайди. (III т.257)

Бу пандлар ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Чунки маънавий бой бўлмаган мамлакат ҳеч қачон моддий томондан мустаҳкамлана олмайди. «Девону луғатит турк» асарида халқнинг таълим-тарбияга оид тажрибалари ифодаланган мақоллар ҳам мавжуд. Мақолларда ҳам кўшиқлардаги каби дўстлик ва ҳамкорлик меҳнатга муҳаббат, илм олишга ва касб-хунар эгаллашга ундаш, ватанпарварлик ва қон-қардошлик туйғуси, тежамкорликнинг аҳамияти ва исрофгарчиликнинг олдини олиш, адолат ва адолатсизлик яхшилик ва ёмонликнинг натижалари, ахлоқ-одоб қоидалари, сихат-саломатликни сақлашга оид ўғитлар талқин этилади.

2.Тарбия ижтимоий ҳодиса сифатида

Тарбия - ижтимоий ҳодиса. У кишилик жамияти пайдо булган даврдан бери мавжуд. Инсон ер юзидаги энг мукаммал зот бўлиши учун аввало тарбияланиши зарур. Абу Лайс Самарқандий «Бўстонул-орифин» асарида тарбия ва тарбиялашнинг маъносини таърифлаб: «Эй ўғил, фарзандларингни тарбиялашдан олдин ўзингни тарбияла, тарбия кўрган оилада баодоб, яхши фазилатли, билимли одам вояга етади», - деган эди. Ибн Сино ижодиётида ҳам бу ғоя алоҳида ўрин тутди. «Кимга қандай панду насихат қилсанг, унга аввало ўзинг амал қил», - дейди аллома. Шарқ мутафаккирлари, педагог олимлари баркамол инсонни етиштириш учун тарбия нақадар зарурлигини, унинг моҳияти ва мазмунини асослаб берганлар. Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Ахмад Югнакийнинг «Ҳибатул-хақойиқ», Абу Райхон Берунийнинг хикматлари, Ибн Синонинг «Тадбир-ал-манозил», Алишер Навоийнинг «Махбубул-қулуб», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи муҳсиний» ва бошқа асарларида фарзанд ота-онанинг бахти, унинг тўғри тарбияланиши эса ҳамманинг бахти, деган умумий ҳулоса чиқарилади. ўтмишдаги мутафаккирлар тарбия атамасининг маъносини, тарбиялашнинг мазмунини алоҳида баён қилмаган бўлсалар ҳам ўз асарларида тарбиянинг қирраларини ифодалаганлар.

Алишер Навоий «Махбубул қулуб» асарида тарбиянинг кучи ва шарофатини қуйидагича таърифлайди:

Итқа таалумда чу бўлди камол,
Сайд анинг ағзидин ўдди ҳалол,
Олим ул итким нажасул айн эрур,

ўғлинг жahl улса, ажаб шайн эрур. (Ит ўрганиш билан комил бўлгач, унинг оғзи билан тутган овини ейиш мумкин бўлади. Энг ифлос махлуқ ҳисобланган ит олим бўлганида (овлашни ўрганганида) ўғлинг жохил қолиши жуда хунук ишдир). Алишер Навоий тарбиянинг асосий белгиларидан бири, болага яхши исм қўйиш, илму адаб ўргатиш, ота-онага, умуман катталарга ҳурмат ҳиссини сингдиришдан иборатлигини уқтиради. К.Д.Ушинскийнинг «Педагогика адабиётининг фойдаси» номли рисоласида: «Тарбиялаш иши, шубҳасиз, инсоннинг ақлий ва онгли фаолиятларидан биридир: тарбия тушунчасининг ўзи тарихан вужудга келган ва у табиатда йўқ, нарсадир. Тарбиялаш фаолияти фикр юритишни, ҳақиқатни англашни ҳам ўргатади»- дейилган.

Ҳозирги ўзбек халқининг аجدодлари бундан бир неча минг йиллар олдин яшаган бўлиб, улар юксак ва ўзига ҳос маданиятни вужудга келтиришда жуда катта ва машаққатли йўлни босиб ўтишган. Дастлабки тош қуролларида тирикчилик учун фойдаланишда анча такомиллашган меҳнат қуроллари ясашгача, ундан уруғчилик, қабилачилик даврларига келиб, хўжалик ва маданий

тараққиётда эришилган ютуқларгача бўлган тарихимиз ота-боболаримизнинг бой қадимий маданиятга эга бўлганлигидан далолат беради.

Ибтидоий жамият тараққиётининг биринчи босқичида, уруғчилик жамиятидан олдинги жамиятда, одамлар табиатнинг тайёр махсулотларини истеъмол қилганлар, овчилик билан шуғулланганлар. Яшаш воситаларини топиб қўлга киритиш жараёни унчалик мураккаб бўлмаган ва айни вақтда қўп меҳнат талаб қилган. Жамоа бўлиб яшаш, меҳнат қилиш ва истеъмол қилиш шароитидагина йирик хайвонларни овлаш, табиат билан курашиш мумкин бўлар эди. ҳамма нарса муштарак эди, жамоа аҳзолари ўртасида ижтимоий тафовутлар йўқ эди. Ибтидоий жамиятдаги ижтимоий муносабатлар қон-қариндошлик муносабатларига асосланар эди. Ундаги меҳнат ва ижтимоий (социал) вазифаларнинг тақсимланиши табиий биологик негизга асосланади, бунинг натижасида эркаklar билан аёллар ўртасида меҳнат тақсимои мавжуд эди, шунингдек, ижтимоий жамоалар ёш жихатдан бўлинар эди.

Янги туғилган бола дастлаб ўсиб етишаётган кишилар гуруҳига бериларди: уни шу жамоадаги кексайиб қолган кишилар боқардилар ва ўстирардилар. Бола тегишли биологик ёшга тўлиб, баҳзан бир ижтимоий тажриба, меҳнат қилишни ўрганиб, хаётий билим ва малакаларни эгаллаганидан кейин одам қаторига киритилиб тўла қимматли меҳнатчилар гуруҳига ўтар эди. Бир қанча замонлардан сўнг бу гуруҳга ўтказиш чоғида инициация «бағишлаб» удуми бажариладиган бўлиб қолди. Бу удумни бажариш чоғида ёшларнинг турмушга қанчалик тайёрланганликлари: азоб-укубатларга бардош бера олишлари, ботирлик ва чидамлилиқ кўрсата билишлари синаб кўрилар эди.

Ёш жихатдан бўлинган бир гуруҳ аҳзолари билан бошқа гуруҳ аҳзолари ўртасидаги муносабатлар ҳеч қерда ёзилмаган, лекин қатғий бажариладиган одат ҳамда анғаналар билан тартибга солиниб турар эди, булар таркиб топаётга ижтимоий нормаларни мустаҳкамлар эди.

Уруғчилик жамиятидан олдинги жамиятда табиий танланиш ва муҳитга мосланишнинг биологик механизмлар ҳам одам тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучларидан биридир. Бироқ жамият ривожланиб борган сари унда таркиб топаётган ижтимоий қонуниятлар каттароқ рол ўйнай бошлайди, аста-секин устунлик даражасига кўтарилади.

Ибтидоий жамиятда бола ўзининг хаёт фаолияти жараёнида, катталарнинг ишларида қатнашиб, улар билан кундалиқ муомалада бўлиб тарбияланар ва таълим олар эди. Бола, кейинроқ одат бўлиб қолганидек, хаётга ҳозирланибгина қолмасдан, шу билан бирга, ўзи уддалай оладиган фаолиятга бевосита қўшилиб ҳам кетаверади, катталар билан бирга ва уларнинг раҳбарлигида жамоа бўлиб меҳнат қилишга ва хаёт кечиришга ўрганар эди. Машаққатли турмуш кечириш ва табиат билан кураш олиб бориш шароитида одам факат жамоа бўлиб яшаш ва меҳнат қилиши мумкин эди. Бундай жамиятда ҳамма нарса жамоаники бўларди. Болалар ҳам бутун уруғ қўлида, дастлаб оналари қўлида бўлар, сўнггра оталар қўлига ўтиб қолардилар. Болалар ва ўсмирлар меҳнатда ва катталар билан кундалиқ мулоқатда турмуш учун зарур қўникмалар ва меҳнат малакаларини ўрганиб олаверадилар, урф-одатлар билан танишаверадилар, ибтидоий одамлар хаётида ҳар доим бўлиб турадиган расм-русумларни бажаришни ўрганадилар.

Ўғил болалар катта ёшдаги эркаklar билан бирга ов қилиш ва балиқ тутишда, қурол яшашда қатнашар, қизлар эса хотинлар раҳбарлигида экин экиб,

хосилни йиғиштириб олиш ишларида қатнашар, овқат пиширар, идиш ясаб, кийим тикар эдилар. Матриархат тараққиётининг охирги босқичларида ёш авлоднинг яшаши ва тарбияланиши учун ўғил болалар учун алоҳида, қиз болалар учун алоҳида - биринчи муассасалар пайдо бўлди. Мана шундай жойларда - ёшлар уйларида ёшлар уруғ оқсоқолларнинг раҳбарлигида яшашга, меҳнатга, ўтказиладиган «синовларга» тайёрланар эдилар. Аста секин чорвачилик, деҳқончилик, ҳунар-қасблар пайдо бўла бошлади. Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиб, одамларнинг меҳнат тажрибаси кенгайиб борганлиги сабабли тарбия ҳам мураккаблашди, кўп томонлама ва режали бўлиб қолди. Болаларга ҳайвонларни боқиш, деҳқончилик қилиш, ҳунар-қасб ўргатиладиган бўлди. Бирмунча ташкилий равишда тарбия қилиш зарурати туғилиши билан уруғчилик жамоаси ёш авлодни тарбиялашни тажрибалироқ кишиларга топшириб қўядиган бўлди. Улар болаларга меҳнат кўникмалари ва малакаларини ўргатиш билан бир каторда пайдо бўлиб қолаётган диний урф-одатларнинг қоидалари, нақллар билан уларни таништирар, ёзишга ўргатилар эди. Эртақлар, ўйинлар ва рақслар, мусиқа ва ашула, халқнинг бутун оғзаки ижоди характернинг муайян белгиларини тарбиялашда катта рол ўйнади. Уруғчилик жамоасининг янада ривожланиб бориши натижасида ҳарбий тарбиянинг бошланғич турлари пайдо бўлди: ўғил болалар ўқ-ёй отишни, найзадан фойдаланишни, отда юришни ва шу қасбларни ўрганадиган бўлиб қолдилар. Одамлар ёшларига қараб гуруҳларга ажратиладиган бўлди, бундай гуруҳларда ўзининг аниқ ички ташкилоти, бошлиқлар пайдо бўлди, махсус тайинлаб қўйилган уруғ оқсоқоллари раҳбарлигида йигит ва қизларни уруғнинг тўла ҳуқуқли аҳзолари каторига қўшиш учун тантанали синовлар ўтказиш мураккаблашди. Бошланғич билимларни ўқиш олишга, хат пайдо бўлгандан кейин эса ёзувга ҳам катта эҳтибор бериладиган бўлиб қолди. Ёш авлодни тарбиялаш уруғ томонидан ажратилган алоҳида кишиларга топширилганлиги, тарбия мазмунини ҳамда синовлар дастури кенгайганлиги ва мураккаблашганлиги, мана шуларнинг ҳаммаси уруғчилик тузуми шароитида тарбия иши ижтимоий фаролиятнинг алоҳида шакли айлана бошлаганлигидан далолат беради. Бошқа мамлакатларда бўлгани каби, Марказий Осиёда ҳам меҳнат тақсмоти оилавий тарбия орқали наслдан - наслга ўтиб мустаҳкамланиб борди. Жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи оддий халқдан устун даражада турувчи жангчилар ва кохинлар гуруҳлари пайдо бўла бошлади. Кохинлар ўзлари ўрганиб олган бошланғич илмий билимларни оддий кишилардан яшириб, болаларига ўргата бордилар ва шу тариқа бундай билимлар авлоддан-авлодга ўтадиган бўлиб қолди.

Марказий Осиёнинг кўпгина жойларида қояларга ўйиб ёзилган кадимий суратлар сақланиб келмоқда. Ибтидоий жамиятнинг сурат солишга мохир бўлган кишилари бу суратларда одамларни ва ҳайвонларни, ов манзаралари ва бошқа шу каби манзараларни тасвирлаганлар. Бундай сураткашлик ривожлана бориб, бир канча мамлакатларда пиктографик хатнинг пайдо бўлишига имкон берди, кейинроқ иероглифлар билан ёзиладиган хат ва ҳарфлар билан ёзиладиган хат мазкур пиктографик хатлардан вужудга келди.

Марказий Осиё халқларининг, шу жумладан, ўзбек халқининг маданияти, маърифати, миллий кадрияти ибтидоий жамоа давридаги маърифий тафаккурнинг дастлабки куртаклари фолклорда ўз аксини топган.

Эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида, яҳни ибтидоий жамоа тузуми даврида одамлар инсоннинг камолоти тўғрисидаги ғояларини жуда кўп ривоятлардан фойдаланиб бахшилик йўли оркали авлоддан-авлодларга етказганлар, мазкур ривоятларда, кишиларни тарбиялаш, ахлокий баркамоллик шахснинг маънавий юксаклиги масалалари асосий ўрин олган.

Шунингдек ибтидоий даврда инсонлар тарбиянинг таъсир кучи оркали тўғри ҳаёт кечирганлиги, маданият ва санъат соҳасида ҳам мисли кўрилмаган кашфиётлар юзага келгани Маълум. Юнон тарихчиси Геродот (эр. ав. V аср) «Тарих» китобида ёзишича... Марказий Осиёнинг ибтидоий жамоа тузуми шароитида халқлар асосан чорвачилик ва дехкончилик билан шуғулланган. Уларда никоҳ муносабатларининг умумий (тартибсиз) шакли ҳукмрон бўлган. Оиланинг гуруҳли шаклларида боланинг отаси ноМаълум бўлса ҳам, лекин онасининг ким эканлиги Маълум бўлган ва шу сабабдан боланинг тарбияси она зиммасига юклатилган. Аста-секин одамларнинг ижтимоий онг фаолиятининг такомиллашуви, хусусий мулкнинг дастлабки куртакларининг пайдо бўлиши яқка тартибдаги оилаларни вужудга келтирган.

Яқка оила пайдо бўлгандан сўнг меҳнат тарбиянинг энг асосий курулига айланган. Қадимги Эрон кабилаларида мис ва темирдан уй-рўзгор буюмлари ясала бошланганди. Ана шу меҳнат жараёнида болалар ҳам иштирок этарди. Ибтидоий даврдаги тарбия асосан оилада, жамоа ва меҳнат масканларида кишилар орттирган тажрибаларни болаларга ўргатишдан иборат бўларди. Болаларга ўргатиладиган кундалик меҳнат малакалари уларни яшаш учун курашишга тайёрлар, ақл-идрокли, одобли бўлиб ўсишларига хизмат қиларди. Минг йиллар мобайнида моддий неҳматлар яратиш учун ҳамкорликда қилинган меҳнат кишилар ўртасидаги ахлоқ-одоб муносабатларининг меҳёрини келтириб чиқарди.

Ибтидоий жамоа тузуми давридаги кишилар меҳнат жараёнида, борликдаги нарсалар ва ходисаларга муносабатлари асосида ўз дунёқарашлари ва ақидаларига таяниб халқ оғзаки ижоди асарларини яратганлар. Уларнинг бири-бирига, атроф-муҳитга, касб-корига муносабат борасидаги илк фикр ва тасаввурлар, мифологик асарлар тимсоли бўлмиш - «Авесто»да ифодаланган Митра, Анахита, Ардивиссура, Варахрана, Иима сингари маҳбуда ва маҳбудлар сиймоси оркали аجدодларимиз инсонларга яхшилик қилиш, ерларни обод ва серхосил қилиш, экин экиш, дарахтларни ўстириш учун жамоа ҳаракати хусусидаги мулоҳазаларини мужассамлаштирганлар.

Шуни таъкидлаш лозимки, Марказий Осиёнинг ибтидоий жамоа тузуми даврида вужудга келган маданий-мағрифий фикр ва ғояларни, тарбия масалалари бўйича халқ, яратган жуда кўп манбаларни ўрганиш ниятига етказилмаган. Ҳозир уларни муфассал ўрганиш учун мустақил республикамизда кенг имконият яратилди. Бир қанча шарқшунос олимларимиз Хиндистон, Хитой, Англия, Фарангистон ва Араб мамлакатларидаги талайгина қўлёзмаларни ўрганишга муяссар бўлдилар ва ҳозир ҳам давом эттирмоқдалар. Жумладан, Т.Н.Қори Ниёзий, Х.Сулаймон Б.О.Ахмедов, С.Ғаниева, О.Усмонов, Н.Маллаев, Ф.Сулаймонова, М.Хайруллаев, И.Мўминов ва бошқаларнинг бу соҳадаги хизматлари жуда каттадир.

Марказий Осиё халқларининг, шу жумладан, ўзбек халқининг маданияти, мағрифати, миллий қадрияти осори-атиқаларини ўрганиб, шулар ҳақида ўлмас

асарлар яратган тарихшунос, шарқшунос олимлар - Геродот, Херман Вамбер, А.Ю.Якубовский, С.П.Толстов, Е.Э.БертелҒс, В.В.Бартолғд, Е.Березиков ва бошқаларнинг машаққатли меҳнатларини алоҳида эҳтироф этиш лозим. Уларнинг ҳаммалари ҳам ибтидоий жамоа давридаги маърифий тафаккурнинг дастлабки куртаклари фолклорда ўз аксини топган, деган хулосага келишган. Энг қадимги ёзма ёдгорликларда таълим-тарбия масалалари.

Эрамиздан олдинги мингинчи йилларнинг ўрталарида энг қадимги аجدодларимиз томонидан қахрамонлик мазмунидаги жуда кўп афсоналар ривоятлар айтилган бўлиб, улар зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» га киритилган.

«Авесто»да инсоннинг баркамол бўлиб етишишида унинг сўзи, фикри, иши, бирлигига катта эҳтибор берилган. Бу ахлоқий учлик энг қадимги даврлардан бошлаб ундан кейин яратилган барча маърифий асарларга асос бўлган десак хато қилмаган бўламиз.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Энг қадимги даврларда тарбиянинг келиб чиқиши. Ибтидоий одамлар ҳаётида тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Тарбия ижтимоий ходиса сифатида нималарни қамраб олади.
3. Қадимги давлатларда таълим-тарбиянинг пайдо бўлиши қадимги ёзувлар.
4. Халқ оғзаки ижодида таълим-тарбия мазмуни, усули ва воситалари.

АДАБИЁТЛАР

1. Махмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. (Туркий сўзлар луғати). Уч томлик. - Т.: ФАН, 1960.
2. Миртурсунов З. Ф. ўзбек халқ педагогикаси. - Т.: ФАН, 1973.
3. Рахмонов Н. Қадимий хикматлар.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987

10-Энг қадимги даврлардан эрамиздан олдинги VII асргача таълим-тарбия ва педагогик фикрлар.

РЕЖА:

1. Ватанимизда педагогика тараққиётини давраштириш
2. Энг қадимги ёдгорликларда инсон тарбиясига оид фикрлар, қадимги даврларда тарбиянинг келиб чиқиши.
3. «Авесто»гача бўлган давр педагогикаси
4. «Авесто» даври педагогикаси
5. Авестода таълими ахлоқий масалаларининг ифодаланиши

Ибтидоий жамоа тузуми давридаги кишилар меҳнат жараёнида, борлиқдаги нарсалар ва ходисаларга муносабатлари асосида ўз дунёқарашлари ва ақидаларига таяниб халқ оғзаки ижоди асарларини яратганлар. Уларнинг бири-бирига, атроф-муҳитга, касб-корида муносабат борасидаги илк фикр ва тасаввурлар, мифологик асарлар тимсоли бўлмиш - «Авесто»да ифодаланган Митра, Анахита, Ардивиссура, Варахрана, Иима сингари маҳбуда ва маҳбудлар сиймоси орқали аجدодларимиз инсонларга яхшилик қилиш, ерларни обод ва серхосил қилиш, экин экиш, дарахтларни ўстириш учун жамоа ҳаракати хусусидаги мулоҳазаларини мужассамлаштирганлар.

Шуни таъкидлаш лозимки, Марказий Осиёнинг ибтидоий жамоа тузуми даврида вужудга келган маданий-мағрифий фикр ва ғояларни, тарбия масалалари бўйича халқ, яратган жуда кўп манбаларни ўрганиш ниятига етказилмаган. Ҳозир уларни муфассал ўрганиш учун мустақил республикада кенг имконият яратилди. Бир қанча шарқшунос олимларимиз Хиндистон, Хитой, Англия, Фарангистон ва Араб мамлакатларидаги талайгина қўлёзмаларни ўрганишга муяссар бўлдилар ва ҳозир ҳам давом эттирмоқдалар. Жумладан, Т.Н.Қори Ниёзий, Х.Сулаймон Б.О.Ахмедов, С.Ғаниева, О.Усмонов, Н.Маллаев, Ф.Сулаймонова, М.Хайруллаев, И.Мўминов ва бошқаларнинг бу соҳадаги хизматлари жуда каттадир.

Марказий Осиё халқларининг, шу жумладан, ўзбек халқининг маданияти, мағрифати, миллий қадрияти осори-атиқаларини ўрганиб, шулар ҳақида ўлмас асарлар яратган тарихшунос, шарқшунос олимлар - Геродот, Херман Вамбер, А.Ю.Якубовский, С.П.Толстов, Е.Э.Бертелс, В.В.Бартольд, Е.Березиков ва бошқаларнинг машаққатли меҳнатларини алоҳида эҳтироф этиш лозим. Уларнинг ҳаммалари ҳам ибтидоий жамоа давридаги мағрифий тафаккурнинг дастлабки куртаклари фолклорда ўз аксини топган, деган хулосага келишган. Энг қадимги ёзма ёдгорликларда таълим-тарбия масалалари.

Эрамиздан олдинги мингинчи йилларнинг ўрталарида энг қадимги аجدодларимиз томонидан қахрамонлик мазмунидаги жуда кўп афсоналар ривоятлар айтилган бўлиб, улар зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» га киритилган.

«Авесто»да инсоннинг баркамол бўлиб етишишида унинг сўзи, фикри, иши, бирлигига катта эҳтибор берилган. Бу ахлоқий учлик энг қадимги даврлардан бошлаб ундан кейин яратилган барча мағрифий асарларга асос бўлган десак хато қилмаган бўламиз.

Маълумотларга кўра «Авесто» эрамиздан аввалги VII асрнинг охири ва VI асрнинг бошларида яратилган бўлиб, у узоқ даврлар махсули саналади. Ҳамда даврлар ўтиши билан у қайта-қайта ишланади. Барча манбаларда тўлиқ китоб ҳолида шаклланишини эрамиздан аввалги биринчи асрга тўғри келади, дейилади.

«Авесто» нинг ватани Хоразм эканлигини олимлар ишонч билан таъкидлайдилар: Зардушт эрамиздан олдин VI асрда яшаган. Хоразмда яшаган чорвадорлар оиласи спитама уруғидан бўлган. Отаси Паурушаспа, онаси Дугдова деб номланганлар, улар от ва туя боқиш билан шуғулланганлар. Зардушт кўп ҳудодликка сиғиниш, қурбонлик натижасида моллар қириб кетаётганини ҳамда қабилалар ўртасидаги низоларни кўриб, уни олдини олишни ўйлайди ва ўз таълимотини тарғиб эта бошлайди. Лекин қабила бошлиқларига унинг таълимоти ёқмайди. Зардушт худодан келган вахий орқали кўпҳудодликка қарши якка худодликни тарғиб этиб чиқади, кучли ҳокимият ўрнатиб, ер юзида тинчликни барқарор этиш учун курашади, яхшилик ва эзгулик худоси Ахура Маздани химоя этади.

Зардуштнинг янги таълимотини истамаган қабила бошлиқлари уни тақиб этадилар. У Райга (Эронга) қочади ва ўз динини ўша ерда таркиб топтиради. «Авесто»ни шох Виштаспа (Гуштасп) тақдим этади. Шох Виштасп унинг хомийсига айланади. Виштаспнинг фармонига биноан оташхона ибодатхоналар қурдирилади ва зардуштийлик дини кенг тарқалади.

Адабиётшунос Х.Хамидов Зардуштнинг шох Гуштасп вазирининг қизи Хавовига уйланган, ундан уч ўғил- Иставатра, Урвататнара, Хварачира ва уч қиз Френи, Трити, Поуричиста номли қизлари бўлганлигини келтирадилар (93, 87-88 б.). Виштаспнинг фармониға кўра 1200 бобдан иборат «Авесто» ни олтин тахтаға ёздирилиб, шох оташкадасига топширилади.

Манбаларда «Авесто» нинг китоб холидаги матни эрамиздан олдинги 12 минг ошланган мол терисига олтин ҳарфлар билан битилгани келтирилади. Бу нусхаси Искандар истилосигача Истахр шаҳрида сақланган. Искандар Истахрни босиб олгач, «Авесто»даги тиббиёт, нужум, илму хикмат соҳаларига оид матнларни юнон тилига таржима қилиб, бошқасини ёкиб юборишга буюрган. Баўзи тадқиқотчилар энг қадимги нусхаси 1324 йилда кўчирилган бўлиб, Копингаген кутубхонасида сақланишини айтишса (Н.Маллаев), бошқалар эса (В.А.Ливиц) 1288 йилда энг қадимги қўлёзма нусхаси яратилганини айтадилар. Зардуштийлик таълимотини жамғарилган Зардуштнинг китоби бизгача 2 нусхада етиб келган.

Биринчиси-дуолар тўпламидан ибрат бўлиб, «Вендидот»- седе, яҳни «Пок Вендидот» деб аталади (А.Ирисов). Бу китобга «Ясна»лар, «Висперед» ҳам киритилиб, бир бутун тарзда шаклланган. Иккинчисиди ҳам, биринчисиди каби «Вендидат», «Ясна», «Висперед» лар киритилган бўлса ҳам, бу китоб таржима қилиниб шарҳлар билан берилади. Шунинг учун ҳам шарҳли нусхаси «Авесто ва Занд» ёки «Занд Авесто» деб юритилади. Иккинчи вариантига биноан «Авесто» куйидаги қисмлардан иборат:

1. «Вендидот» 22 бобдан иборат. Асосан, Ахуру Мазда билан Зардуштнинг савол-жавоби шаклида ёзилган бўлиб, у ёмон руҳларни, девларни енгилш воқеалари, гуноҳлардан пок бўлиш қоидалари ҳамда мифологик унсурларни ўз ичига олади. Яҳни девларга қарши қонун, қонуннома бўлиб, ёмонлик тимсоли бўлган девларга нафрат билан қарашдан иборатдир. Ахура Мазда юртида яхшилик, хайрли ишларни юзага келтирса, Анхра Ману (Ахриман) ўз юртида ёмонлик яратади.

2. «Виспарад». У 24 бобдан иборат. «Виспарад» ибодат кўшиқларини ўз ичига олади.

3. «Ясна». Ясналар 72 бобдан иборат. Диний ибодатлар пайтида, қурбонликка чақириш маросимида айтиладиган кўшиқлар, худолар мадҳияси ва бошқалар. Унинг 17 боби Готлар деб аталади. Булар «Авесто»нинг энг қадимги қисмлари саналади.

4. Яштлар. У зардуштийлик худолари ва маҳбудалари мадҳига айтилган 22 кўшиқ (Гимнлар)ни ўз ичига олади.

5. Кичик Авесто (Хурда Авесто, Хвартак-апастан). Қуёш, Ой, Ардвисура, Митра, олов ва бошқа худо ҳамда маҳбудалар шарафига йиғилган кичик ибодат текст(Гимнлар)идан иборат. Зардуштийлик тўғрисида сўз борганда унда тўғрилиқ билан яшаш ва ахлокий унсурларга асосланганлигини таъкидлаш лозим. Айниқса, «Авесто»да зардуштийликнинг инсонга, инсоннинг жамиятда тутган ўрнига муносабати «гот»ларда тўлиқ ёритилган.

Тарбиявий манба сифатида «Авесто» катта аҳамиятга эга. Юкорида айтганимиздек, Зардушт қадимги қабилалардаги диний эҳтиходларни ислоҳ қилган. Зардушт таълимотининг янгилиги шундаки, Ахура Мазда (Қодир илоҳ_адолат ва яхшиликнинг ижодкори саналади: Анхра Мани эса (ёвуз рух)

барча ёмонликлар сабабчиси. «Авесто» нинг мазмуни ҳақида унинг бизгача етиб келган парчалари матнларига асосланиб қуйидагилар ифодаланганини кўрамиз:

«Вендидот»нинг дастлабки уч бобида халқ ҳаётида ернинг қай даражада муҳим аҳамиятга эга эканлиги куйланади. Масалан, 1 бобида ёвузлик ва адолат ўлкалар таснифланар экан, Ахура Мазда тинчлик ўлкаси, Адолат ўлкаларнинг асосчиси, Ангро Манвю эса жаҳолат уруғини сочувчи сифатида талқин этилади. Ана шу ўлкалардан 17 ўлка санаб ўтилади.

«Авесто»да тасвирланган Адолат ўлкасининг кейинги даврлардаги номларини қуйидагича келтиради:

1. Арийана Веджа Хоразм ёки Аракс дарёси қирғоғидаги, ёки Аму ва Сирдарё дельтасидаги ўлка.
2. Гава-Сўғдиёна.
3. Моуру (Маргав)—Маршана (Марв, ҳозирги Мари).
4. Бахди-Бақтрия (Балх).
5. Нисайя-Ниса, Парфия пойтахти.
6. Ҳарой-Исфакхонда бир жой.
7. Хнента Гурканиа.
8. Ҳарахвайти- Гарут (Арахозия билан боғлиқ).
9. Хэтумант- Гилғменда ҳавзасидаги вилоят.
10. Рага Мидиядаги бир шаҳар, Рай Техронга яқин.
11. Чахра- Хуросондаги бир жой.
12. Варна- жанубий Каспий бўйи вилояти.
13. Хапта Хиндав Инда, Панжоб ҳавзалари ҳудуди.
14. Рангха ирмоқлари мифологик ўлка.

Иккинчи бобда Йима ҳақида афсона келтирилади. Унда ерни уч баробар кўпайтириш, одамларни, хайвон ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун чегара белгиланади. Ернинг сувдан пайдо бўлганлиги ҳақида қадимги Хинд-Эрон қабилаларининг дастлабки тасаввурлари ифодаланади. Кейинги бобларда эса гуноҳ ва унинг жазоси, покликнинг моҳияти таърифланади, олов, сув, ер, чорва, дарахт, ўсимликлар улуғланади, қохинлар, ҳарбийлар, деҳқон ва чорвадорлар мадҳ этилади. ҳайвонларга зулм ўтказиш энг катта гуноҳ сифатида қораланади. Мазкур бўлимда гигиенага оид қоидалар: тирноқ ва сочларни парвариш қилишга ҳам эҳтибор берилади.

«Авесто»да биз инсон шахсининг такомилига оид маърифий фикрларнинг Маълум бир тизимини кўрамиз. Хатто «Авесто»ни дастлабки педагогик асар десак ҳам хато қилмаган бўламиз ва энг қадимги даврларда халқимизнинг табиий, илмий, маърифий фикрларига оид қизиқарли материалларга эга бўламиз. Шунингдек тадқиқотчилар ҳам уни диний ҳарактерга эга бўлиши билан бирга фалсафа, сиёсат, таълим-тарбия, адабиёт масалаларини ҳам қамраб олган асар сифатида ва унинг келиб чиқиши ҳақида муҳим фикрлар баён этадилар.

Хулоса қилиб айтганда, «Авесто»да инсоннинг баркамол бўлиб етишишида унинг сўзи, фикри, иши бирлигига катта эҳтибор берилади. Бу ахлоқий уқлик энг қадимги даврлардан бошлаб ундан кейин яратилган барча маърифий асарларга асос бўлган десак ҳам қилмаган бўламиз. Зеро, унда инсоннинг инсон сифатида маънавий ва моддий камол топиши учун зарур бўлган муайян талаблар ўз ифодасини топиб, ҳаёт кодекси сифатида фақат Шарқ халқларининг эмас,

ғарбнинг ҳам муқаддас мероси бўлиб қолди. Зардуштийлик ахлоқининг асосий училигини жадвалда қуйидагича ифодалаш мумкин.

ЗАРДУШТИЙЛИК АХЛОҚИНИНГ АСОСИЙ УЧЛИГИ

инсон

ЭЗГУ ФИКР, ЭЗГУ КАЛОМ, ЭЗГУАМАЛ

Энг қадимги туркий тилда яратилган ва турк-руний ёзувида битилган Урхун-Енисей битиклари ҳам VI-VIII асрларда ёзиб қолдирилган бўлиб, улар таълим-тарбияга оид қимматли Маълумотлар беради.

Гарчи Урхун-Енисей ёзма ёдгорликлари бевосита таълим-тарбия масалаларига бағишланмаган бўлса ҳам, улардан ўша давр ахлоқий талаблар юзасидан Маълум бир Маълумот олиш мумкин. Хусусан, хоқонлар ва алпларнинг жанговор фаолияти, турмуш тарзи, ватанпарварлик, бирдамлик, иттифок бўлиб яшашга интилиши, мардлик, жасорат, самимийлик, инсонпарварлик, эзгулик каби инсоний хислатлари жамият ҳар бир аҳзосининг ахлоқий қиёфасини белгиловчи муҳим фазилатлар сифатида маърифий қадриятларимиз тарихида муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, VI аср ўрталарига келиб Олтой, Еттисув ва Марказий Осиё турк қабилаларидан турк хоқонлиги ташкил топди. Бу хоқонлик гарбдан Византия, жанубдан Эрон ва хиндистон, шарқдан Хитой билан чегарадош бўлган. Турк хоқонлиги Туркют давлати деб ҳам аталган.)ёконлик 603 йилда Шарқий ва Ғарбий хоқонликка ажралган. 745-йилга келиб эса Турк хоқонлиги тугалланади. Турк хоқонлиги асосан 3 киши: Билга хоқон (Моғилён), Кул тегин, Тунюқуқлар қўлида марказлашган эди. Билга хоқон (Моғилён) хоқон, Кул тегин - саркарда, Тунюқуқ эса - вазири доно бўлади.

Битиг тошларда турк хоқонларининг юришлари, бу юришларда кўрсатган жасоратлари, уларнинг билимли, мард, халқпарвар алп йигитлар эканлиги баён этилади. уз ватани мустақиллиги учун кураш, халқни асоратдан олиб чиқиш, уларнинг бирдамлигини таҳминлаш хоқонлар Бўмин, Истами, Элтариш, Элтаришнинг ўғиллари - Билга хоқон ва лашкарбоши Кул тегин, маънавий оталари Тунюқуқларнинг зиммасига тушгани хикоя қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, энг қадимги маърифий ёдгорликларда инсонда энг қадрланадиган хислат жасурлик, мардлик, адолат, садоқат, инсонийлик, хушмуомалалик бўлган. Бу хислатлар ўз-ўзидан шаклланмаган. Табиат ва жамиятдаги ўзгаришлар, ибтидоий уруғчилик қабилачилик турмуш тарзи буни тақозо этган. Икки катта куч - яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги аёвсиз кураш инсондаги бу хислатларнинг бевосита шаклланишига туртки бўлган.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР:

1. «Авесто»да тйълимий-ахлоқий масалаларнинг ифодаланиши.
2. Урхун-Енисей обидаларида озодлик, эрк, инсонпарварлик хислатларининг ифодаланиши.
3. Махмуд Қошгарийнинг «Девону луғатит турк» асарида келтирилган қадимги ўғитларни дафтарингизга ёзиб чиқинг.
4. "Энг қадимги даврларда инсонда улуғланган асосий хислатлар" жадвалини тузинг.

АДАБИЁТЛАР

4. Махмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. (Туркий сўзлар луғати). Уч томлик. - Т.: ФАН, 1960.
5. Миртурсунов З. Ф. Ўзбек халқ педагогикаси. - Т.: ФАН, 1973.
6. Рахмонов Н. Қадимий хикматлар.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987
7. Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Х. Педагогика тарихи. Тошкент. Ўқитувчи. 1997
8. Ҳошимов К., Нишонова С, Иномова М., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. Т.: Ўқитувчи, 1996.
9. Ҳомидов Х., «Шохнома» нинг шуҳрати. - Т.: Ўзбекистан, 1991.
10. Қайумов Азиз. Қадимият обидалари. - Т.: Адабиёт ва санъат. 1972.

11-Мавзу: VIII асрдан XIV асрнинг биринчи яримигача тарбия, мактаб ва педагогик фикр тараққиёти.

РЕЖА:

1. Араблар истелосидан кейин Мовароуннаҳрда таълим-тарбиянинг ривожланиши.
2. Мактаб ва мадрасаларда таълим мазмуни.
3. Ҳадис илмининг пайдо бўлиши. Имом Исмоил ал-Бухорий ва унинг "Ал - жомеғ ас-сахих", "Ал-адаб ал-муфрад" асарларида тарбия масалалари.
4. Ҳадисларнинг тарбиявий аҳамияти.
5. Мовароуннаҳрда таълим тизми.

1. VII аср бошларида ташкил топган Араб халифалиги уз мавқеини мустаҳкамлаш учун бошқа мамлакатларни ҳам забт эта бошлади. Эрон, Кавказ орти, Сурия, Шимолий Африка, Жанубий Испания ҳам халифалик таркибига киритилди.

VII асрдан бошлаб араблар Мовароуннаҳрга ҳам хужум бошлади. VIII аср ўрталарида эса бутун Мовароуннаҳр забт этилди, натижада бу ўлкада ҳам халққа ислом дини қабул қилдирилди. Араблар истило этгач Мовароуннаҳрда ҳам ислом ғояларига асосланган таълим-тарбия тизими ўрнатилди бошланди. Ва янги тизимга эга бўлган таълим муассасалари пайдо бўлди. Ислом дини қабул қилинган жойларда мачитлар, мачитлар қошида эса мактаблар ташкил этилди. Араб тилини ўрганиш жорий этилди, мактабларда таълим араб тилида олиб борилад ва у ерда асосан " Қуръон и Карим" ўрганилар эди. Араб бўлмаган болаларга ислом дини асосларини ўргатиш мақсадида "Хафтияк", "Чор китоб" каби дарсликлар ўқитиларди.

XII асрдан бошлаб, ислом динини туркий тилда ёзилган асарларда ҳам оммалаштириш бошланди. Мисол тариқасида Аҳмад Яссавийнинг "Хикматлар" асарини келтириш мумкин. Халқ асосан, ўз она тилида сўзлашса ҳам, ёзув араб алифбосида эди. У даврда савод чиқариш ҳарф ва сўзларни ёзишни ўрганишдан бошланар эди. Мактаб сўзининг, арабча "ёзув ўргатадиган жой" деб номланиши ҳам ана шундандир. Мактабларда болаларга ёзиш ва ҳисоблаш ўргатилган,

бундан ташқари, ўсмирларга савдо санъати, араб тили, мантиқ, нотиклик, хуснихат, арифметикадан сабоқ берилган.

Ҳар бир мактаб талабасининг сони 30 40 дан ошмаган. Мачитлар хузуридаги мактабларда асосан " Қуръон " ўқитилган.

2. Мактаб ва мадрасаларда таълим мазмуни.

2. Болаларга дастлабки сабоқ ҳарфларни ўқишдан бошланган, бу усулда ҳар бир бола алифбе тартибида ҳарфнинг номини билиб олиши (алиф, бе, те, се, ва х.), сўнгра шу ҳарфларни қўшиб ўқишни машқ қилар эди. Ана шу машқ охирига етганидан сўнг, болалар қўлларига " Қуръон " берилган ва домла раҳбарлигида " Қуръон "нинг ҳар бир сураси такрорланиб ўрганилар эди.

Лекин " Қуръон "ни ўқиш болалар учун жуда оғир эди. Чунки мактабларда аста секин фақат оғзаки машқ усулига "Савод" чиқарилишга ўтгач, савод чиқариш янада қийинлашди. Ёзув алоҳида "фан" сифатида ажратилиб, котиблик касбига ўқиётганларгагина ёзув ўргатилар эдию шунга қарамай, мактабларга деярлик ҳамма болалар тортилади ва " Қуръон "ни ўрганиш мажбур қилиб, араб бўлмаган болалар учун уни ёдлаш ҳар қанча оғир бўлса ҳам, Мовароуннаур мактабларида " Қуръон " нинг бу усул қабул қилинди ва тўғри деб топилди- Бу усул кейинчалик болаларнинг мадрасада ўқитиш учун ҳам керак эди.

Аста-секин ота-оналар болаларни 6-7, ҳатто 5 ёшидан мактабга бера бошладилар " Қуръон "ни ёд билган киши қори деб аталарди. Қорилар катта ҳурматга сазовор эдилар. Аста секин ўқимишли кишилар, яҳни домла алоҳида ажралиб, улар ўз хонадонларида ҳам мактаб очади. Талабалар мактабдор домлалар мактабида хуснихат, оғзаки ҳисобни ҳам ўрганар, аста - секин форс-тожик тилида ва туркий тилдаги китобларни, қўлёзмаларни ҳам ўқитилар, ўргатилар эди.

Хуснихат ва арифметика билан яна хусусий муаллимда шуғулланар эдилар. Мовароуннахрда араб бўлмаган болаларга "Хафтияк" VIII асрда тузилган бўлиб, " Қуръон " сураларидан еттидан бири танлаб олинган дарслик сифатида ўрганилган. X XII асрда ислом дини руқунлари дарс тожик тилида шеҳр ва наср билан баён қилинган. "Чоркитоб" ўқитила бошланди. XII асрдан бошлаб Аҳмад Яссавий, ундан сўнг XVII асрдан Сўфи Оллоёрларнинг туркий тилда ёзилган шеҳр ва бошқа асарлари воситасида ислом дини руқунлари туркий тилда ўрганила бошланди. Мактабларда фақат ўғил болалар ўқир, қизлар эса отинойилар уйида ўқитилар, улар ёзувни эмас, фақат ўқишни ўрганар эдилар. X аср бошларида мадрасалар ҳам пайдо бўла бошлайди. "Мадраса" сўзи "дарс ўқитиладиган жой", "Маъруза тинглайдиган жой" маҳносини англатади. Маълумки, мадрасаларда мусулмон диний оқимлари араб тили грамматикаси ва қоидачилик, илоҳиёт, мантиқ, нотиклик маҳорати, калом, ўргатилган. Аста-секин мадрасаларда астраномия, математика, география, кимё каби дунёвий фанлар ўқитила бошланди.

Мадрасаларда 15-20, 30-40 ва 100-150 тача талаба ўқиган. Мадрасани битириб чиққанлар имом-хатиб, қозихоналар ва бошқа маҳмурий ишларда иш олиб борар эди. Маълумки, ислом ақидалари эҳтиқод ва талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқ меҳёрлари " Қуръон " ва унинг тавсифларида, "Ҳадис"ларида ҳамда шарият қўлланмалари, илоҳиёт адабиётларида ифодаланган. " Қуръон " дунё маданиятининг улкан бойлиги, исломда муқаддас китоб. У араб тилида "Қироат" маҳносини англатади. " Қуръон " 114 сурадан иборат. У кишиларни тенгликка,

биродарликка, тинч-тотув яшашга, сахийликка ундайди. Шунга кўра у катта ахлокий қимматга эга. Буни биз " Қуръон "нинг неча асрлардан буён инсониятнинг энг улуғ қадрияти сифатида эҳзоланиб келинишидан ҳам билсак бўлади.

Лекин, " Қуръон "нинг ахлокий тамойилларини нотўғри талқин қилиб, ёшларни тўғри йўлдан оздиришга ҳаракат қилган баўзи ёвуз кучлар ҳозирги кунда ҳам тажовуз қилмоқда. Биз унинг мазмун моҳиятини қанчалик яхши ва тез ўргансак, ана шу ёмон ниятли кишиларга шунчалик тез зарба берамиз ва ғоявий бўшлиқнинг олдини олган бўламиз. Бунда бизга "Ҳадис"лар ҳам катта ёрдам беради.

3. Ҳадис илмипинг пайдо бўлиши. Имом Исмоил ал- Бухорий ва унинг "Ал-жомеҳ ас-саҳиҳ", " Ал-адаб ал-муфрад" асарларида тарбия масалалари. "Ҳадис" ва "сунна" сўзлари бир-маҳнони англатиб, Расулуллоҳнинг ҳаёти ва фаолиятида диний ва - ахлокий кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлардан иборат. Ҳадислар дастлаб ёзиб борилмаган. Чунки пайғамбаримиз Қуръон и Карим нозил бўлган вақтларда араб бўлмаган кишиларнинг, ҳадисларни Қуръон оятларидан деб ўйлашларидан чўчиб, уни ёзиб беришларига рухсат этмаганлар. Лекин пайғамбаримиз Муҳаммад салаллоҳу алайҳивасаллам ҳузурида саҳобалар бўлиб, улар Расули акрамдан эшитган ҳадисларни ёдлаб борганлар. Масалан, Ҳазрати Абу Хурайра шундай мўхтабар кишилардан бўлиб, бутун умрини ҳадисларни ёдлашга бахш этган. Мазкур ҳадислар тўғри, ишонарли (саҳиҳ) бўлган.

Лекин, ҳадисларни ёд олган кишилар тобора камая боргани ҳамда аста-секин улар унутилиб кетишининг олди олиниб, халифалар ишонарли ҳадисларни тўплашга фармон бердилар. Исломунос олимлар бу ишни бошида турган дастлабки халифа Умар Ибн Абдулазиз эканлигини таъкидлайдилар. УШ-ІХ асрлар ҳадис илми учун "олтин давр" ҳисобланади. Ислому дунёсида энг нуфузли манбалар деб саналган олти ишончли тўплам (ас-саҳиҳ ас-ситта)ни яратган муҳаддислар ҳам ватандошларимиз бўлиб, ҳадис илми ривожланган ІХ асрда яшаб ижод этганлар. Булар: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий 194 (810) 256 (870); Имом Муслим ибн ал-Хажжож 206 (819) - 261 (874); Имом Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий 209 (819) 279 (892); Имом Довуд Сулаймон Сижистоний 202 (817) 275 (880); Имом Аҳмад ал-Насойй 215 (820) 303 (915); Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Можа 209 (824) 273 (886) каби алломалардир.

"Саҳиҳ" йўналишининг асосчиси, энг етук ва машҳур муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдир (825-870). Имом Бухорий ҳадис илмида «Амир ул-мўминин», «Имом ал муҳаддисийн» («Барча муҳаддисларнинг пешвоси») деган шарафли номга сазовор бўлган.

Имом ал Бухорий жуда бой ижодий мерос қолдирган. Шубҳасиз, бу асарларидан энг етук, шоҳ асралари «Ал Жомеҳ ас саҳиҳ» - дир. Бу асар «Саҳиҳ ал - Бухорий» номи билан ҳам дунёда машҳур. Имом Бухорий 4 жилдан «Ал жомеҳ ас саҳиҳ» асарининг бир жилдида одоб ҳақидаги ҳадисларни жаҳм этган. Кейинчалик аллома бутун Ислому олами одоб ахлоқи ва тарбияси масалаларига бағишланган «Ал адаб ал - муфрад» («Адаб дурдоналари») маҳсус ҳадислар тўпламини яратади. Бу асар 644 бобда баён этилган 1322 ҳадисдан иборат.

Машҳур муҳаддислардан яна бири ватандошимиз Абу Исо ат Термизий (824 - 992) бўлиб, уларнинг ўткир зеҳни, хотираси, ёдлаш қобилиятининг

кучлилиги туфайли Имом Исмоил ал Бухорий ҳам уларни фақат шогард сифатида эмас, ҳамкор дўст сифатида ҳам хурмат қилганлар. Ат Термизий ҳам ўндан ортиқ асарлар яратиб, айниқса, «Алжомеҳ ас - саҳих» («Ишончли тўплам»), «Аш Шамоил ан - Набавия» («Пайғамбарларнинг алоҳида фазилатлари»), «Ал илал ҳадис» («ҳадислардаги иллатлар ва оғишлар ҳақида») асарлар машҳурдир.

4. Ҳадисларинг тарбиявий, аҳамияти.

3. Ҳадисларда инсонинг камолга етиши учун талаб этиладиган инсоний фазилатлар акс эттирилган бўлиб, булар меҳр - оқибат кўрсатиш, саҳийлик, очиқ кўнгиллик, ота - она ва катталарга, қариндошларга мурувват, ғамхўрлик, хурмат, ватанга муҳаббат, меҳнат ва касб - ҳунарни улуғлаш, ҳалоллик, поклик, ўзаро дўст, тинч - тотув бўлиш ва бошқалардан иборатдир. Бундан ташқари, инсонининг ўзини иллатлардан тийиш, яхшилик сари интилиш кераклиги борасидаги панд - насихатлар ҳам ўз ифодасини топганки, буларнинг барчаси Қуръон и Карим кўрсатмаларидан келиб чиқади ва комил инсонни шакллантириш мезони саналади.

Аввало ислом ақидасига биноан ҳар бир мусулмон иймонли бўлиши керакдир. Қуръон и Каримда таъкидланганидек, ҳадиснинг ҳам биринчи китоби Иймон китобидир. Исломдан мурод иймон демакдир. Иймоннинг мукаммал бўлмоғининг уч шарти кўрсатилади:

- тўғри эҳтиқодли бўлмоқ;
- кишилар билан яхши муносабатда бўлмоқ;

киши ўз устида ишламоғи ва ўзини ибодат ва итоатга чакирмоғи (34, 14 б. Кейинги парчалар ҳам ушбу китобдан олинади).

Иймон дарахтга тенглаштирилади ва унинг 60 дан ортиқ шохлари бор деб, иймон белгилари санаб ўтиладики, буларнинг ҳар бири инсон маънавий қиёфасининг мукаммалашувига таъсир этувчи ҳислатлардир. Булар қуйидагилардан иборат: «Қўли билан ва тили билан ўзгаларга озор бермаган киши мусулмондир», «Учта ҳислатни ўзида мужассам қилган кишининг иймони мукаммал бўлғайдир (25 - боб)».

Ҳадисларда инсоннинг маънавий камолати мезони, унинг тафаккур доираси, дунёқарашининг кенглиги, илмий билимларни қай даражада эгаллагани, ўз билими билан атрофидагиларга, жамиятга фойда келтирувчи шахс бўлиб етишида муҳим омил - билим, деб кўрсатилади. «Толиби илм қилиш фарздир. Толиби илмга ҳар бир нарса истиғфор айтади, ҳатто денгиздаги баликлар ҳам». Билимсизлик кишиларни нодонликка олиб келади, илмсиз жамиятда эса жаҳолат, разолат ҳукумронлик килади, дейилади.

Ҳадисларда кишиларнинг бир - бири билан дўст, тинч - тотув яшаш, мурувватли, меҳр - шафқатли бўлиши кераклиги ҳақидаги ғоя ҳам илгари сурилади. Булар опа - сингил, ака - ука ва яқин кишиларга, қўшниларига яхшилик келтиради, бу яхшилик улар ўртасидаги тотувликни келтириб чиқарадики, пировардида тинч - тотув, фаровонликка асосланган жамият тараққий этади.

Ҳадисларда инсоний ҳислатлардан эзгулик, иффат, сабр -қаноат, шукроналик каби ахлоқий сифатлар улуғланса, исрофгарчилик, таҳмагирлик, очқўзлик, нафси ҳавога, шахвоний ҳиссиётларга берилиш, бахиллик, жохиллик каби илатлар қораланади. Бунда яхши сийрат деганда яхши муомала, чиройли хайҳат бу ташқи кўринишни яхшилаб юриш, иқтисод ҳар бир хатти ҳаракатларда меҳрни кўзлаш назарда тутилади. Шу билан бирга, ҳадисларда

кишиларни бахиллик ва мол мулкка хирс қўйишдан сакланиш кераклиги, келажакка умид хис туйғулари ҳам ифодаланади. «Бирортангиз экиш учун қўлингизда бирор кўчатни ушлаб турган вақтингизда қиёмат бўлиб қолса-ю, қойим бўлишдан илгарироқ уни экиб олишга кўзингиз етса, албатта экиб қўйинг», дейилгани ҳам ҳаётга, яшашга, келажакка умид билан қарашга ундайди (33, 139-140 б.).

Ҳадисларда инсон камолатида энг муҳим хислатлардан саналган инсоннинг саховатли бўлишга катта эҳтибор берилган. Саховатли инсон жамият тараккиётга ҳам катта ҳисса қўшади, унинг равнақи учун жон қуйдиради. Ҳадисларда одамлар ана шу хислатларга кўра тўрт гуруҳга ажратилган:

- 1) Аллоҳ Таоло бир бандага мол берган ва илм берган. У бандага берилган мол ва илмнинг тасарруфида тақво қилади ва силаи раҳм қилади. Илми ва молидан Аллоҳ учун ҳақ ажратади. Бу энг афзал ўрин.
- 2) Бир банда бор. Аллоҳ унга илм берган, лекин, мол, бермаган. Лекин унинг нияти тўғри. Агар Аллоҳ менга мол берсайди, фалончига ўхшаб сарф қилардим. Бу шу ниятига қараб тенг ажр олади.
- 3) Бир банда бор. Аллоҳ унга, мол, берган, илм бермаган. Мол, тасарруфида Аллоҳдан кўркмайди. Молидан қариндошларига бермайди. Бу эса энг ёмон ўриндир.
- 4) Бир банда бор Аллоҳ унга мол ҳам, илм ҳам бермаган. У айтадики, агар Аллоҳ менга, мол, ҳам, илм ҳам бергандайди, фалончига ўхшаш иш қилардим. У шу нияти билан ўша кишига баробар ҳисобланади (савоб ва гуноҳда) (33, 79 - б.).

Биринчи ва иккинчи гуруҳдаги кишилар айна саховатли инсонлар қаторига киритилади.

Хулқ - одоб ҳақидаги ҳадисларда эзгу инсоний хислатлар улуғланиб, гуноҳ сифатидаги иллатлар қораланади. Бундан ташқари, мусулмонларга хос удумлар, урф одатларга оид хулқ - одоб қоидалари ҳам баён этилади. Турли маросимларни ўтказиш тартиби, сафар қоидалари ҳам баён этилади. Турли маросимларни ўтказиш тартиби, сафар қоидалари, саломатликни сақлаш, саломлашиш, муомала маданияти, бемор киши холини сўраш одоби, кийиниш қоидалари, емоқ - ичмоқ, сўзлашиш одоби ва хоказолар ҳақида турли тавсифлар бериладигани, булар бевосита кейинги одоб ахлоқ ҳақидаги рисолаларга ҳам асос бўла олади.

Ҳадисларда жамиятнинг, инсон наслининг ривожланишига таъсир этувчи муаммоларга ҳам катта эҳтибор берилган. Бу муаммоларнинг энг муҳими экологик муаммо бўлиб, неча асрлардан буён ўз долзарблигини йўқотмаган: экинларни химоя этиш, ариқ - зовурлар ўтказиб, сув чиқариш каби эзгу ишлар ҳам ривоят қилинади. Масалан, тирик жониворларни ўлдирмаслик (шариатда ўлдиришга буюрилган илон, чаёндан бўлак), жониворларга яхшилик қилиш, озор бермаслик, инсон яшайдиган жойни унга озор берадиган нарсалардан тозалаш (227, 446 - ҳадислар), кишиларга соя берувчи дарахтларни кесмаслик, ховли саҳнларини тоза тутиш ҳақидаги ҳадислар шундай ибратли ҳадислардир (33, 132 - б.). Ҳадисларда ёмон ишлар, ёмон иллатлар, ёмон хатти ҳаракатлар, «гуноҳ» сифатида қораланса, инсон фаровонлиги, жамият равнақи учун қилинадиган яхши, эзгу хатти ҳаракатлар, фаолияти «савоб» тарзида олқишланади.

Шунга кўра, етим молини ейиш, мол дунёга хирс қўйиш, ёлғончилик, ғийбатчилик, тухмат, зино, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фойдасиз гапни кўп

гапириш ва бошқа иллатлар гуноҳ ҳисобланади. Ота она, кексалар, заифлар ва мухтожларга ғамхўрлик, уларни йўқлаб туриш, марҳумларни яхши сўзлар билан хотирлаш, биров уларнинг устидан кулмаслигини таҳминлаш, омонатга хиёнат қилмаслик кабилар савоб саналади.

Маълумки, инсон камолати бевосита унинг соғломлигига ҳам боғлиқдир. Чунки соғлом инсонгина ҳам оила, ҳам жамиятнинг равақ топиши учун фаолият кўрсатадиган кишилар бўлиб етишади.

Ҳадисларда, умуман, Исломда тозалик ва покликка, рухий ва жисмоний покликка катта эҳтибор берилади. «Ҳақ таоло ўзи пок, покликни яхши кўради. ўзи тоза, тозаликни яхши кўради. Эшикларни олдини покиза тутинглар» (190 ҳадис, 133, 66 б.). Шунинг учун ҳам номоздан кейин юз - кўлни ювиш, маҳс тортиш, оёқни ювиш, мустаҳаб, ўнг кўл билан таҳорат қилмаслик, бурунга сув тортмоқ, оғизни тоза тутиш, ғусл, таяммум қоидалари инсонни жисмонан пок бўлишга йўналтирганки, булар авлоддан авлодларга ўтиб, ҳуқ - одоб қоидаларига айланиб қолган. Ҳадисларда инсон эркига ҳам аҳамият берилган.

Инсон ҳар томонлама етук бўлиши учун у эркин бўлиши кераклиги "Қуръон и Карим"да ҳам, "Ҳадиси Шариф"да ҳам эҳтироф этилган: Аллоҳ Таолога амали солихларнинг яхши кўрингани агарки оз бўлса ҳам давомлидир. Аллоҳ Таолога фарзлардан сўнг амали солихларнинг энг сеvimлиси мусулмон кишининг дилига хурсандчилик солишдир. «(33 - ҳадис)». Аллоҳ ўзи кечирувчи зот, кечиргувчини яхши кўради (191 - ҳадис) каби ҳадислар бунинг далилидир. Чунки инсон қанчалик қадрланса, барча эзгуликлар, яхшиликлар инсонга аталса, унинг манфаати учун хизмат қилса, инсон ҳам шунга кўра камол топаверади, юксакликка кўтарилаверади, ўз навбатида бундай инсонлар яшайдиган жамият ҳам ривожланаверади.

Демак, ҳадислар Муҳаммад пайғамбаримизнинг суннатлари бўлиб, мазмунан ҳар бир мўхминнинг ишончини, эҳтиқодини мустаҳкамлайди, шу билан инсонни маънавий камолатга даҳват этади. Ислом дини маърифатга асослангани учун ҳам ҳар бир шахсни ақлий, жисмоний, ахлоқий жиҳатдан камолатга етказишга оид эҳтиқод ва иймондан иборат бўлиб қомил инсонни шакллантиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади ва ундан ёшлар тарбиясида фойдаланиш шу куннинг долзарб муаммоларидан саналади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР:

- 1) Араблар истилосидан сўнг мусулмон мактабларида таълим тизими ва мазмуни қандай ташкил этилди?
- 2) Мактаб ва мадрасаларда таълим қандай ташкил этилган эди? «Ҳадис» ва «сунна» тушунчаларининг мазмунини тушунтириб беринг.
- 3) Имом Исмоил ал Бухорий ва ат Термизийларнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида сўзлаб беринг?
- 4) Ҳадисларда илгари сурилган одоб ахлоқ масалаларини қандай изоҳлайсиз?
- 5) Ҳадисларда тарбия мазмуни, метод ва шакллари қандай ифодаланган?
- 6) Ҳадислар ва унда илгари сурилган ахлоқий ҳислатларни ҳозирги давр тарбия мазмунига қандай киритиш мумкин?
- 7) Дафтарингизга ҳадислардан 40 тасини ёзиб келинг ва маҳносини тушунтириб беринг.

АДАВИЁТЛАР

1. Абу ат Термизий. Аш Шамоил ан Набавия. Т.:ўқитувчи, 1996.
2. Бобохонов Ш., Ирисов А. Ҳадис илмининг пешволари. Т.: 1992.
3. Имом Исмоил ал Бухорий. Ал адаб ал муфрад. Т.: 1990..
4. Имом Исмоил ал Бухорий. Ал Жомеҳ ас сахих. . Т.: 1991.
5. Педагогика (проф. А.Қ. Мунавваровнинг умумий таҳрири остида). Т., ўқитувчи, 1996.
6. Ҳошимов К., Нишонов С, Иномова М., Ҳасанов Р. -Педагогика тарихи. Т.,ўқитувчи. 1996.

12-Мавзу: XIV-XVI асрларда тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар.

РЕЖА:

1. XIV-XVI асрларда Мовароуннаҳрда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар тараккиёти.
2. Соҳибкирон Амир Темурнинг маърифий қарашлари ва унинг педагогика фанида тутган ўрни.
3. Мирзо Улугбекнинг илмий мероси ва унинг таълимий-тарбиявий қарашлари.
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маърифий-ахлокий қарашлари.

Тарихдан бизга Маълумки, Мовароуннаҳрда қарийиб бир ярим аср давомида Мовароуннаҳр мўғул истилочилари томонидан вайрон этилди. Фан-маданият, маърифатга жуда катта путур етказилди. Хонавайрон бўлган Мовароуннаҳр халқи XIV асрнинг бошларига келиб Мўғул истилочилари зулмидан кутила бошлади. Мовароуннаҳрда кучли давлат тузишга бўлган интилиш ғолиб келди. Мўғул истилочиларига қарши Бухорода халқ Махмуд Торобий бошчилигида кўзғалди, Самарканд ва Хуросонда эса Сарбадорлар кўзғалонлари рўй берди. Натижада Сарбадорлар узоқ муддат хатто ҳокимиятни ҳам бошқариб турдилар.

XIV асрнинг ўрталарида Марказий Осиёда майда феодал ҳокимлар ўртасида низо кучайди, иқтисодий қийинчиликлар юз берди, сиёсатда қатҳиятсизлик авж олди. Ҳокимлар ўртасида низолар кучайиши натижасида мамлакат 10 та мустақил беклик ва амирликларга бўлиниб кетди. Беклар ва амирлар ўртасида ўзаро кураш кучайди, мамлакат уруш ва толон-тарожлар исканжасида қолди.

Шундай оғир бир парокандалик вазиятда эл-юртнинг оғир юкини Амир Темур ўз елкасига олди ва қарийиб 10 йил (1360-1370) давом этган оғир курашдан сўнг мамлакатни мўғуллар истибдодидан халос қилди. 1370-1380 йиллар мобайнида Амир Темур сайҳи ҳаракатлари самараси натижасида беклар ва амирлар ўртасида низоларга барҳам берилди ва Мовароуннаҳрдаги тарқок, амирликлар марказлашган ягона феодал давлатнинг байроғи остида бирлаштирилди.

Шундай қилиб, XIV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрнинг феодал тарқоқлигига барҳам берилди, мамлакат мўғул босқинчиларидан тозаланди. XIV

асрнинг охири XV асрларда Марказий Осиёда феодал муносабатлар янада ривож топа бошлади. Сохибқирон Темур ва дастлабки темурийлар хукмронлик қилган давр Мовароуннахр тарихида алоҳида ўрин эгаллади. Марказлашган буюк Темур давлатининг барпо этилиши билан Мовароуннахрда яна фан ва маданият, маориф кайтадан раванг топа бошлади. Шунинг учун ҳам тарихда XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср ўрта Осиёда Шарк ўйғониш даврининг иккинчи босқичи дейилиши бежиз эмас... чунки, бу даврга келиб, Марказий Осиёда иқтисодиёт, фан ва маданият гуркираб ривожланди.

Амир Темур хукмронлиги даврида жаҳоннинг кўплаб шаҳарларидан Самарқандга хунармандлар, санъаткорлар, муҳандислар, олиму-фозиллар олиб келинди ва уларнинг тажрибаларидан илм- маърифат, маданият ва қурилиш жабхаларида кенг фойдаланилди. Самарқанд ва Хиротда мадрасалар, расадхоналар, боғу-роғлар, маданият ўчоғлари барпо этилди. Шу даврга келиб тиббиёт илмини ўрганишга қизиқиш янада кучайди. Риёзиёт, фалакийёт, жўғрофия, тарих, адабиёт, фалсафа, ҳуқуқий, тарғибот, тарбияшуносликка оид бир қатор ажойиб ва муҳим асарлар яратилди. Форобий, Ибн Сино, Беруний, Умар хайём, Саҳдий, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Имом Бухорий, Ат-Термизий меросларини, шунингдек, юнон-рим маданиятини ўрганишга ҳаракат кучайди. Мамлакатда давлатни бошқаришни мукаммаллаштириш, қурилиш, ободончилик, суғориш ишларига, шаҳарлар ўртасидаги савдо йўллари кенгайтиришга катта эҳтибор берилди.

Сохибқирон Амир Темур сайхон ҳаракати туфайли Самарқанд шаҳри янгидан қайта тикланди. Шаҳарда Кўк сарой, Бибихоним масжиди, Шохизинда мақбараси, шаҳар атрофида Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Нав қаби боғ ва саройлар барпо этилди. Кўҳак - Зарафшон, Амударёга кўприклар қурилди. Тошкент атрофида каналлар қазилди- Сирдарёдан Охангаронгача бўлган каналлар шулар жумласидандир.

Марказий Осиёда рассомчилик, наққошлик, безакли-бадий буюмлар ишлаб чиқариш юқори даражага кўтарилди. Сохибқирон Темур ва темурийлар даврида - шеҳрият, мантиқ, фалсафа, тарих, ҳуқуқ, астрономия, математика, нафосат, тилшунослик, луғатшунослик, мушаккашунослик, тарбияшунослик, меҳморшунослик, тижорат тадбиркорлик, таржимонлик, хаттотлик, жўғрофия ва элшунослик қаби бошқа ўнлаб дунёвий билимларни ўрганиш, шу билимлар асосида асарлар яратиш йўлга қўйилди.

Амир Темур хукмронлиги даврида ўрнатилган тинчлик мамлакатда маданият, илм-фан, халқ оғзаки ижоди, адабиёт ва санъатнинг ривожига, мадрасаларда таълим-тарбиянинг юқори савияда бўлишида муҳим омил бўлди.

Улуғбек замонида келиб эса математика, астрономия қаби фанлар айниқса ривож топди. Тиббиёт, тарих, адабиёт ва шулар билан бир қаторда диний билимларнинг ҳам раванг топишига катта эҳтибор берилди. Олий мактаб - мадрасалар қурилди. Бухоро, Самарқанд ва Ёғдудонда қурилган уч мадраса фан тараққиётида илмий марказ бўлиб келди.

Бухородаги мадраса пештоқида битилган қуйидаги ёзувлар халигача яққол кўзга ташланади: «Илм олмоққа интилоқ ҳар бир муслим ва муслима учун қарзу фарздир». Шу сабабли ҳам, биз ҳеч иккиланмай XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср Марказий Осиё тарихида ўйғониш даври бўлиб тарих саҳифаларидан ўрин олди дея оламиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу даврда ўзбек адабиётида анча силжиш рўй берди. Атоий, Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Дурбек ва Лутфийлар томонидан қимматли асарлар яратилди. Таржима қилиш ишлари жонлантирилди. Улуғбек олимларга хомийлик қилиб, уларни рағбатлантирди. Унинг ўзи айниқса астрономия ва математика фанлари бўйича муҳим ишларни амалга оширди. Улуғбек томонидан расадхона барпо этилди. Шу даврда Самарқандда Қозизода Румий, Жамшид ибн Маҳсудий, Мансур Коший, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, улуғ рассом Камолиддин Бехзод, тарихшунос Хондамир, хаттот Султон Али Машҳадий ва бошқалар ижод чўққиларига кўтарилдилар.

Улуғбек шогирди Аловиддин Али ибн Муҳаммад қушчи Самарқандий, яҳни Али Қушчи ўша даврда Мовароуннахрнинг маданий ва илмий ҳаётида катта рол ўйнади, унинг «Рисолаи дар фалакиёт» деб номланган астрономияга оид рисоласи жаҳонга машҳур бўлди ва уни ўз даврининг Птоломейи деб аташ бошладилар.

XV асрда Марказий Осиёда тарих фани кенг ривож топди, тил, мантиқ, фалсафа, тарбияшуносликка доир ўнлаб асарлар яратилди. Айниқса, Мир Сайид Шариф Журжоний, Хофиз Абду Абдураззоқ Самарқандий, Хондамир, Давлатшоҳ Низомиддин Шомий, Ибн Арабшоҳ, Шарофиддин Али Яздий ва шу каби ўнлаб олиму-фузалоларнинг яратган асарлари жаҳон фанида катта ўрин эгаллади. Султон Хусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган даврга келиб, олимлар ва шоирлар Самарқанддан Ҳиротга кўчиб ўтдилар. Ҳирот илмий-маданий марказга айлантирилди. Алишер Навоий Ҳиротда фан, маданият, илм ва маърифатга хомийлик қилиши натижасида бу ерда шоирлар, мусаввирлар, хаттотлар, олиму-фозиллар етишиб чиқиб, жаҳон илму фани оламида ном қозондилар.

Бу даврда бир қатор илм масканлари барпо этилди, хусусий мактаблар юзага келди, муаллим ёллаб болаларни уйда ўқитиш тадбирлари одат тусига кирди. Шаҳар ва қишлоқларда, овулларда очилган мактабларда болаларни ўқитиш 6 ёшдан бошланди. Аҳоли саводхонлигини ошириш мақсадида кўплаб тадбирлар ўтказилди. уқувчилар мактабларда савод чиқарганларидан сўнг Бухоро, Самарқанд, Хуросон, Ғиждувон ва бошқа шаҳарлардаги мадрасаларга бориб у ерда ҳам диний, ҳам дунёвий фанлардан билим олар эдилар. Биз юқоридагилардан хулоса чиқарган ҳолда ҳақиқатдан ҳам XIV-XVI асрларда Мовароуннахрда илм- маърифат, таълим-тарбия, маданият, санъат ва педагогик фикрлар юксак тараққиёт даражасига эришган деб айтаоламиз.

2. Соҳибқирон Амир Темурнинг маърифий қарашлари ва унинг педагогика фанида тутган ўрни.

Сизларга муҳлумки, узок йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз ватандошини қадрлаш, унинг тарихий мавқеини муносиб ўрнига қўйиш имконидан маҳрум эди.

Мустақиллигимиз шарофати ила бундай номақулчиликларга чек қўйилди. Тарихни холисона ўрганиш, тарихни сохталаштирмай, унинг сарҳадларини бузмай, бор ҳақиқатни ойдинлаштириб Маълумот бериш имкониятларига эга бўлдик...

Дарҳақиқат ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унутилишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш,

уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Лекин ўзбек халқи ўз аجدодларини, ўз баҳодирларини унутмади, ҳамиша юрагида, қалб тўрида сақлади.

Муҳаммад Тарагай Баҳодир ўғли Амир Темур ёшлик чоғидан мард, довюрак, ғурурли, ўткир зехн ва ақлу идрок эгаси бўлиб ўсди. Турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни эгаллади. Куръон и Каримни ёд олди, ҳадис илмини ўрганди. Иймон-эҳтикодли, ҳалол-поқ инсон бўлиб етишди».

Дарҳақиқат, Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек инсоф-иймон туйғуси, диёнат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Оламнинг қарийиб ярмига жаҳонгир эрса-да, у куч-қудрат зўрлик, зўравонлик эмас, адолатда эканини теран англатди. Шу боис бўлса керакки, ўтмишда жаҳон илм ахли, машҳур муаррихлар ўз асарларида Амир Темур исмига Қўрагон, Соҳибқирон, Қутбиддин, Абулмансур каби унвонларни қўшиб, уни эҳзозлаб, улуғлаб, ҳикоят, ривоят ва хотиралар биттанлар.

«Тарихий манбаларда зикр этилишича, Амир Темур хушфехллик, адолат, саховат, лутфи-карам, ислом ахлоқ-одоб қоидаларига риоя ва амал қилиш, инсонларни жамиятда тутган ўринлари қандай бўлишидан қатъий назар баробар ҳурмат қилиш, улар билан самимий муомалада бўлиш, берилган ваҳда ва зиммага олинган аҳдномаларни вақтида бажариш каби қатор юксак инсоний фазилатларга эга бўлган.

У ёшлигидан бошлаб ўз олдига она юртни мўғул босқинчиларидан озод қилиш мақсадини қўйди, ер юзида буюк салтанат соҳиби сифатида эл ва элатларнинг бошини қовуштирди. Мамлакат қудратини ҳар қанда юксакликка кўтариб, дунёга машҳур қилди.

Амир Темур давлати қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарқу Ғарб давлатларига ўрнатилган ва андоза бўлди. Унинг замонида маданият, илму фан, меҳморчилик, тасвирий санъат, мусиқа шеҳрият бекиёс ривож топди, халқимизнинг кўп анҳаналари такомилга етди. Амир Темурнинг маданият ва дин ахилларига кўрсатган чексиз меҳр-мурувати айниқса ибратлидир.

Амир Темур номи умумбашар тарихида Мовароуннаҳр ва буюк Туркистон ўлкаларида илм-фан ҳомийси сифатида ҳам қолганини таъкидлаш лозимдир. Маълумки, у нафақат ўз мамлакатини, балки ўзга ўлкаларни ҳам обод қилиш учун катта куч ва ғайрат сарфлаган. Доктор Шамсуддин Самийнинг «Алфқ Аҳлом» комусининг «Темур» бандида Амир Темурнинг ўзи олим бўлгани, уламоларнинг раҳнамоси, уларни яхши ишларга рағбатлантирувчи шахс эканлиги зикр этилган ва ўз пойтахти Самаркандни катта ғайрат билан обод қилиб, у ерда қатор мадраса, кугубхона ва маданият саройларини барпо этгани, «Тузуқлар» номи билан асар ёзиб, турли қонунлар яратгани, ўз таржимаи ҳолини ҳам адабий, чиғатой тилида ёзгани ҳамда Темур ва темурийлар даврида санъат ва адабиётнинг ривож топганини эслатиб ўтади. Шунингдек, доктор Шамсуддин Бобохонов Амир Темур буюк лашкарбоши, моҳир саркарда сифатида мукаммал, яхши қуролланган, тезкор ҳужум қилишга қодир, муайян тактика ва стратегияга эга бўлган қудратли армияга асос солди. Бу армия ўнлик, юзлик, минглик ва туманликларга бўлинган эди. Амир Темурнинг ҳарбий санъати, унинг тактика ва стратегияси кўп мамлакатларда, жумладан, Франция, Россия ва бошқа мамлакатларнинг ҳарбий академияларида махсус ўрганилган ва ҳозирги кунга қадар ўрганиб келинмоқда деб, таъкидлаши ҳам Соҳибқирон Амир Темурнинг буюклигидан далолат беради.

Замондош тарихчиларнинг эҳтироф этишича, соҳибқирон Темурнинг энг характерли хусусиятлари - давлат, мамлакат ва фуқаронинг ғамхўри бўлганлиги эди. Жаҳонгирлик қондаси эса ҳақиқат - сихат-саломатлик, ҳақиқат-тартиб, ҳақиқат - адолат деб тушунилган.

Буюк бобокалонимиз ҳар вақт: «Инсонпарварлик ва мардликни Аллоҳ ҳам, халқ ҳам улуглайди», деган хикматли сўзни такрорлашни ҳуш кўрган ва ҳаётда ўзлари бунга амал қилганлар. Даставвал шуни айтиш керакки, Амир Темур, одоб - ахлоқ, иймон-эҳтиқод, таълим-тарбия соҳасида ўзи юксакликка, мукамалликка эришган сиймолардан биридир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун унинг ўзи томонидан яратилган одоб-ахлоққа оид дастурлар, ўғитлар, панд-насихатларни, шунингдек Соҳибқирон ҳақидаги тарихий асарларни кўздан кечириш kifоя. Тарих фанлари доктори проф. Ашраф Аҳмад Соҳибқирон Амир Темурнинг ўзи амал қилган сифатларни юксак баҳолайди. Булар қуйидагилар:

- Ҳаммага ҳам бир хил: жиддий ва одил қарадим... Бойни камбағалдан устун қўймадим;
- Исломга катҳий риоя қилдим.
- Мен камбағалларга кўп хайр-эҳсон қилдим. Ҳар можаро ва муаммони диққат билан текширдим ва уни мумкин қадар тўғри ҳал қилишга бутун жаҳдимни сарф қилдим;
- Халойикка раҳм қилдим, барчага нафҳ еткурдим.
- Бировга ноҳақ озор етказмадим ва мендан ёрдам сўраб келганларни кўкрагидан итармадим...;
- Исломга тааллуқли ишларни мен ҳар доим кундалик ва дунёвий ишлардан устун қилиб келдим...;
- Барча сўзларимдан доим ҳақиқатгўйликка амал қилдим...
- Мен ҳар кимга ваҳда берсам, унга вафо қилдим...;
- Аммо ўзимни Аллоҳнинг ердаги мулкининг посбони деб билдим ва парвардигор изнисиз уни сарф этмадим...;
- Мен ҳар доим инсоф байрогини баланд кўтардим ва иймон таркатишни ўз буюклигимнинг қудратли замини деб билдим...;
- Мен доим сайдларга эҳтиром билан қарадим, уламо ва шайхларни эҳзозладим...

Шундай қилиб соҳибқирон Амир Темурнинг ибратли, ҳаётий панд-насихатлари ва пурмаҳно ўғитларининг ҳар бир мазмун ва маҳно кенглиги, мантикнинг кучлилиги, теранлиги, таъсири умуминсоний қадриятлар асосига қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади, уларни ҳадсиз ҳазина, одоб-ахлоққа оид дастурлар дея оламиз.

Бу ўғитлар Созибқироннинг жуда машаққатли ва серташвиш; гоҳ муваффақиятли, гоҳ муваффақиятсиз, гоҳ қувончли, гоҳ серташвиш андуҳли умрининг ижодий мевасидир. Бу ўғитлар халқларнинг бир мақсад сари бирлаштирган, жипслаштирган, муваффақиятларга эриштиришда сеҳрли тарбиявий кучга эга бўлган дурдона - педагогикадир.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра Соҳибқирон Амир Темур ўғитларини унинг моҳияти ва вазифасига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

- Ислом дини ва шариат қонунлари ҳақидаги ўғит-насихатлар;
- Давлат ва уни идора этиш. Кенгаш ўтказиш;

- Подшо ва вазирлар ҳақида ўғит-насихатлар;
- Ахлоқ ва одобга оид ўғит-насихатлар;

Юқорида қайд этилган панд-насихатлар Соҳибқироннинг ўз тажрибасида синалган, ҳаётга татбиқ этилган жуда катта маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган хулосаларидир. Шу сабабли ҳам улар Темур ва темурийлар сулоласи даврида таълим-тарбия тизимида катта аҳамиятга молик бўлди.

3. Мирзо-Улугбекнинг илмий мероси ва унинг таълимий –тарбиявий қарашлари.

Мухаммад Тарағай – Улуғбек 1394 йилининг 22 мартда Эроннинг ғарбидаги Султония шаҳрида (бобоси Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий юриши пайтида) таваллуд топди. У Шохрух Мирзонинг тўнғич ўғли бўлиб, унга Мухаммад Тарағай деб исм берилди. Лекин уни бобоси алоҳида меҳр билан Улуғбек деб атавергани учун унинг асосий исми Улуғбек бўлиб қолади ва у жаҳонга шу ном билан шуҳрат тарқатади. Улуғбекнинг болалик йиллари бобоси Темурнинг ҳарбий юришлари даврига тўғри келади. Улуғбекнинг тарбияси билан бувиси Сароймулкхоним шуғулланиб, сеvimли набирасига ўқиш-ёзишни ўргатгани, тарихий мавзуларда ҳикоя ва ривоятлар сўзлаб бергани унинг ҳаётида ўзига хос мактаб бўлди. 1405-1411 йилларда, ўша даврнинг қонун-қоидаларига биноан амир шоҳ Малик ёш мирзога отабеги бўлиб тайинланган. Отабеги Улуғбекка асосан ҳарбий ва сиёсий тарбиядан илм ўргатган.

Ўрта асрлардан сақланиб қолган китоблардан Маълум бўлишича, салтанатга ворислар давлатни бошқаришда муайян тартиб қоидалар баён қилинган қўлланмалар асосида тайёрланган. Шулардан бири Шаҳзодалар ва Хонзодалар билиши зарур бўлган «Сулук ул-мулк» (Подшоҳларга қўлланма) китобидир. Улуғбек ҳам анҳанага кўра мазкур китобни мукаммал ўрганади ва унда кўрсатилган давлатни идора қилиш санъати, турли лавозимлар эгаллаш, бошқа юртлардан келган элчиларни қабул қилиш, хайри эҳсон, садақа бериш каби тартиб-қоидалар бўйича кўникмаларни эгаллайди.

Улуғбек ёшлигиданоқ кўп китобларни муталаа қилган бўлиб, у айниқса, математика, астрономия илмларига жуда қизиқади.

У бобосининг хос мунажжими мавлоно Бадриддин Тусий билан кўп вақтини ўтказар, ундан ҳисоб ва тавқимдан дарс олар, баўзи кечалари, қор тиниб осмон ёришган пайтларида юлдузларнинг ўрни ва ҳаракатини кузатиш билан машғул бўлар эди. Улуғбек болалик йилларидаёқ мавлоно Бадриддин Тусий ёрдамида ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Насриддин Тусий, Абу Райҳон Беруний, Умар Хайём китоблари билан ҳамда Оксарой ва ўтрорда «Зижи Маликшоҳи» билан танишади.

Фанга бўлган зўр муҳаббати, катта қобилияти ва меҳнатсеварлиги туфайлигина Улуғбек астрономия мактабининг асосчиси ва раҳбари сифатида ажойиб муваффақиятларга эриша олди. Бу мактаб бутун дунёда ҳамма томонидан эҳтироф этилди, шуҳратга сазовор бўлди. 1411 йилда 17 ёшли Улуғбек Мирзо Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг ҳокими этиб тайинланиши Темурийлар хонадонидан Улуғбекнинг мавқеи нақадар юксак эканлигидан далолат беради. Улуғбек ҳоким бўлгач, бобосидан фарқли ўлароқ ҳарбий юришлар билан қизиқмади. Аксинча, у ўрта асрлардаги бошқа ҳокимлардан ўзгача йўл тутди, кўпроқ илм-фанга мойил эди.

Лекин, минг афсуски, Улуғбекнинг бошланғич Маълумоти ҳамда мураббий ва устозлари ҳақида тўлиқ Маълумотга эга эмасмиз. Шундай бўлсада, мунажжим Мавлоно Аҳмад Улуғбекнинг дастлабки устозларидан бири бўлса керак, деб тахмин килиш мумкин, чунки бу киши Темур саройидаги энг йирик олимлардан бўлиб сайёраларнинг келажак икки юз йиллик таквимлари жадвалларини туза олган эди. Лекин Улуғбекнинг ўзи кейинчалик асосий асари бўлмиш «Зижи»да фақат Қозизода Румийни «устозим» деб атайдди.

Улуғбек ташаббуси билан ўлкада илм-фан, адабиёт, санъат ахллари фанларнинг янги-янги кирраларини оча бошладилар. Улуғбек ўз фаолиятида асосан фалакиётни ривожлантиришга катта аҳамият беради, бу билан бирга, кўплаб истеҳдодли шоирлар, ижодкорларни тўплаб, улар фаолият кўрсатишлари учун шароит яратади. Маънавий ва моддий жихатдан рағбатлантириб туради. Масалан унинг раҳномолигида меҳморчилик равнақ топди. Бухоро, Самарқанд ва Ғиждувонда мадрасалар, Марвда хайрия муассасалари ҳамда «Чихл устун» ("Қирк устун"), «Боғи майдон» каби боғлар барпо этилади. Улуғбек 1424 йилда Самарқандда Обирахмат суви ёнида Ғиёсиддин Жамшид, Абдували Биржоний, Мансур Коший, Мирим Чалабий ва бошқа олимлар билан биргаликда курган расадхонасида сайёралар сирини ўрганади. Унинг бошчилигида юздан ортиқ олимлар илмий-тадқиқотлар олиб боради, фалакиёт ва математика соҳасида катта кашфиётлар қилиб жаҳонга машхур бўлдилар. Бу тадқиқотлар жаҳонга донғи кетган Самарқанд расадхонасида амалга оширилади. Натижада, Улуғбек 1018 юздузнинг ҳолати ва ҳаракатини аниқлайди, фалакиётга доир бир неча асарлар ёзади. Бу асарларнинг асосий мазмунини «Зижи Кўрагоний» деб аталмиш фалакиёт жадвали ташкил этади. Жадвал жаҳон фани ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Расадхона негизида Самарқандда астрономия мактаби вужудга келади. Бу мактабда таникли олимлар дарс берадилар.

Шундай қилиб, Улуғбекнинг фалакиёт мактаби ўз даврининг академияси («Дорул-илм») бўлган ва ўрта асрлар мусулмон Шарқи фалакиётининг ривожига катта таъсир кўрсатган. Мирзо Улуғбек хизматларидан яна бири шундаки, у аввало ёш авлоднинг ақлий ва маърифий тарбиясига катта аҳамият бериб, уларни дунёвий билимларни эгаллашга даҳват этди, ҳар қандай жоҳиллик ва билимсизликка қарши курашди. Улуғбек ривожланган фан ва маданият инсон тафаккурининг камол топишини тахминлашга ишонади. У инсоннинг имкониятлари чексиз эканлига ишора қилиб, ёшларни илм эгаллашга, инсофли ва ҳимматли бўлишга, ҳалоллик ва ростгўйликка даҳват этади. Улуғбекнинг билимларини нафақат китоблардан, балки бевосита ҳаётнинг ўзидан ҳам олишни тавсия этади. Улуғбек янги-янги илмий кашфиётлар қилишни инсон учун олий фазилат деб билади. У Мовароуннахр шаҳарларини, хусусан Самарқанд ва Бухорони илму маърифат даргоҳига айлантиради. Улуғбек: «Билимга интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир» деган шиорни илгари суради ва уни мадрасанинг пештокига ёздириб қўяди. Мадрасада эса илмнинг турли соҳаларининг ўқитилишига жиддий эҳтибор берилади.

Масалан, Самарқанд мадрасасида илоҳиёт илмлари: - Қуръон , Ҳадис, Тафсир, фикҳ билан бирга риёзиёт, хандаса илми, хайҳат (фалакиёт), тиббиёт, тарих, география, илми аруз, илми қофия, араб тили каби дунёвий илмлар ўргатилган.

Улуғбек илм фани равнаки учун курашган, шу мақсад сари ҳаракат қилган, таълим-тарбия ривожига ҳисса қўшган фуқароларни доимо рағбатлантириб, ўқитувчи-устоз, мударрисга ҳурмат эҳтиром билан қарашни тарғиб этган. Унинг мана шу сайҳи ҳаракатлари туфайли таълим-тарбия сифати яхшилана борди, мадрасаларда ўқиш-ўқитиш таълимни жонлаштиришга катта аҳамият берилди. Мадрасадаги ўқув тизими ислох қилиниб, унда фалакиёғ, математика, география каби аниқ фанларни ўқитишни жорий этди, таълим мазмунининг сифатини оширди, мадрасаларда ўқиш муддатини 15-20 йилдан 8 йилга туширди.

Улуғбек мактаб ва мадрасаларда берилган назарий билимларни амалиётга татбиқ этиш мақсадида мударрислардан ўқувчилар билан расадхона амалий машғулотлар ўтказишни талаб этиб, бунга ўзи раҳбарлик қилади.

Улуғбек ўз педагогик қарашларида болаларнинг жисмонан соғлом, ҳарбий хунарни пухта эгаллаган, жасур, мард бўлиб етишувига алоҳида аҳамият беради.

Улуғбекнинг фикрича, таълим-тарбияда математика, фалакиёт фанлари муҳим аҳамиятга эга ва бу фанлар боланинг аклий қудрати ва қобилиятини ўстиришда муҳим восита бўлса, тарих ва адабиёт фанлари эса болаларнинг ватанпарвар бўлиб етишишларига хизмат қилади.

Улуғбек таълим - тарбияда порахўрлик, қаллоблик, бўлмаслигини уқтиради, мударрисларнинг одил ва ҳалол булишга ўз педагогик маҳоратларини, билимларини ошириб бордилар ҳар бир машғулотни юксак савияда ўтказишга даҳват қилади ана шу билангина ўқувчиларда билимга қизиқиш орттириш мумкинлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, тарбиячи аввал ўзини тарбиялаши, билим ва малакаларини эгаллаши лозим.

Улуғбек ахлоқий тарбия хусусида гапирар экан, бу масалада инсонлар орасидаги ўзаро муносабат, дўстлик ва биродарлик алоҳида аҳамият касб этиш кераклигини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳақиқий ва сохта дўстларни ажрата билиш лозим, ғаразли киши ҳеч вақт дўст бўлмайди, кишиларни у тўғри йўлдан оздиради.

Дўст танлашга эҳтибор берилмаса, сохта дўстларнинг кўпайишига бу эса одамлар ўртасида нопок манфаатларга хизмат қилишга олиб келишга ишонади. Шу боис ғаразли кишилардан ҳар қандай йўл билан бўлса-да, йироқ бўлиш, касби ва ҳулқ "атвори яхши, ҳамма ҳурмат қиладиган, хушфеҳл киши билан дўстлашиш лозимлигини тавсия этади.

Ҳар бир киши дўстона ҳамкорлик билан ҳаётий муаммоларни ҳал этиши мумкин, киши ёлғиз ўзи, дўстларсиз ҳеч нарса қила олмайди. Унинг таъкидлашича, ҳар бир инсоннинг ахлоқий шаклланиши олимлар ўртасидаги муносабатларга ҳам боғлиқдир, улар ўртасидаги яхши ҳамкорлик талабаларнинг ахлоқий тарбиясида ғоят муҳимдир. Бундай дўстона ва беғараз ҳамкорлик моҳиятини биз Улуғбек фаолияти мисолида кўришимиз мумкин. Масалан, Али Қушчи умрининг охиригача унга содиқ қолди. Улуғбек ўзининг кўп йиллик меҳнати эвазига яратилган «Зижи Кўрагоний» асарини унга ишониб топширди.

4. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маърифий-ахлоқий қарашлари.

Марказий Осиёда фан ва маданиятнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган, ўзининг ғоят самарали фаолияти билан тарихда ўчмас из қолдирган, темурийлар авлодининг сўнгги вакилларида бири Умар Шайх Мирзо Ўғли Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Бобур Мирзо Фарғона вилоятининг ҳукмдори Умаршайх, яҳни Соҳибкирон Амир Темурнинг чевараси оиласида 1483 йилда

таваллуд топди. Бобур сарой муҳитида тарбияланди ва ўқиди, ёшлигидан илмга, шеҳриятга берилди. Довюраклиги, жасурлиги ва эпчиллиги туфайли уни «Бобур яҳни «Йўлбарс» деб атадилар.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур илм ва фаннинг, санъатнинг, умуман ҳаётнинг ҳамма соҳалари билан яқиндан қизиққан. Ғайрат ва ташаббус, синчковлик ва истехдод Бобурни ривожланган феодал даврнинг улуг сиймоларидан бирига айлантирди. ўткир зехнли Бобур Мирзо 9 ёшида саводини чиқаради, Қуръонни ёд олди, шеҳрлар ёзиб уни шархлай билди. 10-12 ёшларида ҳарбий санъат сирларини, давлатни бошқариш усулини, жисмоний тарбия машқларини мукаммал даражада эгаллади.

Истехдод соҳиби бўлган Бобур 12 ёшида, отаси вафотидан сўнг тахтни эгаллаб, подшоҳ этиб тайинланди ва умрининг охирига қадар ўзи кўрган, ҳаётда гувоҳ бўлган, жанг суронлари, ўзга юртдаги жаҳонгашталиклар, ватанни қўмсаш, болага, оилага қариндош-уруғларга муносабат масалаларини ўзининг тарихий-географик китоби бўлмиш «БОБУРНОМА»да баён этди.

Бу борада ўзбек олими таникли географ проф. Ҳ.Ҳасанов уни фақат давлат арбоби эмас, балки машҳур лашкарбоши, тарихчи, географ, биолог, мусиқачи, тилшунос, меҳмор ҳам бўлганини таъкидлайди. Унинг ижодига мансуб бўлган «Хатти Бобурий» узок йиллар давомида мактабларда, мадрасаларда савод ўргатиш китоби сифатида фойдаланилади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётлик пайтидаёқ ўзига хос маърифий мактаб яратди. Мактаб тушунчаси турли маҳноларда ишлатилади. Мактаб тор маҳнода фарзандларга илм- маърифат, Маълумот берувчи жой, кенг маҳнода фан, санъат, адабиёт, ижтимоий, сиёсий ҳаёт қабиларда ўзига хос хусусиятларга эга бўлган йўналиш, оқимдир.

Бобур ҳаётини эсдаликлар ёзиш мактабини «Бобурнома» асари орқали бошлаб берди. Гулбаданбегим отаси Бобур вафотидан сўнг бу мактабни давом эттириб, «Хумоюннома» асарини ёзди. Бу мактаб XX аср адабиётида ҳам давом этди. «Эсдаликлар» (С.Айний), «Болалик» (Ойбек) в.б. асарлар. «Бобурнома» нисбатан тор маҳнода бўлсада, ёзувчи яшаган даврни, муҳитни бир мунча акс эттирди.

Бобурнинг таълим назариясидаги яна бир муҳим хусусияти, ўзи билган билимларни келажак авлодга илинишидир. Авлодим билсин деб элига ўргатгиси келади. Бу ҳол уни башариятга буюк маънавий бойликлар қолдиришига муваффақ қилди. Ундан мерос бўлиб қолган лирик шеҳрий асарлар; «Бобурнома», «Мухтасар», «Мубаййин», «Волидия» ва бошқа асарлари жаҳон фанида, айниқса халқ тарбия қонунларида алоҳида ўрин тутди. «Бобурнома»да эса шу даражада кўп ва турли-туман Маълумотлар борки, улардан ҳозирги даврдаги мавжуд фанларнинг деярли барча соҳаларига тегишли Маълумотларни олиш мумкин. Шу жиҳатдан қараганда, «Бобурнома» болалар ва ёшлар китобхонлигида катта аҳамиятга моликдир.

Шуниси диққатга сазоворки, "Бобурнома" катта тарихий манбаа ҳисобланади Чунончи, 12 ёшли Бобур Андижонга сув қаердан, қайси ариқлардан келишини, у ерда қандай мевалар пишишини, қандай қушлар ов қилинишини, қушларнинг оғирлиги қанча эканлигини билади. Асарда бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Шунини таъкидлаш зарурки, дарҳақиқат «Бобурнома» - муҳим терминологик ва топономик манба ҳисобланиб, унда ер-

сув, хаво ва турли табиий ходисаларга тегишли халқ сўзлари кўплаб топилади». «Бобурнома»да XVI аср бошларидаги (бир мингдан ортиқ) ўша даврдаги холатида, шунингдек айрим номларнинг турли вариантлари берилиши ҳам катта аҳамият касб этади. Бобур Мирзо ўз ҳаёти фаолиятида кўп йўл босганлиги учун ер-сув тақсимоотидаги ҳамда қурилиш ишларидаги масофа ўлчовларига катта аҳамият берган. «Бобурнома»да тилга олинган ўлчов бирликларини ҳозирги пайтда қўллайдиган бўлсак, бу куйидагичадир: Йиғоч - 8 км; курух - 2,5 км; шарҳи - 2,4 км; кари - 55 см; тутам, мушт - 8 см; бир ўқ отим ер - 110-125 метр; бир ўқ чоптирим ер - 215 метр; Ҳарвор (бир эшак кўтарадиган юк) - 300 килодан 565 килогача; мўғулий масофа, қулоч - 170 см. Бир кунлик йўл - 40-45 км ва ҳаказо.

Шуниси диққатга сазоворки, Бобур ҳар бир территорияни Маълум бир тартибда тавсифлайди; аввало жойнинг географик ўрни, сўнгра қайси иқлимга мансублиги ва қишлоқ хўжалиги, шифобахш жойлари, ўсимликлари, қазилмалари, ҳайвоноти ва аҳолиси, унинг урф-одатлари ҳақида Маълумот беради. Бу билан у дунёвий иқлимларни мукаммал эгаллаганлиги, олим даражасидаги билимга эга эканлиги кишини лол қолдиради...

Умуман олганда Захириддин Мухаммад Бобурнинг илмий меросини ўрганиш ёшларда меҳнатсеварлик, олийжаноблик, фан, маданият санъатга, маърифатга меҳр уйғотиш хиссини шакллантиради.

Бобурнинг шеърлари оригинал ижод самараси сифатида кўп авлодларга манзур бўлиб келган, ота-боболаримиз серқирра фаолиятидаги ижобий жиҳатлари учун Бобурни эҳзозлаганлар. Биз ҳам унинг маънавий меросини, хусусан ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга молик бўлган ахлоқий - маърифий педагогик қарашларини қадрлаймиз.

Хулоса қилиб шуни айтаемизки, умуман XIV-XVI асрларда Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти билан танишишдан шу нарса Маълум бўладики, Амир Темур барпо этган мустақил марказлашган давлатда у қўллаган сиёсат ўлкада илм-фан, санъат, адабиёт, ҳунармандчилик ва ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Соҳибқирон Амир Темур ва Темурий шахзодалар томонидан маърифатга катта эҳтибор берилиши натижасида шаҳар ва қишлоқларда, овулларда болаларни 6 ёшдан ўқитиш кенг жорий этилди, мадраса таълими ислоҳ қилинди, қурилиш иншоотлари, меҳморий обидалар, боғу-роғлар, савдо шохобчалари барпо этилди, «Буюк ипак йўли» жонлантирилди. Давлатни бошқариш, сиёсат, ҳуқуқшунослик, иктисодиёт-тадбиркорлик мезонлари ишлаб чиқилди.

Амир Темурнинг тарих олдидаги улкан хизматларидан бири унинг илм-фан тараққиётига ҳисса қўшганидир.

Темурий шахзодалар орасида, айниқса Мирзо Улуғбекнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ мақсадга мувофиқдир. Чексиз ақл-идроқи, азму қатъияти, одилона сиёсати билан Мирзо Улуғбек қарийиб қирқ йил мобайнида Мовароуннаҳр диёрининг донишманд ҳукмдори бўлиб, халқларнинг азалий орзуси тинчлик, тотувлик, ҳар томонлама тараққиётни қарор топтириш йўлида шижоат ва матонат кўрсатди.

Мирзо Улуғбек аввало, илмий фаразлар билан эмас, балки соф амалий услубда ижод қилди. Минглаб юлдузларни жамлаган мукаммал ҳарита ва

бугунги энг замонавий ҳисоблардан деярли фарқ этмайдиган мукаммал астрономик жадвалини яратди.

Унинг ҳаёти ва ижоди ўзбек халқи маънавияти пойдеворига қўйилган тамал тошларидан бири бўлиб, халқимизнинг ўрта асрларда фундаментал фанга нечоғлик буюк аҳамият берганини кўрсатади.

XIV-XVI асрларда хаттотлик, тилла сув билан ёзиш, сурат солиш ва муқовалаш каби соҳалар янада ривож топди. Бу борада Камолиддин Бехзод, Султон Али ал-Котиб ва Махмуд Музаххиб ал-Хиравийларнинг хизмати катта бўлди.

Улар Эрон, Бухоро ва Самарқандда китоб безаш бўйича ўз мактабларини яратдилар ва дунё кутубхоналарида сакланиб келаётган қимматбаҳо қўлёзмалар ҳазинасини мерос қилиб қолдирдилар. Бобурнинг педагогика оламида хизматларидан бири шундаки, у Фарғона, Самарқанд, Афғонистон, Хиндистон географиясини ўзбек тилида биринчи бўлиб тавсифлаган олимдир. Шу сабабли ҳам Жаҳон илму-фанида, уни биринчи ўзбек афғоншуноси ва Берунийдан кейинги хиндшуноси дейилиши бежиз эмас. Шунинг таъкидлаш керакки, Бобур ўзининг Афғонистон ва Хиндистон тўғрисидаги ажойиб хотираларини ёзган даврда Ғарбий Европа олимларининг Марказий Осиё, Афғонистон ва Хиндистон тўғрисидаги тасаввурлари тахминий бўлган.

Бобурнинг «Бобурнома» асари зоология, ботаника, астрономия, этнография, тарих, тилшунослик соҳасидаги қимматли ёдгорликдир.

Шу билан бирга "Бобурнома"да адабиёт, дипломатия, ҳарбий санъат, молия соҳаларидан ҳам Маълумотлар олиш мумкин. Бобурнинг «табиат ва вилоятлар шайдоси» бўлиши унинг авлодларига ҳам ўз таъсирини кўрсатгани, уни ўғиллари Хумоюн ва набираси Гулбаданбегим, холаваччаси Хайдар Мирзо ҳаётида ҳам кўрамиз. Гулбаданбегим XVI аср ўрталарида акаси Хумоюн сафарини хикоя қиладиган «Хумоюннома» тарихий-географик асарини ёзган тарихнавис ўзбек аёлидир. Бу асарни шарқшунос олимлар «Бобурнома»нинг давоми деб жуда ўринли айтадилар. Бобурнинг холаваччаси Тошкентлик Мухаммад Хайдар Мирзо ҳам Хиндистон, Тибет, Қашкар ва Иссиқкўл атрофини кезиб, «Тарихи Рашидий» воқеаномасини ёзиб қолдирган.

Юқоридаги фикрларимиздан кўриниб турибдики, Соҳибқирон Амир Темур ва темурий ҳукмдорлар ҳамда уларнинг авлодлари ўқимишли, фан ва маданиятни эгаллаган, зукко инсонлар бўлиб, уларнинг бизга қолдирган илмий мероси бугунги кунда ҳам ҳаётимизда улкан аҳамият касб этмокда ва мустақил Ўзбекистоннинг обрўсини ошириш йўлида катта хизмат килмокда.

Юртбошимиз таклифи билан ва сайҳи ҳаракатлари туфайли ўтказилган Амир Темур, Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Ал-Фарғоний ва бошқа буюк сиймоларнинг таваллудига бағишланган тантаналар ва улар номи билан аталаётган маърифат масканларининг мавжудлиги халқимизнинг уларга бўлган чуқур эҳтиромидир.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР:

1. XIV-XVI асрларда Мовароуннаҳрда фан, маданият ва маориф тараққиёти қай даражада эди?
2. Нима сабабдан XIV асрнинг иккинчи ярми - XVII асрлар Шарқ уйғониш даврининг иккинчи босқичи дейилади?

3. Сохибқирон Амир Темур ва Темурийлар сулоласи даврида қандай маданий - маърифий масканлар барпо этилди, тарихий обидаларни изохланг?
4. Амир Темур ўзи амал қилган сифатлар қандай эди ва уларни изохланг?
5. Улуғбек Академияси («Дорул-илм») ва ундаги таълим тизимини изохланг?
6. «Зижи Кўрагоний» асари ва унинг моҳияти нимада?
7. Бобурнинг «Бобурнома» асари ва унинг дидактик моҳиятини ёритиб беринг.
8. Бобурнинг маърифий-ахлоқий қарашларининг аҳамияти нимада?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан колсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 91-93-бетлар
2. Каримов И.А. Амир Темур фахримиз, ғуруримиз. Т.,Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Истиклол ва маънавият.Т. «Ўзбекистон»,1994.
4. Амир Темур ва темурийлар ҳақида. Миср кутубхоналарида сақланаётган манбаа ва қўлланмалар ФИХРИСТИ (Муқаддима муаллифи - Ш.Бобохонов, тайёрловчи -Н.М.ат-Тарозий) Қоҳира, 1996.
5. Амир Темур ўғитлари. Т.: Чўлпон, 1992.
6. Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996
7. Аҳмедов А. Улуғбек. Тошкент, ФАН 1991
8. Темур тузуклари. Проф. Б.Аҳмедов тахр. ост. Адабиёт ва санъат нашриёти -Т., 1991.
9. Мўминов И. Амир Темурнинг ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. - Тошкент, ФАН, 1969, 1993 й.
10. Ҳасанов Х, Аҳмедов Б. Амир Темур дарслари Т; Шарқ 2000.
11. Ҳасанбоева О. ва бошқалар. Педагогика тарихи. Тошкент, 1998
12. Ҳасанбоев Ж. XIV асрнинг иккинчи ярми - XVI асрларда Мовароуннаҳрда мактаб - мадраса ва педагогик фикрлар. (ўқув қўлланма), Тошкент 1997
13. Ҳасанова Б. XIV-XVI асрларда Мовароуннаҳрда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар. Т.: 2000.
14. Ҳошимов К., Нишонов С, Иномова М., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи,Т.: ўқитувчи, 1996.
15. Ўзбек педагогикаси тарихи (А. Зуннунов тахр. ост.) Т.1997.

13-Мавзу: XVII -XIX асрнинг яримигача тарбия

РЕЖА:

1. XVII-XVIII асрлар ва XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида илм-фан ва таълим-тарбия.
2. Жаҳон Отин Увайсий ва унинг таълим-тарбияга қўшган хиссаси.
3. Қизлар мактабида таълим-тарбия мазмуни, метод ва усуллари.
4. Мухаммад Қошғарий ва унинг «Одоб ас-солиҳин» («Яхши кишилар одоби») асари, асарда илгари сурилган хулқ-одоб меҳёрлари.

1. XVII-XVIII асрлар ва XIX асрининг биринчи ярмида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида илм-фан ва таълим-тарбия.

Мовароуннахрда бир юз эллик йил асрнит биринчи ярмида ҳукумронлик қилган темурийлар сулоласи инкирозга юз тутиб, унинг хонхикҳарида илм-фан ва ўрнига Шайбонийлар ҳукумронлиги ўрнатилди. Лекин Шайбонийхон ҳам (1451-1510) кучли марказлашган давлат барпо қилишга қай даражада ҳаракат қилган бўлса ҳам, унинг ўлимидан сўнг ўзаро урушлар авж олиб кетиб, бу ҳудудда уч хонлик, аввало Бухоро ва Хоразм, XVIII аср охирига келиб, Қўқон хонлиги пайдо бўлди.

Хонликлар даврида бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатилди. Жумладан, Ҳиндистон Шох Акбар, Шарқий Овруподан Иван Грознийлар билан дўстона алоқа ўрнатилди.

Бухоро хони Абдуллахон 1001 та работ ва сардобалар қурдирди, мадраса, масжидлар, хонақоҳ ва кўприклар, сув омборлар ва бошқа иншоотлар қурилди. Бу даврда «Абдуллонома» номли тарихий китоб ёзилди. Тиббиёт соҳасида Султонали Самарқандийнинг «Дастур ал-илож», Муқаммад Юсуф Маҳхолнинг «Тахқиқ ал хумаййот», «Зубдат ул-қаххолин» асарлари, Шайбонийхоннинг «Таворихи гузидаи нусратнома», Бобурнинг «Бобурнома», Восифийнинг «Бадоеҳ ул-вақоъ», фазлиддин Ибн Рўзбекхоннинг «Меҳмонномаи Бухоро» каби асарларида ўша даврнинг ижтимоий, сиёсий, тарихий, адабий, маърифий ҳаёти ўз аксини топган.

XVII-XVIII асрларда меҳморчилик соҳасида ҳам катта иншоотлар қурилди. Масалан, Бухорода Имомқулихоннинг нуфузли амалдоридан Нодир девонбеги масжид, ховуз, мадрасалардан иборат катта меҳморий ансамбл қурдирди. Шунингдек, Самарқанддан 4 чақирим Жанубда Хўжа Ахрор қабри олдиға мадраса ва Номозгоҳ барпо этди.

Бу даврда Мухаммад Балхийнинг 5000 байтдан иборат «Субхонқулихоннома», Мирмухаммад амир Бухорийнинг «Убайдуллонома», Мухаммад Вали Самарқандийнинг 200 нафар адабиёт арбобларининг таржимаи холиға оид Маълумотлар берилган «Музақкирул асҳоб» номли асари, шунингдек, Сайидо Насафи, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машрабларнинг асарлари юзага келди. Бу даврда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида; турмушда ҳам, оилада ҳам ҳар бир киши алоҳида диний талабларга риоя этар эди. Мадрасаларда деярлик илохий билимлар берилишига қарамай, мадрасани битирганлардан мударрис, муфти, қози, имомлар билан бир қаторда машхур шоир, олимлар ҳам етишиб чиқди. Бобораҳим Машраб, Мухаммад Амин Косоний-Намангоний, Фазлий Намангоний, Сайидо Насафий, Сўфи Оллоёр, Мухаммад Мир Олим Бухорий, Абдулғозий Баходирхон ана шундай илм соҳибларидандир. Бу даврда кўпроқ адабиёт тарих, меҳморчилик, тасвирий санъат ривожланди. Лекин табиий фанларга ҳам оид ажратилган «Хисоблаш усуллари ҳақида рисола» номли математикаға доир муҳим асар ҳам юзага келди.

Абдулғозийнинг «Шажараи турк» асари ҳам Шарқ, ҳам Оврупо олимларнинг диққатини ўзига тортди. Бундан ташқари қатор тарихий асарлар ҳам майдонга келди.

XVII асрда яшаган маърифатпарвар олим Сўфи Оллоёрнинг «Сабот ул-оҷизин» асари «Сўфи Оллоёр» номи билан машхур бўлиб, мактабларда савод чиқарилиши билан ўқитилар эди. Унда ислом динининг асосий қоидалари, ақидалари баён этилган. Қўқонда ҳам кўплаб илмий, маърифий масканлар пайдо бўлиб, йирик адабий муҳит яратилган. фазлий ва Мушриф томонидан тузилган

«Мажмуат уш-шуаро» тўплами бунинг мисолидир. Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Хивада бино бўлган Шайх Жалол мадрасаси, Самарқандда Регистон майдони, Шердор ва Тиллақори, Девонбеги, Хивада Арабмухаммад мадрасалари илм-маърифатнинг ривожланишга катта ҳисса қўшди.

Бу даврда мактаб ва мадрасаларда грамматика, хандаса, мантиқ, қироат, тафсир, шариат, хикмат, ислом тарихи ва ақидаларга оид илмий-назарий билимлар, иш юритиш, ҳуқуқшунослик, савдо-сотик ишларига оид, мерос ва бойлик тақсимооти каби дунёвий ҳамда илмий билимлар ўргатиладиган эди. Шунингдек, барча мадрасаларда албатта фан сифатида «Қуръон», «Тафсир», «Одоб-ос-солиҳин», «Маслиҳ ул-Мутаққин», «Сабот ул-оҷизин», «Қимёи саодат», «Ҳадислар» ўқитилар эди.

Уқиш муддати 15-20 йилни ташкил этиб, масжид ёнидаги мактабда эса болалар 7 йил алифбо, абжод, Қуръон, фарзи айн, Чор китоб, Хожа Хофиз, «Маслиҳ ул-Мутаққин», Мирзо Бедилдан савод ўргатиладиган эди. Ўзбек болалари ўқийдиган мактабларда «Китоби Фузулий», «Лисон ут-тайр», «Девони Алишер Навоий», «Қиссаи девона Машраб», Сўфи Оллоёнинг «Сабот ул-оҷизин» китоби ўқитилган.

2. Жаҳон Отин Увайсий ва унинг таълим-тарбияга қўшган ҳиссаси.

Таълим-тарбия жараёнида аёллар таълими ҳам ривожлана бошлади. Чўйиан ҳиссаси. Уқимишли, маърифатли, зиёли аёллар томонидан мактаблар ташкил этилади ва бу мактаблар отинлар мактаби деб номланди. Ўзбек диёрида отинлар мактабининг йирик намоёндаларидан бири Жаҳон отин Увайсий эди.

Жаҳон отин Увайсий (1789-90 Марғилон 1850 й. Марғилон)-XIX аср Қўқон маданий муҳитнинг кўзга кўринган вакилларида бири етук шоира ва мактабдор муаллималардандир. Жаҳон отин Увайсийнинг шеърлар ва мактабдорлик хизматлари халқ оммаси орасида кенг ёйилган.

У Марғилоннинг Чилдухтарон маҳалласида шеҳриятга ихлосманд Сиддиқ бобо (Қайнар девона ҳам деб аташади) ва Чинни бибилар оиласида дунёга келади. Отаси қосибчилик қилган, онаси эса саводли аёл бўлиб, мактабдорлик қилган ва маҳалла аҳли қизларини ўқитган.

Жаҳон отин ёшлигидан бошлаб онасидан савод ўрганган, кичиклигидаёқ акаси иккаласи Охунжон хофиздан дутор, танбур чалиш, мусиқа илмининг амалий томонларини ҳам эгаллайди. Отасидан эса араб, форс тиллари ва адабиёт сирларини ўрганишга ҳаракат қилади.

Отаси тез орада вафот этиб, онаси билан қолган Жаҳон отин ўзи мустақил равишда Хофиз, Жомий, Навоий, Фузулий, Бедил каби шарқ шеҳриятининг буюк намоёндалари ижодини ўрганади. Онаси ва акаси Охунжон Жаҳон отинни 17 ёшида Марғилонга Хожихон исмли кишига узатадилар. Хожихон саводли, адабиётга дўст ва маърифатли инсон эди. Жаҳон отин ундан икки фарзанд кўради.

Жаҳон отин Увайсий энди мустақил равишда Марғилон ва унинг атрофидаги қизларни ўқита бошлади. Қизларга хат-савод ўргатади. Илмий мусиқадан дарс беради. Увайсий қизларга шеър ёзишнинг услубларини ҳам ўргатади. Муаллимлик касбига Увайсий ихлос билан қарайди. Илмга ташна қизларга сидқидил билан дарс беради. Бу ҳол унинг ғазалларида ҳам ўз ифодасини топгандир:

Учради кайдин менга, чун Ой ила Кун иккиси,

Кўрдам аҳволини алар Фарҳоду Мажнун иккиси.
Зехни гаввосимни солдим фазал баҳрин қаҳрига,
Чун садаф батнида онлар дуру макнун иккиси.
Шаҳри дилда акл шохдн лашкардур бешмор,
Юз туман лашкарга келтирди шабихун иккиси.
Келдиким икки пари гул талаб айлаб канот,
Илм кони ичра Вайсий, бўлди мамнун иккиси.

Шуниси диққатга сазоворки, шоира ўз толиблари ва шогирдларининг ютуқларидан қувониб, уларга мувашшахлар ҳам бағишлаган.

Масалан: Жаҳон гулзорида хоки кудумингдан етар зийнат,
хиромингдан топар жон гулшану оройшу назҳот.

Бу Жаҳон биби исми шогирдига ёзилган мувашшах бўлиб, Жаҳон биби, Ҳаёт, Бақо, Дилором исмли қизлар Увайсийдан илм ўрганганлар. Улар ҳам Жаҳон отин ёрдамида форс-тожик, туркий тилларда юксак савиядаги шеърлар ёзишга қодир шоиралар бўлганлар.

Қизлар мактабида таълим-тарбия мазмуни, метод ва усуллари.

Марғилон туманининг ҳокими Умарбек бўлганидан кейин, бу пайтда мактабдор ва шоира сифатида шуҳрат қозонган Увайсий Нодира билан яқинлашади. Бу яқинлик кейинча Қўқонда Нодирабегимнинг фожиали қатл этилгунча давом этади. Увайсий қизи Қуёшхонга хомиладор эканлигида эри Ҳожихон вафот этади. Шунда Увайсий эрининг йилини ўтказиб икки боласи билан Нодира тақлифига биноан, Қўқонга келади. Энди Увайсий Нодирабегим химоясида бўлади.

Қўқонда Увайсий хон саройида яшайди. У ҳарамдаги қизларга, қанизакларга ҳам хат-савод ўргатади. Қанизакларга бошланғич таълим, яҳни алифбони ўқитишдан, ёзишдан тортиб, то илм мусиқийнинг амалий жихатдан таълим бериш билан шуғулланади. Увайсий хон саройида 3-4 йилдан ортиқ яшай олмайди ва бошқа ерга кўчиб ўтади. Шоира бу янги жойда яна ўзи севган машғулотини давом эттиради. Шу билан бирга Нодира илтимоси билан унинг химоясидаги тутқунларни ҳам ўқитади. Увайсий қизларга хат-савод ўргатиш билан бирга, созанда-хонанда қизлар гуруҳини ихлоси бор қизлар ичидан йиғиб, уларга санъатнинг айрим сирларини ўргатади. Янги ховлида дарс бераётган бир пайтда Увайсий Нодира ҳузурига бориб қайтса, эшигининг қулфи синган, хона ичидаги танбурлар йўқ экан. Увайсий суруштириб билса, бу ифвогарларнинг иши бўлиб чиқади. Бу ҳусусида Нодира Умархон орқали танбурларни ўрнига қайтаришда ёрдам беради.

Маълумки, қизлар мактабида талабалар зехнини тарбиялаш, билимларни мустаҳкамлаш, узоқ эсда сақлаб қолиш, тафаккур қобилятини мустаҳкамлаш ҳам катта эҳтибор берилади. Шу мақсадда чистон (топишмоқ) ларни ечиш, мувашшахлар ёзиш, адабий асарни шархлаш ва изохлаш қабилардан фойдаланилган. Бу усуллар талабани рағбатлантирган, унинг ўқишга бўлган қизиқишини ва қобилятини оширган.

Чунончи, Жаҳон отин(Увайсий) машҳур шоира бўлиши билан бирга мохир муаллима ҳам бўлган. У ўз дарсларида қизларнинг зехнини тарбиялашда қуйидаги чистон, муаммо, мувашшахлардан фойдаланган (чистон-топишмоқ, муаммо-шеҳрда киши нома, сана ва шу қабилар яширинган жанр, мисралар бошидаги ҳарфларни тўплаганда киши номи чиқадиган шеҳр-мувашшах):

Ул на қуш кўринмаским, шафак болу пари,
Мисли ул раф-раф сувору билсангиз, йўктур тани.
Вокиф эрур кеча-кундуз хизматида тўрт тани,
Қон илан эрмиш мурасса бул чийистон маскани.
(калб, тўрт гулом-кўз, ошз, кулок, бурун)
Ул надурким сабз тўнлик, ёз ёғочнинг бошида,
Қиш яланюч айланга айлағай барча халойик қошида.
Барча қушларнинг сўнгоки ичида,
Ул на қушдирким сўнгоки тошида.(ёнгок)
Икки махбубни кўрдим, бир-бирисин кўрмаган,
Иккисининг ўртасига, дўстлар кил сигмаган. (кун ва тун)
Ул надурким пойи йўк, юрса боши бирла юрар,
Юрганида хок сурмай, анча устолик қилар. (сув)

. Мухаммад Содик Қошғарий ва унинг “Одоб ас-солиҳин”(Яхши кишилар одоби) асари, асарда илгари сурилган ҳулқ-одоб меҳёрлари.

Мухаммад Содик Қошғарийнинг(1740-1843) «Одоб ас-солиҳин» асари, асарда (Яхши кишилар одоби) илгари сурилган ҳулқ-одоб муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек, муқаддима ва 7 бобдан ҳамда ҳар бир боб 4 фаслдан иборат.

Муқаддимада асарнинг мақсади ифода этилади, яҳни инсонга яхши ҳулқ эгаллаш зарурлиги таъкидланади ва у одоб қоидаларини эгаллаб олмаса, нафақат ўзига, балки бутун дунёга ёмонлик таркатади, дейди.

Шундай экан, ҳар бир инсон одоби зоҳирий ҳамда одоби ботинийни билиб, унга амал қилиши зарурлиги ва бу одоб қоидаларини мўхтабар китобларда ҳал этилганлигини айтади. Сўнг юқорида таъкидлаганимиздек, инсоннинг баркамол бўлиб етишишида кундалик турмушда зарур ботиний ва зоҳирий одоб қоидалари: саломлашиш ва рухсат сўраш, мулоқат одоби, ухлаш ва йўл юриш, суҳбат ахлининг ўзини тутиши, эр-хотин одоби, тозалик ва озодалик қоидалари, меҳмон кутиш, зиёфат ва овқатланиш одоби, сафар қоидалари баён этилади.

Биринчи боб рухсат сўраш ва саломлашиш, кўришиш, қўл олишиш ҳақида бўлиб, у тўрт фаслдан иборат. Маълумки, шарқ халқларда бирор кимса бирорта уйга кирганда у ерга рухсатсиз кириб боравермай, Маълум урф-одат қоидаларига риоя қилади. Ана шу қоидаларнинг энг муҳимлари деб, Мухаммад Содик Қошғарий ҳар бир одам келганлигини билдириш (эшикни қоқиш ёки йўталиш), овоз берилгандан сўнг киришга рухсат сўраш ва сўнг кириш кераклиги баён этилади.

Иккинчи фаслда эса саломлашишнинг ўн икки одоб қоидаси ҳақида фикр юритилади. Шунда савол бериш ва жавоб масаласида ҳозирги пайтда ҳам юз бераётган мунозарали фикрларга нуқта қўйгандек бўлади. Муаллиф айтишича, адаби аввал-икки мўмин киши келсалар, хоҳ ошно ва хоҳ ношно, салом беришгайдирки, салом бермак суннатдир, жавоб фарз айнур, дейди.

Шунингдек, олим «Улуг кичикка, отлик пиёдага, юрувчи ўтиргувчи ва оз кўпга салом бергай», деб таъкидлар экан, бир киши кўпчилик олдига кириб келганда, биринчи бўлиб салом бериши, кўпчилик эса баравар овоз чиқармасдан саломга алик олиш ёки аудиторияга кирганида. «Ким олдин салом бериши керак?» деган муаммони ечган бўлади.

Мазкур бобда яна саломлашишдаги хатти-ҳаракатлар, жисмонан заиф кишилар ва саломлашиш қоидалари, эркак ва хотин-қизларнинг саломлашиш қоидалари. Салом бермаслик ва жавоб қайтмаслик ҳақида ҳам ҳозирги давр учун муҳим тавсиялар мавжуд. Биринчи бобнинг учинчи фаслида берилган мулоқот (учрашув) одобига оид тавсиялар ҳам диққатга сазовор. Бунда учрашганда қўл бериб кўришиш. Лекин қўл учи билан эмас, астойдил, лекин қўлни силамай, очиқ юз билан кўришиш одоби баён этилади. Қучоқлашиб кўришиш, сафардан қайтган киши билан кўришиш ва ёш болалар билан кўришиш, ўпиб кўришиш одоблари баён этилади.

Иккинчи бобда ухламоқ, кийим кийиш, йўл юриш одоблари ҳақида фикр юритилади. Масалан, ухлаш олдидан эшикларни маҳкамлаш, идишларни оғзини ёпиш, ўрнидаги кўрпани қоқиб ётиш, ўт, чирокни ўчириш, ухлайдиган ўрнини юмшоқ қилмаслик, ўнг қўлга бир оз суяниб ётиш тавсия этиладигани, бу қоидаларга риоя қилмаслик натижасида кўплаб нохуш воқеалар рўй берганлиги айтилади.

Либос кийиш қоидалари ҳам хулқ-одоб қоидаларнинг таркибий қисми саналади. Бунда энг муҳимларидан киши имкон даражасида кийиниши лозимлиги, қулайлиги ва ёши, жинсига, жойига, фаслига мос бўлиши, уни тоза тутиш, яхши либос кийганда манманлик қилмаслик, киймайдиган ортиқча либосларидан муҳтожларга инҳом қилиш каби тавсиялар ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Йўл юриш қоидалари ҳам ҳар бир инсон учун билиши зарур бўлган қоидалар бўлиб, бу ҳақда қуйидагилар: йўл юрганда меҳёрида қадам ташлаш, атрофга алангламаслик, жамоат жойларида бошқаларга озор бермаслик, кексалардан кейин юриш, устозлар билан бирга кетаётганда уларнинг ҳурматини сақлаш, йўлида ҳамроҳлари бўлса улар билан бирга кетишлик, йўлида эса бирор киши учрашиб қолса, саломлашиб бирга кетишлик, йўлида оғиз суви ёки балғамни тупурса юзини беркитиш, уни ўнг томонга ёки олдига эмас, чап томонга ёки орқасига ташлаш, йўлида ёрдамга муҳтожларга ёрдам бериш, яхши ишни маҳкуллаб, ёмон ишдан қайтариш қабилар баён этиладигани, буларни билиш катта-ю кичикка бирдек зарурдир.

Учинчи бобда суҳбатлашиш одоби баён этиладигани, бу одоб қоидаларига инсон ҳар бир дақиқада риоя этиши зарур. Суҳбатнинг яхши ният ва беғараз бўлиши, унга покиза либос билан бориш, таннинг тозаллигига эришиш, оғиз ва тишларни тозалаб бориш, суҳбат аҳлининг бир-бирларга ҳурмат ва илтифот кўрсатиш, улуғларга эҳтиборини қаратиш, ўтириш қоидаларига риоя этиш, аҳли суҳбат кирганда ва чиққанда ўридан туриш ва улуғларни юқорига ўтказиш, беадаб сўзлар, ёмон хатти-ҳаракатлар, ноўрин жимликдан сақланиш, барчага яхши муомалада бўлиш, иззат қилиш, акса келса оғзини тўсиб, паст овозда, енгил акса уриш, суҳбат аҳлига иш буюрмаслик, суҳбат аҳлига беминнат хизмат кўрсатиш, дўст ва нотанишларга бир хил очиқ чехра билан муомалада ширинсўз бўлиш, гўзал хулқ ва чиройли одоб билан муомалада бўлса, ака-укалар, опа-сингилларнинг хатосини кечириш ҳамда улар айбини юзига солмаслик, бошқалардан четда насиҳат қилиш, суҳбат аҳлидан бирор кишининг ёмон қилиғи, қабих феҳли ҳақида гапирмаслик, уни четлатишга ҳаракат қилиш каби одоб қоидаларига риоя этиш ҳақида фикр юритилади.

Аҳли суҳбатга нолойиқ ҳатти-ҳаракатлардан қочиш мақсадида аҳли жамоанинг хотиржамлигини бузганларни четлатиш, буни имо-ишора билан тушунтириш, суҳбатда пинакка кетмаслик, ўзгалардан ўзини юқори тутиш, суҳбатдошнинг сўзини бўлмаслик, сукут сақлашни ҳам меҳёрига етказиш, деб ортиқча такаллуфга зўр бермаслик, ҳамсуҳбати билан баҳс қилмаслик, аммо тортишиши мумкинлиги, ғазаб келганда уни тўхтата олиш, ортиқча қизиқчилик, ҳазил-мутойиба, хушомадгўйлик қилмаслик, бунда меҳёрдан оширмаслик, камситувчи лақаблар қўймаслик, аҳли суҳбат орасида бир-бири билан пинхона сўзлашганда бошқа ҳамроҳнинг кулоқ солмаслиги, бу қоидалар ҳар бир кишининг кундалик турмушида зарур бўладиган талаблари ҳисобланади. Асарда эр ва хотин одобига оид илгари сурилган фикрлар ҳам диққатга сазавордир. Уйланадиган йигит никоҳдан олдин уиланмоқчи бўлган кизини кўрмоғи, уйланадиган кизнинг бокира бўлиш ҳамда тўрт нарасада: умрда, қоматда, хулқда, адабда ва ифбатда эрдан юқори бўлиши зарурлиги таъкидланади. Бу фикр турмушда тинч-тотув оила куриш масалаларида исботлангандир.

Муҳаммад Содик Қошғарий «Одоб ас-солиҳин» асарида, касал ҳолини сўраш, таўзия ва мусибат одоблари ҳақида ҳам фикр юритади. Бу нарсаларни ҳар бир кишининг билиши муҳимдир.

Касал ҳолини сўраш дўстларга зарурлиги, касалнинг миллати, динидан қатъи назар, касал ёнига очик юз билан кириш, кўнглини кўтарувчи сўзлар билан мурожаат қилиш, касал олдига башанг кийиниб ёки кир либосда кириб бўлмаслиги, кулиб кириб, бош томонига яқин ўтириш, кўп ҳол сўраши, касални кунда келиб толиқтириб қўймаслик, бемор кўнгли тилайдиган нарсаларни сўраб-суриштириб топиб келиш, аммо унинг муолажасига ҳаром нарсалардан сақлаш, бемор олдида кўп ўтирмаслик, агар бемор олдида бўлиш зарур бўлса, унга хуш келадиган сўзлардан, хикоятлардан сўзлаб ўтириш кабиларни тавсия қилади.

Бемор ҳам навбатида касалидан нолиши мумкинлиги, оғир дардга чалинганда ўзига ўлим тилайвермасдан умр тилаши, оғирлашгани сезила бошлаганда гуноҳлардан тавба қилиб, қарзларни адо этиб, фарзандлари, қариндош ва дўстларидан розилик сўраши ва васият қилиши ҳамда уларга сабр-қаноат тилаши энг муҳим қоидалар эканлиги таъкидланади.

Асарда мусибат одоблари ҳақида баён этилганки, буларни билиш айниқса ёшларга зарурдир. Бирон мўминнинг вафоти ҳақидаги хабарни эшитганда аҳли мусибатга таўзия адо этилади. Бу дафндан олдин ёки кейин ҳам бўлиши мумкин. Таўзия уч кунгача жоиз, ундан сўнг макрух дейилади. Тобутни олиб чиқиб кетаётганда сукунатда бўлиши лозимлиги, аёллар тобутга ҳамроҳ бўлиб эшикка чиқа олмаслиги, аҳли мусибат йиғилганда овоз кутармаслиги, майтини кўмгандан сўнг ҳар ким ўз ишига кетиши, бир ерда йиғилиб ўтирмаслик кераклиги, йиғилиш учун турли тадбирларни излаб топиш ва ўтказиш бидҳат эканлиги, аммо таом тайёрлаб аҳли мусибат уйига юбориши мустаҳаблиги таъкидлзнади.

Сўнг қабр устига ғишт ва тош ҳамда бошқа нарсаларни қўйиш, қубба ва иморат қилишни бидҳат саналиши таъкидлаб ўтилади. Шу ўринда олимлар қабрлар одобига ҳам тўхталиб ўтади. Яна қабристонни тонги зиёрат қилиш кўпроқ эркакларга мансублиги, ота-она қабрларини хотинлар ҳам зиёрат қилса, ман этилмаслиги таъкидланади. Сўнг қабристонларни оёқ ости қилмаслик каби одоб тўғрисида гапириб ўтилади:

Асарда зиёрат, меҳмондорчилик одоби ҳақида ҳам кўпгина ибратли гаплар ёзиб қолдирилган. Мазкур бобда емак-ичмак одобларига тўхталиб ўтилган. Унда таомларни оз ейиш, шубхали таомларни емаслик, фақирона овқатларга қаноат қилиш, гўштли таомларни камроқ исхтемол қилиш, овқатларни танаввул қилишда аралаштириб юбормаслик, яҳни балиқ билан сутни, сут билан нордон нарсани, сут билан тухимни, қоврулган гўшт билан қайнатилмаганини, қотган гўшт билан янгисини, иссиқ нарса билан совуқ нарсани, ични қотурувчи билан ични сурувчи, хидли таомни ейишни ҳам ман этилади. Таомни ўтириб ейиш зарур, дейди олим ҳамда ейиш одобларига тўхталади. Булардан энг муҳимлари, улуғлар таомга қўл урмагунча қўл узатмаслик, таом ейишда озодалиқ қоидаларига риоя этиш, таом ейишга оид ишлардан фойдаланиш, яҳни меваларни кўзга суриб, кейин ейиш, таомдан аввал ва сўнг қўл ювиш, ювилган қўлни сувини силкитмаслик, қўлни ишлатилган нарсага артмай, тоза сочиққа артиш, таомдан сўнг соҳиби хонадон шарафига дуо қилиш, агар ёши катталар ҳам меҳмондорчиликда бўлса, уларнинг дуо қилишларини кутиш каби одоб қоидалари тавсия этилади.

Мазкур бобда сув ичиш одоби ҳақида ҳам фикр юритилади. Бу ҳам одоб қоидалари гигиеник жиҳатдан ҳам зарурдир. Сувни бирдан симирмай, балки бўлиб-бўлиб ичилади ва унга нафас урилмайди, сувни ўта эҳтиёткорлик билан, бирор нарса тушмаганига ишонч ҳосил қилгач ичиш, кечаси эса идиш оғзига латта тутиб ичишни тавсия этилади. Агар оғиз ва қўл ёғлиқ бўлса, сувли идишнинг дастасини ушламаслик, жимжилоқ ва номсиз бармоқ ёрдамида ушлаш ёки қўлни ювиб, кейин ушлаш, косанинг ёки сув идишнинг синган ери бўлса, у еридан сув ичмаслик, чунки у ерида кир тўпланиб қолиши мумкинлиги, ариқ ва ҳовуздан бошни ювиб, оғиз билан сув ичмаслик, чунки ундан зарарли ҳашарот ичга кетиши мумкинлиги қатъий таъкидланади. Шу билан бирга сувни аввал ўзи ичмай ёнидагиларга узатиш, аввал ўнг томонга узатиш, сув узатганни дуо этиш ҳам энг зарурий одоб қоидаларидан эканлиги эслатиб ўтилади.

Еттинчи бобда энг зарурий сафар қоидаларига тўхталиб ўтилади. Сафар қилишни олим уч қисмга бўлади: фарз, фазилат, мубоҳ (рухсат этиладиган). Бундан сафар фарзининг ўзини беш бўғинга бўлади: жиҳод, ҳажжи фарз, ота ва она чақириғига биноан, радди мазолим (зулмни қайтариш учун) ва бешинчиси илм олиш учун сафар қилиш.

Сафар мубоҳни ҳам икки бўғинга бўлади: биринчиси, ўз манфаати йўлида бировдан таҳма қилмайдиган тижорат сафари; агар ким тижоратда фақат мол-дунё орттириш мақсадида бўлса, унда бу тижорат сафари ҳам унга зиён етказди, дейди олим. Иккинчи, маънавий тафарруж (кўнгил очиш) учун сафар қилиш. Баўзида бундай сафарларнинг ҳам жоизлиги таъкидланади. Аммо сафарларнинг барчасида ҳам аёлларга албатта маҳруми ҳаромлик қилиши зарур, деб ҳисоблайди.

Сўнг олим сафарларнинг фойдалари ҳақида оғиз очади, унда сафар қилган киши биринчидан, ғам-андуғдан фориғ бўлиши, иккинчидан тирикчилик учун сармоя йиғиш, учинчидан илм олиш, тўртинчидан, тўлиқ одоб ва ахлоқ ўрганиш, бешинчидан, улуғ кишиларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлиш мумкин дейилади. Олим сафарнинг баҳзан машаққатлари ҳам бўлиши мумкин деган саволга ёшларга чақимчи ва ҳасадчилар орасида тирик юргандан кўра, сафар машаққатлари афзалроқдир, деб тўғри хулоса чиқаради. Мазкур бобда сафар одоби ҳақида фикр юритиладики, бу қуйидагилардан иборатдир:

Сафарга ҳеч қачон танҳо чиқмаслик, энг ками уч киши сафар қилиши, кўпчилик бўлса, бир-бирига яқин манзилга тушиш, бир гуруҳ бўлиб сафарга чиққанда ўрталаридан бирор кишини бошлиқ этиб, унинг маслаҳати билан иш тутиш ва бошлиқнинг ҳам ўз хизматини бошқалардан аямаслиги, заифу нотавонлар ҳамроҳ бўлса, уларга мададкор бўлиш ҳам энг муҳим сафар одоблари сифатида баён этилади.

Сафарга энг зарур ашёларни, яҳни лобос, оёқ кийими, соқолтарош, мисвок (тиш тозалагич), қайчи ва бошқаларни унутмаслик, бораётган шаҳрида бирор юқумли касаллик тарқалган бўлса, у шаҳарга кирмаслик, агар шаҳарга киргандан сўнг касаллик тарқалса, у ердан чиқиб кетмаслик керакки, акс ҳолда касаллик тарқатувчи ўзи бўлиб қолиши мумкин. Сафардан қайтганда тўсатдан уйга кириб бормай, аввал уйдагиларни хабардор этиш, кечаси кириб бориш ҳам нолойиқ ҳисобланади. Сафардан қайтганда хонадондагилар ва қариндош, ёр-дўстларга совғалар улашиш, уни кўргани келганларни таом билан сийлаш ҳам муҳимдир.

Агар хабар келса, мусофирни кутиб олишга пешвоз чиқиш, уни ҳурмат билан кутиб олиш, уни сўроққа тутмаслик, мусофир хоҳишини фаросат билан билиб олиш, унинг манзили, ётиш-туриши, ёйиш-ичишидан хабардор бўлиб туриш, агар саёҳат қилиш хоҳиши бўлса, диққатга сазовор жойларни кўрсатиш, унинг келишидан мақсадини билиш, ёрдам қилиш каби энг оддий одоб қоидалари ҳам баён этилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Муҳаммад Содик Қошғарийнинг «Одоб ас-солиҳин» асари ёшларнинг баркамол, маънавий юксак, етук ахлокли бўлишларида катта аҳамиятга эга. Мазкур асар кундалик турмушимизда ҳар куни, ҳар дақиқада билиш зарур бўлган турмуш одобига оид хулқ-одоб қоидаларининг мажмуидир. Шунинг учун Шарқ педагогикаси тарихида «Қобуснома» каби бу асар ҳам, ўз ўрни, ўз мавқеига эга. Бу асарни бобма-боб ўрганиш ёш авлоднинг камол топишида фойдаланиладиган бебаҳо хазинадир, дейиш жоиз.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР:

1. XVII-XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрда қандай ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар юз берди?
2. Хонликлар даврида илм-фан, таълим-тарбиядаги ўзгаришлар ҳақида гапиринг.
3. Жаҳон отин Увайсийнинг мактабдорлик фаолияти ҳақида гапиринг.
4. Жаҳон отиннинг қизлар мактабида таълим мазмуни. Метод ва усули ҳақида гапиринг.
5. Муҳаммад Содик Қошғарийнинг «Одоб ас-солиҳин» асарида анҳанавий тарбия тизимининг давом эттирилиши ҳақида сўзланг.
6. «Одоб ас-солиҳин» асарининг ҳозирги давридаги аҳамияти нималардан иборат?

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев В. ўзбек адабиёти тарихи.-Т.: ўқитувчи, 1967
2. Жалолов Т. ўзбек шоирлари.-Т.: Бадий адабиёт нашриёти, 1970.
3. Муҳаммад Содик Қошғарий. «Одоб ас-солиҳин», «Шарқ юлдузи». 1990. .

4. Нишонава С. Таълим самарадорлигини оширишда маърифий меросмиздан фойдаланиш. «Тил ва адабиёт таълими» ж. 1995, № 1, 45-496. Увайсий шеҳрияйдан. —Т.: 1980.
5. Хошимов К., Нишонава С. ва бошқалар. Педагогика тарихи- Т.: ўқитувчи, 1996.
6. Ўзбек педагогикаси антологияси. Тузувчи муаллифлар: К.Хошимов, Сафо Очил.-Т.: ўқитувчи, 1999.

14-Мавзу: XIX асрнинг иккинчи ярими ва XX аср бошларида тарбия ва педагогик фикрлар.

РЕЖА:

1. Туркистон хлкасида педагогик фикрларнинг пайдо бўлиши.
2. Туркистон хлкасида тарбиявий муассасаларнинг аноанавий тизими.

Марказий Осиё заминида Темурийлар ҳукмронлиги инқирозга юз тутгандан кейин, бу ўлкани Қўлга киритиш учун жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари ҳаракат қилдилар. Ана шулардан бири чор Россияси эди.

Марказий Осиёни Россияга қарам қилиш ғояси Петр 1 дан бошланиб, унинг вафотидан сўнг Екатерина ҳукумати томонидан давом эттирилди. Николай II тахтга ўтиргач, тезлик билан Марказий Осиёни ўзига бўйсундиришга интилди.

Россиянинг босқинчилик юриши XIX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Чунки бу даврда собиқ империя ўрнида 3 та хонлик – Бухоро амирлиги, Хива ҳамда қўқон хонликлари бўлиб, булар ўртасида низо кучайган эди. Бундан фойдаланган чор ҳукумати ўзининг ёвуз ниятларини амалга оширишга киришиб дастлаб қозғистонни ўзларига тобе қилдилар. Сўнгра қозғистон орқали 1864 йилда Туркменистон, Чимкент, Авлиё отани, 1865 йилда Тошкентни забт этдилар. 1867 йилда Еттисув вилояти, 1868 йилда Самарқанд, 1876 йилда Фарғона вилояти Россия Қўлига ўтди.

1876 йил 19 февралда подшо Александр II қўқон хонлиги тугатилганлиги тўғрисида буйруққа имзо чекди. 1885 йилга келиб Марказий Осиёнинг ҳамма ерлари Россия тасарруфига ўтди ва ўлкада Туркистон генерал губернаторлиги ташкил этилади.

Марказий Осиё мустамлака давлатига айлантирилгач, чор ҳукумати мустамлакачилик сиёсатини юргизди, бу сиёсатга Қарши кўтарилган халқ Қўзғолонларини эса аёвсиз бостирди. У Марказий Осиё худудида истиқомат қилувчи турли халқларни бир-бирига қарши қўйиш билан улар ўртасида курашни авж олдирди.

Чор ҳукумати халқимизнинг миллий маданиятига ва унинг ривожига тиш-тирноғи билан қаршилиқ қилди миллий зулмни кучайтирди. Бу зулм биринчи навбатда маданият, фан, санъат, ижтимоий ва педагогик фикр, турмуш тарзига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Халқ ўзининг миллий мероси, Қадрияти ва ғуруридан маҳрум бўла бошлади. Туркистон генерал губернатори фон Кауфман императорга йўллаган бир мактубида Марказий Осиё халқларининг маданий-ижтимоий тараққиёти уч юз йил орқага суриб юборилганини мақтаниб ёзган эди. Инқилобдан олдин масжид ва мадрасалардаги китоблар, ноёб Қўлланмалар ёндириб ташланди, бир Қисми Петербургга олиб кетилди. Бундай ҳатти-ҳаракатлардан ғазабланган Абдурауф Фитрат халққа Қарата: «Эй улуғ Турон,

арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Ҳолинг Қалайдур! Эй Темурларнинг, Ўғузларнинг оилаларининг шонли болалари! қуллик чуқурларига недан тушдинг!» Қабилидаги жанговар шиорлари билан хитоб Қилганди.

Ўлкада юз берган бу воқеликлар илғор зиёлиларнинг фаолиятида ҳам ўзифодасини топди. Улар ўлкада чор маҳмурлари Қўллаган жабр-зулмларига Қарамай илм-фан ва маданиятнинг умумий ривожига ўз хиссаларини Қўшдилар. Улар ўзларидан олдин ўтган улуғ мутафаккирларнинг инсонпарварлик, педагогик фикр, ғояларини давом эттирдилар. Буни Анбар отин, Аҳмад дониш, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Фурқат, Муқимий, Аваз Ўтар, Завқий, Саидахмад Сиддиқийларнинг ижодида кўриш мумкин.

Туркистон ўлкасида диний-исломий тарбиявий муассасалар ва педагогик фикр тараққиёти.

XIX асрнинг ўрталарида Туркистон ўлкасида бошланғич Маълумот берадиган мактаб ҳамда ўрта ва олий диний таълим берадиган мадрасалар мавжуд эди. Мактабларнинг аксарияти, шу жумладан, Қишлоқ мактабларининг кўпчилиги диний таълим берувчи энг оддий бошланғич мактаблар эди. Бу мактабда мачитларнинг имомлари, саводхон муллалар дарс берардилар. Бундай мактабларда ўқитиш энг оддий диний вазифаларни ўргатиш билан, яхни араб тилида ёзилган Қуръон ни ўқишни ўргатиш, ҳар бир мусулмон учун зарур бўлган асосий вазифаларни билдириш билан чекланарди.

Шаҳар мактабларида диний таълимдан ташқари, умумий таълим элементлари – ёзиш ва ҳисоблаш йўллари ўргатиладди.

Шаҳар мактабларида ўқувчилар сони 20-30 тага Қишлоқ жойларида эса 10-15 тага етар эди. Ўқишга 6 ёшдан Қабул Қилиниб, ўзлаштиришга Қараб 17-18 ёшларигача давом этарди. Мактабда аввал «Ҳафтияк», кейин « Қуръон » ёд олинар, сўнг «Чор китоб»га ўтиладди.

«Чор китоб» 4 бўлимдан иборат бўлиб, 1-бўлим – ҳақ-худонинг номлари тушунтириларди, дин Қоидалари, таҳорат, намоз баён этилади, иккинчисида бидон-эхтиқодни англаш, учинчи бўлимда каломи наби-ривоятлар баҳс этилган. Шунингдек, ҳалқ орасида машҳур шоирларнинг шеър ва ғазаллари ўқитилар эди. Одатда, бундай мактабларнинг ўқувчилари бадавлат оилаларнинг болалари бўлар эди. Улар ўқишни тамомлаб, олган билимларини савдо-сотиқ ишларида, ҳунармандчилик устахоналарида Қўллар эдилар, баўзилари Қўшимча таълим олиб, хаттотлик касби билан шуғулланар, баўзилари мадрасага кириб ўқишни давом эттирдилар.

Олий диний мактаб бўлган мадрасада ўрта асрга оид диний фалсафа ва мусулмон ҳуқуқлари, араб тилининг грамматикаси ва мантиқ илмларидан дарс ўтиларди. Унинг ўқув режалари вақт ва шароитга Қараб ўзгариб турган. Масалан: XV асрнинг 30-40 йилларида Самарқанд ва Ҳирот мадрасаларида дунёвий билимлар: математика, астрономия, мусиқа каби фанлар ҳам ўқитилган.

Мадраса уч бўлимдан иборат бўлган: биринчи бўлимда мусулмон диний ақидалари баён Қилинган китоб – араб тили ва Қонунчилик ўргатиладди эди. Бу бўлим талабаси 9-10 йил ўқиган.

Иккинчи бўлимда Қонунчилик, илоҳиёт, (Қонунчилик), мушкулот, мантиқ, араб тили грамматикаси, нотиқлик маҳорати калом ўқитилган. Унда 7-8 йил ўқишган.

Учинчи бўлимда илоҳиёт, Қонунчилик, калом ўқитилган. қонунчилик курсида география ва арифметикадан баўзи Маълумотлар берилган. Мадрасани тамомлаб чиққанлар имомлик билан шуғулланиш ва Қозихоналарда ишлаш ҳуқуқига эга бўлар эди. Мактаб ва мадрасаларда асосан ўғил болалар ўқитилар эди. Шаҳарлардаги диний мактабларда баўзи домлаларнинг хотинлари – отинойилар Қизларни ҳам ўқитиш билан шуғулланар эдилар. Мактаб ва мадрасаларда дарс ўзбек, араб ва форс-тожик тилларида олиб бориладди.

Мусулмон мактабларида таълим тизими 5 тоифага бўлинган эди.

қуйи мактаб – бу мактабларда ўғил болаларга савод ўргатишган (4 йил).

Халилхона мактаби – (намоз) ёд олдириб ўргатилган.

қорихона - Қуръон ёд олинган.

Мадраса.

Мактаб интернат – ўрта мадраса. Бу мактабда ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар ўқитилиб, ўрта Маълумот берилган.

Марказий Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин мактаб ва мадрасаларда баўзи ўзгаришлар юз берди. Мусулмон мактаблари учун босмахонага чоп Қилинган дарсликлар пайдо бўлди. қозондан босмахонада нашр Қилинган Қуръон ва ҳафтияклар, Ҳиндистон ва Эрондан шоирларнинг литографияда чоп Қилинган тўпламлари келтирилди, Тошкентнинг ўзида ҳам мактаблар учун дарсликларни литография усулида нашр Қилиш йўлга Қўйилди.

Мустамлака маҳмурияти машғулотлар ўрта аср тартибида олиб борилаётган мусулмон мактабларининг ишига аралашмас эдилар. Аммо мактабларда рус тилини ўқитишни рағбатлантирувчи чоралар кўришга ҳам ҳаракат Қилинади. Натижада, маҳаллий ёшлар рус тилини ўрганишга кўпроқ эҳтибор бера бошладилар. XX аср бошларида эса мадрасаларда рус тилини ўқитиш жорий Қилинсин, деган кўрсатмага биноан 1913-1917 йилларда баўзи мадрасаларда рус тилини ўқитиш жорий Қилинди.

Эски мактабларда ҳам баўзи ўзгаришлар содир бўлди. Рус тузем мактаблари ҳамда янги хил мактабларнинг таъсири остида баўзи эски усул мактабларда бирмунча янгиликлар жорий Қилинди, - литографияда босилган алифбелар ёрдамида товуш методи асосида савод ўргатиш жорий Қилинди, Қизларга ўқитишни ўргатиш билан бирга ёзишни ҳам ўргатишга киришилди. Бу янгиликларга кўра ўзбек мактаблари ҳаётида катта силжиш рўй берди.

XX аср бошларига келиб, Туркистон ўлкасидаги йирик марказий шаҳарларда олий таълим маскани ҳисобланган қуйидаги мадрасалар:

Бухорода – 80, қўқонда – 40, Самарқандда – 22, Марғилонда – 28, Тошкентда -17 мавжуд бўлиб, уларда 400 дан 5000 тагача талаба таҳсил олар эди.

1906 йилга келиб, биргина Самарқанд вилоятининг ўзида 1510 та мусулмон мактаби бор эди, уларда 1482 ўқитувчи 12740 талабага сабоқ берган.

Умуман олганда Туркистон ўлкасида 1905-1906 йилларда 5290 та мактаб бўлиб, уларда 70955 талаба таълим олган.

Бу даврга келиб маҳаллий фуқаро болаларидан илмли кишилар тайёрлаш мақсадида Хева хони Сайид Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхони соний – Феруз (1844-1910 й.) катта ишларни амалга оширди. Бевосита унинг ташаббуси билан 1884 йили ўз саройида мактаб очилиб, бу мактабда рус ўқитувчиси ва Мирзо. Раҳмонқули Қори қаби маҳоратли таълим-тарбия усталари ёшларга билим бериш иши билан шуғулландилар.

Феруз фармонига мувофиқ 1904 йилнинг 10 ноябрида Урганчда биринчи янги усул мактаби очилди. Унда Хусайн Қўшаев деган Туркиядан келган ўқитувчи ёшларга таълим-тарбия бера бошлади.

Хусайн қўшаев 1906-1907 ўқув йилида хонликдаги илғор маърифатпарвар кишиларнинг истакларини ҳисобга олиб, Урганчда қизлар мактабини ҳам ташкил этди. Феруз унга ҳомийлик қилиб, хазина ҳисобидан мактаб учун алоҳида маблағ ажратиб берди.

Феруз ҳомийлигидаги бу мактабда Хусайн Қўшаевнинг турмуш ўртоғи Комила Қўшаева қизларга билим бера бошлади.

1909 йилга келиб Феруз кули остидаги мадрасалар сони 130 тага етиб, ундаги муллаваччалар 2300 кишидан ортиб кетди.

Феруз Хева зиёлилари орасида нуфузли ўринни эгаллаган маърифатпарвар Комил Хоразмийни Тошкент шаҳрида гимназия ва мактаблардаги ўқитиш усулини ўрганиб келиши мақсадида сафарга жўнатади. Сафардан қайтгач Комил Хоразмий бу қдаги ишларни анчагина жонлантириб юборди.

Мазкур мактаб ўқув дастури ҳамда режасига – риёзиёт, тарих, жўғрофия, табиат, рус тили, маҳаллий савод (она тили) ва исломшунослик фанларини ўқитиш белгиланади. Машғулот жараёнида Шарқ мутафаккирлари – Навоий, Фузулий, Бедил, Саҳдий Шерозий, Машраб, Сўфи Оллоёр кабилар билан бир қаторда рус шоир, ёзувчиларининг асарлари ҳам ўрганилди. Шунингдек, у, воҳада санъат, маориф ва маданият ривожига раҳнамолик қилиб, саройда «Подшоҳи замон типолитографияси»ни ташкил қилди.

«Литография» - юнонча сўз бўлиб «Литос» - тош ва «графос» ёзаман деган маънони билдиради. Бу атама ўзбек тилида тошбосма тарзида қўлланиб келинган.

Феруз саройидаги бу тошбосмахонада илк бор Абу Наср Форобийнинг «Нисобус - сибиён» (Болалар насибаси), Алишер Навоийнинг «Хамса» асаридан парча, «Хайрат ул-аброр» достони, Шермуҳаммад Муниснинг «Мунис ул ушшоқ» девони, Ёқубхўжа ибн Иброҳимхўжанинг «Девони Холис» тўплами, Ферузнинг «Девони Феруз» ва бошқа ўнлаб асарлар нашр этилган.

Туркистон ўлкаси Россия томонидан босиб олингач, чор маҳмурлари минг-минглаб рус оилаларини Марказий Осиёга кўчириб келтиради. Фарғона вилояти, Сирдарё, Самарқанд ва бошқа вилоятдаги (шаҳарлар) маҳаллий деҳқонларнинг серунум ерлари тортиб олиниб, уларга берилади. Уларнинг бундай хатти-ҳаракатларидан ғазабланган атоқли шоир Чўлпон «Ҳазон» сарлавҳали шеҳрида қаҳр ила ёзганди

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Жаидчилик ҳаракатининг келиб чиқиш омиллари нималардан иборат?
2. Жаидчилик Қандай ғояларни илгари сурган?
3. Туркистоннинг ривожланишида жаидчилик ҳаракати қандай аҳамият касб этади?
4. Маҳмудхўжа Бехбудий таълим тизимини ривожлантиришга қандай ҳисса қўшди?
5. Мунаввар қори қандай ғоялар билан майдонга чиқди?
6. Абдурауф Фитрат Туркистон ўлкасининг ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий ривожланишига қандай ҳисса қўшди?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. “Мулоқот” журнали, 1998 й., 5-сон.
2. Хасанбоева О, Хасанбов Ж, Хамидов Ҳ. Педагогика тарихи. Тошкент Ўқитувчи 1997 йил.
3. Зуннунов А. Педагогика тарихи. Тошкент. 2004 йил
4. Хошимов К. Ҳзбек педагогикаси антологияси. Т:Ўқитувчи-1995.
5. S.Nishonova. Pedagogika tarixi. O'quv qo'llanma. T.: 2007 y.
6. Ж.Хасанбоев, Х.Сарибоев, Г.Ниёзов ва бошқалар. Педагогика. Ўқув қўлланма. Т.: «Фан» 2006 й.

15-Мавзу: Рус мактабларининг ташкил этилиши ва жаидчилик ҳаракати ва унинг намоёндаларининг фаолияти

РЕЖА:

1. Марказий Осиёда XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида таълим-тарбия ва педагогик фикр.
2. Туркистонда чоризм мактаб сиёсатининг бошланиши. Рус-тузем мактаблари ва матбуот
3. Туркистонда жаидчилик ҳаракати ва таълим-тарбия.

Рус муҳожирлари Туркистон генерал – губернаторининг фармонида биноан ўлкада рус мактаблари, рус тузем мактаблари, гимназия каби мактабларни очиш ва бу мактабларни кенгайтириш ҳисобига маҳаллий мактаблар, мактаб мадрасаларни сиқиб чиқариш мақсадида маориф ислохотини ўтказиш бошладилар.

Бу билан гўёки, улар Марказий Осиё аҳолисининг саводхонлик даражасини оширмоқчи бўлдилар ва ҳар бир қилинган ишни бўрттириб кўрсатишга уриндилар.

1917 йилги тўнтаришгача 21 фоиз саводхон бўлган ўлка аҳолисини, ёппасига саводсиз эди, дея камситишга уриндилар, Қуруқ бўҳтон ёғдирдилар.

Ўлка аҳолисини саводхон қилиш учун энг аввало рус, рус тузем, гимназия каби ўқув масканлари керак, мадраса ва «усули Қадимия» эски усул мактабларида, отинлар мактабларида савод чиқариб бўлмайдиган сиёсатни юргизишга ҳаракат қилдилар.

Бунга биз 1897 йилдаги Россия томонидан ўтказилган аҳолини рўйхати Маълумотларини кўрсатишимиз мумкин. Масалан, ўша аҳоли рўйхатида қайд этилишича, Марказий (Ўрта) Осиё аҳолисининг саводхонлик даражаси қуйидагича белгиланган:

Тожиқлар – 99,5 % саводсиз;

қирғизлар – 99,4 % саводсиз;

Туркманлар – 99,3 % саводсиз;

Ўзбеклар – 98,4 % саводсиз;

қозоқлар – 97,9 % саводсиз деб ҳисобланган.

Бу кўрсаткичларнинг барчаси уйдурма эди. Аслида Туркистон ўлкаси халқларининг саводхонлик даражаси чор Россияси аҳолисининг саводхонлик даражасидан паст эмас эди. Чунки, Туркистон ўлкаси халқлари 1917 йилги тўнтаришдан олдин шахсий ва оммавий мактаблар, мадрасаларда билим олганлар, юксак илм эгаси бўлганлар.

Зеро, юқорида қайд этилган аҳоли рўйхати Маълумотномасида рус халқидан, рус миллатидан бошқа миллатга мансуб фуқароларни атайлаб камситиш чор Россиясининг асосий мафкуравий кураши натижасидир. Чунки улар рус ва рус-тузем мактабларини битирганларнигина саводли деб ҳисобланганлар. Ҳатто, улар дунёвий мактаблар очиш, она тилидаги дарсликлар, газета ва журналлар нашр қилиш ва ҳоказоларни қатъий таҳқиб қилар эдилар.

Айни вақтда чор ҳукумати рус бўлмаган аҳоли яшайдиган жойларда мактаблар очар, бу мактаблар эса ўз олдига руслаштириш мақсадини қўяр эди.

Чор ҳукумати томонидан XX асрнинг 60 йилларида мактаб уставлари тасдиқланиб, шулар асосида бошланғич ҳамда ўрта мактаблар қайта тузилиб, рус бўлмаган халқлар учун мактаблар ташкил этишга доир давлат ҳужжатларини ишлаб чиқишга киришдилар.

Мактаб ишига тааллуқли асосий сиёсий ва идеология қсидаги кўрсатмалар 1870 йилда чор Россияси халқ маорифи нозири Д.А.Толстой томонидан ифодалаб берилган эди. «Бизнинг ватанимизда яшовчи барча бегона (рус бўлмаган) халқларнинг Маълумотли бўлишининг охирги мақсади, деб Маълум қилган эди, у, - шубҳасиз, уларни руслаштириш ва рус халқи билан бирлаштиришдан иборат бўлиши керак». Руслаштириш кўрсатмаси 1870 йилда эҳлон қилинган бўлиб, унга биноан рус миллатига мансуб бўлмаган барча халқлар учта тоифага бўлинган эди.

«Жуда кам руслашган халқлар», буларга Шарқий Сибирғ ва Поволжғе халқлари кирар эди. Бу халқлар учун очилган мактабларда ўқишни она тилида бошлаш ва кейинчалик рус тилида ўқитишга ўтиш тавсия қилинар эди.

«Руслар ҳам яшайдиган районларда яшовчи халқлар». Бу жойлардаги мактабларда ўқитишнинг дастлаб рус тилида олиб бориш айрим ҳолларда она тилининг ёрдамига таяниш ва мумкин қадар тезроқ фақат рус тилида ўқитишга ўтиш таклиф қилинар эди (масалан, грузин болалари ўқитиладиган мактабларда ўқитиш шундай олиб борилади).

«Етарли даражада руслашган халқлар». Украинлар, беларусғ ва бошқалар, буларнинг мактабларида ўқитишни фақат рус тилида олиб бориш тайинланган эди. Мазкур «қоида»ларни мана шу тоифага киритилган халқларга қўлланишниши 60 йилларда ижтимоий ҳаракат жараёнида вужудга келган она тилида ўқитиш тажрибасини батамом сиқиб чиқаришга олиб келади.

Мана шу умумий директив ҳужжат асосида улкан Россия империясининг айрим ҳудудлардаги мактабларнинг таълим-тарбиявий иши принципларини белгилаб берадиган йўл-йўриқлар яратилади ва эҳлон қилинади.

1776 йилда Марказий Осиё туманининг генерал-губернатори ҳузурида Туркистон ўқув юртларининг махсус бошқармаси ташкил этилган бўлиб, аввало, руслаштириш сиёсатини амалга ошириш вазифаси унинг зиммасига юклатилган эди.

Тегишли давлат ҳужжатлари билан мактабларнинг иш тартибини белгилаб ва мактаб идораси органлари ўз мақсадларида мустаҳкамланиб олгач, чоризм ўқитувчиларнинг фаолиятини инжиқлик билан синчиклаб назорат қилиш тизимини тўхтовсиз ошириб борди.

Тарихда ўзбек халқи кўп босқинчиларни кўрган. Масалан, мўғул-татар босқинчилигини оладиган бўлсак, улар одамларни қирган, бойликларини талон-тарож қилган... аммо маданиятига, тилига ва динига тегмаган. Энг даҳшатлиси,

руслар Туркистонда барча босқинчилик ишларини олиб бориш билан бирга халқнинг урф-одатидан, тили ва динидан ҳам айирмоқчи бўлдилар.

Генерал Розенбах эса шундай деган эди: «Ўлкани руслаштириш режасини амалга оширишда мактаб катта аҳамият касб этиши лозим». Ҳақиқатдан ҳам мустамлака даврида рус-тузем мактаблари вужудга келди. Бу мактабларнинг асл мақсади, ўлкани руслаштириш эди.

XX аср бошларида Туркистонда ҳаммаси бўлиб 20925 ишчи бўлган, холос. Темир йўллар ўлкамизнинг барча бойликларини Россияга ташиб олиб кетиш мақсадида қурилган. Янги очилган турли мактаблар мустамлакачи амалдорлар учун тилмочлар тайёрлаб бериш учун хизмат қилган.

Россия халқлари учун ҳукумат мактаблари.

Мусулмон аҳолиси яшайдиган жойларда қадимдан мактаб-мадраса ва ҳоказолар мавжуд бўлиб, буларга қарши чор ҳукумати Россиядаги кўп сонли халқлар учун махсус ҳукумат мактаблари барпо қилар эди. Бу мактабларнинг кўпчилигида ўқитиш рус тилида олиб борилад эди. Уларнинг бири – тўрт йиллик, иккинчиси – икки йиллик эди. Баъзи бир тўрт йиллик мактабларда интернатлар ҳам бўлиб, уларда кўпроқ феодалларнинг ва маҳаллий аҳолининг бой қатлами болалари таълим оларди. Туркистоннинг 1880 йилда Россия тасарруфига ўтганидан кейин Марказий Осиёдаги рус-тузем мактаблари анча машҳур бўлди. Аммо меҳнаткашларнинг болалари учун яхши йўлга қўйилмаган икки йиллик савод чиқариш мактаблари очилган эди. Ўқиш муддати икки йил бўлган миллий мактаблардан, масалан, Қозоқларда овул мактаблари, деб аталган мактаблар типик мактаб саналар эди.

Дастлабки овул мактаблари 1892 йилда Тўрғай областининг овулларида ташкил топган бўлиб, аҳолини кўчманчилик турмушига мослаштирилган эди. Овул мактабларида рус тили, арифметика Қозоқ алифбоси ва ислом дини ўқитилар эди. Бу мактабларда ўқитиш ўқувчиларнинг она тилида олиб бориладди, лекин уларнинг савияси жуда паст эди. 1916 йилда 169 та овул мактаби бўлиб, уларда 5 минг ўқувчи ўқирди, бу мактаб ёшидаги барча қозоқ болаларининг фақат бир фоизга яқининигина ташкил этарди, холос.

Марказий Осиё ва Шимолий Кавказнинг мусулмон аҳолиси учун уларни руслаштириш мақсадини кўзда тутган рус-тузем мактаблари XIX асрнинг 80 – йилларидан бошлаб очила бошлади. Бу мактаблар ўз дастурларига кўра рус министерлик мактабларидан ислом динининг ўқитилиши билангина фарқ қилар эди. Рус-тузем мактабларида ўқитиш рус тилида, диний таълимот эса ўқувчиларнинг она тилида олиб бориладди.

Туркистонда дастлаб очилган рус мактаблари.

Марказий Осиё хонликларида ислом дини давлат дини ҳисобланар эди. Мусулмон руҳонийлари Марказий Осиёнинг феодал ҳукмронлари билан маҳкам боғланган эди; шу ҳукмронларнинг ёрдами туфайли бу ерда мусулмонларнинг жуда кўп диний ўқув юртлари, чунончи: масжидлар ҳузурида мактаблар, мадрасалар ва шунга ўхшаган ўқув юртлари бор эди. Туркистонда биринчи генерал-губернатори бўлган Кауфман барча мусулмон муассасаларига нисбатан «аралашмаслик» (бетарафлик) сиёсатини тутди.

Ўрта аср мусулмон мактабларини ислоҳ қилишдан бош тортган чоризм, руслар ўрнашган ерларда очилган рус мактабларини Туркистонда маориф қсида ўз сиёсатининг Қуроли қилиб олишга ҳаракат қилди. (Тошкентда дастлабки рус мактаби 1866 йилда очилган эди). Рус мактабларига руслар билан бирга ўқиш учун маҳаллий аҳоли болалари ҳам қабул қилинар эди. Туркистондаги бошланғич рус мактабларида ҳунарга Россиянинг Европа қисмидагига қараганда, анча кўпроқ ўргатилар эди; бундан мақсад маҳаллий аҳолининг болаларини мактабга кўпроқ жалб қилиш эди.

Чоризмнинг Туркистонда руслаштиришдан иборат мактаб тизими унинг Поволжге (Волгабўйлари) учун мақуланган «Илғминский системаси»дан фарқ қилар эди. Қозон педагоги Илғминский Волгабўйидаги чувашлар, марийлар ва бошқа халқлар учун алоҳида рус ва маҳаллий аҳоли мактаблари очган эди. Бу мактабларда ўқиш дастлаб болаларнинг она тилларида олиб борилар, рус тили эса алоҳида фан сифатида ўқитилар эди, шу билан бирга, ҳамма дарсликлар христиан (православие) динини тарғиб қилиш руҳида тузилган эди. Булардан фарқли ўлароқ, ислом дини таъсири кучли бўлган Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси ўртасида христианлар миссионерлигига руҳсат этилмас эди; бунинг устига рус мактабларида мусулмон динини ўқитиш ҳам ман этилган эди; рус мактабларига ўқишга кирган ерли аҳоли болалари дастлабки кунданоқ рус тилида ўқитилар эди.

Туркистонда дастлабки рус ўрта ўқув юртлари 1870 йиллардан очила бошлади: 1876 йили Тошкентда, Вернийда (ҳозирги Олмаотада) эрлар ва Хотин-Қизлар гимназиялари. 1879 йили эса Тошкентда ўқитувчилар семинарияси очилди. Гимназияларга ҳам ерли аҳолининг болалари қабул қилинар эди. Ўқитувчилар семинарияларида эса маҳаллий аҳоли болаларига 1ғ3 ўрин ажратилган эди.

Туркистонда дастлаб очилгани баўзи бир рус мактабларида ўқувчиларнинг 1ғ4 ини ва ундан кўпроғини маҳаллий аҳоли болалари ташкил этган бўлса-да, лекин бутун Туркистон ўлкаси бўйича ҳисоблаганда бундай мактабларда ўқувчи маҳаллий аҳоли болалари 200 тадан ошмас эди. Буларнинг ҳам кўпи қозоқ болалари бўлиб, ўзбек ва тожик болалари жуда оз эди, чунки мусулмон руҳонийлари «кофирлар» мактабларига қарши тарғибот юргизар эдилар. Рус мактабларида, айниқса ўрта мактабларда ўқувчилар ўртасида ўз ижтимоий аҳволига кўра бойлар ва оқ суякларнинг болалари кўпчиликини ташкил этар эди.

Чоризмнинг мактаб қсидаги сиёсати руслаштиришдан иборат бўлса ҳам, лекин рус болалари билан маҳаллий аҳоли болаларининг биргаликда ўқишлари, улар ўртасида ўзаро дўстликни тарбиялар эди.

Рус мактабига ўқишга кирган болалар рус тилини мутлақо билмас эдилар, натижада анча қийинчилик туғилар эди. Шунинг учун рус мактабига кирган, лекин рус тилини мутлақо билмайдиган ўқувчи рус тилида сўзлашишни ўрганиб олмагунча одатда қуйи бўлимда ўқир, рус тилида сўзлашишни ўрганиб олгандан кейингина юқори бўлимга ўтказиларди. Юқори бўлимларга ўқув йилининг ўрталарида ҳам ўтказилар эди, чунки мактаблар кичкина бўлиб, бир вақтнинг ўзида машғулотлар бир неча бўлимлар билан олиб борилар эди.

Рус мактабларида ўқийдиган қозоқ болаларнинг кўпчилиги интернатларда яшар эдилар, худди шу интернатларда рус тили янада тезроқ ва пухтароқ ўрганиб олинар эди.

Тошкентдаги гимназияда дастлабки йилларда, маҳаллий аҳолининг болаларини рус тили билан кўпроқ шуғуллантириш учун латин тилини ўргатишдан озод Қилинар эди.

1880 йилларнинг бошларига келиб рус мактабларида ўқийдиган ўзбек ва тожик болалари учун ислом динини ўқитиш керак, токи ота-оналари бу мактаблардан Кўрқмасинлар, деган фикр тарқалган эди. Туркистон махмурлари бу фикрнинг Қанчалик тўғри эканлигини текширишга Қарор Қилдилар. 1884 йил 19 декабрда Тошкентда, «эски шаҳар» Қисмида синаб кўриш учун биринчи рус-тузем мактаби очилган эди. 10 йиллардан кейин Тошкентда бундай мактаблар сони тўрттага кўпайди. Бу типдаги мактаблар ўлкадаги йирик шаҳарлар ҳамда Қишлоқларда ҳам ташкил этила бошлади. Ўлкада рус, рус-тузем мактаблари илк бор XIX асрнинг 70 – йилларида юзага келган бўлса, 1904 йилга келиб уларнинг сони 57 тага етди.

Рус-тузем мактабларида ўқувчиларга рус муаллими рус тилини ҳамда арифметикани ва бошқа фанларни ўргатар, бунинг учун ўқиш вақтининг ярми ажратиб қўйилган эди. Ўқиш вақтининг қолган ярми «Мусулмон домла» ихтиёрига бериб қўйилган бўлиб, у эски усул мактабларидагидек болаларга диний дарслар ўқитиш билан шуғулланарди.

Рус-тузем мактабларида фақат ўғил болалар ўқитилар эди. Ота-оналар қизларини бундай мактабларга бермас эдилар. 1903 йилда Туркистон педагогика тўгараги, Тошкентда қизлар учун рус-тузем мактаби очилди. Лекин бу мактабнинг фаолияти узоққа чўзилмай, икки йилдан кейин ёпилиб қолди.

Рус-тузем мактабларида рус тилини ўқитиш дастури ва услуби рус бўлмаган ўқувчилар учун мўлжаллаб тузилар эди. (бу мактабларда баҳзан рус болалар ҳам учраб қолар эди).

1884 йили, синаш учун очилган рус-тузем мактабида (Туркистон ўқитувчилар семинариясининг рус қисмида) тарбияланувчилар учун ўзбек тили киритилди. Наманган яқинида бир қишлоқда 6 йил яшаган ва ўзбек тилини яхши ўрганиб олган В.П.Наливкин, бу мактабда биринчи бўлиб ўзбек тилини ўқитган эди. У синаш учун очилган рус-тузем мактабининг биринчи ўқитувчиси эди. Наливкин В.П. семинарияда 1890 йилгача дарс берди. Дарс чоғида Наливкин бўлажак ўқитувчиларга фақат ўзбек тилинигина ўргатиб қолмасдан, балки уларда ўлкани ўрганишга ҳам ҳавас уйғотган эди. Семинарияда ўқиб чиққанлар орасида рус-тузем мактабларида ишлашга тайёр бўлган ва бу ишни севиб қолганлар анчагина эди.

Туркистоннинг рус аҳолиси мактаб таълими билан ерли аҳолига қараганда анча яхшироқ тахминланган эди. Туркистон ўлкасида биринчи бўлиб рус мактаби Тошкентда 1866 йилда, Самарқандда 1870 йилда, орадан 1-2 йил ўтгач, Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларида ҳам пайдо бўлди.

Бу рус мактабларида маҳаллий аҳоли болалари жуда кам сонни ташкил этарди. 1876 йилда Тошкентда эркаклар прогимназияси ва Қизлар прогимназияси очилади. 1894 йилда реалғ билим юрти очилди. Бу ўқув юртларида бошқа шаҳарлардан келган ўқувчилар учун пансион (ётоқхона) ҳам бор эди. Бу мактаблар давлат бюджетидан тахминланар эди.

1879 йилда Тошкентда Туркистон муаллимлар семинарияси очилди. Бу семинария мактаблари рус бошланғич синфлари учун ўқувчиларга она тилидан муаллимлар тайёрлаб бериши лозим эди. XIX асрнинг 80-йиллари ўрталаридан

бошлаб семинария рус-тузем мактаблари учун ҳам муаллимлар тайёрлашга ҳам киришди. Маҳаллий тилни ўрганиш мажбурий қилиб қўйилганлиги Тошкентдаги бу семинариянинг хусусиятларидан бири бўлди. Семинарияда В.П.Наливкин ўзбек тилида дарс бера бошлаган биринчи ўқитувчи бўлди. 1887 йилда Наливкин тузган луғат ва грамматика рисоласи нашр этилди. Булар тилшунослик тарихида ўзбек тилига доир биринчи қўлланма бўлди.

Мактаблар учун ажратилган маблағларнинг каттагина қисми ўрта ўқув юртларига сарфланарди. Тошкентдаги кодетлар корпусига айниқса кўп маблағ сарф бўлар эди. Ишлаб турган тўртта ўқув юртидан ташқари 1900 йилдан бошлаб яна бешта ўқув юрти очилди. Самарқандда ва янги Марғилонда Қизлар ва эркаклар гимназиялари ишга тушди; 1905-1916 йиллар ичида ўрта мактаблар сони икки баравардан зиёдроқ кўпайди; уезд марказларининг деярли ҳаммасида ўрта мактаблар пайдо бўлди.

Иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган Қўқон ва Тошкент шаҳарларида 1905-1907 йилларда янги типдаги ўрта мактаблар - ўғил ва Қиз болалар бирга ўқийдиган коммерция билим юртлари очилди.

Туркистоннинг иқтисодий ривожланиши ҳунар-техника типдаги мактабларнинг очилишига олиб келди. Чунончи, 1896 йилдаёқ Тошкентда пахта заводлари ва бошқа заводларни таҳмирлаш учун кадрлар тайёрлайдиган билим юрти очилди; 1897 йилда ирригация назоратчилари тайёрлайдиган курс ташкил этилди. 1902 йилда Тошкент яқинида кишлоқ хўжалик гидротехника мактаби очилди; 1904 йилда Самарқандда боғдорчилик ва шу йилнинг ўзида Тошкентда темир йўл техника билим юрти очилди. 1908 йилда А.М.Малиновская Тошкентда қўл-ҳунар усталари ҳамда ҳисобчилар тайёрлайдиган хусусий қизлар ҳунар мактабини очди. Шу тариқа Туркистонда маданий иқтисодий ривожланиш анча юкса поғонага кўтарилди.

Туркистондаги жадиदчилик ҳаракати бу бир тасодиф ходиса бўлмай, балки ҳаётимиздаги ижтимоий-сиёсий зиддиётлар маҳсулдир.

Жадидчилик оқимини ижтимоий-сиёсий ва маърифий томонларини профессор Б.Қосимов ўз тадқиқотида батафсил баён этган.

XIX асрнинг бошларидан Бухородаги маърифатпарвар мусулмон руҳонийлари ва зиёлилари орасида мадраса ва мактаблар тизимига ҳамда ислом динига кириб қолган бидҳатларни ислоҳ қилиш фикри пайдо бўла бошлайди. Шундай ислоҳот тарафдорларини жадидчилар, яхни янгилик тарафдорлари деб атай бошлайдилар. Жадиизм (арабча «жадид» сўзидан олинган бўлиб «янги» деган маънони билдиради). Ўша даврлардан бошлаб бунга қарама-қарши турган оқим, яхни феодал-ўрта асрчилик, диний фанатизм руҳида бўлган кишиларни эса Қадимистлар, деб атай бошладилар. XIX аср бошларида бир қанча маърифатпарвар мударрислар Бухоро шаҳридаги 200 га яқин мадрасани ислоҳ қилиш ғояси билан чиқдилар. Бу ҳаракат бошида мадраса мударриси Абу Наср Ал Курсавий турган эди. қадимистлар эса уларни кофирлик ва худосизликда айбладилар. Бухоро амири Ҳайдар эса Курсавийни зиндонга ташлатиб, ўлим жазосига ҳукм қилади. Аммо унинг тарафдорлари уни зиндондан қочирадилар. Курсавий Қозонда ўз фаолиятини давом эттириб, 1813 йилда вафот этади. XIX асрнинг 50-60 – йилларида диний ислоҳотчилик ҳаракати янада кенгая бошлайди. Энди бу ҳаракат бошида бухоролик мударрис ва тарихчи олим Маржоний (1818-1889), ғиждувонлик домла Фозил, Мўминжон Вобкандий, мулла Худойберди

Бойсуний ва бошқа мударрислар турар эдилар. Улар мадраса ва мактабларни ислоҳ Қилишни эмас, балки ортича дарсларни олиб ташлаш тарафдори эканликларини ёзадилар. Ислохотчилар раҳнамоси Маржоний ўзининг дастурида қуйидаги олти асосий масалаларни қўяди:

Қуръон даги ҳар қандай диний масала юзасидан кишилар билган ҳолда ўзлари эркин фикр юритсинлар.

Бировнинг бировга кўр-кўрона эргашиши қатҳий ман қилинсин.

Мадрасаларда ўқитиладиган хошия ва шрқ каби қуруқ мазмунга эга бўлган ва мадраса ўқувчилари учун фойдасиз бўлган ҳамда уларнинг 8-10 дақиқа вақтини бекорга олувчи дарслар дарс жадвалларидан олиб ташлансин.

Мадрасаларда Қуръон и Карим, Ҳадиси Шариф, уларнинг таржималари ва ислом тарихи каби дарслар ўтилсин.

Арифметика, тарих, жўғрофия, табобат, хандаса, мантик, фалсафа ва бошқа дунёвий фанларни ўқишга қаршилиқ кўрсатилмасин.

Ҳар бир ишда мусулмончиликни Муҳаммад алайҳиссалом давридаги қадимий ислом маданиятига қайтариш кўзда тутилсин.

Маржоний ва унинг тарафдорлари бўлган ўша даврнинг жадиidlари мусулмон тараққийпарварларидан эдилар, улар мадрасаларда диний дарслар билан бир қаторда қадимий ислом маданияти давридагидек дунёвий дарсларни ўқитишни шарт қилиб қўйдилар. Бироқ, қадимистлар ва амирнинг реакцион сиёсати натижасида таҳқибга учраган Маржоний Бухородан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Унинг маслакдошларидан кўпчилиги зиндонга ташланиб, орқаларига 75 дарра урилгач, улар тавба қилиб, қайтиб бундай ишларни қилмасликка ваҳда бердилар.

XIX аср охири – XX асрнинг бошларида Туркистонда чор мустамлакачилигининг кучайиши натижасида Марказий Осиёнинг кўп жойларида жадиdчилик ҳаракати кучайиб кетди. Бу ҳаракат мавжуд жамиятнинг ижтимоий-маданий асосларини қайта қуришга қаратилгани сабабли эски тузум, эски турмуш, эски мактаб тарафдорларининг кучли қаршилигига дуч келди. Бу Қарши куч вакиллари қадимчилар деб аталган бўлса, янги ҳаёт шабадаларини олиб келишга уринган кишилар эса жадиd ёки жадиdчилар деган ном олдилар. Шу тарзда асримиз бошларида жадиdлар ва жадиdчилик ҳаракати юзага келди. Янги асрнинг бошланиши билан аввалгидек ижтимоий хорлик, иқтисодий ва маданий қоқоқлик шароитида яшаш мумкин эмаслиги улар учун ойдек равшан эди. Нафақат Марказий Осиё, балки Россияда яшовчи халқлар ҳам ўз тақдирларини ўзгартирибгина, феодал тузумнинг негизларини парчалабгина янги ҳаётга қадам қўйишлари мумкин эди. Оқ подшо идора қилган мамлакатдаги ана шу оғир вазият туфайли 1905 йил тўнтариши содир бўлди. Бу тўнтаришдан мақсад жамиятни демакратлаштириш, саккиз соатлик иш кунини жорий этиш, дворянлар ихтиёридаги катта ер-мулкни олиб, деҳқонларга бўлиб бериш ва ҳоказолар эди. Биринчи рус тўнтаришининг бу дастури билан танишган Марказий Осиёлик тараққийпарвар зиёлилар татар Қардошлари ортидан бориб, жадиdчилик ҳаракатига келиб қўшилдилар. 1907 йил Эрон буржуа тўнтариши, 1908 йил Туркия буржуа тўнтариши, Марказий Осиёда жадиdчилик ҳаракатининг расмийлашуви ва кучга киришида катта аҳамият касб этди. Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ислохотлар йўли билан халқ ва жамият ҳаётини яхшилашга, маданий юксакликка олиб чиқишга қаратилган дастурни бажаришга киришдилар. Улар

таъсирида ўзбек заминининг бошқа гўшаларида ҳам жади́дчи́лик ҳаракати авж олди.

Жади́дчи́лик жа́миати тўнтариш йўли билан эмас, ислоҳотлар йўли билан ривожлантиришни ўзининг асосий вазифаси деб белгилади. У ўзининг бу вазифасини адо этишда, фақат бир синфга – пролетариатгагина таянмади. Умуман жади́дчи́лик инсониятни синфларга бўлиб ташлаш тарафдори эмас. Жади́длар ҳатто Қадимчилар билан ҳам иттифоқ тузиб, халқ ва келажак манфаати йўлида бақамти ишлаш, бугунги ифода билан айтганимизда турли сиёсий қарашларга эга бўлган халқ қатламларининг тинч-тотув яшаши ва ишлаши ғоясини кўтариб чиқдилар. Бехбудий ана шу «муттаҳид» фронт тузиш ғоясини баён қилар экан, «уламо ёки зиёли ва тараққийпарварларимиз бой ва авомимиз бирлашиб, дин ва миллат ва ватаннинг ривожини учун хизмат этсак»², деб ёзган. Жади́дларнинг бундай муттаҳид фронтни тузишга интиланларининг боиси турли шароит билан белгиланганди. Авом ҳам, бойлар ҳам, уламо ҳам, зиёлилар ҳам чор ҳукумати қармоғида бўлган мустамлакачининг бири оз, иккинчиси кўп сиқувда бўлган кишилар эдилар. Марказий Осиё бозорларида рус савдо ва саноат буржуазияси ҳукмрон бўлиб, маҳаллий буржуазия вакиллари сина бошлаган эдилар. Бошқача айтганда, мустамлакачилик азобини маҳаллий бойлар ва савдогарлар ҳам сеза бошладилар. Ана шундай тарихий шароитда, жади́дларнинг фикр-мулоҳазаларига кўра, оддий халқнинг иқтисодий-маданий ҳаётини яхшилаш қандай зарур бўлса, чет эл капитали исканжасидан, мустамлакачилик кишанларидан қутилиш ҳам шунчалик кечиктириб бўлмас вазифа эди.

Жади́длар 1906 йилдаёқ «Тараққий» деб номланган газета нашр этириб, ўз ғояларини тарқата бошладилар, орадан кўп ўтмай, «Хуршид», «Шухрат» сингари янги газеталар дунё юзини кўрди. Марказий Осиёнинг турли шаҳарларида жади́д мактаблари бодроқдек очилиб, уларда диний илмлар билан биргаликда дунёвий билимлар ҳам кенг тарғиб қилинди. «Жади́длар нима ҳақида гапиришмасин, ҳаммаси янги нафас, янги ғоя эди, пролетар мафқураси ҳам, ишчилар синфи ҳам йўқ эди, табиат бирламчи дегувчиларнинг мафқурасини деярли ҳеч ким тушунмас, биладиганлар эса жуда озчиликни ташкил қилар эди. Шунинг учун жади́дчи́ликнинг янги ғоялар билан пайдо бўлиб, руҳонийларга, ҳукмрон синфларга қарши туриши, маданиятни яратиши, бир сўз билан айтганда, янгилик эди, «жади́д» жумласининг маъноси ҳам «янги» демакдир».

Агар лўнда қилиб айтсак, жади́дларнинг ҳаракат дастури қуйидаги масалаларни ҳал қилишга қаратилган:

Диний таассуф ва фанатизмга қарши кураш.

Диний ақидаларга асосланган ўрта аср мактаблари ўрнига Оврўпо қабиладаги дунёвий илмларни она тилида ўқитишга мосланган янги усулдаги мактабларни ташкил этиш, феодал даври маориф тизимини ислоҳ қилиш.

Жади́дчи́лик ғояларини кенг халқ оммасига етказиш ниятида янги ўзбек адабий тилини ишлаб чиқиш, матбуот ҳурлиги учун кураш, халқ оммасига тушунарли адабиёт ва театрни яратиш.

Хотин-қизларни паранжидан чиқариш ва жади́д мактабларига қатнашларини тахминлаш йўли билан улар тақдирини ўзгартириш ва оилада ислоҳот ўтказиш.

Маҳаллий бойлар ва савдогар аҳлининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан рус буржуазияси билан бир ҳуқуқда бўлиши, маҳаллий амалдорларнинг чор

хукмдорлари томонидан сиқувга олишига қарши кураш. Шу йўл билан мустамлакачилик сиёсатини ислоҳ қилиш.

Асосий талабалари ана шундан иборат бўлган жаидлар учун илм ва маърифат ягона қурол бўлиб, улар шу қурол ёрдами билан ўлкада ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт учун курашмоқчи бўлдилар.

Назорат учун саволлар:

1. Жаидчилик ҳаракатининг келиб чиқиш омиллари нималардан иборат?
2. XIX – асрнинг II ярми ва XX аср бошларида Чоризм сиёсати.
3. Туркистон ўлкасида ўтказилган ислоҳатлар асосида қандай мактаблар ташкил қилинди?
4. Туркистонда дастлабки очилган рус мактабларини фаолияти.
5. Жаидчилик қандай ғояларни илгари сурган?
6. Маҳмудхўжа Беҳбудий таълим тизимини ривожлантиришга қандай ҳисса қўшди?
7. Мунаввар қори қандай ғоялар билан майдонга чиқди?
8. Абдурауф Фитрат Туркистон ўлкасининг ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий ривожланишига қандай ҳисса қўшди?

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. “Мулоқот” журнали, 1998 й., 5-сон.
2. Хасанбоева О, Хасанбов Ж, Хамидов Ҳ. Педагогика тарихи. Тошкент Ўқитувчи 1997 йил.
3. Зуннунов А. Педагогика тарихи. Тошкент. 2004 йил
4. S.Nishonova. Pedagogika tarixi. O'quv qo'llanma. T.: 2007 y.
5. Ж.Хасанбоев, Х.Сарибоев, Г.Ниёзов ва бошқалар. Педагогика. Ўқув қўлланма. Т.: «Фан» 2006 й.
6. Хошимов К. Ўзбек педагогикаси антологияси. Т:Ўқитувчи-1995.

16-Мавзу: 1917-1990 йилларда Ўзбекистонда мактаб ва педагогика фани.

РЕЖА:

1. Ўзбекистонда халқ таълими ва педагогика фанида турғунлик.
2. Халқ маорифи соҳасида мактаб дарсликлари ва ўқув қўлланмаларни яратилиши.
3. Ўзбекистон маорифатпарварлари Шакурый, Беҳбудий, А.Авлоний, Ҳамза, Фитрат ва бошқаларнинг илмий педагогик меросини ҳрганилиши.

1917 йил тхнтаришидан схнг Марказий Осиёда 3 та давлат (Бухоро амирлиги, Хива, Ўуўон хонлиги) ўрнида янги йҳналишдаги мафкурага асосланган республикалар (Туркистон Мухтор Жумхурияти, Бухоро халқ Республикаси, Хива халқ Республикаси) ташкил топди.Янги Шҳро Хукумати аввалги таълим тизими, ўқув-тарбиявий ишларни ислоҳ ўилиш, халқ маорифи тизимининг янги шаклини жорий этиш юзасидан бир ўатор вазифаларни белгилаб берди. Бундай тадбирларни амалга ошириш Туркистонда Халў Комиссарлари Советининг 1918 йил 14 майдаги декрети асосида бошланди.

Ягона Шҳро "Меҳнат мактаби" халқ маорифи учун асосий негиз ўилиб олинди. 1918 йил 20 январда "Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тхғрисида" ги декретга асосланиб, муллалар ва зиёли дин ахллариининг мактабларда дарс беришига йҳл ўхймаслик тхғрисида декрет ўабул ўилинди. Мазкур декретга мувофиў аҳолиининг барча табаўалари болалари миллати, дини ва жинсидан ўатойи назар мактаби текин хўитилиши тхғрисида буйруў чиўарилди. Туркистонда 1918 йил май ойининг бошида мактаб тубдан ўайта кхрилди ва эолон ўилинди.

1918 йил июнда Тошкентда маориф ходимларининг биринчи соезди очилди, унда халқ маорифи соҳасидаги аҳвол мухокама ўилинди, ўайта ўуриш тадбирлари белгиланди.

1918 йил декабрда Туркистон Республикаси халқ маорифи комиссарлиги буйруў чиўариб, хамма мактабларда она тили хўитиш тхғрисида ўарор ўабул ўилинди.

1918 йил августда Туркистон Республикасининг Марказий Ижроия Комитети мактабларда ўқувчиларни хз она тилида хўитишга хтиш тхғрисида декрет чиўарди, бу хлка халқлари миллий маданиятлари истиўболи учун хал килувчи аҳамият касб этди. Орадан уч ой хтгач "Туркистон мактабларининг структураси тхғрисида Низом" чиўарилди.

1918 йил баҳорига келиб республикада ишлаб турган мактаблар сони 330 тага етди.

1919-20 йилининг бошида мактаблар сони Фарғонада (вилоятида) 350 та, Сирдарё вилоятида 839 та, Самарўанд вилоятида 216 та эди.

Мактабларни ташкил этишда маҳаллий аҳоли орасидан биринчи муаллим сифатида етишиб чиўўан Хамза, Авлоний, Абдуўодир Шакурий, Исматулла Рахматуллаев, Абдурауф Фитрат, Исохўхон Ибрат, Т.Н.ўори Ниёзий, Тухтаназар Шермухамедов, Эргаш Комилов, Оўилхон Шарофиддинов ва шу сингари зиёлилар фаол ўатнашдилар.

Муаммоли вазият:

Ўизларни хўитиш учун алоҳида мактаблар очилди, бундай мактаблар 1920 йил бошида Тошкентда 12 та, Андижонда 2 таси очилган. Ўхўонда шундай мактабларда хзбек кизларидан 270 таси, ўирғиз кизларидан 13 таси хўир эди. Шундай килиб, хлкамизда янги мактаблар очилди ва маҳаллий аҳолидан миллий ўқитувчилар тайёрлаш, миллий дарсликлар нашр этиш, Шҳро мафкураси асосида таълим-тарбиявий жараённи амалга ошириш юзасидан тадбирлар белгиланди.

1918 йил июн ойида Тошкентда дорилмуаллимин очилди. (миллат ёшларидан муаллимлар тайёрлаш институти).

1918-21 йилларда маҳаллий миллатдан 3 мингга якин муаллим тайёрланди.

1918 йилларда Туркистон шаркшунослик иштитути, Тимирязев номли билим юрти, Миллий хотин-кизлар учун билим юртлари очилди.

1921 йилда химия-фармакология институти, консерватория, 6 та ўишлоў ххҳалик техникуми ишга тушди. Булар орасида 1918 йил 21 апрелда ишга тушган Тошкентда очилган Туркистон халқ университети алоҳида аҳамият касб этади. Университетнинг Тошкентда эки шаҳарда, Андижон, Ўхўон, Самарўанд ва Жиззахда бхлимлари бор эди.

РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1920 йил 7 сентябрдаги декретига биноан Тошкент халқ университети негизида Туркистон давлат университети (Тош ДУ) ташкил этилди.

1920 йилларда Туркистон болаларининг 25% мактабда ҳўитилар эди.

Ўқитувчи кадр тайёрлашга катта эотибор берилди. 1925 йилда Ўзбекистон ўишлоўларида ишлаб турган муаллимлар сони 2748 кишига етди. 1924-25 ўқув йилида халқ маорифи эhtiёжларига 11,4 миллион сҳм ёки республика бюджетнинг 24% сарфланди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. (проф. А. К. Минавваров тахрири остида). Педагогика. Т.: «Ўқитувчи» 1996
2. Хасанбоев Ж, Мавлонова О. Педагогика. Ўқув қўлланма. Т.: 2007 й
3. ўзбек педагогикаси анталогияси I-II т. (тузувчилар К.Хошимов, С.Очил. ўйитувчи, 1995-2000)
4. Ж.Хасанбоев, Х.Сарибоев, Г.Ниёзов ва бошқалар. Педагогика. Ўқув қўлланма. Т.: «Фан» 2006 й.
5. S.Nishonova. Pedagogika tarixi. O'quv qo'llanma. Т.: 2007 у.
6. Педагогика тарихи. Маорузалар матни. Фарғона – 2007

17-Мавзу: Жаҳон педагогика фани ривожланиши тарихининг баёни.

РЕЖА:

1. Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида таълим-тарбия.
2. Қадимги юнон файласуфлари таълимотида тарбия масалалари.

Тарихий тараққиётнинг кейинги даврларига келиб, ибтидоий жамоа тузуми ўрнини янги ижтимоий формация кулдорлик тузуми эгаллади. қадимий Шарқда биринчи синфий жамиятлар пайдо бўлди ҳамда моддий ва маънавий маданиятга асос солинди. Айниқса, қадимги Юнонистон ва Рим халқлари бу маданиятни ривожлантиришда ўзларини катта ҳиссасини қўшдилар.

Дарҳақиқат, тарихий тараққиёт давомида турли мамлакатлар ва халқлар жаҳон маданиятига турлича ёндашдилар ва ривожлантирдилар. Масалан, Хитойда қоғоз ихтиро қилинди, Ҳиндистонда ҳисоблашнинг ўнлик тизими кашф этилди, Месопотамияда эса ер куррасини градусларга, суткани соатлар, минутлар ва дақиқаларга бўлиш ўйлаб топилди.

Эрамиз бошланишидан олдин Ўрта Осиёнинг жанубий чеккасига яқин бўлган жойда Ўрта денгиз билан Ҳиндистонни бирлаштирувчи карвон йўли қурилди. Сўнгра Ўрта Осиё орқали Хитойдан Ўрта денгизга томон «Буюк ипак йўли» очилди. Натижада Ўрта Осиё халқаро савдо-сотиқмарказига айланди. Бу эса ўз навбатида Ўрта Осиё воҳаларида маданиятнинг ривожланишига таъсир этди, ёзувнинг тарқалишига ёрдам берди.

Айниқса, қадимги Юнонистонда маданият, мактаб ва дастлабки педагогик фикрлар бошқа мамлакатларга нисбатан жуда эрта ривожланди.

Юнонистон унча катта бўлмаган бир қанча кулдорлик давлатларидан ташкил топган. Унинг мўхтабар шаҳарлари Лакония (бош шаҳри Спарта) ва Атика (бош шаҳри Афина)дир. Буларнинг ҳар қайсисида тарбиянинг алоҳида тизимлари вужудга келиб, Спарта усулидаги тарбия ва Афина усулидаги тарбия деб аталадиган бўлди. Аммо иккала давлатда ҳам кулдорлик тузуми ҳукмрон эди.

Юнонистонда кулларни «гапирадиган иш куроли» деб ҳисоблар эдилар. куллар оддий инсоний ҳуқуқлардан ҳам маҳрум эдилар.

Лакония (Спарта)да кемалар тўхтайдиган қулай гаванлар бўлмаганлиги туфайли куллар меҳнатига асосланган деҳқончилик ҳукмрон эди. 9 минг оиладан иборат бўлган кулдорлар 250 мингдан кўпроқ аҳолига ҳукмронлик қиларди. Спартада куллар шафқатсиз таҳқиб остига олинар эди.

Тарбия ишлари эса давлат ихтиёрида бўлиб, унинг асосий мақсади спарталикларнинг болаларини бақувват, жисмоний соғлом, бардошли, чиниққан жангчилар қилиб тарбиялаш ва бўлажак кулдорларни етказишдан иборат эди.

Спарталикларнинг болалари 7 ёшгача уйда яшар, кейин «агелла» деб аталувчи давлат муассасасида 18 ёшга етгунча тарбияланар эди. Улар «педоном» раҳбарлигида жисмоний соғлом бўлиш учун турли машқлар билан чиниқтирилар, совуққа, очликка ва чанқоқликка чидашга, оғрикқа бардош беришга ўргатилар эди. Таълимнинг асосий қисмини ҳарбий гимнастика машқлари эгаллар эди.

қадимги юнон тарихчиси, файласуф олим Плутарх Спарта мактабларидаги таълим-тарбия ҳақида гапириб, шундай дейди:

«Ўқиш ва ёзишга келганда болаларга фақат уларнинг энг зарури ўргатилар эди, тарбиянинг қолган қисми эса битта мақсад: ҳеч сўзсиз итоат қилдиришни, чидамли бўлишни ва енгил илмини ўргатишни кўзда тутар эди».

Спартада таълим-тарбиянинг яна бир муҳим вазифаси ёшларни кулларга нисбатан шафқатсиз, уларни менсимайдиган қилиб тарбиялашдан иборат эди. Шу мақсадда ёшлар «Крептиялар»да, яҳни кечалари кулларни тутиш машқларида қатнашар, шубҳали бўлиб кўринган ҳар қандай иллатни (кулни) ўлдираар эдилар.

Ёшларга ахлоқий тарбия беришда давлат раҳбарлари махсус суҳбатлар ўтказиб, шу йўл билан уларга ахлоқий ва сиёсий тарбия берар эдилар. Шунингдек, болаларни савол-жавоб жараёнида аниқ, қисқа ва лўнда қилиб жавоб беришга ўргатиб борилган.

Спартада 18—20 ёшга етганда йигитлар «Эфеблар» ўспиринлар гуруҳида ҳарбий хизматни ўтаганлар.

Спартада қизлар тарбиясига ҳам алоҳида эҳтибор берилган. Уларни ҳарбий ва жисмоний тарбия малакалари билан қуроллантириб борилган. Чунки эркаклар жангга кетганларида улар шаҳарни қўриқлаб, кулларни итоат сақлашини таҳминлар, улар ҳатто жангда ҳам қатнашар эдилар.

Афинада эса ҳаёт, тартиб, интизом, мактаб тизими ва ундаги таълим-тарбия спартаникидан бутунлай фарқ қилар эди. куллар хусусий мулк ҳисобланар эди. Афинада эрамиздан илгариги V—IV асрларда маданият барқ уриб ўсди. Фан, меҳморчилик ва ҳайкалтарошлик тараққий қилди.

Афинада энг кўркам ва баркамол инсон деб ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук кишини ўзларининг «идеали» деб ҳисоблар эдилар. Бу идеал фақатгина юқори табақали кулдорларга хос эди. Жисмоний меҳнат эса фақат кулларнинг қисмати деб ҳисобланар эди.

Афинада болалар 7 ёшга етгунча уйда тарбияланар, ўғил болалар 7 ёшдан бошлаб мактабга қатнар, қизлар эса оилада она кўмагида уй-рўзғор ишларига ўргатилар эди. Афинада хотин-қизларнинг ҳаёти уй доирасидан чиқмас, асосан ичкарида ўтар эди.

Афинада болалар дастлаб 7 ёшдан 13—14 ёшгача «грамматист» (савод ўргатиш маҳносида), «кифарист» (грекча мусиқа ўқитувчиси маҳносида)

мактабларда таҳсил олганлар. Бу мактаблар хусусий бўлиб, ўқиш пуллик эди. шунинг учун фуқароларнинг болалари бу мактабларда таълим ололмас эдилар.

Бу мактабларда «дидаскол» деб аталган ўқитувчилар машғулоти олиб борар эдилар. (мен ўқитаман, деган маънодаги «дидаско» сўзидан кейинроқ «дидактика» таълим назарияси келиб чиққан).

Ўғил болаларни мактабга куллардан бири бошлаб борар эди, бундай кул педагог деб аталар эди («пайс» - бола, «агогейн» - етаклаб бориш деган сўзлардан олинган). Грамматист мактабида ўқиш, ёзиш ва ҳисоблаш ўргатилад эди. Ўқишда ҳарфларни ҳижжалаб ўқитиш усули, сўнг қўшиб ўқиш усулидан фойдаланганлар. Ёзувни ўргатишда мум сурилган ялтироқ тахтачалардан фойдаланганлар. Улар ингичка чўп ёрдамида ёзганлар. Сонлар бармоқлар, сопол тошлар, санок тахтаси ёрдами билан ҳисоблаганлар. Кифарист мактабида ўғил болаларга адабий билим ва эстетик тарбия берилар, музика, ашула, декламациялар ўргатилад эди.

Ўғил болалар 13—14 ёшга етганларидан кейин палестра («кураш мактаби») деб аталган ўқув юртига ўтар эдилар. Бу ўқув юртида улар икки—уч йил давомида жисмоний машқлар билан шуғулланар эдилар. Масалан, сакраш, югуриш, кураш тушиш, диск ва найза иргитиш, сувда сузиш кабилар ўргатиладди. Палестрада ўқиш текин эди, шунинг учун ҳам ёшларнинг кўпчилиги қисми палестрада ўқиш билан чекланиб қолар эди.

Ёшларнинг бадавлатроқ оиладан бўлган қисми палестрани тугатгач гимнасийга (жисмоний, ижтимоий тарбия) кирар эди. Уларга фалсафа, сиёсат, адабиёт фанлари ўргатилган. Бу мактабни тугатган ёшлар давлатни бошқаришда катнашишлари мумкин эди.

Ниҳоят, Спартада бўлгани каби, Афинада ҳам 18 дан 20 ёшгача бўлган ёшлар Эфеблар қаторига ўтиб, ҳарбий хизматга тайёрланар ва ўзларини сиёсий билимларини оширишни давом эттирар эдилар.

Аҳолининг кўпчилиги қисми болаларни мактабларда ўқита олмаганлиги сабабли уларга касб-ҳунар ўргатиш одат тусига кирган эди. Айрим хат-саводи бор оталар болаларига ўқишни ўзлари ўргатар эдилар. Бу каби тартиб давлат томонидан қонунлаштирилиб қўйилиб бечораҳол табақага мансуб ота-оналар ўз болаларига бирор касбни ўргатишга мажбур эдилар. Акс ҳолда уларнинг болалари келгусида кексайиб қолган ота-оналари тўғрисида моддий ғамхўрлик қилишдан озод этилар эди. кулдор зодагонлар меҳнат билан шуғулланувчи эркин аҳолига нафрат билан қарарди. кулларни эса «гапирадиган иш қуроли» деб ҳисоблар эдилар.

Қадимги Юнонистонда педагогик назарияларнинг туғилиши

Юнонистонда мактаб ва маданиятнинг тез ривожланиши педагогика назариясининг ҳам туғилишига имконият яратди. Педагогика назариясига олим ва файласуфлардан Сукрот, Платон, Аристотель ва Демокритлар асос солдилар. Улар ўз қарашлари билан таълим-тарбия ривожланишига жуда катта ҳисса қўшдилар. қуйида бу файласуф олимлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Сукрот. (эрамиздан аввалги 469—399 йиллар) Ўзининг демократик ижтимоий келиб чиқишига қарамай (у камбағал ҳунарманд, яҳни ҳайкалтарош ўғли) консерватив заминдор аристократларнинг идеологи эди. Бу албатта унинг фалсафий ва педагогик қарашларида ўз аксини топди. Сукрот дунёнинг тузилишини, буюмларнинг физик ҳолатини билиб бўлмайдди, одамлар фақат ўзларинигина билиши, ахлоқни камол топтириши лозим деб ҳисоблар эди.

Сукрот файласуф бўлиши билан бирга ажойиб нотик ҳам эди. У кенг майдонларда сўзга чиқиб, ахлоққа доир масалалар юзасидан суҳбатлар ўтказар, тингловчиларни савол-жавоб йўли билан ҳақиқатни ўзлари топишларига ва билишларига ундар, шу йўл билан одамларни ҳақиқатни излашга ўргатар эди. Суҳбатни бу методи «Сукрот методи» деб юритилган. У педагогика оламига ана шундай савол-жавоб методини, яҳни «эвристик» суҳбат методини янги (савол бериш ва саволни тўлдириш) методини олиб кирди.

Сукрот фалсафий диалектиканинг асосчиларидан бири. У бахс орқали, яҳни муайян масалаларни ўртага қўйиш ва уларга жавоб топиш йўли билан ҳақиқатни аниқлаш мумкин деб тушунган.

Аристотель фикрича Сукрот мавжуд ҳақиқатдан умумий тушунчаларга ўтиш ҳақидаги индуктив таълимотни ҳамда ҳар бир нарсанинг моҳиятини билишнинг биринчи имкониятини берадиган тушунчаларни аниқлаш ҳақидаги таълимотни яратган. Унинг этика қсидаги асосий тезиси шундан иборат: эзгулик билимдир; донишмандлик, яҳни яхшиликни билувчи яхшилик қилади; ёмонлик қилувчи эса яхшиликни ё билмайди, ёки пировардида яхшиликнинг тантанаси учун ёмонлик қилади. Сукротнинг тушунишича, ақл билан ахлоқ ўртасида зиддият бўлиши мумкин эмас. У тарбияда ахлоқий, эстетик, жисмоний тарбия мезонини ишлаб чиқди. Лекин Сукротнинг ахлоқий қарашларида тенгсизликни яққол сезиш мумкин. Унинг фикрича, ахлоқ фақат имтиёзли «мумтоз»ларгагина хос, «мумтоз» кишилар ҳақиқий ахлоқнинг ягона эгалари бўлганликлари учун ҳокимият ҳам уларнинг қўлларида бўлмоғи керак дейди.

Сукрот демократияга душманликда асоссиз айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинган. Лекин ўзи заҳар ичиб ўлган. Ҳақиқатда эса у адолатга ҳилоф бўлган давлатни бошқаришнинг ҳамма формаларини монархия, тирания, аристократия, плутократия ва демократияни танқид қилган.

Платон эрамиздан илгари (424—347 йилларда) яшаган. қадимги Юнонистоннинг машҳур – идеалист файласуфи, Сукротнинг шогирди, объектив идеализм назариясининг асосчиси эди. У «ғоялар дунёси»ни бирламчи, ҳис қилувчи нарсалар дунёсини иккиламчи деб ҳисоблади.

Платон оламини ҳодисалар дунёси ва ғоялар дунёси деб иккига бўлди. Унинг фикрича ғоялар абадий ва ўзгармасдир. Унинг назарида, нарсалар ғоялар оламининг соясидир, холос.

Афина аристократиясининг намояндаси бўлган Платон, аристократиянинг абадий ҳукмронлиги ҳақидаги назарияни илгари сурди. Унинг фикрича идеал аристократик давлат уч хил ижтимоий гуруҳ: файласуфлар, жангчилар, ҳунармандлар ва деҳқонлар гуруҳидан иборат бўлиши лозим. Файласуфлар давлатни бошқарадилар, жангчилар уни ҳар қандай душмандан ҳимоя қиладилар, учинчи гуруҳ эса меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштириб, файласуфлар ва жангчиларни боқадилар, деган фикрни олға суради. Шунингдек, у қулларни ҳам сақланиб қолишини айтиб, унинг тасаввуридаги идеал давлатда қуллар ҳам, ҳунармандлар ҳам ҳуқуқсиздирлар, пасткашлик ҳамда қаноат ва итоаткорлик фазилатларигина ҳунарманд қосибларга ва деҳқонларга хос деб таъкидлайди.

Платоннинг фикрича, у олға сурган ғоя, бу давлатнинг мақсади олий эзгулик ғоясига яқинлашишдир: бу ғоя, асосан, тарбия йўли билан рўёбга чиқишини таъкидлайди.

Тарбия, дейди Платон, давлат томонидан ташкил этилмоғи ва ҳукмрон гуруҳларнинг файласуфлар ва жангчиларнинг манфаатини кўзламоғи лозим. Платон ўзининг педагогика тизимида Спарта ва Афина тизимининг баўзи бир белгиларини бирлаштиришга интилади.

Платоннинг фикрича, болалар 3 ёшдан бошлаб 6 ёшгача давлат томонидан тайинлаб қўйилган тарбиячилар раҳбарлигида майдончаларда турли ўйинлар ўйнаш билан шуғулланишлари муҳимдир. Платон ўйинларни мактабгача тарбия воситаси деб ҳисоблаб, уларга катта аҳамият беради, шунингдек, болаларга ҳикоя қилиб бериладиган материалларни синчиклаб танлаш кераклигини ҳам уқтириб ўтади. У болаларга энг ёшлик чоғиданоқ ижтимоий тарбия бериш тарафдори эди.

Болалар 7 ёшдан 12 ёшгача давлат мактабларига қатнайдилар ва бундай мактабларда ўқиш, ёзиш, ҳисоб, мусиқа ва ашула ўргатилади.

Болалар 12 ёшдан 16 ёшгача одатдаги бадантарбия машқлари ўрганиладиган палестрада, яҳни жисмоний тарбия мактабида ўқийдилар. Палестрани тамомлаган ўспиринлар 18 ёшгача ҳисоб, геометрия ва астрономияни ўрганадилар, бунда кўпроқ амалий мақсадлар (уларни жангчилар қилиб тайёрлаш) кўзда тутилган. 18 ёшдан 20 ёшгача йигитлар «Эфебия»да тарбияланадилар, яҳни ҳарбий гимнастика тайёргарлигини ўтайдилар. Ақлий машғулотга майли бўлмаган йигитлар 20 ёшдан бошлаб, жангчилар қаторига ўтадилар. Абстракт тафаккурга қобилияти борлиги очиқ кўринган ёшлар, яҳни йигитларнинг озроқ қисми 30 ёшга қадар фалсафа, шунингдек, ҳисоб, геометрия, астрономия ва мусиқа назариясини ўрганиш билан шуғулланиб, шу тариқа илм олишнинг учинчи, олий босқичини ўтайдилар, аммо бунда амалий мақсад кўзда тутилмасдан, балки фалсафа—назарияни мукамал ўрганиш кўзда тутилади. Шу тариқа улар давлат мансабларида ишлашга тайёрланадилар. Истехдоди ғоят ўткир эканлиги Маълум бўлган ва жуда озчиликни ташкил этган йигитлар фалсафа илмини ўрганишни яна 5 йил (35 ёшга қадар) давом эттирадилар, шундан сўнг 35 дан 50 ёшгача давлатни бошқарадилар.

Платон ҳам хотин-қизлар тарбияси хусусида фикр юритиб, Спартадаги усулни маҳкуллайди.

Умуман Платон тарбия тизимининг бутун мазмуни ва моҳияти жисмоний меҳнатдан ғоят нафратланиш руҳи билан суғорилган. Платон ғоясига кўра бўлажак файласуфлар ва жангчиларнинг «жисмоний меҳнат тўғрисида хато ўйлашлари» ҳам тақиқлаб қўйилган, шунингдек кулларнинг болаларини ўқитмаган маҳкул, деган ғоя илгари сурилган.

Бироқ, Платон мактабгача тарбия тўғрисида, давлат томонидан изчиллик билан олиб борилиши лозим бўлган тарбия тизими тўғрисида бир қанча муҳим фикрларни айтди, ижобий ўрнатилган намунасида тарбиялаш қабиларни талаб қилди.

Платон ўзининг ахлоқий тизимини яратар экан, устози Сукротга эргашиб, объектив идеализм йўлини тутди. Платон этикасининг асосий назарий таянч нуқтаси инсон онги чегараларидан ташқарида бўлган ва мангулик ғоялари оламида худонинг доимий назорати остида бўладиган ягона ўзгармас «яхшилик» ғоясидир. Унинг фикрича, ердаги яхшиликларнинг ҳамма тури ўзида меҳёр, гўзаллик ва ҳақиқатдан иборат уч тушунчани жамлаган олий «яхшилик ғояси»нинг инҳикосигина бўлиши мумкин.

Платон фикрича, одамнинг ахлоқий ҳаёти шу олий «яхшилик ғояси»га интилишга тўла бўйсунган ва хушбахтликини ташкил этадиган, фақат олий «яхшилик» ғоясига интилишдагина хулқнинг намунасини кўриш мумкин. Шундай қилиб, Платон инсоннинг хулқини худо хоҳишига бўйсундиришга ҳаракат қилган.

Платон инсонга хос категориялар ва тушунчаларни синчиклаб ишлаб чиқиб, уларнинг барқарорлиги ва муайянлигини исботлагани ҳолда уларни кишилар жорий қилишини ҳам эҳтироф этмади. Шу билан, у ахлоқий қонунлар кишилар учун мажбурий ёки номақбул бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрга ўрин қолдирмади. У бу ўринда аристократ зодагонларнигина назарда тутган холос. Халқ оммасига келганда унга ахлоқий ҳаётда арзимас ўрин берилган, унинг фикрича, халққа фақат бўйсуниб, итоаткорлик ахлоқигина хос. қуллар ҳеч қандай фазилатга эга эмаслар, деб ҳисоблагани сабабли Платон ахлоқий этикасига кўра, улар умуман чинакам ахлоқ эгаси бўлиши мумкин эмас.

Платон ахлоқий тушунчаларни ўзгармас ва барқарор деб қараши ҳамда уларни мутлақлаштириши жамият сиёсий тузилишининг ўзгармаслиги ғояларини ҳимоя қилишга ва қулдорлик давлатини идеаллаштиришга хизмат қилди. Натижада Платон этикаси аристократия назарида жозибадор бўлиб кўринади. Улар унинг этикасида ўз ҳаётлари тарзининг инҳикоси ва ҳимоячисини кўрдилар.

Платоннинг шогирди бўлган, македониялик Искандарни тарбиялаган, қадимги Грециянинг энг йирик идеалист-файласуфи ва олими Арастунинг педагогика назариясини яратишдаги ва уни ривожлантиришдаги хизматлари жуда улкан.

Арасту—Аристотель (эрамиздан илгари 384—322 йиллар)да яшаган. Платоннинг шогирди бўлган, македониялик Искандарни тарбиялаган, қадимги Юнонистонинг йирик идеалист-файласуфи ва олими эди.

Платон олимни ғоялар дунёси ва ҳодисалар дунёси деб иккига бўлган бўлса, унинг шогирди Арастунинг айтишича, ғояни шаклга ўхшатиш мумкин. Ҳар қандай буюмда биз унинг моддасини ва шаклини кўришимиз мумкин. Моддада нарсалар бўлиши учун имкониятлар бор; модда бирон шакл олганидан сўнггина нарса бўлиб қолди. Чунончи, мраммнинг ўзи бир моддadir, аммо унга Маълум шакл берилса, ҳайкал тусини олиши мумкин.

Бутун ҳаёт тараққиёт жараёнидир, бу жараён, Арастунинг фикрича, ташқи кучларнинг таъсири остида содир бўлмайди, балки ички тараққиётнинг ўзидир. Арасту ташқи оламнинг мавжудлигига шубҳа қилмайди ва ҳиссий тажрибани, сезгиларни билишнинг асоси деб ҳисоблайди. Арастунинг таъкидлашича билишдаги хатолар нотўғри тафаккурдан, яъни ҳиссий тажрибани нотўғри талқин қилишдан келиб чиқади. Энг муҳими шундаки, Арасту шакл билан мазмуннинг бирлигини кўрсатиб ўтди, тараққиёт ғоясини олға сурди.

Арасту оламда тана ва жон бор, тана билан жон материя билан шакл тариқасида бир-биридан ажралмаган ҳолда мавжуддир, дейди. Унингча, уч хил жон бор: ўсимликдан таркиб топган жон озикланиш ва урчиб кўпайишда намоён бўлади; ҳайвонотдан таркиб топган жон, ўсимлик хоссаларидан ташқари сезгиларда ва истакларда намоён бўлади; ақлнинг ифодаси бўлган жон, ўсимлик ва ҳайвонот хоссаларидан ташқари, у тафаккур ёки билиш ҳислатларига ҳам эгадир. Инсондаги жоннинг ҳайвоний қисми ақлга тобе бўлганлиги сабабли, уни ирода деб аташ мумкин.

Арастунинг фикрича, жоннинг мана шу уч хилига мувофиқ уч хил тарбия жисмоний тарбия, ахлоқий тарбия, ақлий тарбия бўлиши керак. Тарбиянинг мақсади, унинг фикрича жоннинг олим томонларини ақл ва иродани камол топтиришдан иборат эди. Ҳар бир моддада ривожланиш имконияти бор бўлганидек, инсонга ҳам табиат фақат қобилиятларнинг бошланғичинигина беради, инсонда камол топиш имконияти табиатда мавжуддир ва бу имконият тарбия воситаси билан рўёбга чиқарилади. Табиат жоннинг уч хилини бир-бири билан чамбарчас боғлаб қўйган, биз ҳам тарбияда табиат белгилаб берган йўлдан бориб, жисмоний, ахлоқий ва ақлий тарбияни бир-бири билан чамбарчас боғлаб олиб боришимиз лозимлигини уқтиради.

Арастунинг фикрига кўра, давлатнинг умумий битта обирги мақсади бор, у ҳам бўлса, давлат ҳамма фуқароларга бир хилда тарбия берилишини тахминлаши лозим, мана шундай тарбия бериш эса хусусий ташаббуснинг вазифаси бўлмасдан, балки давлатнинг иши бўлиши лозим.

Арасту ўғил болалар 7 ёшдан бошлаб давлат мактабида ўқиши лозим, деб уқтиради. Болаларга ақлий тарбия берилиши кераклигини айтиб, у ўғил болалар аввало бадантарбия муаллимларининг қўлига топширилсин, деб талаб қилади; бунда у болаларни ҳаддан ташқари чарчатиб қўймаслик кераклигини айтади ва уларни жисми мустаҳкамланиб олгунча енгил машқлар билан шуғуллантиришни тавсия этади.

Арасту жисмоний, ахлоқий ва ақлий тарбияни бир-бири билан боғланган, деб қарайди. Бошланғич таълим вақтида, бадантарбиядан ташқари, яна ўқиш, ёзиш, грамматика, расм ва мусиқа ўргатилиши кераклигини алоҳида уқтириб ўтади. Ўсмирлар мактабда жиддий Маълумот олишлари керак, улар адабиёт, тарих, фалсафа, ҳисоб, фалакиёт, мусиқа ўрганишлари шарт. Гўзалликни ҳис қилишни ўстириш учун мусиқа ўрганмоқ керак, аммо расм чизиш сингари мусиқа ўрганиш ҳам оддий ҳунарга айланиб кетмаслигини кузатиб туриш муҳим дейди. У хотин-қизларнинг тарбияси хусусида гапириб, бу эркакларнинг тарбиясига ўхшаб кетмаслигини, чунки уларнинг табиати мутлоқ эркакларникидан фарқ қилишини айтади.

Арасту ўз педагогик қарашларида ирода, фаолиятни асос қилиб олгани ҳолда, ақлий тарбия қсида ахлоқий кўникмаларга катта аҳамият беради. Табиий истехдод, шу билан бирга, кўникма орттириш (матлуб ҳаракатларни ўрганиш, тез-тез такрорлаб туриш) ва ақл булар ахлоқий тарбиянинг уч манбаидир, дейди.

Фазилатлар ҳосил бўлиши учун эзгу хулқ-одатларини ва кўникмаларини таркиб топтирадиган, яхши ўйлаб ўтказиладиган машқлар бўлиши ҳам зарур, бунга одатланиш, бунинг учун доимий ҳаракат қилиш лозим, одатдан, кўникишдан эса ахлоқий хатти-ҳаракат ҳосил бўлади, деб таълим беради.

Арастунинг қайд этишича, ҳар қандай истак ва фаолиятда камчилик, ортиқчалик ва ўртачилик бўлади. Шунинг учун ҳам ҳамма нарсадан фақат ўртачилик, фақат мувозанат яхши ва фойдалидир. Демак, ҳамма нарсада ортиқчаликка ҳам, камчиликка ҳам йўл қўймайдиган хатти-ҳаракат яхшилиқнинг нишонасидир. Мана шундай хатти-ҳаракатни ҳосил қилмоқ учун кўпроқ машқ қилиш керак, деган фикрларни олға сурди.

Арасту Платондан фарқ қилиб, оилани тарбиядан четлаштирмайди, ахлоқий тарбия бериш, асосан, оиланинг зиммасида бўлиши керак, дейди.

Арастунинг қарашлари антик педагогиканинг тараққиётига катта таъсир ўтказди. Айниқса унинг “Никомах этикаси” ва “Сиёсат” асарлари ахлоқ масалаларини назарий ишлаб чиқишга бағишланди.

Арасту, ахлоқнинг жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, “Табиат инсон кўлига қурол ақлий ва ахлоқий куч берган, аммо у шу қуролни тескари томонга нисбатан ҳам ишлатиши мумкин: шу сабабли ахлоқий таянчлари бўлмаган одам энг инсофсиз ва ёввойи, ўзининг жинсий ва дид майлларида энг тубан мавжудот бўлиб қолади”, дейди.

Арасту антик даврининг бошқа файласуфларига қараганда ахлоқий муносабатларнинг табиатини теран тадқиқ қила олди. Унинг фикрига кўра, ахлоқий фазилят фаолият, хатти-ҳаракат демакдир. Барча ахлоқий фазилятлар адолат, дўстлик, муҳаббат, сахийлик, сулҳпарварлик, хушфехллик ва ҳоказолар фақат инсон фаолиятида намоён бўлишини асослаб беради.

Одам жамиятда яшагани сабабли унинг ахлоқий фазилятлари ҳеч қачон соф, холис ҳолда намоён бўлмайди, балки фақат ижтимоий фаолиятдагина амалга ошади. Шунинг учун барча ахлоқий фазилятлар ижтимоийдир, дейди Арасту.

Инсон табиатан фазилятларга эга бўлмагани, балки фазилятга ўргангани сабабли, тарбиянинг (фақат болаларнигина эмас, шу билан бирга барча аҳолини тарбия қилиш) ролига катта аҳамият бериб, хусусан ҳиссиётларни туйғуларда идрокли тарбиялашга аҳамиятни қаратади. Унинг фикрича, бундай тарбия кишиларнинг ахлоқли бўлиб яшашга ўрганишлари учун зарур бўлган мавжуд қонун-тартиботлар ёрдамида амалга оширилади. Мутафаккир фазилят деганда ҳамиша ота-она ўрнини босиши мумкин бўлган давлатга хизмат қилишни назарда тутди.

Арасту ахлоқий фазилятлар билан бир қаторда инсон учун муҳим бўлган ақлий фазилятларга билим, донишмандлик, фаҳмлаш ва бошқаларга ҳам катта аҳамият беради. Аммо ахлоқий фазилятларни ақлий фазилятларга бўйсундирган ҳолда ифодалайди.

Арасту фақат ақл фаолиятини тан олади. Шу сабабдан у бахт идеалини ҳақиқатан интеллектуал мушоҳада этишда деб билади.

Умуман антик файласуфлар Сукрот, Платон, Арастулар ўзларининг назарияларида ҳар бир нарсада меҳёр бўлмоғи лозимлигини ўқтириб ўтганлар. Улар ахлоқни инсоннинг бахтга эришиш воситаси деб қараганлар.

Атомизм назариясини яратган атоқли файласуф материалист Демокритнинг қарашлари (эрамиздан аввалги 460—370 йиллар) қадимги юнон фалсафасининг чўққисидир. Демокрит ўз асарларида юқорида номлари қайд этилган мутафаккир файласуфлар каби тарбия масалаларига катта эҳтибор беради. У ўз назариясида табиат қонунларига, хурофотни ва кўркувни емириб ташлайдиган чинакам билимларга мурожаат қилади.

Демокрит тарбияни табиатга мувофиқлаштириш масаласини биринчи бўлиб илгари сурди. “Табиат билан тарбия бир-бирига ўхшайди” деб ёзади у. Демокрит “таълим меҳнат асосидагина гўзал нарсаларни ҳосил қилади”, деб, тарбия ишида меҳнатнинг роли жуда катта эканлигини таъкидлади.

У доимо меҳнат қилиб туришни талаб қилди, меҳнатга одатларна борган сари, меҳнат енгил бўлиб боради, дейди. У ёмон ўрнадан эҳтиёт бўлиш керак,

деб таъкидлайди ва яхши хулқ ҳосил қилишда машқнинг аҳамияти катта, деб ҳисоблайди.

Демокрит барча табиий жараёнларга, жумладан, инсоннинг ахлоқий муносабатларида ҳам киши хулқини реал, бу дунёдаги асосини топишга уринади. Демокрит ахлоқни одамнинг ўз табиатидан келиб чиқиб асослашга ҳаракат қилади. Билиш назариясида Демокрит моддий оламни билиш ва ҳақиқатга эришиш мумкинлигини таъкидлади, билиш жараёнида сезги ва тафаккур ролини кўрсатди. Унингча сезгиларимиз орқали олинган билим «қоронғи»; у оламнинг моҳиятини очиб беролмайди; ақл орқали олинган билим «ёруғ», ҳақиқий билимдир. Табиат сирларини фақат фикрлаш йўли билан билиб олиш мумкин.

Демокритнинг ахлоқий ва педагогик қарашлари диний қобикдан холи эди. Шунинг учун ҳам ўзидан кейинги файласуф олимларга катта таъсир этди.

Айниқса, уларнинг инсон камолотидаги назарий қарашлари, тарбиянинг ролига берган катта аҳамиятлари педагогика тарихи назариясини яратишда асосий замин бўлиб хизмат қилди.

Ўқиш черков томонидан тасдиқланган дин дарсликлари ва дин ақидаларини ёдлашдан иборат эди. Бу мактабларда белгиланган ўқув йилига риоя қилинмай, мактабга истаган вақтида кириб, уни турли вақтда тамомлаб чиқиш мумкин эди. Синф-дарс тизими ҳам йўқ эди. Ўқувчилар бир хона ичида тўпланган бўлсалар ҳам, ҳар қайсиси фақат ўз сабоғи билан шуғулланар, ўқитувчи эса шогирдларини битта-биттадан ўз олдига чақириб, ҳар қайсисига алоҳида-алоҳида сабоқ берарди.

Бу мактабларда каттиқ интизом ўрнатилар эди. Ўқувчилар қилган ҳар бир айби учун қаттиқ ва шафқатсиз жазоланардилар. Бундай мактабларда одатда ўқувчиларга тан жазоси берилар эди (савалаш, оч қолдириш ва шу кабилар).

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Қадимги Юнонистонда тарбия, мактаб ва педагогика қсидаги фикрлар.
2. Ғарбий Европадаги мактабларга тавсиф беринг?
3. Рицарлик тарбияси нима?
4. Ўрта аср университетларидаги таълим тизимини изоҳлаб беринг?

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. (проф. А. К. Минавваров таҳрири остида). Педагогика. Т.: «Ўқитувчи» 1996 й.
2. Хасанбоев Ж, Мавлонова О. Педагогика. Ўқув қўлланма. Т.: 2007 й
3. ўзбек педагогикаси анталогияси I-II т. (тузувчилар К.Ҳошимов, С.Очил. ўйитувчи, 1995-2000)
4. S.Nishonova. Pedagogika tarixi. O'quv qo'llanma. T.: 2007 y.
5. Ж.Хасанбоев, Х.Сарибоев, Г.Ниёзов ва бошқалар. Педагогика. Ўқув қўлланма. Т.: «Фан» 2006 й.

18-Мавзу: Рус педагоглари фаолияти ва педагогик ўрашлари.

РЕЖА:

1. Рус педагог олимларининг педагогик ғоялари.
2. К.Д.Ушинскийнинг педагогик мероси.
3. А.С.Макаренконинг педагогик фаолияти ва ўрашлари.

Машхур рус педагоги, рус педагогикаси ва халқ мактабларининг асосчиси, «рус ўқитувчиларининг ўқитувчиси» Конституантин Дмитриевич Ушинский 1824 йилнинг 19 феврида Тула шаҳрида туғилди.

Ушинский 9 ёшга қадар оилада тарбияланиб, савод чиқарди. Сўнгра Новгород —Северск гимназиясига ўқишга кириб, уни 1840 йилда муваффақиятли тамомлади. Ўша йили Москва дорилфунунининг юридик факултетига ўқишга кирди ва ўша даврнинг машхур профессори Редкиннинг бевосита раҳбарлиги остида таълим олди.

Ушинский 22 ёшида Ярослав лицейига камералғ (юридик) фанлар профессори вазифасини бажарувчи сифатида хизматида кирди ва иш бошлади. У уч йиллик дастлабки педагогик фаолиятида катта истехдод эгаси эканини намоиш эта олди. Шунингдек, Ушинский зўр иштиёқ билан ўқитувчилик ишини олиб бориб, талабаларга ҳавас билан билим беришга ҳаракат қилди, уларда илм фанга нисбатан қизиқиш уйғотди, энг муҳими, ўз халқи ва она юртини жондан севиш, ардоқлаш ҳамда виждонан ҳалол меҳнат қилишга даҳват этди, Бу ёш ва истехдодли профессорнинг мазмунли маърузаларини лицей талабалари марок билан тинглаб, чуқур ва мустаҳкам сабоқ олар эдилар.

К.Д.Ушинский педагогик фаолиятини илмий ижодий иш билан бирга қўшиб олиб борди. 1848 йилда унинг биринчи илмий иши «Камерал фанларни ўқитиш ҳақида» деган асари нашр қилинди. Бу асарда Ушинский олий ўқув юртларидаги мавжуд ўқитиш тизимига нисбатан танқидий қўз билан қаради. Ҳукумат томонидан эркинлик берилишини талаб этди. Ўқитиш тизимини яхшилашга оид йирик услубий муаммоларни ўртага қўйиб, уларни қандай ҳал этиш йўллари кўрсатиб берди.

Ушинскийнинг илм фанни демократик тарзда тарғиб этиши реакцион доираларга маҳкул тушмади. 1849 йил сентябрида Ушинский ва унинг дўстлари, демократик руҳдаги ўқитувчилар, сиёсатда шубҳали, ҳукуматга ишончсиз кишилар сифатида лицейдан четлатилди. К.Д.Ушинский бошқа иш топиш мақсадида 1849 йилда Петербургга кўчиб бориб, жуда катта қийинчиликлардан сўнг 1850 йилда ички ишлар вазирлигида кичик бир амалдор вазифасида ишлашга мажбур бўлди ва у ерда тўрт йил ишлади.

Ушинский фақат 1854 йилдагина Ярославлх лицейи собиқ директорининг тавсияси билан Гатчино институтида тил —адабиёт ва қонуншунослик ўқитувчиси бўлиб ишга киради ва у ерда тез фурсатда шу институтнинг синфлар инспектори вазифасига кўтарилади. Ушинскийнинг педагогик фаолияти том маҳноси билан ана шу вақтдан бошланди. У 1859 йилда Смолғний институтининг синфлар инспектори вазифасига тайинланиб, унга шу институтнинг жуда ачинарли ҳолга тушиб қолган илмий бўлим ишларини қайтадан тартибга солишдай муҳим топшириқ юкланди. Ушинский бу ишни эпчиллик билан пухта бажариб, педагогик жараёни уюштириш қсида катта қобилият соҳиби эканини

кўрсатди. Шу билан бирга унинг педагогика масалаларига бағишланган ва мунтазам чоп этилаётган назарий тадқиқотлари унинг фақат амалиётчи эмас балки ўз ихтисоси бўйича кучли назариётчи эканлигини кўрсатди.

Ушинский 1857 йилдан бошлаб «Тарбия журнали» («Журнал для воспитания»)да, сўнгра «Халқ маорифи журнали»да жуда кўп сермазмун мақолалар эҳсон қилди. 1860 йилда у «Халқ маорифи журнали»нинг муҳаррири қилиб тайинланди. Ушинский 1861 йилда ўзининг «Болалар дунёси» («Детский мир») номли ўқиш китобини нашр эттирди. Бу китоб ўша йилнинг ўзидаёқ икки марта чоп этилди.

Ушинскийнинг педагогик фаолиятига соя солувчи (1862 йил) имзосиз хат уни ўз ишини тўхтатишга мажбур қилди. Бу хатда у гўё сиёсий жиҳатдан ишончсиз киши, деб айбланган эди. Бунинг оқибатида у чет эллардаги хотин қизлар маорифининг йўлга қўйилишини ўрганиш ва педагогикадан дарслик ёзиш учун ўз ватанидан кетишга мажбур бўлди. У хорижий мамлакатларда юрган даврида ўзининг бутун куч ғайратини таълим тарбияга доир асарлар ёзиш ва уларни чоп эттиришга йўналтирди. Натижада, 1861 йилда унинг I ва II ўқув йиллари учун «Она тили» дарслиги нашр этилди ва унга «Муаллимлар учун қўлланма» деган методик асари илова қилинди. 1870 йилда эса III ўқув йили учун ҳам «Она тили» дарслиги босилиб чиқди. Бундан ташқари, Ушинскийнинг педагогика қсидаги асосий назарий асари ҳисобланган «Инсон тарбия предмети сифатида» («Педагогик антропологиядан тажриба») номли асари айрим жилдларга бўлиниб нашр қилина бошлади. 1867 йилда бу асарнинг I жилди, 1869 йил II жилди босилиб чиқди. Ушинский бу китобнинг ҳамма жилдларини қисқартириб инглиз тилига таржима қилиш мақсадида учинчи жилд устида зўр ғайрат билан ишлай бошлади. Афсуски, бу ишни тамомлаш унга насиб бўлмади. У Қримда даволаниш пайтида қаттиқ шамоллаб қолди. Бу шамоллаш ва зўр бериб ишлаши ҳамда хизмати билан боғлиқ бўлган кўнгилсизликлар орқасида заифлашиб толиққан эди. Натижада 1870 йил 21 декабрда Одессада зотилжам касалидан вафот этди.

К.Д.Ушинскийнинг педагогика назарияси халқчиллик ғояси асосида қурилгандир. «Ҳар бир мамлакатда болаларни тарбиялаш тизими, деб айтган эди у, халқнинг ривожланиш шароитлари, унинг эҳтиёж ва талаблари билан белгиланган». «Ҳамма учун умумий бўлган биргина тутма мойиллик борки, тарбия ҳамиша шунга таяниши мумкин; бу биз халқчилик деб атаган нарсадир. Халқнинг ўзи томонидан яратилган ва халқчилик асосига қурилган тарбия шундай тарбиявий кучга эгаки, бундай куч абстракт ғояларга асосланган ёки бошқа халқлардан олинган энг яхши тизимларда ҳам йўқдир...»

Ушинский халқчиллик деб ҳар бир халқнинг ўзига хослигини тушунар эдики, бу ўзига хослик ўша халқ яшаши ва меҳнат қилиши лозим бўлган тарихий тараққиёт, географик ва табиий шароитлар билан ифодаланади.

У «Ижтимоий тарбияда халқ, руҳи» сарлавҳали мақоласида тарбиянинг халқчиллик руҳида бўлиши кераклигини айтиб, бошқа халқ педагогикасини механик суратда рус тупроғига кўчиришни ақлга мутлақо мувофиқ эмаслигини таъкиддайдди.

Ушинский тарбияда халқ руҳининг энг яхши ифодаси она тили эканлигига, рус болаларини ўқитишда рус тили асос бўлишлигини; бошланғич

мактаблардаги таълим ҳам болаларни рус тарихи, Россия географияси ва унинг табиати билан таништирмоғи лозим дейди.

Ушинскийнинг педагогика тизимида она тилининг тарбиявий ва таълимий аҳамияти тарбиянинг асоси бўлган халқчиллик билан чамбарчас боғлиқдир.

Ушинский ўзининг «Она тили» сарлавҳали мақоласида «Халқ тили унинг қадим замонлардан бошланувчи бутунги маънавий ҳаётининг энг яхши, ҳеч қачон сўлмайдиган, доимо янгидан очилиб яшнаб турадиган гулидир. Бутун халқ ва унинг ватани тил билан тирикдир... буларнинг ҳаммаси халқ ижод этган тил орқали ифодаланади... Халқ авлодлари бирин —кетин яшаб ўтаверади, аммо ҳар бир авлод ҳаётининг натижалари кейинги авлодларга тил орқали мерос бўлиб ўтади. Ҳар бир авлод ўз ҳис —туйғуларини, тарихий воқеалар, диний эҳтиқод, маслак натижаларини, бошидан кечирган қайғу ва хурсандчиликларини она тили хазинасига қўшади... Тил энг жонли, энг бой ва мустаҳкам алоқа воситаси бўлиб, халқнинг яшаб ўтган, яшаётган ва келажакда яшайдиган авлодларини бир — бирлари билан чамбарчас боғлайди, уларнинг улуғ тарихий, жонли бир бутунга айлантиради. Тил бор экан, халқ ҳам бор, халқнинг ҳаёт эканлигини тил орқали билиш мумкин. Тил халқнинг ҳаётидир. Халқ тили йўқолганида халқнинг ўзи ҳам йўқ бўлади», деб уқтиради. Она тили Ушинскийнинг фикрича на китоб, на мактаб бўлмаган вақтда ҳам халқни ўқитган энг яхши халқ устозидир.

Ахлоқий тарбия мақсадлари ва воситалари. К.Д.Ушинский тарбия ишидаги турли воситалар орасида ахлоқий тарбияга катта эҳтибор бериб, «Тарбиянинг асосий вазифаси ахлоқий жиҳатдан таъсир этишдан иборатдир, бу ақлни умуман ўстириш, бошни билимлар билан тўлдиришдан кўра ҳам муҳимроқдир», деб ёзган эди.

Ахлоқий тарбия болаларда одамларга ҳурмат ва муҳаббат билан қарашни, уларга нисбатан самимий, хайрихоҳ ва адолатли муносабатда бўлишни ўстириши керак.

Ушинский кўр —кўрона, таёқ интизомига қарши норозилик билдириб, «Эски мактабда интизом ниҳоятда ғайритабиий асосга ёки мукофотлар ва ёки жазолар улашиб берувчи ўқитувчидан кўрқиш асосига қурилган эди. Бу кўрқув болаларни зарарли ҳолатларга: сусткашликка, синф доирасидаги зерикашга ва иккиюзламачиликка олиб келди» деб у болаларга нисбатан инсоний муносабатда бўлишни талаб қилди.

Ушинский эгоистлик, мансабпарастлик, бекорчилик, ғаразгўйлик, мунофиқлик сингари нуқсон ва камчиликларни қаттиқ қоралайди.

Ушинскийнинг фикрича, ахлоқий тарбиянинг воситалари қуйидагилардан иборат бўлиши керак: 1. Таълим (ахлоқий тарбияда китоб ва дарсликларни ўрни); 2. Ўқитувчининг шахсан намуна бўлиши (Ушинскийнинг образли ифодалашича, «бу нарса ёш қалб учун куёшнинг баракали нуридирки, уни ҳеч бир нарса билан алмаштириб бўлмайди»); 3. Эҳтиқод; 4. Ўқувчиларга моҳирлик билан муносабатда бўлиш (педагогик одоб); огоҳлантириш чоралари; 6. Рағбатлантириш ва жазолаш.

Ушинский болалар меҳнати ҳақида гапириб, инсоннинг тўғри ривожланишидаги зарур шарт меҳнатдир, деб ҳисоблаган эди. Унинг фикрича «агар тарбия кишини бахтли қилмоқчи бўлса, уни бахт учун тарбияламаслик керак, балки ҳаётдаги меҳнат учун тайёрлаши лозим». Тарбия кишида меҳнатга

муҳаббат ва одатни ўстириш керак. Ушинский киши ўз фаолиятида жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнатни бирлаштира, жуда фойдали бўлур эди, деб ҳисоблайди. У ўқувчилар меҳнати ҳақида гапириб, «Ўқиш меҳнатдир ва меҳнат бўлиб қолиши, аммо тўла маҳноли меҳнат бўлиши лозим», дейди. У таълимни овунчоқлик, кўнгил очиш йўли билан ўтказишга, баўзи педагогларнинг таълимни мумкин қадар енгилроқ қилишга ҳаракат қилишларига қарши чиқди. Болалар ўқиш даврида меҳнатга, қийинчиликларни енга олишга ўрганишлари керак. Фақат кичкина болаларнигина ўйнаб туриб ўқишга ўргатиш мумкин, деб ёзади Ушинский. Ақлий меҳнат оғир, ўрганмаган кишини тезда чарчатиб қўяди. Шунинг учун болаларни кучи етадиган ишлар билан секин аста ўргатиш лозим.

К.Д.Ушинскийнинг ақлий меҳнатни жисмоний меҳнат билан қўшиб олиб бориш тўғрисидаги, ўқиш ва дам олишни тўғри ташкил этиш ҳақидаги педагогик фикрлари ҳозирги кунда ҳам қимматлидир.

К.Д.Ушинскийнинг дидактика қсидаги қарашлари педагогика тарихида ўзининг чуқурлиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ушинский таълимни болаларнинг психологик жиҳатдан камол топишларининг ёш босқичларини ҳисобга олишни ва улар психологиясининг хусусиятларини эҳтиборга олиб ташкил этиш кераклигини талаб қилди.

Ушинский хотира билан эсда сақлаб қолши тўғрисида гапириб, унутишнинг олдини оладиган тез —тез такрорлаш йўли билан тарбия олувчиларда ўз хотираларига ишончни мустаҳкамлаш керак, деб кўрсатди. У дарсда кўрсатмалилик тамойилига катта аҳамият бериб, психологик нуқтаи назардан кўрсатмали таълимни моҳиятини ёритиб берди.

Ушинский кўрсатмали таълим тамойилларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқишга ва уни амалда татбиқ этишга доир жуда кўп қимматли фикрлар киритди. Ушинский ўқитиш жараёнида кўрсатмали таълимга муносиб ўрин берди: у кўрсатмали таълим ўқувчиларнинг ривожланишини тахмин этадиган шартлардан биридир деб билди.

Ушинский болаларнинг ўқув материални **англаб, пухта ва мустақкам** ўзлаштириши тамойилига катта эҳтибор берди. У бу тамойилларни тушуниш ва татбиқ қилишда ўзидан илгари ўтган педагогларга нисбатан кўпгина янгиликлар киритди. Масалан, ўқув материални такрорлаш тўғрисида батафсил методика ишлаб чиқди.

Ушинский таълим йўналишида икки йўналиш борлигини қайд этди. Биринчи йўналиш болалар ўқитувчининг раҳбарлигида буюм ёки ҳодисани кузатадилар ва шу буюм ёки ҳодиса тўғрисида умумий тушунча ҳосил қиладилар. Иккинчи йўналишда олинган билимлар умумлаштирилади ва мустаҳкамланади.

Ушинский мактабнинг икки ходими: мураббий билан ўқитувчи ўртасида тарбия ва таълим (функциясини) жараёнини бўлиб қўйишга қарши норозилик билдирди. У таълимни тарбиянинг энг муҳим воситаси деб ҳисоблади.

Ушинский ўзининг педагогик тизимида **дарс ҳамда таълим методига** катта аҳамият берди.

Дарсда машғулотлар турлича бўлиши мумкин: янги билим бериш, ўқувчиларнинг машқлар бажариши, ўтилганларни такрорлаш, ўқувчиларнинг билимини ҳисобга олиш, ўқувчиларнинг ёзма ишларни бажаришлари. Ҳар бир дарс Маълум мақсадга қаратилган, тугалланган бўлиши ва етарли даражада

тарбиявий ҳарактерга эга бўлиши лозим, Ушинский машғулотларни алмаштириб ва методларни хилма хил қилиб туришни тавсия

Ушинский болаларда мустақил ишлаш қобилиятини ўстиришга эҳтибор бериб, ўқитувчи мактабга янги кирган болаларга дарсда мустақил ишлашнинг тўғри усуллари ўргатиши керак, болалар то мустақил ишлаш малакаларини мустаҳкам ўзлаштириб олмагунча, уларга уйга вазифалар бериш ярамайди, дейди.

Ушинский «Рус тилини дастлабки ўқитиш» (1864) сарлавҳали мақоласида бир қанча қимматли методик кўрсатмалар берди. Унинг фикрича, ўқитишнинг учта вазифаси бор: 1) боланинг нутқини ўстириш; 2) болаларни рус тилининг бойлигидан онгли суратда фойдаланишга ўргатиш ва 3) тилнинг мантиқини (грамматикасини) ўзлаштириш. Бу уч вазифа бир вақтда бирликда бажарилади.

Россияда ўқишга ўргатишда **товуш методини** жорий қилиш ва кенг тарқатишда Ушинскийнинг хизмати катта бўлди.

Ушинский ўқитувчиларнинг ролига юксак баҳо бериб, «педагогнинг ўқувчиларга таъсири шундай тарбиявий кучга эгадирки буни ҳеч қандай устав ва дастур билан, *йув* юртини ҳар қанча қулай ташкил этиш билан алмаштириб бўлмайди», деб ҳисоблар эди. У «... тарбия ишида мураббийнинг шахси энг асосий нарса»_г деб ёзган эди.

Ушинский педагогика ўқитувчилари ва ўрта мактаб ўқитувчилари тайёрлайдиган педагогика факултетлари тўғрисидаги фикрни олға сурди. У бундай деб ёзган эди: бизда медицина факултетлари бор —у педагогика факултетлари йўқ, экан, бу шуни кўрсатадики, биз ахлоқий ва тарбиявий соғлиғимизга қараганда танамиз соғлиғини кўпроқ кадрлар эканмиз. Унинг бу фикри сўнгги йилларда амалга ошди.

К.Д.Ушинскийнинг хизмати шундаки, у ўз ватанига, ўз халқига хизмат қилишни педагогик фаолиятининг асосий бурчи деб ҳисоблади. К.Д.Ушинский илмий амалий педагогик фаолиятининг асосий ғояси ва йўналиши ҳам юқоридаги меҳнатлари билан бевосита боғлиқдир. К.Д.Ушинский педагогиканинг ўзига хослигини, миллий хусусиятларини ҳимоя қилди, шунингдек, тарбия халқчил бўлиши лозим, деб ҳисоблади. К.Д.Ушинский меҳнатга инсон бахт —саодатининг асосий сифатида қаради, болаларни меҳнат орқали тарбиялашга катта эҳтибор берди. Ушинский таълимотининг мазмуни, тамойиллари, шакл ва методларини ишлаб чиқишда ҳам кўп ишлар қилди. у таълимни ва унинг кўрсатмалилигини, онгли ва узвий таълим -тарбия масалаларини ишлаб чиқди. Ўқитиш шакл ва методларининг ранг баранглигига эришишни талаб этди.

К.Д.Ушинский ўқитувчининг меҳнатлари ва унинг тарбияланувчи шахсга таъсирини юқори баҳолади. Ушинский ўқитувчилар тайёрлаш тизимини биринчи марта ишлаб чиқди. Ушинский бошқа халқларнинг ҳам педагогикаси ва халқ мактаблари тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

1895 йилда Ушинскийнинг вафотига 25 йил тўлиши муносабати билан бўлган йиғилишда, унинг ишини давом эттирувчилардан бири, Модзалевский айтиб ўтганидек, «Худди Лермонтов бизнинг халқ олимимиз, Суворов бизнинг халқ лашкарбошимиз, Пушкин бизнинг халқ; шоиримиз, Глинка бизнинг халқ композиторимиз бўлганидек, Ушинский ҳам бизнинг ҳақиқий халқ педагогимиздир» деганда ҳақ эди.

АДАБИЁТЛАР

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Тошкент 2003 йил
2. У.Маҳкамов, А.Зуннунов. Дидактика. Т.: «Шарў» 2007 йил
3. (проф. А. К. Минавваров таҳрири остида). Педагогика. Т.: «Ўқитувчи» 1996 й.
4. S.Nishonova. Pedagogika tarixi. O'quv qo'llanma. T.: 2007 y.
5. Ж.Хасанбоев, Х.Сарибоев, Г.Ниёзов ва бошқалар. Педагогика. Ўқув қўлланма. Т.: «Фан» 2006 й.

19-Мавзу: Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлардаги халқ таълими тизими ва педагогика фани.

РЕЖА:

1. Америка қўшма Штатларида таълим тизими
2. Японияда таълим тизими
3. Жанубий Кореяда таълим тизими
4. Францияда таълим тизими
5. Германияда таълим тизими

Америка қўшма Штатларида болалар 6 ёшдан 17 ёшгача 12 йил ўқийдилар. Таълим тизими қуйидагича ташкил этилган:

1. 3 ёшдан 5 ёшгача мактабгача тарбия муассасаларида.
2. Бошланғич мактаб. Бу босқич 1—5-синфларни ўз ичига олади.
3. Тўлиқ бўлмаган ўрта мактаб. Бу босқич 6—8-синфлардан иборат.
4. Юқори мактаб. Бу босқич 9—11-синфлар бўлади.

Мазкур юқори мактаб билан Олий таълимни аралаштирмаслик керак.

Америка мактабларида 9-синфгача асосий эҳтибор математикага эмас, балки табиий фанларга қаратилади, юқорида тасдиқланган ягона дастурлар бўлмайди. Ўқувчилар учун ягона, мажбурий дарсликлар, Қўлланмалар йўқ. Америка мактабларида техникавий жиҳатдан яхши жиҳозланган, синфлар компютерлаштирилган. Ҳар бир мактабда бошланғич синф ўқувчиларини ташийдиган махсус автобуслар, стадионлар, турли лабораториялар бор. Америка мактабларининг аксарияти давлат ихтиёрида бўлиб, давлат маблағи билан тахминланади. Лекин шахсий мактаблар ҳам анчагина. Катта шаҳарларда яшовчи ўзига тўқ ота-оналар фарзандларини шахсий мактабларга беришга ҳаракат қилишади. Давлат мактабларида текин, шахсий мактаблар эса пуллик ўқитилади. Вашингтон шаҳридаги шахсий мактабда болани ўқитиш учун бир йилга тахминан ўн минг доллар тўлаш керак. Бундай мактабларда бой оила фарзандлари таълим оладилар. Шахсий мактабларнинг ҳар бири ўзи хос хусусиятларга, махсус дастурларга, махсус ўқитувчиларга эга. Бундай мактабларда синфда ўқийдиган ўқувчилар сони кам бўлди. Шахсий мактабларда бошланғич синфлардан бошлаб эстетик тарбияга, санъатга алоҳида эҳтибор берилади.

Америка давлат мактабларининг юқори синфларидаги ўқиш-ўқитиш тизими бизникидан тубдан фарқ қилади. Юқори синфлардаги ҳар бир ўқувчига алоҳида ўқитувчи-мураббий бириктирилади. У шу ўқувчининг қобиляти, қизиқишларини синчиклаб ўрганиб, фақат шу ўқувчига мос алоҳида режа тузади,

унинг ўқишига раҳбарлик қилади. У ўрганиши лозим бўлган мажбурий фанлар рўйхатини тузиб чиқади. Масалан, 9-синф ўқувчиси бир фандан, дейлик, кимёдан кучли бўлса-ю, чет тилидан оқсаса, бу ўқувчига 9-синфда ўнинчи синф режаси бўйича кимёни ўрганишга рухсат этилади. У чет тилини 9-синф ҳажмида ёки енгиллаштирилган режа бўйича ўрганиши мумкин. Кимёдан ёки математика, биология, физика ва бошқа табиий фанлардан мактаб режасини муддатидан олдин тугатган, барча контрол ишларини топширган ўқувчига мактабда ўқиб юрган вақтидаёқ шу фанлар бўйича ўзи кирмоқчи бўлган коллежнинг биринчи курси имтиҳонларини ҳам топширишига имконият яратилади.

Американинг Юқори мактабларида шундай ўқитувчилар борки, улар коллежларнинг биринчи курсларида ўқитиладиган Маълум фанлардан дарс беришлари ҳамда имтиҳон олишлари шарт. Америка мактабларида битириш имтиҳонлари йўқ. Олий ўқув юртларига кириш учун биздагидек кириш имтиҳонлари олинмайди. Бироқ ҳар бир абитуриент олий ўқув юртига кириш учун математика ва инглиз тилидан синов (тест) топширади. Бундай тестлар Америкада ҳар йили 3—4 марта ўтказилади. Синов саволлари китоб шаклида ҳар йили чоп этилади. Уларда мингга яқин машқлар, масалалар ва уларнинг ечимлари кўрсатилади. Синфларда қандай саволлар бўлиши бизга ўхшаб сир тутилмайди, балки очиқ-ойдин «математика ва инглиз тилидан бу йил мана шу саволларга жавоб бериш лозим» деб кўрсатилади. Ўқувчилар бу китобни олиб, кириш синовларига тайёрланади.

Америкада талабалар математика ва инглиз тилидан кириш синовларини 10-12 синфларда кўиб юрган вақтларида, ўзларига қулай пайтда топшира оладилар.

Америка олий ўқув юртларига кириш учун белгиланган синов (тест)лар икки хил бўлади:

SAT (Схоластик аптитюд тест);

AKT (Американ коллеж тест) синовлари.

SAT синовлари мураккаброқ бўлади. Машҳур университетларга кириш учун SAT синовларини топшириш шарт бўлади.

Булардан ташқари мураккаблаштирилган синов ҳам бор. Бу синовни олий мактабларга кираётган барча талабалар ҳам топширишлари шарт эмас. Мабодо бирор талаба шу мураккаблаштирилган синовларни топшириб университетга кирса, у талабага махсус стипендия берилади. Американинг энг катта бойлиги бу ақл. Ақл бу мамлакатда кадрланади, ақлли талабалар алоҳида тақдирланади. Ақлли, аҳлочи талабалар ўқув юртларининг фахри саналгани сабабли ҳам, уларга турли йўллар билан ёрдам бериш, стипендиялар тайинлаш орқали уларни ўқув юртларида сақлашга ҳаракат қиладилар. Ўзи танлаган қда ютуқларга эришаётган талабалар рўйхати ҳар йили алоҳида китобда нашр этилиб турилади. Бундан мақсад мазкур қ билан қизиқувчи компанияларнинг эҳтиборини бўлажак олимларга қаратишдир.

Юқорида санаб ўтилган синовларнинг натижалари ва юқори синфларда барча фанлардан олган баҳоларининг ўртача миқдори талабани университетга қабул қилиш ёки қилмаслик учун асос ҳисобланади. Америка коллежлари икки йиллик ва тўрт йиллик бўлади. Икки йиллик коллежларни битирган талаба олий таълим поғонасидаги энг бирламчи даражага эга бўлади. Тўрт йиллик коллежларни тугатган талабалар бакалавр даражасини олиб, олий Маълумотнинг

биринчи поғонасига эришадилар. Тўрт йиллик коллежлар бизнинг тўрт йиллик институт ва айрим университетларга мос келади. Америка университетлари таркибига икки ва тўрт йиллик коллежлар, илмий-тадқиқот марказлари ҳамда иккинчи босқич олий Маълумот берувчи ўқув юртлари киради.

Иккинчи босқич олий Маълумот берувчи ўқув юртлари бизнинг аспирантурага тўғри келади. Бу ўқув юртига кириш учун икки фандан имтиҳон топширилиши шарт. Ўқишни муваффақиятли битирган талаба магистрлик даражасини олади. Магистрлик илмий даражасини олган талаба докторантурага кириши мумкин. Америкада докторантурага кириш учун фақат мутахассисликдан жиддий имтиҳон топширилади. Имтиҳон комиссияси таркибида талабанинг бўлажак илмий раҳбари ҳам иштирок этади. Ўқишни муваффақиятли битириб, диссертация ёқлаган талаба докторлик илмий даражасини олади. Ижтимоий фанлардан докторлик диссертацияси ёқлаган талабаларнинг ҳаммасига «фалсафа доктори» илмий унвони берилади. АҚШ мактаблари олий мактабгача мана шундай босқичларга эга.

Японияда таълим тизими

Япония таълимининг шаклланиши 1867—1868 йилларда бошланган. Япония ўз олдида икки вазифани: 1—бойиш, 2-Ғарб технологиясини Япония ишлаб чиқаришига киритиш масаласини қўяди ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи галда таълим тизимини тубдан ўзгартириш кераклиги айтилади.

1872 йили «Таълим ҳақида қонун» Қабул Қилинди. Бунда япон таълими Ғарб таълими билан уйғунлаштирилади. 1908 йил Японияда бошланғич таълим мажбурий 6 йилликка айлантирилди. 1893 йили касб йўналишидаги дастлабки коллеж пайдо бўлди.

1946 йили қабул қилинган Конституция фуқароларнинг таълим қсидаги ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берди. Унда барча болалар бепул умумий таълим олишлари шарт эканлиги белгилаб қўйилган. Ҳозирги замон япон таълим тизимларининг таркиби қуйидагича: боғчалар, бошланғич мактаб, кичик ўрта мактаб, юқори ўрта мактаб, олий таълим тизимларига кирувчи ўқув юртлари. Болалар ёш хусусиятларига қараб 3, 2, 1 йиллик таълим курсларига жалб қилинади. Японияда мактабгача таълим муассасаларининг 59,9% хусусий, 40,8% муниципал, 0,3% давлатникидир.

Мажбурий таълим. Таълимнинг поғонаси 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларни ўз ичига олади. 6 йиллик бошланғич таълим ва 3 йиллик кичик ўрта мактаб, 9 йиллик мажбурий таълимни ташкил этади ва у бепулдир, текин дарсликлар билан таҳминланган. Мухтож оилаларнинг болалари бепул нонушта, ўқув қуроллари, тиббий хизмат билан таҳминланади. Зарур бўлган тақдирда уларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатилади. Шу қаторда хусусий мактаблар ҳам мавжуд.

Юқори босқич ўрта мактаб 10, 11, 12 синфларни ўз ичига олади, бундай мактабларнинг кундузги, сиртқи ва кечки бўлимлари мавжуд. Ўқувчиларнинг 95% кундузги мактабларда ўқийдилар.

Японияда ўқув йили 240 кун (АҚШ 180). Ўқув йили 1 апрелдан бошланиб мартда тугайди. Ёзги каникул июн ойининг охирида бошланиб, августда тугайди. Дарслар 7 соатдан ўтилади.

Дорилфунунларга катта ўрта мактабни ёки 12 йиллик оддий мактабни тугатган ўқувчилар қабул қилинади. У ерда 460 та университет бўлиб, 95 таси давлат тасарруфида, 34 таси муниципал, 331 таси хусусий, 1-тоифадаги университетларда ҳар бир ўқитувчига 8 нафар, 2-тоифали университетларда эса 20 тадан талаба тўғри келади. Университетларга қабул қилиш икки босқичга бўлинади: 1-босқичи турар жойда ўтказилади: бунинг учун япон, эски япон тили, математика, физика, химия, жамиятшунослик, тарих бўйича тест синовларидан ўтадилар.

Бу синовлардан ўтган ўқувчилар университетларга йўлланма оладилар ва яна синовдан ўтадилар. Хусусий университетларга эса тўғридан-тўғри тест топширилади. Бир қатор хусусий университетлар ўзининг узлуксиз шахобчасига эса (боғчадан бошлаб ҳамма босқичларни қамраб олади). Университетдан талабаларни ҳайдаб юбориш мумкин эмас. Лекин ўқиш муддатини чўзиш мумкин (4 йиллик ўқиш 5-6 йилгача чўзилиб кетиши мумкин).

Коллежлар:

1-кичик коллеж;

2-техник коллеж

3-махсус коллежларга бўлинади.

Уни битирган талабалар бакалавр дипломини олади ва университетнинг 3 ёки 4 курсларига қабул қилинади.

Жанубий Кореяда таълим тизими

Жанубий Кореяда таълим ҳақидаги қонун 1948 йилда қабул қилинган. Таълим тизимига асос қилиб анҳанавий ғарб модели олинган: 6 йил Қуйи мактаб, 3 йил ўрта, яна 3 йил олий мактаб; сўнгра тўрт йиллик коллеж ва бакалавр унвони берилади; танланган фан яна 2 йил чуқур ўрганилгандан сўнг магистр унвонини олиш мумкин. Фан доктори бўлиш учун яна 3 йил вақт сарфлаш лозим.

Мамлакатда олий ўқув юртларининг ишлари яхши йўлга қўйилган. Кореяда 104 та олий ўқув юрти бор, уларнинг 80 фоизи хусусийдир. Ҳозир мамлакатда олий ўқув юртларида ўқишга қизиқиш жуда кучайиб кетган. Ҳар йили мактабларни битирувчиларнинг 40 фоизи ўқишга киради. Талабалар сони бўйича Корея дунёда биринчи ўринда туради. Лекин мактабгача таълим муассасалари ишида муаммолар бор. Талаб эҳтиёжни қондира олмаяпти. Шунинг учун 1982 йилда мактабгача тарбия ҳақида Қонун қабул қилинди. Бу ерда тарбияга болалар боғчасида асос солинишини яхши тушунишади. Шу туфайли бу тармоқ кейинги йилларда 60 фоизга кенгайди. Бунда диний ташкилотларнинг ҳиссаси каттадир. Бошланғич мактаб масаласига келганда (бу мактабга олти ёшлилар келишади) синфларнинг тиғизлигини кузатиш мумкин. Ҳар синфда 50 нафаргача бола ўқийди. Дарс нагрузкалари ҳам кўпроқ. Лекин ўйинлар дам олиш ўқув дастурига киритилган. Шунинг учун дам олишга имконият бор.

Бошланғич мактабда дарс 40 минут давом этади. Ўрта мактабда эса дарслар 45 минут.

Олий мактабда дарснинг давомийлиги 50 минутга тенг. Бу ерда икки муҳим жиҳатга тўхталиб ўтиш зарур. Олий мактабга, албатта, кириш имтиҳонлари топшириб кирилади, ўқишлар пуллик.

Бошланғич мактабда 9 та фан ўқитилади. Корейс тилини ўрганишга алоҳида эҳтибор берилади. Бундан ташқари арифметика, айрим ижтимоий фанлар ҳам ўқитилади.

Ўрта мактабда фанлар яна 4 тага кўпайтирилган. 7-синфдан бошлаб чет тиллар ўргатилади. Мамлакатда инглиз тилига эҳтибор кучли. Кўпчилик бу тилда бемалол гаплаша олади. Чет тилларни ўқитишга ҳафтасига 4—5 соат ажратилган. Корейслар яна бир тилни классик хитой тилини мажбурий равишда ўрганадилар. 8-синфдан бошлаб Хитой тарихи ўрганилади.

Хунар мактаблари Кореяда 600 тани ташкил этади. Бу мактабларнинг 45 фоизи бўлажак мулкдорларни тайёрлайди, 23 фоизида техник касб эгалари етишиб чиқади. қолган мактабларда денгизчилик, қишлоқ хўжалик ихтисослари ўзлаштирилади.

Шуниси диққатга сазоворки, бу мактабларга корхоналар оталик қиладилар. Таълим ҳақидаги қонун талабларидан бири шудир.

Кореяда ҳам алоҳида иқтидорли болаларга эҳтибор кучли. Сўнгги йилларда 5 та спорт, 6 та илмий мактаб очилган. Жисмоний тарбиянинг ривожланишига Сеул олимпиадаси катта таъсир кўрсатган.

Кореяда ногиронларга кўрсатилаётган ғамхўрликни ҳар қадамда кузатиш мумкин. Айтайлик, бу ерда аравачалар ёрдамида ҳаракатланувчилар учун ер ости лифтлари мавжуд, махсус жиҳозланган паст қилиб қурилган телефон-автоматлардан ногиронлар бемалол фойдаланадилар, ривожланишдан орқада қолган болалар учун махсус мактаблар мавжуд. Бу мактабларнинг аксарияти хусусий ёки диний ташкилотларнинг хайрия маблағлари ҳисобига қурилган. Давлат мактабларида дин ўқитилмайди. Лекин 3-синфдан бошлаб «Одобнома» каби махсус фан жорий этилади. Бу фан 12-синфгача ўқитилиб, ҳафтасига 2 соат вақт ажратилган.

Бу фан ўз ичига динни ҳам қабул қилади. У қотиб қолган бир нарса сифатида эмас, қадрият сифатида ўқитилади. Бу бутун тарбия тизими натижасидир. Эҳромларга бориш, тарихий ёдгорликлар билан танишиш, маънавий тарихни ўрганиш мактаб фанининг мажбурий давоми ҳисобланади.

Мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам катта эҳтибор берилади. Кореядаги барча талабаларнинг 6,5 фоизи бўлажак педагоглардир. Мамлакатда 11 та ўқитувчилар коллежлари мавжуд. Ҳар бир провинция ўз коллежига эга. Бошланғич синфлар ўқитувчиси бўлиш учун 2 йил ўқиш керак. Фан ўқитувчиси бирмунча кўпроқ ўқийди.

Кореяда ўқитувчининг иш ҳақи 700 долларга тенг. Агар бунга педагогика олий ўқув юртларига ўқишга киришдаги юқори танловни ҳам қўшадиган бўлсак, бу мамлакатда ўқитувчи касбининг эҳозланиши сабаблари аёндир.

Жанубий Кореяда таълимнинг обрўси нақадар катталагини қуйидаги мисолдан ҳам кўрсак бўлади:

Солиқлар тизимида таълимий солиқ жорий қилинган: ишлаб чиқарувчилар фойданинг Маълум фоизини маорифга юборадилар. Давлат бюджетининг 24 фоизи таълимга сарфланади. Мамлакат президенти (у халқ таълими Давлат кенгашини бошқаради) шахсан провинциялар таълим бошқармалари (биздаги халқ таълими бошқармалари каби) бошлиқларини тайинлайди. Бу ҳам ушбу мамлакатда маорифга қанчалар зўр аҳамият берилишини кўрсатиб турибди.

Францияда таълим тизими

Франция таълим тизими ҳам қадимий ва бой тарихга эга. Бу мамлакатда «Таълим ҳақида»ги қонун дастлаб 1955 йилда қабул қилиниб, 1975 йилда унга қатор ўзгартиришлар киритилган.

Франция давлатининг ҳозирги даврда амал қилинаётган «Таълим ҳақида»ги қонуни 1989 йил 10 июлда қабул қилинган бўлиб, унинг ўзгартирилишига таълим стратегиясида рўй берган ўзгаришлар, мамлакатнинг ички, ташқи сиёсатдаги ислохатлар, юзага келган иқтисодий шароитлар, чет эл педагогикасидаги илғор тажрибаларнинг мамлакат таълим тизимларига кириб келиши, ўқув предметларининг интеграциялари ва бошқалар сабаб бўлди.

Францияда таълимнинг асосий мақсади шахснинг ҳар томонлама камол топишини тахминлаш, уни мустақил фаолиятга тайёрлаш, бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларни тадбиркорликка, ишбилармонлик ва омилкорликка ўргатиш, шунга яраша касб-корга эга Қилишдан иборатдир. Бу ерда:

1. Давлат мактаблари;
2. Хусусий мактаблар;
3. Оралиқ мактаблари мавжуд.

Ўқитиладиган предметлар ичида француз тили ва адабиёти, ўқиш ва ёзув алоҳида аҳамиятга молик бўлиб ҳисобланади. Улар учун дарс вақтининг 30% ажратилади. Ўртача ҳафталик соатлар 26 соатдан иборат, дарснинг давомийлиги эса 60 минут. Ўқув йили 5 чоракка бўлинади. Француз мактаблари бошланғич синфларида ўқиш эрталабки ва тушдан кейинги қисмларга бўлинади. Эрталаб ўқувчилар она тилидан, тушдан кейин эса математика ва бошқа предметлардан сабоқ оладилар. Математика, она тили ва адабиёти база предмети, тарих, география, меҳнат, жисмоний тарбия предметлари эса ривожлантирувчи предметлар ҳисобланади.

Франция таълимида болаларнинг гўдаклик чоғиданоқ мактабда ўқитиш учун тайёр ҳолда олиб келиш ғоят муҳим масала ҳисобланади. Бу босқичда тарбияланувчилар қуйидагича табақалаштирилган: кичик гуруҳ (2-4 ёш), ўрта гуруҳ (4-5 ёш), катта гуруҳ (5-6 ёш). Мактабга тайёрлов гуруҳи (5-6 ёш) бўлиб, уларга Францияда 100% шу ёшдаги болалар камраб олинган. Болаларни мактабга тайёрлаш учун алоҳида дастур ва дарсликлар мавжуд.

Францияда бошланғич таълим мактабларига 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар жалб қилинадилар. Бошланғич мактаб бепул ва мажбурий. Унинг вазифаси ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш малакасини беришдир. Ўқув машғулоти эрталаб соат 9 дан 12 гача, ҳамда соат 14 дан 16 гача 5 соат давом этади. Мактабда овқатланиш пуллик, лекин жуда арзонлаштирилган нархларда. Бошланғич синфларда ўқиш уч босқичда амалга оширилади:

1. Тайёрлов босқичи;
2. Элементар курс (бу босқич икки йил давом этади);
3. Чуқурлаштирилган босқич.

Дастурларда ўқув предметларнинг барчасига уч босқич бўйича аниқ, алоҳида-алоҳида талаблар қўйилади.

1990 йилдаги ҳукумат қарорида болаларни билимига, қобилиятига қараб дарс жадвалини табақалаштирган ҳолда тузиш ҳукуқи берилди.

Ўқувчилар 11 ёшда бошланғич мактабни тугаллаб ўрта мактабга ўтадилар. Ўрта таълим эса коллежлар ва лицейларда амалга оширилади. Ўрта таълим икки босқичда берилади. Биринчи босқич (11 ёшдан 15 ёшгача) 4 йил

бўлиб, энг кичик синф 6-синф, 5-4 ўрта синф, 3-синф эса катта синф ҳисобланади. Демак синфларни рақамлаш юқоридан пастга қараб амалга оширилади. 6-5 синфлар умумий ўрта таълим, 4-3 синфлар эса ўқувчиларнинг мойиллигига қараб берилади. Бу биринчи босқични тугатгач, ўқувчилар касбий йўналишлари бўйича гувоҳнома оладилар. Сўнгра иккинчи босқич бошланади. Бу босқичда 15-18 ёшгача бўлган болалар таълим оладилар. Улар уч йил ўқиб бакалавр унвони ва дипломи учун имтиҳон топширадилар. Ана шунда диплом олган ўқувчиларгина олий ўқув юртларга қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўладилар. Францияда талабалар педагогика, политехника институти, олий маҳмурий мактабларга кириш учунгина имтиҳон топширадилар. Бундан ташқари шу касбга мойиллиги ҳам алоҳида синаб кўрилади. Бошқа олийгоҳларга ва университетларга эса бакалавр дипломи бўлган ёшлар имтиҳонсиз қабул қилинаверади.

Олий таълим университетларда уч туркумда амалга оширилади.

Биринчи туркум: умумий бўлиб, ўқиш муддати икки йил давом этади.

Иккинчи туркум: ўқиш бир йил давом этади. Талабалар уни магистр даражаси билан якунлайди.

Учинчи туркум: ўқиш 1—2 йил давом этади. Бу циклда:

- бирон бир предметни чуқурлаштириб ўрганилганлиги ҳақида диплом 1 йил;
- ихтисослаштирилган олий Маълумот тўғрисида диплом 1-йил;
- учинчи туркум докторлик диссертацияси 1—2 йил;
- давлат докторлик диссертацияси бирон-бир кни мукаммал ўрганиб диссертация ёзиш каби ҳужжатлар олиш мумкин.

Францияда олий Маълумот ва ихтисос берувчи олий технологик институтлар мингдан ортиқ. Улар одатда саноат, маиший хизмат кўрсатиш, информатика мутахассисликларига ихтисослашган. Ўқиш муддати 2 йил бўлиб, саккиз ҳафталик ишлаб чиқариш амалиётини ҳам кўзда тутаяди.

Сиртқи таълим шохобчалари жуда кенг бўлиб, у 500 турдаги ўрта, олий профессионал Маълумот беришни тавсия эта олади.

Францияда мактаб раҳбарлиги лавозимига эришмоқ учун таълимга раҳбарлик қилишдан сабоқ берувчи махсус марказларда ўқийдилар. Бундай марказларда улар раҳбарлик қилиш, мактаб иқтисодиётини бошқариш, таълимдаги юридик масалалар, қонунчилик, ота-оналар билан ишлаш, маданий оқартув ишларини ташкил этиш, жамоада яхши психологик муҳитни барпо этиш каби жиҳатларни ўрганади. Ўқишни якунлагач, суҳбатдан, тест имтиҳонларидан ўтадилар. Директор дарс бермайди. Унинг иш фаолиятини икки йил давомида диққат билан кузатиб борилади. Шу икки йил давомида мактаб директори талантили ташкилотчи, етук раҳбар сифатида фаолият кўрсата олмаса, у бу лавозимидан олиб ташланади. Мактаб ўқувчиларига қўйилган талаб Францияда ўта юқори. Айниқса, бошланғич мактабларда ўқитувчи ўз касбини устаси, ажойиб нотик, санъаткор, мусиқачи, спортчи, ташкилотчи, намунали хулқ-атвор эгаси бўлмоғи лозим.

Ўқитувчилар ўз назарий услубий малакаларини оширишга аҳамият берадилар. Малака ошириш курсларидан ўтиш учун аниқ муддат белгилаб қўйилмаган. Ўқитувчилар ўз ихтиёрлари билан тест марказларида имтиҳон топширадилар.

Шу имтиҳонлар даврида ўқитувчи фаолиятида айрим нуқсонлар сезилиб, малака оширишга эҳтиёж аниқланса, ўз вақти ва маблағлари ҳисобига малака оширилади.

2000 йилда Франция мактабларидаги аҳвол синчиклаб ўрганилиб, ўқувчиларнинг кўпчилик дарсларга кирмай бошқа ишлар билан машғул бўлиб юриши аниқлангач, бу камчиликни тузатиш учун жиддий чоралар кўрилмоқда. Полицияни бу ишга жалб этиб, дарс вақтида бошқа жойларда юрган болаларни тутиш, уларга жарима солиш ва мактабга элиб кўйиш юклатилади. Ўз фарзандларини мактабга юбормоган ота-оналарни эса суд ҳукми билан жазоланади. Унда ҳатто қмоқ жазоси ҳам елгилаб ўйилган. Чунки айнан дарсга Қатнашмай юрган болалар ўртасида наркомания ва ҳуқуқбузарлик каби ҳолатлар кўп учрайди. Умуман Францияда таълим тизимини ривожлантириш учун бу йил жуда катта маблағ ажратилган.

Германияда таълим тизим

Мактабгача тарбия тизими Германия таълим тизимида ҳам муҳим босқич ҳисобланади. Унинг 100 йилдан ортиқ тарихи бор. Болалар боғчалари таълимнинг Қуйи босқичи ҳисоблансада, лекин у давлат тизими таркибига кирмайди. Боғчаларни маблағ билан тахминлаш турли жамоат ташкилотлари, хайрия бирлашмалари, корхоналар, хусусий шахслар, диний муассасалар зиммасидадир. Ота-оналар болалар боғчаларига ўз фарзандларини тарбиялаётганликлари учун анча миқдорда пул тўлайдилар. 3 ёшдан 6 ёшгача болаларнинг 80% боғчаларга Қатнайди. Германияда одатда болалар боғчада тушгача тарбияланадилар. Куннинг ярмида эса уйда, оилада бўладилар. Германияда куни узайтирилган боғчалар ҳам бор. Мажбурий таълим 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга тегишли, яъни бу жараён 12 йил давом этади. Бундан 9 йиллик (баўзи жойларда 10 йил) мактабда тўла ҳафталик ўқишда ўқийди. Ўқиш давлат мактабларида текин. Хусусий мактаблар озроқ. Ўқиш 6 ёшдан бошланиб, 4 йил давом этади (фақат Берлинда 6 йил). Бошланғич мактабдан сўнг ўқувчилар йўналиш босқичидаги мактабга ўтадилар. Бу ерда 5-6 синф босқичидаги йўналиш мактабларда махсус дастур асосида ўқийдилар. Кейин навбатдаги мактаб типига кўчадилар: булар асосий, махсус мактаб, реал билим юртлири. Деярли 30% бола асосий мактабга ўтади. 9 ёки 10 йиллик ўқиш тугатилгандан кейин касбий тайёргарликка ўтилади. Махсус мактабларда нуқсонга эга бўлган болалар ўқийди. Реал билим юртлири асосий мактаб ва юқори босқич мактаби ўртасида туради. қоидага кўра бу ерда ўқиш 6 йил давом этади (5-10 синфгача) ва тўла ўрта Маълумот бериш билан тугалланади. Билим юртини тугатганлар ўрта махсус ўқув юртига ёки юқори босқичдаги ҳунар-техника мактабига кириб ўқиш ҳуқуқига эга бўлади. Германияда гимназиялар ҳам мавжуд. Улар 5-13 синфларни ўз ичига олади. 11-13 синфлар олий ўқув юртлирига тайёрлаш вазифасини ҳам бажаради. Гимназияни битирганлик ҳақидаги етуклик аттестати олий ўқув юртида ўқиш имконини беради. Германия таълим тизимида ҳунар таълими муҳим аҳамиятга эга, чунки юқори малакали ишчиларга бўлган талаб кучлидир. Тўлиқсиз ўрта мактабни битирувчиларнинг эса 20% ҳунар таълими тизимида билим олишни давом эттирадилар. Аксарият ҳолларда ўқиш муддати 3—3,5 йилни ташкил этади. Ўқиш уч босқичдан иборат бўлиб, биринчи йили асосий ҳунар таълими берилади. Бунга ўқитилаётган касбга тааллуқли махсус фанлардан назарий асослар берилиб, йирик корхоналарда амалий машғулотлар ўтказилади.

Иккинчи йил давомида махсус хунар таълими берилади. Ўқувчининг биринчи йилда иккинчи йилга ўтиши синов имтиҳонлари ўтказилиб ўқишни давом эттирувчи ёшлар танлаб олинади. Учинчи йил давомида махсус хунар таълими янада чуқурлаштирилиб борилади.. Битирув имтиҳонлари махсус комиссия томонидан қабул қилинади. Комиссия аҳзолари корхоналарнинг етакчи мутахассислари, федерал ерлардаги саноат палатаси, хунармандчилик палатаси вакилларида ташкил топади. Хунар мактабларининг дипломлари олий ўқув юртларига кириш учун ҳукуқ бермайди. Бунинг учун 1 йиллик тайёрлов курсларини тугатиш талаб этилади. Ўқишга қабул қилиш имтиҳонсиз мактаб таълими тўғрисидаги ҳужжатга асосан оширилади.

Олий мактаб ўз-ўзини бошқариш ҳукуқига эга. Олий ўқув юртини штатдаги ректор ёки бир неча йилга сайланган Президент бошқаради. Ўз-ўзини бошқаришда вазифалари аниқ тақсимлаб берилган бир неча гуруҳлар босқичма-босқич иштироки принципига амал қилинади. Унинг таркибига профессор-ўқитувчилар, ўқувчилар, илмий ходимлар ва бошқа ходимлар киради. Талабалар ўқиши эркин ташкил этилган. Кўп сонли ўқув босқичлари билан бирга ўқув режалари таклиф этилади. ўқишга ҳақ тўланмайди. Агар талаба ёки уларнинг ота-оналари озик-овқат ҳаражатларини кўтара олмаса ўқиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги федерал Қонунга кўра улар молия ёрдамида оладилар. Бу ёрдамнинг ярми стипендияга Кўшиб берилса, иккинчи ярими Қарз тариқасида берилади.

Мамлакатда таълимнинг ислоҳ қилиш масаласи кўпдан буён муҳокама Қилинмоқда, бунда ўқув жараёнини ҚисҚартириш таклиф қилинмоқда. Ҳозир университетларда талабалар 7 йил ўқийди. Улар ўқишга кирганларига қадар корхоналарда бир неча йил ишлашлари ёки бундесверда хизмат қилишни ҳисобга олсак, талабалар ҳақиқий меҳнат фаолиятларини анча кеч бошлаётганлигини тушунамиз.

Германияда Халқ университетлари мавжуд бўлиб, улар партия ва диндан ташқари муассаса. Уларнинг кўпчилиги кечки бўлиб, фақат 1989 йилда университетларда 400000 курслар ташкил этилган ва бу курсларда, 5,5 млн. тингловчи малака оширган. Давлат малака оширганларни рағбатлантиради ва бу учун ҳар йили 5,5 млн. марка маблағ ажратади. Малака ошириш курсларида ўқиш даврида тингловчиларга маблағ билан молиявий ёрдам берадилар. Асосан ишсизлар ўз малакасини ошириш имкониятларидан кўпроқ фойдаланадилар ва бу билан иш топишлари тезлашади. Ярим йил давомида малака оширган ишчиларнинг 75% иш билан тахминланади. Черковлар ҳам фуқароларнинг билим даражаларини оширишда фаол иштирок этади. Евангелг черкови ўзининг 15 академиясида долзарб мавзулар бўйича конференциялар ташкил этади.

Католиклар малака оширишда никоҳ, оила масалаларига, теология ва маданият қларига катта аҳамият берадилар.Олий ўқув юртларида тадқиқот билан шуғулланиш уларнинг Қадимий анҳаналаридан бири. Ўтган аср бошларида Вилгелм фон Гумбольт прусс университетларини ислоҳ қилди, ўшандан бери «Тадқиқот ва ўқтиш бирлиги» уларнинг ҳаётий принципларига айланиб қолган. Олий ўқув юртлари тадқиқотларининг асосий йўналиши-фундаментал амалий тадқиқот бўлиб, уларга бошқа илмий-текшириш институтлари, саноат лабораториялари яқиндан ёрдам беради. Германия таълими ўзига хос йўналишга,

жуда мураккаб тизимга эга. Шу билан бир қаторда ҳозирда Германияда таълим тизимини ислоҳ этиш йўлида янги изланишлар олиб борилмоқда.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ривожланган хорижий давлатларда таълим йўналишлари Қандай белгиланган?
2. АҚШда таълим тизими Қандай ташкил этилган?
3. Япония таълим тизими ҳақида гапириб беринг.
4. Жанубий Кореяда таълим тизими Қандай ташкил этилган?
5. Франциядаги таълим тизимини сўзлаб беринг.
6. Германия таълим тизими Қандай ташкил этилган?
7. Ўзбекистонда хорижий мамлакатлар тажрибасидан Қандай фойдаланиш мумкин?

АДАБИЁТЛАР

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Тошкент 2003 йил
2. У.Маҳкамов, А.Зуннунов. Дидактика. Т.: «Шарў» 2007 йил
3. (проф. А. К. Минавваров таҳрири остида). Педагогика. Т.: «Ўқитувчи» 1996 й.
4. Хасанбоев Ж, Мавлонова О. Педагогика. Ўқув қўлланма. Т.: 2007 й
5. S.Nishonova. Pedagogika tarixi. O'quv qo'llanma. T.: 2007 y.
6. Ж.Хасанбоев, Х.Сарибоев, Г.Ниёзов ва бошқалар. Педагогика. Ўқув қўлланма. Т.: «Фан» 2006 й.
7. Ж.Йўлдошев. Хорижда таълим. Т.: 2000

20-Мавзу: Дидактика – таълим назарияси сифатида.

РЕЖА:

1. Дидактика таълим назарияси эканлиги, унинг тушунчалари.
2. Педагогик жараёнда дидактика муаммолари.
3. Дидактикада билиш назариясининг ривожланиши.

Дидактика ҳақида тушунча. Дидактиканинг предмети ва вазифалари. Дидактиканинг ташкил топиши ва ривожланиши. Инсоннинг фаолиятида ўқитиш ҳар доим жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Таълим тасодифий, интуитив хусусиятга эга бўлганда ҳам ва асосан тасодифан ахборотларни бериш ҳамда тақлид қилишдан иборат бўлганда ҳам шундай бўлган; кейинчалик ҳам, таълим мақсадга мувофиқ мунтазам ва режалаштирилган жараёнга айланганда, мактаб пайдо бўлганида ҳам шундай бўлган. Бироқ узоқ вақт давомида таълимни назарий таҳлил қилиш ва ўрганиш ишлари олиб борилмади, шунинг учун ўз назариясига эга бўлмади. Фақатгина XVII аср бу кда муҳим ўзгаришлар олиб келди: айнан ўша пайтда таълим алоҳида ном олди ва тарихда биринчи дидактик фаолиятнинг илмий асосланган тизимига асос солинди.

Дидактика (таълим назарияси): юнонча «didaktikos» “ўргатувчи”, «didasko» эса – “ўрганувчи” маъносини билдиради) таълимнинг назарий жиҳатлари (таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти

мазмуни, таълим мақсади, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва ҳоказо муаммолар)ни ўрганувчи фан.

Бу сўз 1613 йили Германияда немис педагоги Волфганг Ратке (1571-1635 йиллар) томонидан киритилди.

Бу тушунчани шунга ўхшаш усулда буюк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670 йиллар) “Буюк дидактика” номли машҳур асарида тилга олади. Лекин Коменский “дидактика бу фақат таълимгина эмас, балки тарбиялаш ҳам”, деб таъкидлайди. Мазкур асарда олим таълим назариясининг муҳим масалалари: таълим мазмуни, таълимнинг кўргазмалилиги, кетма-кетлиги каби тамойиллари, синф-дарс тизими борасида сўз юритади.

Дидактиканинг предмети, функциялари ва вазифаси. Педагогика фани таълим ва тарбия жараёнини уларнинг яхлитлиги ва бирлиги асосида ўрганади. Икки фаолиятнинг ҳар бирининг моҳиятини аниқ баён этиш учун дидактика (таълим назарияси) ва тарбия назариясини ажратиб кўрсатадилар.

Ҳозирги даврда дидактика ўқитишнинг мазмуни, методлари ва ташкилий шакллари илмий асослаб берувчи педагогика қси сифатида тушунилади.

Умумий дидактикадан ташқари хусусий дидактикалар ёки алоҳида фанлар бўйича таълим методикаси деб аталувчи дидактикалар ҳам мавжуд.

Уларнинг мазмуни таълимнинг Маълум босқичларида у ёки бу фанларни ўрганиш ва таълим беришнинг назарий асосларини белгилайди. Ҳар бир ўқитувчи дидактика асосларини пухта билиши ва уларга таянган ҳолда фаолиятни ташкил этиши зарур.

Дидактика предметини аниқлаш бўйича турли қарашлар илгари сурилган. қарашларнинг турлича бўлиши дидактиканинг методологик категорияларини аниқ ажратилмаганлиги билан боғлиқ.

Кўпчилик олимлар таълим объект деб ўқитиш жараёнининг мақсади, мазмуни, қонуниятлари, методлари ва тамойилларини кўрсатадилар.

Дидактика таълимни ижтимоий тажрибани бериш воситаси сифатида эҳтироф этади. Таълим ёрдамида ёшларни ҳаётга тайёрлаш амалга оширилади. Таълимий фаолиятини ташкил этишда ўқитувчи - ўқувчи, ўқувчи – ўқув материали, ўқувчи - бошқа ўқувчилар ўртасидаги муносабатлар юзага келади.

Педагогик адабиётларда улардан қайси бири дидактика учун асосий ҳисобланиши кераклиги борасида ҳам турли фикрлар келтирилади ҳамда ўқувчининг ўқув материалига бўлган муносабати, яҳни, билимларни ўрганиш муносабатини асосий деб эҳтироф этувчи қарашлар сони нисбатан кўп.

Дарҳақиқат, ўқиш, ўрганиши таълим жараёнининг ажралмас хусусиятидир. Таълимга психология нуқтаи назаридан ёндашилса, ушбу муносабатнинг устуворлигига шубҳа қолмайди. Бироқ, таълимга педагогик, яҳни, ижтимоий тажрибани бериш, ўргатиш нуқтаи назаридан қаралса фаолият учун асосий саналувчи муносабат – икки шахс (ўқувчи ва ўқитувчи) ўртасидаги муносабатлар етакчи ўрин эгаллаши лозим эканлиги англанади.

Дидактика предметини моҳиятини очишга хизмат қилувчи яна бир қараш таълим-тарбия жараёнини яхлит ўрганиш зарурлигини илгари суради. Таълимнинг тарбиявий вазифалари ўқувчининг билимни ўзлаштиришларини таҳминлабгина қолмай, шахс хусусияти, унинг ривожланиши, Маълум маънавий-ахлоқий сифатларни ўзлаштириши, феҳл-атвори, хулқини тарбиялаш учун зарур шарт-шароитни яратишдан иборат.

Дидактикага таълимнинг мазмунли ва жараёнли жиҳатларини биргаликда ўрганиш хосдир. Амалиётни қайта ташкил этиш ва такомиллаштириш масалаларини назарда тутган ҳолда дидактика таълимни фақатгина ўрганиш объекти сифатидагина эмас, балки илмий асосланган лойиҳалаштириш объекти сифатида қарайди.

Умумий дидактиканинг предмети дарс ўтиш (ўқитувчи фаолияти) ва билим олиш (ўқувчининг ўрганиш фаолияти)нинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги ҳисобланади.

Дидактиканинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- таълим жараёнлари ва уларни амалга ошириш шартларини таърифлаш ва тушунтириш;

- таълим жараёнини янада мукаммал ташкил этиш, яҳни, таълим тизимлари ва технологияларини ишлаб чиқиш;

- таълим жараёни учун хос бўлган умумий қонуниятларни аниқлаш, омилларини таҳлил қилиш ва таърифлаш.

Дидактика назарий ва бир вақтнинг ўзида меҳёрий-амалий фан. Дидактиканинг илмий-назарий вазифаси таълимнинг мавжуд жараёнларини ўрганиш, унинг турли жиҳатлари ўртасидаги боғлиқликлар, уларнинг моҳиятини очиқ бериш, ривожланиш тенденциялари ва келажагини аниқлашдан иборатдир.

Ўзлаштирилган назарий билимлар таълим амалиётини йўналтириш, таълимни жамият томонидан қўйилаётган ижтимоий талабларга мувофиқ такомиллаштиришга имкон беради. Таълим мазмунини англаб олиш, таълим тамойиллари, таълим метод ва воситаларини қўллаш меҳёрларини аниқлаш асосида дидактика амалий-меҳёрий ҳамда ташкилий-технологик вазифани бажаради.

Дидактиканинг асосий категориялари ва дидактик тушунчалар тизими. Муайян фанга хос бўлган тушунчаларда инсоният томонидан ижтимоий тараққиёт жараёнида тўпланган билимлар акс этади. Мавжуд илмий тушунчалар икки асосий гуруҳга ажратилади:

- 1) фалсафий тушунчалар;
- 2) хусусий илмий, яҳни, муайян фангагина хос бўлган тушунчалар.

Дидактика учун “умумий ва алоҳида”, “моҳияти ва ҳодиса”, “қарама-қаршилик”, “боғлиқлик” каби фалсафий тушунчалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Дидактикада қўлланиладиган умумий-илмий тушунчалар орасида “тизим”, “тузилма”, “вазифа”, “элемент” кабилар алоҳида ўрин тутати. Педагогикага хос дидактик тушунчалар сирасига қуйидагилар киради:

1) таълим - ўқувчиларга назарий билимларни бериш асосида уларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини тарбиялашга йўналтирилган жараён;

2) дарс – бевосита ўқитувчи раҳбарлигида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим жараёнининг асосий шакли;

3) билим олиш – идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва муайян тажриба асосида хулқ-атвор ҳамда фаолият кўникма, малакаларининг мустаҳкамланиб, мавжуд билимларнинг такомиллашиб, бойиб бориш жараёни;

4) таълим жараёни – ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда илмий билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён.

5) ўқув фани – таълим муассасаларида ўқитилиши йўлга қўйилган ҳамда ўзида муайян фан қси бўйича умумий ёки мутахассислик билим асосларини жамлаган манба.

6) таълим мазмуни – давлат таълим стандартлари асосида белгилаб берилган ҳамда Маълум шароитда муайян фанлар бўйича ўзлаштирилиши назарда тутилган илмий билимлар моҳияти.

Дидактикада “идрок этиш”, “ўзлаштирилиши”, “маҳорат”, “ривожланиш” ва бошқалар (психология) ҳамда “бошқариш”, “қайта алоқа” (кибернетика) каби турдош фанларга хос бўлган тушунчалар ҳам қўлланилади.

Дидактиканинг тушунчали-терминологик тизими мунтазам янгиланиб ва тўлдирилиб борилмоқда.

Дидактиканинг асосий категориялари қуйидагилардан иборат: дарс, билим олиш, таълим, билим, кўникма, малака, таълим мақсади, таълим мазмуни, таълим жараёни, таълим жараёнини ташкил этиш, таълим турлари, шакллари, методлари ва воситалари, таълим натижаси.

Сўнгги пайтларда асосий дидактик категориялар сирасига таълимнинг дидактик тизими ва таълим технологияси каби тушунчаларни ҳам киритиш таклифи илгари сурилмоқда.

1) билим – шахснинг онгида тушунчалар, схемалар, Маълум образлар кўринишида акс этувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий Маълумотлар мажмуи;

2) билим олиш – идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва муайян тажриба асосида хулқ-атвор ҳамда фаолият кўникма, малакаларининг мустаҳкамланиб, мавжуд билимларнинг такомиллашиб, бойиб бориш жараёни;

3) кўникма – шахснинг муайян фаолиятни ташкил эта олиш қобилияти;

4) малака – муайян ҳаракат ёки фаолиятни бажаришнинг автоматлаштирилган шакли;

5) таълим – ўқувчиларга назарий билимларни бериш асосида уларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини тарбиялашга йўналтирилган жараён;

6) таълим методлари – таълим жараёнида қўлланилиб, унинг самарасини тахминловчи усуллар мажмуи;

7) таълим мазмуни – шахснинг ақлий ва жисмоний қобилиятини ҳар томонлама ривожлантириш, дунёқараши, одоби, хулқи, ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга тайёрлик даражасини шакллантириш жараёнининг моҳияти;

8) таълим воситалари – таълим самарадорлигини тахминловчи обхектив (дарслик, ўқув қўлланмалари, ўқув куроллари, ҳарита, диаграмма, плакат, расм, чизма, диопроектор, магнитофон, видеомагнитофон, ускуна, телевизор, радио, компьютер ва бошқалар) ва субхектив (ўқитувчининг нутқи, намунаси, муайян шахс ҳаёти ва фаолиятига оид мисоллар ва ҳоказолар) омиллар;

9) таълим жараёни – ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда илмий билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён;

10) таълим мазмуни – давлат таълим стандартлари асосида белгилаб берилган ҳамда Маълум шароитда муайян фанлар бўйича ўзлаштирилиши назарда тутилган илмий билимлар моҳияти;

11) таълим мақсади (ўқиш, билим олиш мақсади) – таълимнинг аниқ йўналишини белгилаб берувчи етакчи ғоя;

12) таълим натижаси (таълим маҳсули) – таълим якунининг моҳиятини қайд этувчи тушунча; ўқув жараёнининг оқибати; белгиланган мақсадни амалга ошириш даражаси;

13) таълимни бошқариш – таълим муассасаларининг фаолиятини йўлга қўйиш, бошқариш, назорат қилиш ҳамда истиқболларини белгилаш;

14) таълим тизими – ёш авлодга таълим-тарбия бериш йўлида давлат тамойиллари асосида фаолият юритаётган барча турдаги ўқув-тарбия муассасалари мажмуи.

Дидактик назария (концепция)лар ва уларнинг фалсафий асослари. Таълим жараёни психологик-педагогик концепциялар (улар аксарият ҳолларда дидактик тизимлар ҳам деб аталади) асосида ташкил этилади.

Дидактик тизим (юнонча «systema» – яхлит қисмлардан ташкил топган, бирлаштириш) – Маълум мезонлари асосида таълим жараёнининг яхлит ҳолатини белгилаш, ажратиб кўрсатиш демакдир. У таълимнинг мақсади, тамойиллари, мазмуни, шакли, метод ва воситаларининг бирлиги асосида ташкил этилган тузилмаларнинг ички яхлитлигини ифодалайди. Тадқиқотчилар мавжуд дидактик концепция (тизим)ларни умумлаштириб қуйидаги гуруҳларга ажратадилар:

- 1) анҳанавий;
- 2) прогрессив;
- 3) замонавий.

Таълим назариясида Я.А.Коменский, И.Песталлоци ва И.Гербартларнинг дидактик концепциялари муҳим аҳамиятга эга.

Анҳанавий дидактик тизимнинг яратилиши немис файласуфи, психолог ва педагог И.Ф.Гербарт (1776-1841 йиллар) номи билан боғлиқ. У Я.А.Коменскийнинг синф-дарс анҳанавий тизимини танқидий нуқати назардан қайта асослаб, этика ва психологиянинг назарий ютуқларига таянган ҳолда таълим тизимини яратди.

И.Ф.Гербарт таълим тизимининг асосий белгиси қуйидагилардан иборат. ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишини таҳминлаш мактабнинг асосий вазифаси; болани тарбиялаш эса оиланинг вазифасидир.

Прогрессив (педоцентрик) тизим боланинг билим олишида фаолиятининг асосий ролг ўйнашини эҳтироф этади. Мазкур тизим асосини Д.Джюи тизими, Г.Керштейннинг меҳнат мактаби, В.Лай назариялари ташкил этади.

Замонавий дидактик тизим. XX асрнинг 50-йилларида психолог ва педагог Б.Скиннер қисмларга бўлинган ахборотларни етказиш, бу жараёни мунтазам назорат қилиш асосида материални ўзлаштиришда самарадорликка эришиш ғоясини илгари суради. Мазкур ғоя кейинчалик дастурий таълим деб аталади. Кейинчалик Н.Краудер назорат натижаларига қараб ўқувчига мустақил ишлаш учун турли материалларни таклиф этадиган тармоқлаштирилган дастурларни яратди.

Д.Джюининг назарий ғоялари муаммоли таълимнинг асоси бўлиб қолди. Бугунги кунда муаммоли таълим деб номланувчи, ушбу ғоя ўқитувчи раҳбарлиги остида муаммоли вазиятни яратиш ва уларни ҳал этишда ўқувчиларнинг фаоллик ва мустақилликларини таҳминлашга эришишни назарда тутди. Муаммоли

таълимнинг вазифаси фаол ўрганиш жараёнини рағбатлаштириш, ўқувчиларда фикрлаш, тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир.

Л.В.Занковнинг (1901-1977 йиллар) ривожлантирувчи таълим концепцияси XX асрнинг 50-йилларида кенг тарқалди. Унинг ғояларини амалга ошириш таълим жараёнига инсонпарварлик ғоясини сингдириш, шахсни баркамол ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга имкон беради.

Психолог Л.С.Вүготский (1896-1934 йиллар) томонидан 30-йилларда илгари сурилган “Яқин ривожланиш зонаси” ғояси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унга кўра бола катталар ёрдамида билим олиб, ўзи мустақил бажара олмаган ишларни бажара бошлайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида таълим ва тарбияни инсонпарварлик, демократик ғояларга мувофиқ ташкил этилиши эътироф этилган.

Таълимни инсонпарварлаштириш таълим жараёнида ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш, унинг шахни, обрўси, кадр-қимматини поймол этмаслик, мавжуд истехдодини ривожлантиришни назарда тутати. Демократлаштириш эса педагогик жараёнда расмийчиликка йўл қўймаслик, таълим дастурларини танлашда ўқувчиларнинг фикрларини инобатга олишни ифодалайди.

Республика узлуксиз таълим тизими ижтимоий буюртмани бажаришга хизмат қилади, баркамол шахс ва етук мутахассисни тарбиялаш вазифасини бажаради.

Замонавий педагогикада таълим парадигма (модел)лари. Педагогик парадигма (юнонча «paradeigma» - мисол, намуна) – педагогика фани ривожининг Маълум босқичида таълимий ва тарбиявий муаммоларни ҳал этиш намунаси (модел, стандарти) сифатида илмий педагогик ҳамжамият томонидан эътироф этилган назарий ҳамда методологик кўрсатмалар тўплами бўлиб, у таълимнинг концептуал модели сифатида қўлланилади. Бугунги кунда таълимнинг қуйидаги парадигмалари кенг тарқалган:

1. Анҳанавий – консерватив парадигма (билим парадигмаси).
2. Рационалистик (бихевиористик) парадигма.
3. Феноменологик (гуманистик) парадигма.
4. Технократик парадигма.
5. Эзотерик парадигма.

Айни вақтда таълим парадигмаларини белгилашга нисбатан уч хил ёндашув мавжуд:

1. қадриятли (аксиологик) ёндашув - маданият инсон ҳаётининг мазмуни сифатида тушунилади.

2. Фаолиятли ёндашув асосан маданият моддий ва маънавий бойликларини яратишга йўналтирилган фаолиятнинг синалган усуллари сифатида талқин этилади.

3. Шахсий ёндашув - маданият муайян шахс тимсолида намоён бўлади.

Маданиятга нисбатан турли ёндашувларнинг мавжудлиги бир қатор парадигмаларнинг яратилишига замин яратади.

Ҳар бир парадигма муайян таълимий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилади. Хусусан:

- ижтимоий институт сифатида ўқув муассасаларининг вазифалари;
- таълимнинг самарали тизими;

- ўқув юртлари олдида турган энг муҳим, устувор масала;
- таълимнинг ижтимоий аҳамиятли мақсадлари;
- муайян билим, кўникма ва малакаларнинг қимматли ҳисобланиши.

Айни вақтда қуйидаги парадигмалар мавжуд:

1. Билим олишнинг анҳанавий парадигмаси (моделли) (Ж.Мажо, Л.Кро, Ж.Капелл ва бошқалар)

Унга кўра таълимнинг асосий мақсади - “Билим, қанчалик қийин бўлмасин билим олиш”. Анҳанавий парадигма мактабнинг мақсади ёш авлодга индивидуал ривожланиши ҳамда ижтимоий тартибни сақлаб қолишга ёрдам берувчи маданий меросларнинг муҳим элементлари – билим, кўникма ва малакалар, илғор ғоялар ва қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда уларни ёшларга етказиш муҳим эканлигини ёритади. Билим олиш парадигмасининг асосий мақсади: таълим олиш, тараққиёт ва маданиятнинг энг муҳим элементларини авлоддан-авлодга етказиш.

2. Рационалистик (бихевиористик) парадигма (П.Блум, Р.Ганге, Б.Скиннер ва бошқалар). Рационалистик парадигма диққат марказида таълим мазмуни эмас, балки ўқувчилар томонидан турли билимларни ўзлаштирилишини таҳминловчи самарали усуллари ётади. Таълимнинг рационалистик модели асосини Б.Скиннернинг ижтимоий инженерия бихевиористик (инглизча *behavior* - хулқи) концепцияси ташкил қилади.

Мактабнинг мақсади – ўқувчиларда ғарб маданияти ижтимоий қоидалари, талаблари ва кўзлаган мақсадларига мос келадиган мослаштирувчи “хулқий репертуар”ни шакллантиришдир. Шу билан бир вақтда, “хулқи” атамаси билан “инсонга хос ҳамма таъсирланишлар – унинг фикрлари, сезги ва ҳаракатлари” ифодаланади (Р.Тайлер).

Бунда таълимнинг асосий методлари, ўргатиш, тренинг, тест синовлари, индивидуал таълим, тузатишлари бўлиб қолади. Бунинг оқибатида, таълимнинггина эмас, балки дарс беришнинг ҳам ижодий ҳарактерини аниқлаш муаммоси муҳокама қилинмайди.

П.Блум барча ўқувчилар фақат ўзлаштирибгина қолмай, балки муваффақиятли ўқишлари мумкин деб ҳисоблайди. Ўқувчининг оптимал қобилиятлари Маълум шароитларда, ўқувчига таълим бериш натижаси унинг сурҳати билан аниқланади. Олимнинг фикрича, таълим олувчиларнинг 95 фоизи таълим муддатларига бўлган чеклашлар олиб ташланганда ўқув курсининг бутун музмунини ўзлаштириб олишга қодирлар. Ана шу нуқтаи назардан ўқувчилар томонидан билимларнинг муваффақиятли ўзлаштирилишини таҳминловчи методика ишлаб чиқилади, унинг моҳияти қуйидагичадир:

1. Бутун синф ёки курс учун тўла ўзлаштириш эталони, мезонини аниқ белгилаб олиш асосида ўқитувчи таълим якунида эришилиши керак бўлган аниқ натижаларнинг рўйхати ва унга мувофиқ келувчи тестларни тузади.

2. Ўқув бирликлари, яъни, ўқув материалларининг яхлит бўлимлари кўрсатилади, уларни ўзлаштириш натижалари аниқланади, якуний баҳога таъсир кўрсатмайдиган навбатдаги тестлар тузилади. Бу тестларнинг вазифалари – тузатиш, коррекциялашдан иборат.

3. Тўла ўзлаштиришга йўналтирилган ҳар бир ўқув курс материалларини ўзлаштириш даражасини баҳолаш учун тест синовларини

ўтказиш. Бу ўринда ҳар бир ўқувчига баҳо ва таълим мақсадларининг аҳамиятини тушунтириш муҳим.

Предметларни бўш ва ўртача ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг қобилиятларини жадал ривожлантириш П.Блум концепциясининг асосий мазмунини ташкил этади.

Турли мамлакатларнинг (Австрия, Белгия, АҚШ ва бошқалар) таълим тизимлари тажрибаси рационалистик (бихевиористик) парадигма ғояларига мувофиқ иш кўрилганда 70 % ўқувчилар юқори натижаларни қайд этганликларини кўрсатади.

Юқорида қайд этилган таълим йўналишлари ўзида инсонпарварлик ғояларини ифода этмаган, улар бола дунёқарашининг ривожланиши, шахснинг ривожланишида шахслараро муносабатларнинг муҳим ўрин тутишини назарда тутмайди.

3. Гуманистик (феноменологик) парадигмага кўра (А.Маслоу, А.Комбс, К.Роджерс, Л.С.Вўгодский ва бошқалар) таълим олувчи эркин шахс, ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида ўзига хос ривожланиш имкониятларига эга. Улар болани ривожлантириш мақсадида уни шахслараро муносабатлар жараёнига йўналтиради. Таълимнинг феноменологик (феномен юнонча «*phainomenon*» – ҳисобланган, яҳни, машҳур, алоҳида нодир одам) модели ўқувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиб, уларнинг талаб ва қизиқишларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни кўзда тутаяди. Унинг вакиллари ўқувчини нодир шахс деб ҳисоблайдилар. Гуманистик парадигма доирасида фаолият олиб борувчи ҳар бир таълим тизими ижодий ривожланади ва ўқувчи ҳамда ўқитувчининг эркинлиги ва ижодкорлигини ёқлайди.

Гуманистик парадигма ғоялари 1991 йилдан кейин республика узлуксиз таълим тизимига жорий этила бошланди. Парадигманинг диққат марказида ўқувчининг баркамол ривожланиши, унинг интеллектуал эҳтиёжлари, “эркин фикрлайдиган шахсни тарбиялаш” масаласининг ижобий ҳал этилиши ётади. Айни вақтда республика таълим муассасаларида қўйидаги ғояларга амал қилинмоқда: “Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашга ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. ... Мустақил фикрлаш – ҳам катта бойликдир”¹.

Эзотерик парадигма (юнонча «*esoterikos*» ички, сирли, яширин, фақатгина билувчилар учун мўлжалланган инсоннинг дунё билан ўзаро алоқалари юксак даражаларини акс эттиради). Моделнинг моҳияти ҳақиқат абадий ва ўзгармас, доимий эканлигини таъкидлашдан иборат. Парадигма тарафдорлари ҳақиқатни билиб бўлмаслиги, унга фақатгина фаҳмлаш асосида эришиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Педагогик фаолиятнинг олий мақсади коинот билан мулоқот, ўқувчининг табиий қучларини озод этиш ва ривожлантиришдан иборат. Шу билан бирга, ўқитувчининг ҳимоялаш вазифаси муҳимдир, у ўқувчининг мавжуд имкониятларини уни маънавий, жисмоний, психик жиҳатдан ривожлантиришга йўналтиради.

Илмий-техник, технократик парадигманинг асосий мақсади амалиётни такомиллаштириш асосида таълим олувчиларга “аниқ” илмий билимларни бериш

¹ Каримов И.А. Баркамол ривожланган авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997, 9-бет

ва уларнинг ўзлаштирилишини тахминлашдир. Билим - кучдир, шу боис шахс қиммати унинг ўрганиш, билим олиш, имкониятлари билан белгиланади. Шахс муайян (ўртача, стандартлаштирилган) билим ёки хулқ-атвор эгаси бўлсагина кадрият сифатида эҳтироф этилади деган ғоя ушбу парадигманинг асосини ташкил этади.

Сўнгги йилларда ноинституционал парадигма ривожлана бошлади. У таълимни ижтимоий институтлар, яъни, мактаб ва олий таълим муассасаларидан ташқарида ташкил этиш ғоясини илгари суради. Бу таълим “табиатда” - Internet, “очиқ мактаблар” – компютерлар воситасида таълим дастурларига (масофадан ўқитиш) мувофиқ ўқитиш самарали дея ҳисоблайди.

Назорат учун саволлар:

1. “Дидактика” тушунчасини таърифлаб беринг.
2. Дидактиканинг предмети ва объектлари нималардан иборат?
3. Дидактиканинг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Дидактиканинг асосий категориялари қайсилар?
5. Дидактик концепциялардан қайсилари билан танишсиз?
6. Ривожлантирувчи концепциянинг моҳияти нимадан иборат?
7. Ривожлантирувчи таълимнинг асосий тамойиллари қайсилар?
8. Муаммоли таълимнинг моҳияти нимадан иборат?
9. “Таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик, демократик хусусиятлари” тушунчасини Сиз қандай тушунасиз?
10. Замонавий дидактик тизимнинг ўзига хос белгилари нималардан иборат?
11. Педагогик парадигма нима? Таълимнинг асосий парадигмаларини айтиб беринг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни Ғ.Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» Ғ.Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
4. Мавлонова Р. Ва бошқ. Педагогика. – Тошкент, Ўқитувчи, 2001.
5. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. В 2 кн. Кн. 1. – Москва, Владос,
6. А.Зуннунов, У.Махкамов. Дидактика. Т.: 2005

21-Мавзу: Таълим жараёни ягона тизим сифатида.

РЕЖА:

1. Таълим жараёни моҳияти.
2. Таълим жараёнининг ягона тизим сифатида таснифи.

Таълим жараёни яхлит тизим сифатида. Таълим тушунчаси ва моҳияти. Таълим тизимли билим олишнинг энг муҳим ва ишончли усулидир. Таълимга икки томонлама алоқа (таълим олиш ва таълим бериш), шахсни ҳар томонлама ривожлантириш ва бошқа хусусиятлар ҳосилдир. Таълим, шунингдек, ўзига хос

хусусиятлар ҳам эга. Таълим ўқитувчи томонидан бошқарилувчи ўзига хос англаш жараёнидир. Ўқитувчининг йўналтирувчи сифатидаги роли ўқувчиларнинг ақлий ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришни тахминловчи билим, кўникма ва малакаларни тўлиқ ўзлаштира олишларида кўринади.

Таълим ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқоти жараёни ҳам саналади. У ўқувчиларга ўқув материали мазмунини тушунтириб беради, савол ва топшириқлар беради, уларнинг фаолиятини назорат қилади, хато ва камчиликларини аниқлайди, йўл қўйилган хатоларни тўғрилайди, қандай ишлаш лозимлигини қайта кўрсатади. Ҳар қандай таълим ўзида ўқитувчи ва ўқувчининг фаолияти, яхни, ўқитувчининг ўргатиш ҳамда ўқувчининг ўрганишга йўналтирилган фаолияти, бошқачаи айтганда тўғридан тўғри, бевосита ва нисбий муносабат¹ акс этади.

Таълим ва таълим жараёни (дидактик жараён) синоним тушунчалар эмас. Жараён бу яхлит педагогик ҳодиса, педагогик фаолиятнинг таркибий қисми сифатида таълим тизимининг муайян ҳолатини ўзгартириш ҳисобланади. Жараён моҳиятини В.П.Беспалғко томонидан таклиф этилган қуйидаги формула асосида тўлақонли англаш мумкин:

Бу ерда; ДЖ – дидактик жараён;

М – ўқувчиларнинг ўқиш (таълим олиш) мотивацияси;

Ўф – ўқувчиларнинг ўзлаштириш фаолияти;


Б – ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини бошқариш.

Таълим жараёнининг яхлит тизим сифатидаги тавсифи. Таълим жараёнининг “яхлитлиги” “тизимлилиги” ва “мажмуавийлиги”ни бир хилда талқин этиш мумкин эмас. Бироқ, таълим жараёнининг яхлитлиги унинг тизимлилиги билан узвий боғлиқ.

Тизим (мустақил тушунча сифатида) ўзаро боғланган кўплаб элементлар (таркибий қисмлар) ўртасидаги мустаҳкам бирлик ва ўзаро яхлитликдир. Демак, таълим яхлит тизим сифатида кўплаб ўзаро боғлиқ қуйидаги элементларни ўз ичига олади: таълим мақсади, ўқув ахборотлари, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг таълимий фаолиятлари, унинг шакллари, педагогик мулоқот воситалари, шунингдек, таълим жараёнини бошқариш усуллари.

¹ Дьяченко В.Д. Организационная структура учебного процесса и его развитие. – Москва, Педагогика, 1984. – с. 44-45.

Таълим жараёни яхлит тизим сифатида қуйидагича намоён бўлади (4-чизма):



4-чизма. Таълим жараёни тузилишининг андозаси (моделли)

Барча таркибий қисмларнинг ўзаро бирлиги ва яхлитлиги сифатида намоён бўлувчи таълим жараёнининг негизини ўқитувчи ва ўқувчиларнинг таълимий фаолиятлари ташкил этади.

Таълим функциялари. “Функция” тушунчаси “таълим вазифалари” тушунчасига яқиндир. Таълим функцияси таълим жараёни моҳиятини ифода этади, вазифаси эса таълимнинг компонентларидан бири ҳисобланади.

Дидактика таълим жараёнининг қуйидаги учта функциясини ажратиб кўрсатади: таълим бериш, ривожлантириш ва тарбиялаш.

Таълим бериш функцияси таълим жараёнининг ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат. Таълим натижаси сифатида билимларининг тўлаллиги, чуқурлиги, тизимлилиги, анланганлиги, мустақамлиги ва амалий хусусият касб этиши муҳимдир. Бу каби ҳолатлар таълим жараёнининг методик жиҳатдан тўғри ташкил этилганлигини ифодалайди.

Таълим жараёнида ўқувчиларда улар томонидан ўзлаштирилган назарий билимлар асосида ҳосил қилинган амалий кўникма ва малакаларнинг шаклланиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Кўникма – шахснинг муайян ҳаракат ёки фаолиятни ташкил эта олиш қобилияти.

Малака деганда муайян ҳаракат ёки фаолиятни бажаришнинг автоматлашган шакли тушунилади. Умумий кўникма ва малакаларга оғзаки ва ёзма нутқни билиш, ахборот материалларидан фойдалана олиш, ўқиш, манбалар билан ишлаш, реферат ёзиш, мустақил ишини ташкил этиш кабилар киради.

Таълимнинг ривожлантирувчи функцияси таълим жараёнида билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчининг ривожланиши содир бўлишини кўрсатади. Ривожланиш қуйидаги йўналишларда содир бўлади: нутқи ривожланиши, фикрлаши, шахснинг сенсорли ва ҳаракатланиш қлари, эмоционал-иродавий ва эҳтиёж-сабабли қлари ривожланади. Тўғри ташкил этилган таълим шахсни ҳар доим ривожлантиради, лекин ўқитувчи ва ўқувчининг шахсий ҳар томонлама

ривожланишига қаратилган махсус ўзаро муносабатларида ривожлантириш функцияси янада самаралироқдир.

Таълимнинг ўқувчи шахсини ривожлантиришга йўналтирилганлиги “ривожлантирувчи таълим” тушунчаси билан ифодаданади. XX аср 60-йилларидан бошлаб ривожлантирувчи таълимни ташкил этишга нисбатан турли ёндошувлар юзага келди.

Буларнинг ҳаммаси таълимни ташкил этиш фақат билимларни шакллантиришга эмас, ўқувчини ҳар томонлама ривожлантириш (биринчи навбатда, ақлий ривожлантириш, ақлий фаолият усуллари, анализ қилиш, таққослаш, турларга ажратиш ва бошқаларни кузатиш, хулоса чиқариш, объектларнинг муҳим белгиларини ажрата билиш, фаолият мақсади ва усуллари аниқлашни билишга ўргатиш, унинг натижаларини текширишни билиш малакасини ривожлантириш)га хизмат қилишини аниқлатади.

Таълим жараёни тарбияловчи хусусиятга ҳам эга. Тарбия ва таълим ўртасидаги боғлиқлик объектив ва қонуний ҳисобланади. Бироқ шахсни таълим жараёнида тарбиялаш ташки омилар (оила, микромуҳит ва бошқалар)нинг таъсири туфайли кийин кечади.

Тарбиялаш функцияси. Таълимнинг тарбияловчилик хусусияти турли ижтимоий тузум ҳамда шароитда ҳам яққол намоён бўлади. Тарбиялаш функцияси таълим мазмуни, шакли ва методларининг моҳияти билан белгиланади ва ўқитувчи ҳамда ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни ташкил этиш жараёнида етакчи ўрин тутаяди.

Таълим жараёнида шахснинг маънавий-ахлоқий ва эстетик тасаввурлари, ҳулқ-атвори ва дунёқараши шакллантирилади.

Таълимнинг тарбияловчилик хусусияти, энг аввало, таълим мазмунида акс этади. Бироқ, шуни ҳам эҳтиборда тутиш керак-ки, барча ўқув фанлари ҳам бирдек тарбияловчилик имкониятига эга эмас. Гуманитар ва эстетик фанларнинг бу борадаги имкониятлари юқори.

Таълим жараёнида тарбиянинг иккинчи омили ўқитувчи ва ўқувчиларнинг муносабатлари, синфдаги психологик муҳит, ўқиш жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари, ўқувчиларнинг идрок этиш фаолиятларига ўқитувчининг раҳбарлиги ҳисобланади. Замонавий педагогика ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатнинг энг қулай усули сифатида демократик усулни эҳтироф этади. Бу усул таълим жараёнида ўқувчилар шахсини ҳурмат қилиш, уларнинг хоҳиш-истаклари, қизиқишларини инобатга олинишини аниқлатади.

Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги фаолиятлари. Ўқитувчи фаолиятининг вазифаси ва тузилиши. Таълим муассасаси (умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим муассасалари)да ташкил этилувчи таълим жараёнида ўқувчининг фаолияти ўқитувчи раҳбарлиги остида кечади. Ўқитувчи фаолиятининг вазифаси ўқувчиларнинг ижтимоий борлиқни онгли ва фаол идрок этишга йўналтирилган фаолиятларини бошқаришдан иборатдир.

Таълим жараёнини бошқариш қуйидаги босқичлардан иборат:

- 1) режалаштириш;
- 2) ташкил этиш;
- 3) бошқариш (рағбатлантириш);
- 4) назорат;

5) натижаларни баҳолаш ва таҳлил қилиш.

Ўқитувчи фаолиятини режалаштириш босқичи календар-тематик ёки дарслар режаларини тузиш билан яқунланади. Режалар, режа-конспектлар ёки конспектларни тузиш учун узоқ, жиддий ишлаш керак бўлади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг тайёрликлари даражаси, уларнинг ўқув имкониятлари, моддий база ҳолати, шахсий (касбий) имкониятларини ўрганиб чиқиши, ўқув материали мазмунини танлаб олиши, дарс олиб бориш шакли ва методини ўйлаб чиқиши керак бўлади.

Ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш ўқувчилар олдида ўқув масалаларини қўйишни ва уни бажариш учун имкониятлар яратишдан иборат бўлади.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаолияти. Билим олиш фаолиятнинг ўзига хос кўриниши сифатида муайян тузилиш, ривожланиш ва фаолият қонуниятларига эга. Билим олиш борлиқни идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва муайян тажриба асосида хулқ-атвор ҳамда фаолият кўникма, малакаларининг мустаҳкамланиб, мавжуд билимларнинг такомиллашиб, бойиб бориш жараёни ҳисобланади. Билим олишнинг муҳим компоненти мотив, яъни, таълимий ҳарактердаги ҳаракат ёки фаолиятни ташкил этишга нисбатан рағбатни ҳис этиш, эҳтиёжнинг юзага келишидир.

Ўқишнинг кейинги компоненти ўқув ҳаракатлари (операциялари) саналаиб, улар англаниш мақсадга биноан амалга оширади. Ўқув ҳаракатлари ўқув жараёнини ташкил этишнинг барча босқичларида намоён бўлади. Ҳаракатлар ташқи (кузатиладиган) ва ички (кузатилмайдиган) кўринида бўлиши мумкин. Ташқи ўқув ҳаракатларига предметли ҳаракатлар (ёзиш, расм чизиш, тажрибалар ўтказиш); перцептив ҳаракатлар (тинглаш, фикрлаш, кузатиш, сезиш) ҳамда нутқдан фойдаланиш киради.

Ички (мнемоник, юнончадан «mnemonikon» - эслаб қолиш маданияти) ҳаракатларга материални эслаб қолиш, уни тартибга солиш ва ташкил этиш, шунингдек, тасаввур ва фикрлаш ҳаракатлари (интеллектуал) киради.

Ҳар қандай билимни ўзлаштиришда ўқувчилардан идрок этиш маданиятига эга бўлиш ва ўқув материални англаб етиш талаб этади. Педагогик жараёнда ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг маҳносини етарли даражада тушунмай, фақат товушлар бирлиги сифатида қабул қилиниши ва ёдлаб олиниши хавфилидир.

Ўқувчиларни илмий билимларни уларнинг моҳиятини тўла тушунган ҳолда ўзлаштириш шартлари билан таништириб, уларга ўзини ўзи назорат қилишнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш мақсадга мувофиқдир. Ўзини ўзи назорат қилишда ўқувчилар улар қўллаётган ақлий меҳнат воситаларининг самарадорлиги, шунингдек, ўз меҳнати натижаларини баҳолаши керак.

Натижаларни баҳолаш, назорат қилиш ва таҳлил этиш ўқув ҳаракатларининг ажралмас қисмлари ҳисобланади. Таълим жараёнида ўқувчи томонидан ўзини назорат қилиш, ўзини баҳолаш ва ўзини анализ қилиш амалга ошириш ўқитувчининг шунга ўхшаш ўргатувчи ҳаракатларини кузатиш асосида шаклланади. Бу ҳаракатларни шакллантириш ўқувчиларни ўз тенгдошлари фаолиятини кузатишга жалб этиш, ўзаро назоратни ташкил этиш, ўрнатилган мезонлар асосида ўз фаолияти натижаларини ўзаро баҳолаш ва таҳлил қилишга ёрдам беради.

Билимларни ўзлаштириш жараёнининг тузилиши. Ўқувчилар ўқув идрок этиш фаолиятларини бошқаришга ўрганиб олиш учун билимларни ўзлаштириш жараёни тузилишини яхши тасаввур этиш, ўқувчилар томонидан билимларнинг эгаллаш босқичларини билиши зарур: идрок этиш, ўқув материални англаб этиш, мустаҳкамлаш, амалий фаолиятида билимларини қўллаш.


Биринчи босқич идрок этиш ҳисобланади. Психологиядан Маълумки, идрок этиш аниқ мақсадга йўналтирилган англаш жараёни бўлиб, у танлаш хусусиятига эга. Шунинг учун биринчи навбатда ўқувчиларга мавзунини, яхши, уларнинг нимани ўрганишлари (масалани қўйиш)ни тушунтириб бериш керак. Шу асосида ўқув материали билан дастлабки танишиш амалга оширилади. У ҳақиқий мавжуд ёки ҳаёлий предмет, ҳодиса, вазиятларни кузатиш, мумкин бўлган тажрибаларни ўтказишдан иборат бўлади. Биринчи босқич ўқувчи қайси ҳодиса ва воқеаларни, предметларни ўрганиш ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлганида ва ўқув масаласини тушуниб етганда якунланади.

Иккинчи босқич – ўқув материални англаб этиш. У Маълумотларнинг назарий жиҳатларини ажратиб олиш ва анализ қилишдан иборат. Бунда асосий мазмунни топиш, тушунчани ажратиб олиш, уларнинг белгиларини асослаб бериш, тушунтириш материални хусусиятини аниқлаб олиш, мисоллар ва тушунтирувчи далиллар тўпламини ўрганиб чиқиш керак. Бу вазиятда билимлар ўртасидаги тизимлилик муҳим аҳамиятга эга. Унда ўқувчи энг асосий, иккинчи даражали ҳамда қўшимча, тушунтирувчи элементларни ажратиб кўрсатсин. Ўқувчи ўқув масаласини ечиш усулини тушунса, билимлар ўртасидаги тизимни англаб етса ушбу босқич якунланган саналади.

Учинчи босқич – эслаб қолиш ва мустаҳкамлаш. Бу босқич ўзлаштирилган билимларини узоқ вақт давомида сақлаб қолишдан иборат. Унда идрок этиш фаолияти кўпроқ машқлар, мустақил репродуктив ва ижодий масалалар хусусиятига эга бўлади. Назарий материал, тушунча, қоида, исботлар турли хил машқларда такрорланади. Ўқитувчи ўқувчилар топшириқларни тушуниб бажаришларини кузатиб бориши керак. Улар матнларни механик кўчириб олишлари, топшириқларни бажаришлари, қоида ва тушунчаларни чуқур англаб етмай бажаришлари мумкин. Босқич якунида ўқувчилар назарий материалларни биладилар ва улардан машқларни бажариш, масалани ечиш, теоремани исботлашда фойдаланишни биладилар. Уларда ўқув малакалари ва кўникмалари шакллантирилган бўлади.

Тўртинчи босқич билим, кўникма ва малакаларни амалий фаолиятда қўллашдан иборат бўлади. Билимларини қўллаш ўрганилаётган материалнинг мазмуни хусусиятига қараб фаолият турли шакллари ва кўринишларида амалга оширилиши мумкин. Бу ўқув машқлари, лаборатория ишлари, тадқиқот топшириқлари, мактаб ер майдонидаги ишлар бўлиши мумкин. Билимларни эгаллаб олиш босқичлари схематик кўриниши қуйидагичадир:

Билимларни эгаллаш босқичлари



Таълимнинг гносеологик асослари. Ўқув жараёнини мантикий қурилиши таълим мазмунининг хусусиятлари ва гносеологик жиҳатларига боғлиқ.

Гносеология (юнонча – «gnosis» («gnoseos»)- билим, онг, ўрганиш, логия –фан, таълимот) – билиш, илмий билимларнинг шаклланиши, хусусиятлари, қонуниятлари, услублари, илмий тафаккур шакллари, шунингдек, инсонга хос бўлган борлиқни англаш қобилияти ҳақидаги назария, таълимот.

1. “Таълим” тушунчасига таъриф беринг.
2. Таълим (дидактик жараён) жараёнининг алоҳида хусусияти нималардан иборат? В.П.Беспалко формуласи мисолида ифодаланг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни Ғ.Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» Ғ.Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
4. Мавлонова Р. Ва бошқ. Педагогика. – Тошкент, Ўқитувчи, 2001.
5. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. В 2 кн. Кн. 1. – Москва, Владос, 1999.

22-Мавзу: Таълим тамойиллари.

РЕЖА:

1. Таълим жараёнини ташкилашда йўл қўйиладиган хатолар.
2. Таълим тамойилари ва қонуниятлари.
3. Талимнинг психологик ва физиологик асослови.

Ижтимоий тараққиёт тарихида инсоннинг атроф-муҳитни билиши умумий тузилишига ва босқичларига турлича ёндошишлар Маълум. Ана шу ёндошишлар ўқув жараёнини қуриш ва таълим мазмунини тушуниш мантиқини белгилаб беради.

Муҳаммад ал-Хоразмий (IX аср) билиш назарияси ривожланишига катта ҳиссасини қўшган. У биринчи бўлиб коинот объектларининг ҳаракатлари ҳамда ердаги нукталарининг жойлашишини жадвал кўринишида акс эттириб, тажриба-кузатиш ва тадқиқотлар методларини илмий жиҳатдан асослаб берди, ягоналикнинг бирлиги тамойили, шунингдек, алоҳида ва умумий, индукция ва дедукцияларнинг моҳиятини аниқлаштиради; математик масалаларни ечишнинг алгоритмик методини ишлаб чиқди. Бу методдан бугунги кунда ҳам фойдаланиб келинмоқда.

Ал-Киндий (IX аср) илмий билишнинг уч босқичли концепциясини илгари суради. Аллома инсоннинг билишини: сезгига оид ва рационал билиш тарзида иккига ажратади. Сезиб билишнинг предмети ва объектлари барча жисм ва моддий нарсалар ҳисобланади. Киндийнинг фикрича, сезиб билиш ақл учун муҳим материални беради.

Фақатгина ақл ташқи дунё ҳақида ҳақиқий билим ва тушунчани ишлаб чиқишга қодир, - деб ҳисоблайди Киндий.

Абу Наср Форобий (X аср) Киндий ғояларининг моҳиятини аниқлаштиради. Бирор нарсани билишга интилган инсон аввало унинг Маълум ҳолатини ўрганади, ўзлаштирганларини ўзлаштирилиши зарур бўлган билимларга йўналтиради. Аллома фанлар классификацияси, шунингдек, билиш фаолиятини ташкил этишга оид тавсияларни ишлаб чиқади. Яхши назариётчи бўлиш учун дейди, - Абу Наср Форобий, - қайси фан билан шуғулланишидан қатъий назар қуйидаги учта шартга амал қилиш керак:

- 1) фан асосида ётувчи барча тамойилларни яхши билиши;
- 2) ушбу тамойил ва Маълумотлар асосида зарур хулосани чиқариши, яъни, мулоҳаза юритиш қоидаларини билиши керак;
- 3) хато назарияларни исботлаб бериш ва бошқа муаллифлар фикрларини таҳлил қилишни, шунингдек, ҳақиқатни ёлғондан ажратиш ва хатони тузатишни билиши зарур.

Абу Райҳон Беруний Беруний (XI аср) билишни узлуксиз, тўхтовсиз давом этадиган жараён сифатида тушунади. Алломанинг фикрича, инсоният борлиқнинг ҳақиқий моҳияти, ҳозирча ноМаълум бўлган жиҳатларини келажакда билиб олади.

Абу Али ибн Синонинг (XI аср) билиш назариясида сабаб ҳақидаги таълимот алоҳида ўрин олади. У сабабларни аниқ, сезиш асосида англанадиган ва яширин, ташқи ҳолатларини таҳлил этиш асосида тушуниладиган сабабларга ажратади ва ҳодисанинг моҳияти унинг юзага келиш сабабларини аниқлаш йўли билан англаниши мумкин деб ҳисоблайди. Аллома ушбу ғносеологик қонунни ўзининг табиблик амалиёти, касалликларни уларнинг симптомлари бўйича ва дорилар таъсирини кузатиш асосида аниқлаган.

Чех педагоги Я.А.Коменский XVII асрда таълим жараёнининг моҳиятини илмий асослашга уринди. Аллома томонидан илгари сурилган таълимнинг табиийлиги ғояси таълим жараёни, унинг тузилиши, тамойил ва методлари табиат қонунларига мувофиқ белгиланишини таъкидлайди.

Я.А.Коменскийнинг табиатга боғлиқлиги ҳақидаги ғояси – ғарб олимларининг таълим жараёнининг гносеологик асосларини очиб бериш, моддий дунё қонунларининг ўқув жараёнига таъсирини кўрсатиб беришга уринишларидан биридир.

XVIII асрда француз олими Жан Жак Руссо ҳам инсоннинг табиат ва жамиятдаги ўрни ҳақидаги фалсафий дунёқарашлар асосида таълим моҳиятини очиб беришга уриниб кўрган. Олимнинг фикрича, таълим жараёнининг моҳияти боланинг атроф-муҳитни билиши табиатидан келиб чиқади. Бола табиат қўйнида, қишлоқ жойларда ривожланиши керак.

Боланинг атроф-муҳит моҳиятини тез англашини хусусиятини ҳисобга олиб экзистенциализм (юнонча «existetia» - мавжудлик) вакиллари таълим моҳиятини қуйидагича ифода этадилар: мактабнинг асосий мақсади интеллектини ривожлантириш эмас, балки болани эмоционал тарбиялашдир.

Экзистенциализм рационал билишни рад этади, таълим фандан кўра санъатга яқинроқ деб ҳисоблайди, шунингдек, борлиқни бевосита билиш методини илгари суради.

Таълим мазмуни масалаларига бошқа бир ёндошиш “Прагматизм педагогикаси” ёки прогрессивизм АҚШда алоҳида ривожланди. Унинг етакчиси Джон ДҒюи мазкур таълимотни ифодалашда прагматизмнинг фалсафий ғояларини асос қилиб олди. Прагматизм (юнонча pragma – иш, ҳаракат, фалсафий амал) замонавий Америка фалсафасида идеалистик оқим. Бу оқим ҳақиқатнинг обхективлигини рад этади, ҳақиқат бу обхектив борлиққа мос келмайди, балки амалий фойдали натижалар беради.

Д.ДҒюи фикрича, билиш ва билим инсон ўз ҳаётида дуч келадиган турли муаммо ёки қийинчиликларни енгиш воситаси ҳисобланади. Билим яшаш учун кураш воситаси ва шахснинг ривожланиш даражасини кўрсатувчи омил ҳисобланади. Биз фақатгина муаммони ҳал этаётганимизда фикрлаймиз, бунинг бошланиш йўли ҳар доим қийинчиликни ҳис этиш ҳисобланади.

“Ҳаракатлар педагогикаси” концепцияси кўп жихатдан Дж.ДҒюининг фалсафий (прагматизм) ва психологик қарашларининг оқибати ҳисобланади. Унинг муаллифи, реформаторлардан бири немис педагоги Вилһелм Август Лай (1862-1926 йиллар) билим олиш жараёнида кўзга ташланувчи қуйидаги уч босқични кўрсатади: идрок этиш, қайта ишлаб чиқиш, ифода этиш.

Бугунги кунда ҳам таълим моҳиятини тушунишга нисбатан турлича ёндошишлар мавжуд. Хусусан:

1. Социологик ёндошиш. Унга кўра таълимнинг моҳияти ижтимоий тажрибаларни ёшларга етказишдан иборат. Ўқувчилар инсониятнинг ижтимоий-тарихий тажрибаси натижалари бўлган билимларни ўрганадилар. Таълимнинг мазмуни ўқувчиларинг аجدодлар тажрибасини ўзлаштиришга хизмат қилувчи жараёнини ташкил этишдан иборат. Бу фалсафий қоида ижтимоий-тарихий тараққиётнинг муҳим омили - шахс камолотини тушунишга илмий ёндашишни англатади. Таълимга бундай ёндашиш ижтимоий жараён ҳисобланади.

Бошқа бир ёндашишни хусусий педагогик ёки дидактик ёндашиш деб аташ мумкин. Бу ёндашиш яхлит таълим жараёнининг боришини белгилаб берувчи билим олиш босқичлари (ўқув материални ўрганишни, уни англаб етиш, мустаҳкамлаш, амалий фаолиятда билимларини қўллаш)ни ифодалайди. Мазкур ёндашувга кўра таълим мазмуни ўқувчилар томонидан билим эгаллаш

босқичларининг кетма-кетлигига амал қилиш асосида фаолиятни ташкил этишдан иборат.

Концепция тарафдорлари билиш йўлини қуйидагича формула асосида ифодалайдилар: жонли мушоҳададан абстракт фикрлашга ва абстракт фикрлашдан амалиётга.

Таълим мазмунини тушунишга нисбатан психологик ёндашиш билимларни ўзлаштириш ва инсон ривожланиши борасидаги психологик назарияда илгари сурилган ғояларга таянади.

Бу концепциянинг келиб чиқиши Л.С.Вүготскийнинг (1896-1934 йиллар) таълимнинг шахс ривожланишида асосий омил бўлиши ҳақидаги “яқин ривожланиш зонаси” деб юритилувчи қарашининг яратилиши билан боғлиқ. Унга кўра, таълим фақат яқин зонада қурилганда, ҳали тўла шаклланмаган, лекин ўқув жараёнини қуришга асос бўла оладиган механик ҳаракатлар асослангандагина мазмунга эга бўлади.

Психологик тадқиқотлар педагогик назарияни сўзсиз бойитади. Билим олиш жараёнида шахс ривожланишининг кечиш жараёни моҳиятини очиб беради. Аммо фақат психологик ғоялар асосида таълим моҳиятини ёритиш педагогик жараёнига бир томонлама талқин этишга олиб келади.

XIX асрнинг 40-йилларида диалектик материализм назарияси асосланди. Диалектик материализм табиат, жамият ва фикрлашнинг ҳаракатланиши ҳамда ривожланиши борасидаги умумий қонунларни ёритувчи фалсафий таълимотдир. Бу таълимотда Фейербахнинг материализми ва Гегелнинг диалектикаси узвий равишда бирлашади. Бу таълимот таълим жараёни инсон онгининг борлиқни акс эттира олишига имкон бериши зарур деган ғояни илгари суради. Ҳақиқатни билиш мураккаб жараён. Диалектик назария ғоясига кўра ривожланишнинг асоси қарама-қаршилик ҳисобланади. Ривожланиш қарама-қарши кучлар қурашидир.

Диалектик ёндошишга биноан таълим жараёнининг асосий қарама-қаршиликларини қуйидагилар саналади:

1. Ижтимоий-тарихий (илмий) билимлар ҳажми ва ўқувчи ўзлаштирган билимлар ҳажми ўртасидаги қарама-қаршилик. Бу қарама-қаршилик таълим жараёнини ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. У таълим мазмунини доимий такомиллаштиришга олиб келади. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ижтимоий-техник тараққиёт даражасига яқинлаштириш зарурияти таълим мазмунини тубдан янгилаш, уни янги тамойил, шакл, метод ва воситаларини излашни муҳим ижтимоий вазифа қилиб қўймоқда.

2. Ўқувчи томонидан ўзлаштирилган ўрганишнинг амалий жиҳатлари (шакл, метод ва воситалари)нинг даражаси билан ижтимоий-тарихий билиш (ўрганишнинг ўқувчи эгаллаб олиши керак бўлган шакл, метод ва воситалари) даражаси ўртасидаги қарама-қаршилик. Бу қарама-қаршилиқни ҳал этиш ўқувчининг интеллектуал ривожланиши сурҳати ва даражасига боғлиқ. Бир хил мазмун ва ҳажмдаги ўқув материали ақлий ривожланишнинг турли кўрсаткичларига намоён этиши мумкин.

3. Ўқувчининг мавжуд ривожланиш даражаси билан ижтимоий буюртмада кўзда тутилувчи ривожланиш даражаси ўртасидаги қарама-қаршилик. Агарда ижтимоий талаб боланинг идрок этиш имкониятидан юқори бўлса, унда жиддий қийинчилик юзага келади.

XX асрнинг 80-90-йилларида педагогик ҳодисалар, шу жумладан, таълим муаммоларини ҳам ўрганишда МДХ давлатларида аксиологик ёндашув кўзга ташлана бошлади. Аксиология (юнонча «axios» – қимматли, логия - фан) – қадриятлар ҳақидаги фалсафий таълимот бўлиб, у XIX асрнинг охири XX аср бошларида шаклланган.

Россиялик баъзи олимлар (В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, Е.Н.Шиянов) мазкур ёндашувни таълимнинг янги фалсафаси асоси ҳамда замонавий педагогиканинг методологияси сифатида тушунишни таклиф этадилар¹.

Ҳаёт, соғлиқ, муҳаббат, оила, таълим, меҳнат, тинчлик, ишонч, гўзаллик, ижод ва шу каби қадриятлар ҳамма даврларда ҳам инсон ҳаёти учун ўзига хос аҳамият касб этган. Инсонпарварлик ғояси асосини ташкил этувчи ушбу қадриятлар тарихий тараққиёт жараёнида вақт синовидан ўтган. Ўзбекистон Республикасида кечаётган демократик ўзгаришлар мазкур қадриятларни қайта тиклаш ва баҳолаш заруриятини кун тартибига олиб чиқмоқда.

Инсонпарварлик ғояси марказида шахсни ҳар томонлама камол топтириш масаласи ётади. Шахсни ривожлантирувчи таълим назарияси асосчилари ушбу масалани назария учун қилиб олганлар. Ривожлантирувчи таълим назариясининг ғоялари XX асрнинг 80-йилларида педагогикага муқобил сифатида юзага келган ҳамкорлик педагогикасида ўз аксини топди.

Ҳамкорлик педагогикасини новатор-педагоглар (Ш.А.Амонашвили, С.Н.Лисенко, И.П.Волков, В.Ф.Шаталов, Е.Н.Илгин ва бошқалар) педагогик жараён иштирокчилари (ўқитувчи ва ўқувчилар) ўртасида инсонпарварлик тамойилига асосланган ўзаро муносабатлари ташкил этишини таъкидлаб ўтадилар. Ҳамкорлик педагогикаси учун концептуал аҳамиятга эга қоидалари - А.Авлоний, Ғ.Ғулом, К.Д.Ушинский, А.С.Макаренко, В.А.Сухомлинский, Ж.Ж.Руссо, Я.Корчак, К.Роджерс ва бошқаларнинг педагогик қарашларида ўз ифодасини топган. Педагогик ҳамкорлик ғоялари бугунги кунда педагогик технологиялар мазмунига сингдирилган ва “XXI аср таълими Концепцияси” асосини ташкил этади.

Педагогик ҳамкорлик мазмуни ва методикаси хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

Болага инсонпарварлик асосида шахсий ёндашув мактаб таълими тизимида бола шахси, унинг ҳали ривожланмаган қобилиятлари, «мен»лиги устувор ўрин тутади. Мактабнинг мақсади мавжуд қобилиятларни ривожлантириш, шахсни ижтимоий фаолиятга жалб этиш, уни эркин ривожлантиришдан иборат.

Шахсга йўналтирилган (ривожлантирувчи) технологиялар асосида қуйидаги ғоялар муҳим ўрин тутади:

1. Шахсга таълимнинг мақсади сифатида янгича қараш: бола мактабда – тўла ҳуқуқли шахс, педагогик жараёнда субъект; шахснинг ривожланиши – таълим тизимининг мақсади; ҳар бир эркин, ўз фикрини мустақил ифодаловчи, баркамол шахсни тарбиялаш таълим мақсадининг асоси каби ғояларларни акс эттиради.

2. Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш болаларга нисбатан муҳаббатли бўлиш, уларнинг тақдири билан қизиқиш; болага ўз кучи ва иқтидорига ишонтириш; педагогик

¹ Философия образования XX века. – Москва, Педагогика, 1992.

муносабатлар жараёнида у билан ҳамкорликка эришиш, ўқитувчи ва ўқувчининг ҳуқуқ жиҳатидан тенглиги; боланинг эркин танлаш ҳуқуқи; хато қилиш ҳуқуқи; ўз шахсий нуктаи назарига эга бўлиш каби ҳолатларни ифодалайди. Аксинча, тўғридан-тўғри мажбурлаш инкор этилади.

3. Индивидуал ёндошишнинг янги талқини. Унинг мазмуни ўқув фанини ўқувчига эмас, балки болани ўқув фанига йўналтиришдан иборат. Индивидуал ёндашиш қуйидагиларни ўз ичига олади: материални ўртача ўзлаштирувчи ўқувчиларга мўлжаллашдан четланиш, шахснинг ижобий сифатларини кўра билиш, шахсни психологик-педагогик диагностика қилиш.

4. Шахснинг ижобий «Мен-концепцияси»ни шакллантириш. Мен-концепцияси – бу шахснинг ўзи ҳақидаги тасаввурлари асосида шахсий ҳуққини шакллантирувчи тизим бўлиб, ижобий Мен-концепцияси (Мен ўзимга ёқаман, Мен ҳар ишга қодирман, Мен ҳамма нарсани биламан) шахсни муваффақиятларга рағбатлантириб, шахснинг ижобий намоён бўлишига ёрдам беради. Салбий Мен-концепцияси (Мен ўзимга ёқмайман, Мен ҳеч нарсани бажара олмайман, Мен ҳеч кимга керак эмасман) унинг турли фаолият йўналишларида муваффақиятга эришишига ҳалакит беради, ўқиш натижаларини ёмонлаштиради, шахсда салбий сифатларнинг шаклланишига олиб келади. Ўқитувчининг вазифаси ҳар бир ўқувчи тимсолида комил шахсни кўриш, уни тушуниш, қабул қилиш ва унга ишонишдан иборат («Ҳамма болалар истехдодли» тарзида).

5. “Нимага?” ва “қандай таълим?” масаласини ҳал этишга янгича ёндашиш. Унинг моҳияти таълим мазмунини шахс ривожланишининг воситаси сифатида тушунишдан иборат.

6. Замонавий мактабда тарбиялаш концепцияси. Ҳамкорлик педагогикаси қуйидаги муҳим ғояларни акс эттиради: билимлар мактабини тарбия мактабига айлантириш, ўқувчи шахсини яхлит тарбия тизимининг марказига қўйиш, тарбиянинг инсонпарварлик хусусиятига эғалиги, умуминсоний ва миллий қадриятларнинг шаклланиши, боланинг ижодий қобилияти ҳамда унинг индивидуаллигини ривожлантириш, индивидуал ва жамоавий тарбияни уйғунликда олиб бориш.

Педагогик ҳамкорлик юқорида қайд этилган ғоялар асосида шахсга йўналтирилувчи (ривожлантирувчи) технология яратилади. Таълим технологиясининг моҳияти шахсни ривожлантириш, таълим назариясини асослаш учун назарий шарт-шароит яратиш, фалсафаси эса инсонни шакллантиришдан эмас, балки унга ўзи ўзини тарбиялашга ёрдам беришдан иборат.

ТАЪЛИМ қонуниятлари ва тамойиллари. Ўқув жараёнида амал қилувчи барча қонуниятлар умумий ва хусусий тарзига икки гуруҳга ажратилади. Амал қилинишига кўра яхлит дидактик тизимни қамраб оладиган қонуниятлар умумий, амал қилинишига кўра фақат алоҳида таркибий қисмларига тааллуқли бўлган қонуниятлар эса хусусий (аниқ) деб аталади.

И.П.Подласый¹ таълим жараёнининг қуйидаги умумий қонуниятларини ажратиб кўрсатади:

1. Таълим мақсади қуйидагиларга боғлиқ: жамиятнинг ривожланиш сурҳати ва даражаси, жамиятнинг талаблари ва имкониятлари ҳамда педагогика фани ва амалиётининг ривожланганлиги ва имкониятлари даражаси.

¹ Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. – Москва, Владос, 1999.

2. Таълим мазмуни қуйидагиларга боғлиқ: таълимнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва мақсадлари, ижтимоий ва илмий-техник тараққиёт сурҳати, ўқувчиларнинг ёши имкониятлари, таълим назарияси ва амалиётининг ривожланиш даражаси, шунингдек, ўқув юртининг моддий-техник ва иқтисодий имкониятлари.

3. Таълим сифати (самарадорлиги) қуйидагиларга боғлиқ: аввалги босқич маҳсулдорлиги ва мазкур босқичда эришилган натижалар, ўрганилаётган материал хусусияти ва ҳажми, ўқувчиларга ташкилий-педагогик таъсир кўрсатиш ҳамда ўқувчиларнинг билим олишга қобилиятлари ва таълим вақти.

4. Таълим методлари самарадорлиги қуйидагиларга боғлиқ: методларни қўллашда билимлари ва кўникмалари, таълим мақсади, таълим мазмуни, ўқувчиларнинг ёши, таълим олиш имкониятлари, моддий-техник тахминот ҳамда ўқув жараёнини ташкил этиш.

5. Таълимни бошқариш маҳсулдорлиги қуйидагиларга боғлиқ: таълим тизимида қайта алоқаларнинг интенсивлиги ва тузатиш, таъсир кўрсатишларнинг асосланганлиги.

6. Таълимни рағбатлантириш самарадорлиги қуйидагиларга боғлиқ: таълимнинг ички рағбатлари (сабаблари) ҳамда ташқи (ижтимоий, иқтисодий, педагогик) рағбатлари.

Замонавий фанга аниқ қонуниятлар кўплаб сони Маълумдир. Улар каторига қуйидагилар киради:

1. Дидактик қонуниятлар.
2. Гносеологик қонуниятлар.
3. Психологик қонуниятлар.
4. Кибернетик қонуниятлар.
5. Социологик қонуниятлар.
6. Ташкилий қонуниятлар.

Дидактик тамойиллар (дидактика тамойиллари) ўқув жараёнининг умумий мақсадлари ва қонуниятларига биноан унинг мазмуни, ташкилий шакл ва методларини белгиловчи бошланғич қоидалардир.

Тамойил (юнонча «*pricipium*») – бирор-бир назариянинг асоси, негизи, асосий бошланғич қоидаси; бошқарувчи ғоя, фаолиятнинг асосий қоидаси; умумлаштирилган талаб.

Таълим қонуниятлари ва тамойилларининг шаклланиш тарихи. Ибтидоий жамиятда инсоният ўсиб келаётган авлодга мавжуд билимларни узатиш асосида амалий билимлари аста-секин шаклланган. Ўша даврдаёқ таълим амалий қоидалари ишлаб чиқилган ва авлоддан-авлодга узатиб келинган.

Антик даврда асосан аждодлар тажрибаси анҳаналар тарзида умумлаштирилиб, амалий таълим масалалари ҳал этилган. Платон ва Аристотеллар тавсия ҳамда қоидалар тўплами кўринишида амалиётини таълим моҳиятини умумлаштиришга уринганлар.

Шарқдаги Уйғониш даврида (IX-XI асрлар) араб, мусулмон маданиятининг Яқин ва Марказий Осиё халқларининг моддий ва маънавий маданияти билан бирлашиши асосида алоҳида синкретик (юнонча *synkretismos* – бирлашиш, яхлитлик, қўшилиш) маданият бирлашган тури юзага келган. Алломалар Муҳаммад ал-Хоразмий (787-850 йиллар), Абу Наср Форобий (870-950 йиллар), Ал-Киндий (800-870 йиллар), Абу Райҳон Беруний (973-1050

йиллар), Абу Али ибн Сино (980-1037 йиллар) ва бошқалар унинг асосчилари сифатида машҳур бўлдилар. Бу маданиятнинг асосий марказлари Сурия, Эрон, Марказий Осиё ҳудудларида жойлашган. Шарқ мутафаккирлари ўз асарларида таълим усуллари, қоидалари, тамойиллари, методлари ва шакллари асосида таълим амалиётининг моҳиятини ифода этадилар. Бироқ таълим масалалари билан улар махсус ва изчил шуғулланмаганликлари боис махсус дидактик назария яратилмади. Таълимни улар фан сифатида эмас, бошқа фанларга ўргатиш санъати, ҳунармандчилик сифатида тушундилар. Шарқ алломалари томонидан илгари сурилган қоида, усул ва тамойилларнинг аксарияти замонавий мактабларда ҳам қўлланилмоқда.

қуйидаги жадвалдан Шарқ алломалари Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ал-Киндий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муслиҳиддин Саҳдий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийлар ҳам таълимнинг илмийлиги, онглилиги, кўргазмалилиги, тушунарлилиги, кетма-кетлиги, мунтазамлиги, мослашувчанлиги ва мустақиллиги, шунингдек, боланинг индивидуал хусусиятлари, лаёқати ва қобилиятларини ҳисобга олиш, таълимни инсонпарварлаштириш каби қоида ва тамойилларини ифода этиб берганлари англанади¹(93-бетга қаранг).

XVII асрда педагогика амалий табиатшунослик сифатида биология қонуниятларига бўйсунити эҳтироф этилган. Педагогикани тубдан тўла қайта қуришни чех олими Я.А.Коменский ва инглиз педагоги Джон Локк амалга оширдилар.

Улар педагогик қонунларининг қуйидаги уч жиҳатига кўра гуруҳлаганлар:

1. Ижтимоий-тарихий.
2. Табиий-тарихий.
3. Психологик.

Кейинчалик бир гуруҳ илғор педагоглар умумий тамойиллар билан қаноатланмай, дидактик қонуниятларини ифода этишга уринганлар. Хусусан, Я.А.Коменский дидактиканинг тематик белгиларига кўра гуруҳланган қуйидаги қоидалар тизимини илгари сурди:

1. “Таълим ва осон ўқишнинг асосий қоидалари” (“Буюк дидактика” - XVII боб);
2. “Табиий ўқиш ва таълимнинг асосий қоидалари”;
3. “Фанларга ўқитиш санъатининг тўққиз қоидаси” (XX боб) ва бошқалар.

Дистервег томонидан асосланган қоидалар сони 33 та бўлиб, улар муайян лойиҳаларга тааллуқли эканлигига кўра гуруҳларга ажратади (биринчи гуруҳ – ўқитувчига нисбатан, иккинчиси – дарс ташкил этилаётган фанга нисбатан, учинчиси – ўқувчига нисбатан ва ҳоказолар тарзида). Шу билан бирга Дистервег мазкур қоидаларнинг айримларини қонунлар ҳам деб атади.

¹ Юзликбаев Ф.Р. Педагогика институтида бўлажак ўқитувчини дидактик тайёрлаш жараёнини жадаллаштириш. – Тошкент, Фан, 1995.

Ал-Хоразмий (757-850 йиллар) - Мустақиллик (ижодий фаоллик); - кузатиш ва шодисаларни тушунтиришда мунтазамлик, кетма-кетлик; - тажрибавий кузатув методи; - индукция ва дедукция; - математик масалаларни шалқилишда алгоритмик методлар; - ўқитишнинг савол-жавоб шакли (методи)	Ал-Киндий (800-871 йиллар) - 3итишнинг илмийлиги ва онглилиги; - англаш фаолиятининг фаоллаштириш методи; - мантиқий фикрлаш; - 3иёслаш, кузатиш, тажриба методи; - кўргазмаллик; - тизимлик, кетма-кетлик ва шоказолар	Ал-Форобий (870-950 йиллар) - амалий ва назарий билимларнинг шайт билан бўлиқлиги - илмий билимнинг қулайлиги (англашнинг илмий методи); - мантиқийлик ва кетма-кетлик; - илмийлик, кўргазмаллик, тизимлик (кузатиш ва тажриба); - мушоақа методи ва усуллари: 1) исботлилик, 2) диалектик ёки мунозара методи; 3) сўйиллик, яъни рақибни адаштириш методи; 4) риторик; 5) поэтик; - ўқитишнинг тажрибавий кўргазмаллик методи; - машқ-такрорлаш (ўқитишнинг умумий методи) - индукция ва дедукция методи	Ал-Беруний (973-1050 йиллар) - эксперт - ўқувчиларни илмий маълумот билан қуроллантириш; - илмий амалиёт; - тажриба ва кузатиш; - такрорлаш ва хабар бериш; - катехизик суқбат; - ўқитишнинг қулайлиги (яқиндан узоққа, маълумдан ноъмалумга ва бошқалар)	Ибн Сино (980-1037 йиллар) - тажриба; - тақлил, синтез, умумлаштириш; - жамоавий таълим; - ўқитиш тамойиллари: а) болани бирданига қитобга бўлаш мумкин эмаслиги; б) бола билан ўқитиладиган машқлар меёрлаштирилган ва қитобга мос, жамоавий, унинг жисмоний машқларга мувофиқ, боланинг қобилиятини шисобга олишлик; в) ўқитишда енгилдан оғирга мунтазам бориш; г) кўргазмаллик тамойили; д) боланинг алоқиди шахсий хусусиятларини шисобга олиш методлари: а) материални баён этишда тизимлик ва кетма-кетлик; б)мантиқий фикрлаш; в)назария ва амалиётнинг ўзаро бўлиқлиги; г)умумийдан хусусийга ўтиш; д) ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаши; ж)шахсий кузатиш; з)тажриба, амалиёт ва бошқалар.	Саъдий (1184-1291 йиллар) - билимларни амалиётда қўллаш; - ақлий қобилиятни ривожлантириш; - тизимлик, билимнинг тушунарлилиги; - шахсининг фаоллиги тамойили; - билимнинг шайтийлиги амалиёт билан бўлиқлиги - меҳнат таълими ва бошқаларнинг етакчилиги	Жомий (1414-1492 йиллар) илмийлик; амалийлик; тизимлик; мунтазамлик; қулайлик; билимни амалиёт билан бўлиқлиги эгалланган билимларни мустаққамлаш, амалий ақамиятлиги; ўқитишнинг инсонпарварлиги ва бошқалар.	Алишер Навоий (1441-1501 йиллар) -боланинг шахсий хусусиятларини шисобга олиш; - онглилик, фаолликни ривожлантириш; мунтазамлик; материални баён этишнинг қулайлиги; - ўқитишнинг инсонпарварлиги ва бошқалар.
--	---	---	---	--	---	--	--

Таълим тамойиллари. Дидактик тамойиллар (дидактика тамойиллари) ўқув жараёнининг умумий мақсадлари ва қонуниятларига қўра ташкил этилувчи таълим жараёнининг ташкилий шакл ва методлари, асосий қоидалари моҳиятини белгиловчи мазмундир. Таълим тамойилларида таълимнинг аниқ, тарихий тажрибага асосланувчи меҳрий асослари (қоидалари) ўз ифодасини топган. Таълим тамойилларини билиш ўқув жараёнини унинг қонуниятлари асосида ташкил этиш, унинг мақсадларини асосли равишда белгилаш ва ўқув материални мазмунини танлаб олиш, мақсадга мувофиқ таълим шакли ва методларини танлаш имконини беради. Шу билан бирга бу тамойиллар ўқитувчилар ва ўқувчиларга яхлит жараённинг босқичларига амал қилиш, ўзаро алоқалар ва ҳамкорликни амалга оширишга имкон беради.

Таълим тамойиллари ўзида тарихийлик хусусиятини намоён этади. Таълим назарияси ва амалиёти ривожланиб боргани, таълим жараёнининг янги қонуниятлари кашф этилиши билан таълимнинг янги тамойиллари ҳам шаклланади, эски қўринишлари ўзгарди. Бу ишлар бугунги кунда ҳам давом этади. Ўқитиш ва тарбиялаш қонуниятларини ақс этирадиган яхлит педагогик

жараённинг умумий тамойилларини келтириб чиқаришга уринишлар кўзга ташланмоқда.

Тамойиллар таълим жараёнининг моҳияти, қоидалар эса унинг алоҳида томонларини акс эттиради.

Таълимни мазмунли ва ташкилий-методик тамойилларидан ташкил топган тизим сифатида эҳтироф этиш мумкин:

I. Таълимнинг мазмунли тамойиллари. Улар таълим мазмунини танлаш билан боғлиқ бўлган қонуниятларни акс эттиради ва қуйидаги ғояларни ифодалайди:

- фуқаролик;
- илмийлиги;
- тарбияловчи таълим;
- фундаменталлиги ва амалий йўналганлиги (таълимнинг ҳаёт билан, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги);
- табиат билан уйғунлиги;
- маданият билан уйғунлиги;
- инсонпарварлиги.

Фуқаролик тамойили. Унга кўра таълим мазмунини шахснинг субъективлигини ривожлантириш, унинг маънавийлиги ва ижтимоий етуклигига йўналтиришда намоён бўлиши керак. У таълим мазмунини инсонпарварлаштиришни назарда тутди ва фуқароликни англаш, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва сиёсий тузилиши ҳақидаги тасаввурлар тизими, ўзбек халқи маданияти психологик хусусиятлари, унинг менталитет хусусиятлари, миллий сиёсати ва маданияти каби долзарб масалалар ҳақидаги тасаввурларининг шаклланиши билан боғлиқ.

Таълимнинг илмийлиги тамойили таълим мазмунини замонавий фан ва техника ривожланиш даражаси, жаҳон цивилизацияси тўплаган тажрибага мос келишини ифодалайди. Бу тамойил таълим вақтида ва ўқишдан ташқари вақтда амалга ошириладиган таълим мазмуни ўқувчиларни объектив илмий далиллар, ҳодисалар, қонунлар, замонавий ютуқлар ва ривожланиш истиқболларини очиқ беришга яқинлаштириб, у ёки бу қнинг асосий назария ёки концепциялари билан таништиришга йўналтирилган бўлишини талаб этади.

Таълимнинг тарбияловчилик тамойили яхлит педагогик жараёнда таълим ва тарбиянинг бирлиги қонуниятларига таянади. Бу тамойил таълим жараёнида баркамол ривожланган шахсни шакллантиришни кўзда тутди. Таълим жараёнида тарбиялашнинг самарали кечиши шахснинг интеллектуал ривожланиши, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг қизиқишлари, идрок этиш ҳамда индивидуал қобилиятларининг ҳисобга олиниши билан боғлиқ.

Таълимнинг фундаменталлиги ва амалий йўналганлиги тамойили умумий ўрта таълим мактабларидаёқ ўқувчилар чуқур назарий ва амалий тайёрликдан ўтадилар. Мазкур ҳолат анҳанавий дидактикада таълимнинг ҳаёт билан, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги каби ифода этилади.

Ўқишда фундаменталлик билимларнинг илмийлиги, тўла ва чуқур бўлишини кўзда тутди. У одамдан юксак интеллектуал салоҳият, фикрлаш лаёқатининг

тадқиқотчилик кўринишда бўлиши, билимларини доимий равишда тўлдириб бориш истаги ва малакаларини талаб этувчи замонавий илмий-техник тараққиётга асосланган. Фундаментал билимлар аниқ билимларига қараганда секин эскиради, шунингдек, инсон ва хотирасига эмас, кўпроқ унинг фикрлаш лаёқатига боғлиқ бўлади. Таълимнинг фундаменталлиги билимлар мазмунининг мунтазамлиги, назарий ва амалий жиҳатдан ўзаро нисбатда бўлишни талаб этади.

Таълимнинг табиат билан уйғунлиги тамойили. Я.А.Коменский ўзининг табиатга уйғун бўлиши ғоясини ифода этиб, табиатда ҳаёт баҳордан бошлангани каби таълим олиш жараёни учун энг қулай давр болалик эканлигини таъкидлайди. Эрталабки соатлар машғулотларни бажариш учун жуда қулай ҳисобланади. Ўқувчиларга уларнинг ёш давларини инобатга олган ҳолда билимларнинг берилиши ушбу билимларнинг улар учун тушунарли бўлишини тахминлайди. Демак, табиат билан уйғунлик ғояси аста-секинлик, кетма-кетлик ва мустақил фаолият каби таълим тамойилининг асоси ҳисобланади.

Ўзбек педагоги Абдулла Авлоний ҳам (1878-1934 йиллар) таълим ва тарбияни йўлга қўйишда табиатга уйғун бўлиши ғоясининг давомчиси бўлган. Ўзининг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” номли асарида бола шахсининг табиий мукамаллигига ишонч билдиради. А.Авлоний бола табиатан гўзаллик ва меҳрибонлик билан уйғунликда туғилади деб ёзади. Алломанинг фикрича, таълим ва тарбиянинг вазифаси бола шахсининг ривожланиши учун ёрдам берувчи шароитларни яратишдан иборат.

Абдулла Авлоний болани миллий маданият, ватанга муҳаббат асосида тарбиялаш ғоясининг тарафдори бўлган, бу хусусида алломанинг асарларида қуйидаги фикрлар ўз ифодасини топган: “.... одам туғилган ва ўсиб улғайган шаҳарни ва шу шаҳар жойлашган мамлакатни бу одамнинг Ватани деб айтадилар. Биз туркистонликлар ўзимизнинг куёшли диёримизни жонимиздан ҳам ортиқ яхши кўришимиз каби араблар ўз Арабистонини, ... эскимослар эса ўзларининг Шимолини яхши кўрадилар” деб ёзади. А.Авлонийнинг фикрича, халқпарварликка асосланган таълим ва тарбия ёшларга ватанпарварлик намуналарини кўрсатишга ундаши керак.

Таълимда инсонпарварлик тамойилини боланинг шахс сифатидаги кадр-қиммати, унинг эркинлиги ҳамда бахтли ҳаёт кечиришини тахминлаш, уни ривожлантириши, ижодий имкониятларини рўёбга чиқариши, унга ҳаётда ўз ўрнини топишда ёрдам кўрсатиши ва ҳоказоларни назарда тутади.

“Инсонпарварлик” ва “одамийлик” сўзлари юнонча *humanus* “одамийлик” бир сўздан келиб чиққан. Инсонпарварлик, одамийлик маънавий-ахлоқий тушунчалардир. Инсонпарварлик ғояси антик давр файласуфлари (Сукрот, Афлотун, Арасту ва бошқалар) қарашларида илк бор кўзга ташланади. Марказий Осиёда инсонпарварлик ғоялари Шарқ Уйғониш даврида кенг ривожланди. Абу Наср Форобийнинг фикрича, болани энг аввал ўқимишли, саховатли инсон қилиб тарбиялаш керак, зеро, салбий нуқсонлар болаликдан пайдо бўлади. Шу боис оилада тарбияни йўлга қўйишда хато қилмаслик зарур.

Ўзбекистон Республикасида ҳукукий, демократик жамият барпо этилаётган мавжуд шароитда узлуксиз таълим тизими олдида баркамол, ҳар томонлама ривожланган, эркин, мустақил фикрловчи шахсни тарбиялаш вазифаси турибди. Мазкур вазифа таълим ва тарбия жараёнида болаларга нисбатан инсонпарварлик муносабатида бўлиш орқали ижобий ҳал этилади.

Болаларга нисбатан инсонпарварлик муносабатида бўлиш уларнинг тақдири ҳақида қайғуриш, унинг қобилятини кўра олиш, унга ишониш, шунингдек, боланинг хатога йўл қўйиш, шахсий нуқтаи назарга эга бўлиш ҳуқуқини қадрлашни назарда тутати.

Таълимнинг ташкилий–методик тамойиллари. Таълимни ташкил этиш методикаси таълим мазмунини шакллантириш каби эркин танланиши мумкин эмас. Бу борада муайян ижтимоий, психологик ва педагогик талабларни инобатга олиш зарур. Бундай талаблар таълимнинг ташкилий-методик тамойиллари деб юритилувчи тамойиллар мазмунида ўз ифодасини топган:

- таълимнинг изчиллиги, тизимлилиги, кетма-кетлиги;
- таълимда онглилик ва ижодий фаоллик;
- таълимда кўргазмалилик;
- таълимнинг самарадорлиги ва ишончилиги (мустаҳкамлиги);
- таълимнинг тушунарлилиги;
- гуруҳли ва индивидуал таълим бирлиги;
- таълимнинг ўқувчилар ёши ва индивидуал хусусиятларига мос келиши;
- оқилона талабчанлик билан бола шахсини ҳурмат қилишнинг мувофиқлилиги;
- педагогик ҳамкорлик.

Таълимнинг изчиллиги, тизимлилиги, кетма-кетлиги тамойили билиш босқичларининг объективлигини англатади.

Изчиллик таълим мазмуни, унинг шакли ва усуллари, ўқув жараёни иштирокчилари бўлган субъектларнинг ўзаро муносабатларига тааллуқли. У алоҳида парциал (юнонча *partialis* - қисман) ва хусусий ўқув вазиятлари, предмет ва ходисалар ўртасидаги боғлиқлик, алоқадорлик қонуниятларини аста-секин ўзлаштириш асосида уларни ягона яхлит ўқув жараёнига бирлаштиришга имкон беради.

Изчиллик таълим жараёнининг Маълум тизим ва кетма-кетлик асосида бўлишини назарда тутати, зеро, мураккаб масалаларни оддий масалаларни ўрганмай туриб ҳал этиб бўлмайди.

Мунтазамлик ва кетма-кетлик у ёки бу ўқув материални ўзлаштириш сурҳати, унинг элементлари ўртасидаги ўзаро мослигини таҳлил қилишга имкон беради. Таълимнинг мунтазамлилиги ва кетма-кетлиги Маълум фанлар бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш, борлиқни яхлит идрок этиш ўртасидаги қарама-қаршилиқни ҳал этишга имкон беради. Ушбу ҳолатлар биринчи навбатда дастур ва дарсликларни муайян тизимда яратиш, фанлараро ҳамда фанлар ичидаги боғлиқликни таҳминлаш эвазига намоён бўлади.

Онглилик ва ижодий фаоллик тамойили. Унинг асосини фанни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлувчи қоидалар мажмуини шакллантириш ташкил этади. Билимларни онгли равишда ўзлаштириш қуйидаги омил ва шартларга боғлиқ: таълим мотивлари, ўқувчиларнинг фаоллик даражаси, ўқув-тарбиявий жараённинг самарали ташкил этилиши, ўқитувчи томонидан қўлланувчи таълим методлари ва воситаларининг самарадорлиги ва бошқалар. Ўқувчиларнинг фаолликлари репродуктив ва ижодий характерга эга бўлиши мумкин. Мазкур тамойил ўқувчиларнинг ташаббускорликлари ва мустақил фаолиятларини назарда тутати.

Кўргазмалилик тамойили таълим жараёнини ташкил этиш асосида ётувчи муҳим қоидалардан бири ҳисобланади. Я.А.Коменский уни дидактиканинг “олтин қоидаси” деб атаган. Унга биноан таълимда инсон сезги органларидан фойдаланиш керак. “Агарда биз ўқувчиларда ҳақиқий ва аниқ билимлар пайдо қилишни истасак, унда биз умуман ҳамма нарсага шахсий кузатиш ва сезиб кўриш билан Таълимга интилишимиз керак – деб таъкидлайди у – агарда қандайдир предметни бараварига бир неча сезги органлари билан қабул қилиш мумкин бўлса, майли улар бараварига бир неча сезгилари билан ўрганилсин”¹.

Таълимнинг асосида ўрганилаётган нарсани намойиш этиш ва жараён моҳиятини ҳикоя қилиб бериш ўзлаштириш даражасини бирмунча оширади. Хусусан, ахборотларни эшитиб қабул қилиш самараси 15 фоиз, кўриб қабул қилиш эса – 25 фоизни ташкил этади. Таълим жараёнида уларни бир вақтда иштирок этиши натижасида Маълумотларни қабул қилиш самарадорлиги 65 фоизгача ортади.

Кўргазмалиликдан ўқув жараёни барча босқичларида фойдаланиш мумкин: янги материални ўзлаштириш, уни мустаҳкамлаш, машқларни ташкил қилиш ҳамда ўқувчиларнинг дастур материалларини ўзлаштиришларини текшириш ва баҳолашда.

Таълимнинг самарадорлиги ва ишончилиги тамойили. Анҳанавий дидактикада у мустаҳкамлик тамойили каби ифода этилади. Агарда ўқитиш жараёни таълим мақсадларига эришишни тахминламаса, у ҳолда ушбу жараёни ташкил этиш зарурияти юзага келмайди. Шу боис таълим самарали, шунингдек, ривожлантирувчи ва тарбияловчи хусусиятга эга бўлиши керак.

Таълимнинг ишончилиги ва мустаҳкамчилигини тахминлаш учун ўқувчилар ўқиш жараёнида ўқув-ўрганиш ҳаракатларининг қуйидаги тўла циклини ўзлаштира олишлари зарур: ўрганилаётган материалларни дастлабки қабул қилиш, уни чуқурроқ англаб етиш, эслаб қолиш, ўзлаштирилган билимларини қўллаш бўйича Маълум фаолиятни амалга ошириш, уларни такрорлаш ва тизимлаштириш.

Таълимнинг чуқурлиги ва мустаҳкамлиги талаби дидактикада анҳанавий ҳисобланади ва у юзакиликка қарама-қарши қўйилади. Чуқур, мустаҳкам билимнинг асосий белгиси энг фундаментал ғоялар, қоидалар, тушунча, категорияларни тушуниш, чуқур ўзлаштириш, ўрганилаётган материаллар мазмунини пухта англашдан иборат.

Таълимнинг тушунарлилиги тамойили ўқувчиларнинг мавжуд имкониятларини ҳисобга олиш, жисмоний ва психик соғлиғига ёмон таъсир этувчи интеллектуал ва эмоционал қийинчиликлардан воз кечишни талаб этади. Таълимнинг тушунарли бўлиши ўқувчиларнинг ёши, билиш имкониятларини ҳисобга олиб ўқинишнинг мазмунини тўғри аниқлаш демакдир, яъни, ҳар бир ўқув фани бўйича ўқувчилар эгаллаб олиши зарур бўлган билим, амалий кўникма ва малакалари ҳажмини тўғри аниқлашдир. Бу тамойил ўқув жараёнини ўқувчиларда қийинчиликларни енгиш истагини ҳосил қилувчи ва шахсий муваффақиятларининг натижаларидан қувониш туйғусини юзага келтиришга йўналтирилганлигини ифодалайди. Бу болаларда кўзга ташланувчи қаттиқ ҳаяжонланиш, шунингдек, ўқув масалаларини ечишдаги ишончсизликни йўқотишга ёрдам беради.

¹ Коменский Я.А. Буюк дидактика. Изб. пед. соч. В 2 том. М. 1982. Т.1. – с. 384.

Гуруҳли ва индивидуал таълимнинг бирлиги тамойили шахснинг, бир томондан атрофдагилар билан муносабатда бўлиш, ижтимоий алоқаларни йўлга қўйишга интилиши, иккинчи томондан эса, якка ҳолда таълим олишга бўлган хоҳишини акс эттиришга хизмат қилади. Муомала фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, уни ташкил этиш жараёнида бошқалар ҳақидаги тасаввур ва тушунча юзага келади. Атрофдагилар билан муносабатни йўлга қўйиш ўзаро алоқаларнинг ҳосил бўлиши ва ривожланишини, алоҳида бўлиш эса шахснинг ижтимоийлашуви ҳамда ривожланишини тахминлайди.

Анҳанавий таълим ўз моҳиятига кўра гуруҳли ҳисобланади, зеро, у 30-40 нафар ўқувчилардан иборат ўқув гуруҳ (ёки синф)ларида ташкил этилади. 100-200 нафар талабалардан иборат курсларда эса таълимга сарфланадиган ҳаракатларни камайитириш мақсадида маърузалар ўқиш ташкил этилади. Гуруҳли таълим мунозара, музокара ташкил этиш учун қулай шароитга эга бўлиб, ўқув масалаларини ечишнинг энг самарали йўллари биргаликда излашни тахминлайди, ўзаро ёрдам кўрсатиш учун шароит яратади, ўқувчиларнинг масхулият ҳиссини оширади. Ўқув муассасаларида гуруҳли таълимни ташкил этиш жамоани шакллантиришнинг асосий шакли саналади.

Таълимнинг ўқувчиларнинг ёши ва индивидуал хусусиятларига мос келиши тамойили ўқувчиларнинг ёшига кўра ва индивидуал ёндашувни англатади.

Ёшига мувофиқ ёндашиш ўқувчиларнинг психик хусусиятлари, шахсий ривожланганлик даражаси, маънавий-ахлоқий сифатлари, ижтимоий етуклигини баҳолай олишни назарда тутати. Агарда қўйилаётган талаблар ёки таълимнинг ташкилий тузилиши ўқувчиларнинг ёши имкониятларидан ортда қолса ёки илгарилаб кетса, ўқув фаолиятининг самараси пасаяди. Индивидуал ёндошиш ўқувчиларнинг мураккаб ички дунёсини ўрганиш, юзага келган муносабатлар тизимини таҳлил қилиш ва шахс шаклланиши содир бўладиган кўп турдаги шароитларни аниқлашни талаб этади.

Оқилона талабчанлик билан бола шахсини ҳурмат қилишнинг биргалиги тамойили педагог тарбияланувчини шахс сифатида ҳурмат қилиши зарур. Оқилона талабчанлик мақсадга мувофиқ бўлса, таълим-тарбия жараёни, шахснинг тўлиқ ва баркамол ривожланишини тахминлай олса самараси анча юқори бўлади. Ўқувчиларга нисбатан талабчанлик уларни тартибли, интизомли бўлиш, бурчларни ўз вақтида бажариш кўникмаларига эга бўлишларини тахминлаши лозим. Шахсга ҳурмат инсондаги ижобий хислатларига таянишни кўзда тутати.

Ҳамкорлик тамойили таълим жараёнида шахснинг устувор мавқеини тахминлаш, унинг ўз-ўзини англашини англатади. Бу тамойил ўзаро муносабатлар жараёнида субҳектлар ўртасидаги алоқаларнинг диалог шакли, шахслараро муносабатлар мазмунида эса эмпатия (юнонча «empathlia» – биргаликда ташвишланиш, яҳни, бошқа одамнинг ташвишларини тушуниш)нинг устунлигига эришишни талаб этади.

Назорат учун саволлар:

3. Ўқувчилар томонидан билимларнинг эгалланишини тахминловчи жараёнининг асосий босқичлари нималардан иборат?

4. Таълимнинг асосий дидактик қонуниятларини ифода этиб беринг (И.П.Подласый бўйича).
5. Шарқ Уйғониш даври алломалари – Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино) илгари сурган таълимий қоида ва тамойилларини таърифлаб беринг.

АДАБИЁТЛАР:

6. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни Ғаркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» Ғаркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
8. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
9. Мавлонова Р. Ва бошқ. Педагогика. – Тошкент, Ўқитувчи, 2001.
10. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. В 2 кн. Кн. 1. – Москва, Владос, 1999.

23-Мавзу: Таълим методлари ва воситалари.

РЕЖА:

1. Таълим методлари ҳақида тушунча.
2. Ҳозирги замон дидактикаси ва методикасида таълим методларини тавсифлашга турлича ёндашувлар.
3. Ўқувчиларни билиш фаолиятида таълим методларини ўқлаш йўллари.
4. Янги педагогик технологияларида таълим методларидан фойдаланиш

Таълим методлари: тушунча, функция, тасниф. «Метод» сўзининг юнотча таржимаси «тадқиқот, усул, мақсадга эришиш йўли» каби маҳноларни англатади. Филофосия луғатида ушбу тушунча умумий тарзда «мақсадга эришиш усуллари»¹ дея шарҳланган.

Айни вақтда педагогик манбаларда «таълим методи» тушунчасига берилган таърифларнинг хилма-хил эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Мазкур ўринда уларнинг айримларини келтирамиз:

¹ Философский словарь. 5-изд. //Под ред. П.Т.Фролова. – Москва, 1987. – с. 278.

Таълим методи – замонавий даражада ўқув ў -тарбиявий мақсадларга эришишга йўналтирилган педагог ва ўқув чиларнинг ўзаро боғлиқ фаолият усулларидир (В.И.Загвязинс кий)	Таълим методлари – ўқув ў жараёнининг мураккаб таркибий унсури (компоненти) бўлиб, ўқитувчи ва ўқув ў чи фаолиятининг барча йўналишларини ёритишга хизмат килади, улар ўртасида кўп сонли алоқа ва боғланишларни юзага келтиради (Г.И.Щукина)	Таълим методлари деганда ўқитувчининг ўргатувчанлиги ва ўқувчиларнинг ўқув материалини эгаллашга йўналтирилган турли дидактик масалалар ечимини топишга оид ўқув-билиш фаолиятларини ташкил этиш усуллари тушунилади (И.Ф.Харламов)	Таълим методи – белгиланган мақсадга эришишни таъминловчи алгоритм лаштирилган, муайян мазмунга эга ҳаракатлар тизимидир (П.И.Подласый)
---	--	--	---

5- расм. «Таълим методи» тушунчасининг моҳиятини ёритувчи қарашлар

Шунингдек, таълим методларининг ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги тартибли фаолиятлари усуллари эканлиги тўғрисидаги фикрлар ҳам мавжуд.

«Таълим методлари дастлаб педагог онгида муайян йўналишдаги фаолиятнинг умумлашма лойиҳаси тарзида намоён бўлади. Мазкур лойиҳа амалиётга ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг ўзаро туташуви, ўқитиш ва ўқишга қаратилган аниқ ҳаракатлар, амаллар ёки усуллар мажмуаси сифатида жорий этилади. Метод бошқа шаклларда намоён бўлмайди, бунинг боиси таълим методи ўзида умумий ҳолда фаолиятнинг дидактик моделини ифода этади»¹.

1. қайд этилаётган тушунча моҳиятини тўлақонли ёритувчи таърифни аниқлашга бўлган уриниш бугун ҳам давом этипти, янги-янги таърифлар илгари сурилмоқда. Бироқ, «таълим методи» тушунчаси моҳиятини ёритишга нисбатан турлича қарашларнинг мавжудлигига қарамай, уларни ўзаро яқинлаштирувчи умумийлик мавжуд. Аксарият муаллифлар «таълим методлари ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш усуллари» деган қарашга ён босадилар. Демак, таълим методлари таълим жараёнида қўлланилиб, унинг самарасини тахминловчи усуллар мажмуидир.


Таълим методлари таълим мақсадини ёритишга хизмат қилади, у ёрдамида таълим мазмунини ўзлаштириш йўллари ифода этилади, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳаракати, хусусияти акс эттирилади.

Метод, бир томондан, таълим мақсадига эришиш воситаси сифатида намоён бўлса, бошқа томондан, бошқарилувчан ўқиш фаолиятини амалга ошириш шарти ҳисобланади.

Таълим методлари доимо у ёки бу ўқиш воситалари ёрдамида жорий этилади, шу боис уларнинг ўзаро шартланганлигини таъкидлаш жоиз.

Таълим методи тузилмаси чизмада қуйидагича намоён бўлади (М.Н.Скаткин қарашларига кўра):

¹ Ларнер И.Я. Дидактические основы методов обучения. – Москва, Педагогика, 1981. – с. 35.




6 - расм. Таълим методи тузилмаси

Чизмадан англаниб турибдики, таълим методи тузилмасида куйидагилар ажралиб туради: мақсадли таркиб; фаолиятли таркиб; таълим воситалари.

Табиийки, умумий ҳолда эришилган натижа ҳар доим ҳам ўқитувчининг дарс бошида белгиланган мақсадига мос келавермайди. Таълим мақсади ўқитувчи ва ўқувчилар фаолияти асосида, шунингдек, таълим воситалари ёрдамида натижаланади, ушбу жараёнда аниқ мақсадга йўналтирилган механизм ишга тушади. Таълим тизимлари мақсадга эришиш жараёнида бош халқа айнан қандай ва қайси механизм асосида ҳамда мавжуд таркибий унсурларни қандай ишга солиш мумкинлигини ифодалашга хизмат қилади.

Таълим методлари куйидаги асосий функцияларни бажаради:




7 - чизма. Тарбия методларининг асосий функциялари

Бу функциялар таълим методини қўллаш жараёнида бир-биридан ажратилган ҳолда ёки кетма-кет жорий этилмайди, аксинча бир-бирига ўзаро сингиб кетади. Мисол учун, ташхисли функция ўқитувчининг бир қатор методлардан яхлит фойдаланиши эвазига бажарилади.

«Таълим методи» атамаси билан бирга кўп ҳолларда «методик усул» (синонимлари – педагогик усул, дидактик усул) тушунчаси ҳам қўлланилади. У таълим методининг таркибий қисми, унинг муҳим унсури, методни жорий қилишдаги алоҳида қадам сифатида таърифланади. Ҳар бир таълим методи муайян таълим усуллари чўғиштириш орқали жорий этилади. Методик

усулларни хилма-хиллиги уларни таснифлашга имкон бермайди, бироқ ўқитувчи фаолиятида тез-тез қўлланиладиган усулларни ажратиб кўрсатиш мумкин:



8 - чизма. Методик усулларнинг турлари

Ҳар бир метод Маълум таълимий вазифани муваффақиятли ҳал этиш, қолганлари эса бирмунча самарасиз бўлиши мумкин. Универсал таълим методлари мавжуд эмас, шу боис дарсда турли таълим методларидан ёки уларнинг мажмуасидан фойдаланиш мумкин.

Таълим методларини танлаш қуйидаги мезонлари асосида аниқланади:

- дидактик мақсад асосида;
- таълим мазмуни асосида;
- ўқувчиларнинг ўқув кўникмаларини эгаллаш ва ривожланиш даражаси асосида;
- ўқитувчининг тажрибаси ва касбий тайёргарлик даражаси асосида.

Ўқитувчи томонидан қўлланилаётган таълим методлари мажмуаси бошланғич синфлардан юқори синфларга ўтиш асосида ўзгариб ҳамда мураккаб хусусият касб эта боради. Ушбу жараёнда айрим методларни қўллаш частотаси ошса, айрим методларни қўллашга бўлган эҳтиёж камаёди. Таълим методларидан фойдаланиш кўлами, ҳолати ўқитувчининг касбий тайёргарлиги ва маҳорати даражасига боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Дидактикада мунозараларга сабаб бўлаётган яна бир муҳим объект таълим методларининг таснифидир. «Таълим методлари таснифи уларнинг Маълум белгилари бўйича тартибини ифодаловчи тизимдир. Ҳозирги вақтда ўнлаб таълим методлари Маълум», - эканлигини таъкидлаган ҳолда И.П.Подласый фикрини қуйидагича давом эттиради, - «Бироқ бугунги кунда етакчи саналувчи дидактик ғоя ягона ва ўзгармас методлар мажмуини яратишга интилиш самарасиз эканлигини тушунишга ёрдам беради. Ўқитиш – ғавқулдда ҳаракатчан, диалектик жараён. Методлар тизими ҳам бу ҳаракатланишни акс эттирадиган даражада жўшқин бўлиши, методларни қўллаш амалиётидаги доимий ўзгаришларни ҳисобга олиши керак»¹.

Таълим методларини танлаш муаммоси узоқ даврдан буён тадқиқ қилиб келинмоқда. Бироқ тадқиқотлар сони кўп бўлсада, бу борада ягона тўхтамган келинмаган. Ушбу ўринда таълим амалиётида қўлланилиб келаётган методлар тизими (таснифи)га тўхталиб ўтамыз.

¹ Подласый И.П. Педагогика, Кн. 1. – Москва, ВЛАДОС, 1999. – с. 475-476.

Таълим методларининг таснифи асосий дидактик мақсадлар бўйича тизимлаштирилади².

М.А.Данилов ва Б.П.Есиповларнинг қарашларига кўра

1. Билимларни эгаллаш методлари.
2. Қўникма ва малакаларни шакллантириш методлари.
3. Билимларни қўллаш методлари.
4. Назорат (билим, қўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ва текшириш) методлари

9 -чизма. Таълим методларининг таснифи

Муаллифлар тавсия этилаётган методларни қуйидаги чизма бўйича қўллаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайдилар:

1. Материални оғзаки баён қилиш (ҳикоя, тушунтириш, мактаб маърузаси). Ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштириш ўқитувчининг тушунтиришини фаол қабул қилиш ва пухта ўйлаш эвазига амалга оширилади. Билимларни узатиш воситаси сифатида ўқитувчи нутқи муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда ўқитувчининг ўқувчилар фаолиятига раҳбарлиги мавзуни қўйиш, режани эҳсон қилиш, ўқувчилар фаолиятини бошқаришдан иборат бўлади.

2. Сухбат. Ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштириш жараёни: улар эҳтиборига ҳавола этилаётган саволнинг моҳиятини англаш, мавжуд билимлар ва тажрибани сафарбар қилиш, саволга оид об'ектларни ўзаро таққослаш, пухта ўйлаш ва саволларга тўғри жавоб тайёрлашдан иборат.

Ўқитувчининг раҳбарлиги: мавзуни қўйиш, саволларни ифодалаш, берилган жавобларни тузатиш, тўлдириш ва умумлаштириш каби ҳолатларда намоён бўлади.

Сухбат методи ёрдамида билимларни ўзлаштиришда ўқувчилар мавжуд билимлари ва тажрибаларига таянадилар.

3. Дарслик (умуман, китоб) билан ишлаш (умумлашма ва хулосаларни англаш, уларни хотирада сақлашга хизмат қилади).

Билимларни ўзлаштириш манбаи бўлиб босма матн хизмаи қилади. Ўқитувчининг раҳбарлиги эса топшириқни ифодалаш, фаолият мақсадини белгилаш, ўқувчиларга дарслик билан ишлашнинг янги усуллари ўргатиш, ўзлаштирилган билимларнинг тушунилиш ва мустаҳкамлик даражасини текшириш каби кўринишларда акс этади.

4. Ўқитувчиларнинг кузатуви (синфда ва синфдан ташқари (шу жумладан, саёҳат ва экскурсиялар) жараёнларда).

Ўқувчиларнинг ўқув предметлари бўйича ўзлаштириш ҳолати ва ҳодисаларни кузата бориб, турли фан ўқитувчиларининг кўрсатмалари бўйича уларни қисмларга тақсимлаб ҳар бир ўқувчининг ўзига хос, ўхшаш ва муҳим жиҳатларини аниқлашга йўналтирилади.

Билимларни ўзлаштириш манбаи бўлиб муайян предмет (ёки жараён), тажриба, модел, ҳариталар хизмат қилади. Ўқитувчининг раҳбарлиги кузатиш вазифасини

² Бу тизим И.П.Подласый томонидан методнинг вазифаси бўйича аниқланган тасниф деб номланган. Ўолбуки дидактик мақсадларга кўра бундай таснифлаш педагогика фанида аллақачон эътироф этган. қаранг: Ўша ерда, 475-бет.

белгилаш, уни Маълум шахс зиммасига юклаш, объектни белгилаш, умумий раҳбарликни олиб бориш, қисмларга ажратиш, асосийларини аниқлаш ва умумлаштиришдан иборатдир.

5. Лаборатория ишлари. Мазкур жараёнда аниқ вазифа, яҳни, Маълум шароитда муайян ҳодисаларни кузатиш юкланади. Ўқувчилар ҳодисаларни кечиш жараёнини кузатадилар ва таҳлил қиладилар.

Билимлар манбаи кузатилаётган ҳодисалар ва уларнинг кечиш жараёнидир. Ўқитувчи вазифа моҳиятини ифодалайди, ўқувчиларни назарий билимлар билан куроллантиради, умумий жараён ва босқичларни кузатиш йўллари ҳамда якуний хулоса чиқаришни ўргатади.

6. Машқ (ақлий ва фаолиятли машқлар). Ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштириш жараёнининг ўзига хослиги, назарий асослар ўзлаштирилгач, айрим материаллардаги ўхшаш ҳаракатларнинг кўп бора такрорланиши кузатилади.

Билимлар манбаи: ўзлаштирилган билимлар ва хусусий тажриба саналади.

Ўқитувчи машқни бажариш учун жой ҳамда вақтни белгилайди, топшириқни ифодалайди, уни бажариш босқичларининг боришини назорат қилади, бошқаради, шунингдек, якуний натижаларни текширади.

7. Ижодий машқ. Ушбу метод ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ўзига хослик масаланинг моҳиятини чуқур англаш, уни бажаришга нисбатан мустақил ёндашиш, далилларни саралаш ва ўқитувчи томонидан берилган топшириқни ижодий бажариш жараёнида билимларни қўллаш ва кенгайтириш каби ҳолатлар билан тавсифланади.

Билимлар манбаи ва материали сифатида аввал эгалланган ижодий ишлар тажрибаси, мавжуд билимлар, кузатувлар, шахсий тажриба, ўқилган ҳикоя, ижтимоий-фойдали ишларни бошқариш кабилар қайд этилади.

Ўқитувчининг раҳбарлиги: назарий материалларни ўзлаштирилишини таҳминлаш, мавзун ифодалаш, ижодий ишлар ҳарактерини белгилаш, уларнинг бажарилишини назорат ва таҳлил қилиш, синтезлаш, хатони кўрсатиш ҳамда тўғрилашдан каби ҳолатларда намоён бўлади¹.

Келтирилган тасниф «билимлар манбаи» бўйича тизимлаштирилган методлар – оғзаки, кўргазмали ва амалий методларни у ёки бу даражада ўзида мужассамлаштиради. Бироқ, М.А.Данилов ва Б.П.Есиповлар асосий эҳтиборни «таълим методини тўғри танлаш»га қаратишади. Гап шундаки, собиқ Шўро умумтаълим мактабларининг ўқув жараёнида методларнинг чексиз кўплиги, хатто уларни бир неча тасниф билан ҳам қамраб олиш мумкин эмаслиги, шу боисдан ҳам ўқув-тарбиявий ишлар муваффақиятининг бош омили ва энг муҳими тўғри, асосланган методни танлаш ҳисобланган, Ана шу «ғоя» моҳият жиҳатидан нотўғри бўлишига қарамай, ўн йиллар давомида дидактика «ривож»да муҳим ўрин тутиб келди. Ниҳоят, ҳар икки тасниф билимлар манбаи бўйича ҳам, дидактик мақсадлар бўйича аниқланган таълим методлари тизими мактаб амалиётининг асосий муаммосини ҳал эта олмаслигига танқидий ёндашилди, уларни қўллаш таълим сифатининг юқори даражасини таҳминлаганлиги англаб етилди ва бу борадаги изланишлар давом эттирилди. Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб ўқувчиларнинг билиш фаолияти характериға мос таълим таснифи яратилди.

¹ Данилов М.А., Есипов Б.П. Дидактика. – Москва, Изд-во АПН РСФСР, 1957.

1. Изоҳли-тасвирли.
2. Репродуктив.
3. Эвристик ёки қисман-изланувчан муаммоли баён.
4. Тадқиқотчилик

10 -чизма. Таълим методларининг таснифи

Ушбу методлар, муаллифларнинг таъкидлашларича, бир-биридан ўқувчиларнинг таълим мазмуни турларини ўзлаштиришда амалга оширадиган билиш фаолиятлари характери ва ўқувчиларнинг хилма-хил фаолиятларини ташкил этувчи ўқитувчи ҳолати ... бўйича фарқланади¹.

Изоҳли-тасвирли таълим методлари (бошқа номланиши ахборотли-рецепция)нинг моҳияти: одатда назарий билимлар тайёр ҳолда узатилади, ўқувчилар эса уларни қабул қиладилар (рецепция). Бу йўлда турли таълим воситалари (шу жумладан, кўргазмали воситалар)дан фойдаланилади. Ўқитувчи фаолияти бунда нафақат ахборотларни узатиш, балки уларнинг ўқувчилар томонидан қабул қилинишини ҳам ташкил этишдан иборат бўлади.

Изоҳли-тасвирли методдан таълим жараёнида фойдаланишда қуйидаги ҳолатлар юзага келади:

Ўқитувчи фаолиятининг тузилмаси	Ўқувчи фаолиятининг тузилмаси
- Тушунтириш; Харакатни кўрсатиш; Далиллардан хабардор қилиш; Ўқувчининг материални англаб етишини рағбатлантиришга йўналтирувчи усуллар; турли дидактик материаллардан фойдаланиш	ахборотларни қабул қилиш; ўқув материални тушуниб олишга интилиш ва дастлабки Маълумотларни ёдда сақлаш; ўқув материални тушуниш

Репродуктив таълим методлари юқорида келтирилган методлардан қуйидаги унсурларнинг мавжудлиги билан фарқланади: ўқитувчининг билимларни тушунтириши, уларни ўқувчиларнинг ёдида сақланишини тахминлаши ва қайта ишлаб чиқиши (репродукция). Ўзлаштирилган билимларнинг мустаҳкам бўлишига уларни кўра марта такрорлаш эвазига эришилади. Мазкур метод таълимнинг барча босқичлари, асосан, бошланғич синфларда ўқиш ва ёзиш, арифметик ҳаракатларни амалга ошириш кўникмаларини ўзлаштиришда муҳим ўрин тутди.

Репродуктив методдан фойдаланишда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қуйидаги ҳаракатлар ташкил этилади:

Ўқитувчи фаолиятининг тузилмаси	Ўқувчи фаолиятининг тузилмаси
---------------------------------	-------------------------------

¹ Дидактика средней школы //Под ред. М.Н.Скаткина. – Москва, Просвещение, 1982. – с. 207.


аввал ўзлаштирилган мавзу, параграф ёки боб бўйича сўров; ўқувчилар учун турли машқларни саралаш ва таклиф қилиш; масалаларни ечишдаги ўқув ҳаракатларининг намунаси ва алгоритмини намойиш қилиш; қув ҳаракатлари кўникмаси ва малакасини шакллантириш	турли контекста билимларни қайта ишлаш; намуна бўйича топшириқларни бажариш; машқларни бажариш; намунавий масалаларни ечиш усуллари эгаллаш; намунавий масалаларни ечиш алгоритмини эгаллаш
--	---

Эверестик таълим методини қўллашда ўқитувчи томонидан турли воситалар ёрдамида янги билимларни излаб топиш талаб этилади. Ўқитувчи билимларнинг бир қисmini ўқувчиларга Маълум қилади, қолганини эса ўқувчилар билиш топшириқларини ечиш жараёнида саволларга жавоблар топиш асосида ўзлаштиради, ўзлари билимларни мустақил эгаллашади. Ўқитувчи томонидан қўйилган масалани бир неча қарашларга ажратилиши, уларни бажаришда ўқувчиларнинг кетма-кетликка риоя этишлари муҳим методик жиҳат саналади. Шу боис мазкур метод қисман изланувчан метод ҳам деб аталади.

Эвристик методни қўллашда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Ўқитувчи фаолиятининг тузилмаси	Ўқувчи фаолиятининг тузилмаси
ўқувчиларни масаланинг моҳиятини ўрганишга жалб этиш; ечим режасини аниқлашда мулоҳаза юритиш намунасини кўрсатиш; масалани босқичларга ажратиш; эвристик суҳбат	эвристик суҳбатда қатнашиш; масалани ечиш режасини олға суриш; изланувчан ҳаракат усуллари эгаллаш; масалалар ечиш йўллари излаб топиш

Муаммоли методнинг моҳияти машғулотлар жараёнида муаммоли вазиятларни яратиш ва ечишдан иборат бўлиб, унинг асосида дидактик зиддиятлар ётади. Зиддиятларни бартараф этиш нафақат илмий билиш йўли шу билан бирга ўқув йўли ҳамдир. Бу методни қуйидаги чизма ёрдамида ифодалаш мумкин:



11- чизма. Муаммоли ўқитиш методининг тузилмаси

Муаммоли таълим концепциясининг асосий тушунчалари «муаммоли вазият», «муаммо», «муаммони топиш» кабилар ҳисобланади. Чизмадан англанадики, муаммоли вазият бу методнинг дастлабки кўриниши ҳисобланиб, ўзида субҳектнинг аниқ ёки қисман тушуниб етилган муаммони ифодалайди, уни бартараф этиш янги билимлар, усуллар ва ҳаракат кўникмаларини ўзлаштиришни тақозо этади. Агар ўқувчида қийинчиликларни йўқотиш йўллариини излаб топиш учун бошланғич Маълумотлар бўлмаса, шубҳасиз, муаммоли вазият ечимини у қабул қилмайди, яҳни, муаммонинг ечими унинг онгида акс этмайди. Фикрлаш муаммо моҳиятини тушуниб етилиши, ифодаланиши, мавжуд билим ва кўникмалар мажмуаси ва изланиш тажрибаси асосида муаммоли вазиятни қабул қилиш биланоқ бошланади. Бу ҳолда муаммоли вазият муаммога айланади. Ҳар бир муаммо муаммоли вазиятни ўзида намоён этади, бироқ, барча муаммоли вазият муаммога айланавермайди.

Мазкур методдан фойдаланиш жараёнида муаммо ечимини топишга ёрдам берувчи йўналишлар кўрсатилмайди ва чегараланмайди. Бу хусусият муаммоли масалага хосдир. Муаммода ечимнинг қандайдир параметрлари кўрсатилса, у муаммоли масала ҳисобланади. Ҳар қандай муаммоли топшириқ Маълум муаммони, демак, муаммоли вазиятни ҳам қамраб олади. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, барча муаммоли вазият муаммо бўла олмайди. Инсон ҳар доим муаммоли масалаларни ҳал этади. Агар унинг олдида муаммо пайдо бўлса, уни муаммоли масалага айлантиради, яҳни, унинг ечими учун ўзидаги билимлар тизимига таянади ва Маълум кўрсатишларни белгилаб олади. Муваффақиятсизликка учраган тақдирда у бошқа кўрсаткичларни кидиради ва шу муаммо бўйича янги вариантлардаги масалаларни лойиҳалайди.

Таълим жараёнида муаммоли методни қўллашда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Ўқитувчи фаолиятининг тузилмаси	Ўқувчи фаолиятининг тузилмаси
ўқув материалга оид тафовутларни таклиф этилиши; муаммоли вазиятларни тузиш; муаммонинг мавжудлигини аниқлаб бериш; муаммоли топшириқларни лойиҳалаш	ўқув материали моҳиятининг англаб етилиши; муаммоли вазият юзасидан фикрлаш; мавжуд билимлар ва тажрибани қайта тиклаш; муаммоли масалага ўтказиш; топшириқни бажариш

Тадқиқотчилик ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ўқувчилар билан ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган масалани аниқлаб олади, ўқувчилар эса мустақил равишда таклиф этилган масалани тадқиқ этиш жараёнида зарурий билимларни ўзлаштириб оладилар ва унинг ечими бўйича бошқа вазиятлар билан таққослайди. Ўрнатилган масалани ечиш давомида ўқувчилар илмий билиш методларини ўзлаштириб тадқиқотчилик фаолиятини олиб бориш кўникмаси, тажрибасини эгаллайдилар.


Таълим жараёнида тадқиқотчилик ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Ўқитувчи фаолиятининг тузилмаси	Ўқувчи фаолиятининг тузилмаси
ўқувчиларга ўқув муаммосини таклиф этиш; ўқувчилар билан ҳамкорликда тадқиқот масаласини ўрнатиш; ўқувчиларнинг илмий фаолиятини ташкил этиш	ўқув муаммолари моҳиятини англаб олиш; тадқиқот муаммосини ўқитувчи ва ўқувчилар билан биргаликда ўрнатишда фаоллик кўрсатиш; уларни ечиш усулларини топиш; тадқиқий масалаларни ечиш усулларини ўзлаштириш

Эвристик ва тадқиқотчилик методлари ўқувчилардан ижодий хусусият касб этувчи юқори даражадаги билиш фаолиятини ташкил эта олиш кўникма ва малакаларига эга бўлишни тақозо этади. Бунинг натижасида ўқувчилар мустақил равишда янги билимларни ўзлаштира оладилар. Улар одатда юқори синф ўқувчиларининг ўзлаштириш даражаларини ҳисобга олган ҳолда Маълум ҳолатларда қўлланилади. Ушбу методлардан бошланғич синфларда фойдаланиш амалиётчи-ўқитувчиларнинг фикрларига кўра бир мунча мураккаб ҳисобланади. Бироқ узлуксиз таълим тизимига шахсга йўналтирилган таълимни фаол жорий этишга йўналтирилган ижтимоий ҳаракат амалга ошириляётган мавжуд шароитда ушбу йўналишдаги лойиҳаларни тайёрлаш ўзига хос долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Шунга қарамасдан бу тасниф мактаб амалиётида бирмунча кенг тарқалган ва педагогик ҳамжамият томонидан эҳтироф этилган. Шунингдек, буюк дидакт И.Я.Лернер асарлари асосида илмий тадқиқот¹ ҳам амалга оширилган.

Дидактикада таълим методларининг бинар (икки)ли ва кўпбинарли омил асосида тизимлаштиришга бўлган уринишларни ҳам кузатиш мумкин. Чунончи, М.И.Махмутов томонидан таълим методлари ва ўқиш методлари ажратилади:



12- чизма. Таълим методларининг таснифи

Шундай қилиб, жуфт (бинар)ли методлар вужулга келди:

1. Ахборотли-маълумотли ва бажарувчи. 2. Тушунтирувчи ва репродуктив (номахсул). 3. Йўриқли-амалий ва продуктив (махсулдор)-амалий. 4. Тушунтирувчи-ундовчи ва қисман изланувчи. 5. Ундовчи ва изланувчи.

13-чизма. Жуфт (бинар)ли таълим методларининг таснифи

¹ Меретукова В.Р. Инновационные идеи в дидактических трудах И.Я.Лернера. Дисс. ... канд.пед.наук (13.00.01). – Москва, 2003.

Шунингдек, В.Ф.Паламарчук ва В.И.Паламарчуклар таълим методларининг уч ўлчовли моделини таклиф қилишган. Унда билимлар манбаи, ўқувчиларнинг билиш фаоллиги ва мустақиллик даражаси ҳамда ўқув-билишнинг мантикий йўли яхлит тарзда чоғиштирилади.

С.Г.Шопаваленко таълим методлари таснифини тўрт белги асосида асословчи қуйидаги тетрозддик ёндашувни таклиф этади:

- 1) мантикий-мазмунли;
- 2) манбали;
- 3) мазмунли;
- 4) ташкилий бошқарувчи.

И.П.Подласый бирмунча кенг тарқалган таълим методлари таснифига яқинлашар экан, қуйидаги фикрни таъкидлайди: «Бошқа бир қатор таълим методлари таснифи ҳам мавжуд. Масалан, немис дидакти Л.Клинберг таълим жараёнида методларни ҳамкорлик шакллари билан уйғунлаштиришга алоҳида урғу беради»¹ ва қуйидаги методларни кўрсатади:

Монологик методлар	Ҳамкорлик шакллари	Диологик методлар
Маъруза	Индивидуал	Сухбатлар
Ҳикоя	Гуруҳли	Интервю
Намойиш	Фронтал	-
-	Жамоавий	-

Назорат учун саволлар:

1. Таълим методи нима?
2. Таълим воситаларига нималар киради?
3. Таълим методларининг таснифи нима?
4. Таълим жараёнида сухбат методини қўллашда нималарга эҳтибор қаратиш зарур? Оғзаки баён методларининг афзалликлари нималар кўринади?
5. Кўргазмали методлар туркумини нималар ташкил этади?
6. Амалий методлар моҳияти нимадан иборат?
7. Дидактик ўйинлар қандай мақсадда қўлланилади?

1. Каримов И.А. Қзбекистоннинг қз истиқлол ва тараққиёт йқли. – Тошкент, Қзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Қзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
3. Қзбекистон Республикасининг «Таълим тқғрисида»ги қонуни ғғБаркамол авлод – Қзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
4. Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шащри. – Тошкент, Халқ мероси нашриёти, 1993.
5. Педагогика А.қ.Мунавварованинг умумий ташрири остида. - Тошкент, Ққитувчи, 1993.

6. Зиёмушаммедов Б. Маърифат асослари. – Тошкент, Чинор ENK, 1998.
7. Подласый И.П. Педагогика. В 2 кн. Кн. 2. – Москва, Владос, 1999.

24-Мавзу: Таолимни ташкил этиш турлари ва шакллари.

РЕЖА:

1. Таолим жараёни ташкилий шаклларига тавсиф.
2. Ўрта умумий таолим мактабларида таолимнинг ташкилий шакллари.
3. Коллеж, олий ўғув юртларида таолимнинг ташкилий шакллари
4. Таолим шакл ва воситаларидан самарали фойдаланиш меёрлари.

Ўғутишнинг ташкилий шакллари ижтимоий тарраккиётининг бориши бирга ўзгаради. Улар Таолим ва тарбиянинг умумий шарт шароити билан белгиланади, уқитиш мазмуни ва усуллари билан ўзбий боғланган. Қадимги дунеда ва ўрта асрларда уқитиш индивидуал бўлган. Буюк Чех педагоги Ян Амос Коменский уқитишнинг синф-дарс системасини назарий жихатдан асослаб берди. Прогрессив рус педагоги К.Д.Ушинский бу системани ривожланиши учун кўп ишлар килди. Синф-дарс системаси уч юз йилдан кўпроқ вақтдан бери давом этиб келмокда. Я.А.Коменский уқитишни йиллар буйича чегараланишини, ҳар бир йил учун алоҳида программа беришни, ўғувчиларни ёшига караб синфларга булишни, кун давомида уқитишни соат буйича олиб боришни таклиф килган эди. Ҳар бир дарс, Коменскийнинг фикрича, машгулотни ташкил этиш ва уларни мазмуни жихатдан яхлит нарса булиши керак.

Жамиятни ривожланиши кўпроқ савотли кишиларни талаб килди, натижада уқитишни синф-дарс системаси вужудга келди. Ўғутивчи синф деб аталадиган ўғувчилар группаси билан машгулот утказганлиги учун у уқитишнинг синф системаси деб аталган ўғув жараёни аниқ белгиланган вақт давомида утказилганлиги учун дарс системаси дейилади.

Коменский дарснинг сифати ўғутивчининг махоратига боғлиқ деб тақидлаган эди. Кейинги 20-30 йилда жараёнини умумий жадаллаштиришни кўзлаган педагогик тадўйўт ва амалиет сезиларли даражада тезлашди. Дидактик уйинлар, муаммоли Таолим назарияси, оптималлаштириш ва программалаштириш, автоматлаштирилган Таолим системаси кабиларнинг ривожланиши ва бошўа янгиликлар билан дарс компонентлари, уни функцияси, дарс самарадорлигини баҳолаш мезонлари ўзгармокда. Табиийки, дидактиканинг энг муҳим категорияси сифатида дарснинг назарияси ва илмийлигини янада чуқурроқ изланишга эҳтиёж тугилади.

Муаммоли савол:

Бугунги дарс ўандай? Н.И.Верзилинанинг образли килиб таърифлашича дарс-бу куёшдир, ушбу планета атрофида ўғув машгулотларининг бошўа формалари айланадилар.

Дарснинг асосий махсади нима? Улар бир бутун Таолим жараёни маўсадида келиб чиқади:

- а) техникавий ва илмий билимлар, назарий ва амалий фаолият кўникмаларни системасини шакиллантириш;
- б) ўғувчиларни мустаўил билишларини тарбиялаш;

- в) ўўувчиларни ижодий лаекатларини ва диалектик фикрлашларини шакиллантириш;
- г) уларни илмий дуне карашларини, тўри бахолай олишларини, ижтимоий муносабатни ва ўўувчиларнинг актив таёт позицияларини шакиллантириш ва хокозолар.

Хозир мактабларимизда кулланилаётган синф дарс системаси асосан куйидаги ташкилий шакилларда олиб борилади:

1. Хар кайси синф ёши ва билимига кура бир хил даражадаги болаларнинг доимий гуруппасига эга булади.
2. Дарс машгулоти 45 минутга мулжалланган бўлиб, жадвал асосида олиб борилади.
3. Дарс ўйитувчи ва ўўувчининг фаол фаолиятига асосланган бўлиб, ўйитувчининг рахбарлигида коллектив ва индивидуал шакилларда олиб борилади.
4. Дарс утилатган материал мазмунига караб турли усуллар билан олиб борилади.

Таолим ташкил этиш шакиллари асосан икки турда олиб борилади: 1 тур: Синф-дарс шаклида олиб бориладиган машгулотлар.

2 тур: Амалий ва тажриба ишлари шаклида олиб бориладиган машгулотлар. Дарс типлари ва унинг тўзилиши.

Бир соатга мулжалланган дастур материалларининг мазмунини баен ўилиш, дидактик маўсад ва талабларга мувофик равишта ташкил ўилинган машгулот тури - дарс типи деб юритилади.

Бошўача килиб айтганда, билим, кўникма ва малакалар билан куруллантришда машгулотнинг асосий кисмини ташкил килган Таолим шаклидир.

1980 йилларгача мактабларда энг кўп кулланиладиган дарсларни куйидаги типларга ажратишган:

1. Янги билимларни баен ўилиш дарси.
2. Утилган матерриалларни мустрхамлаш дарси.
3. Ўўувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари текшириш дарси.
4. Такрорий умулаштирувчи ва кириш дарслари.
5. Аралаш дарс.

Дарс типининг тўзилишига унинг кисмлари деб юритилади.

Дарс кисмининг биридан иккичисига утиши ва бу орўали дарснинг шакли ва услубларини ўзгари дарс этапи дейилади. Аралаш дарс типининг кисмлари:

- а) уй вазифаларини сураш, текшириб куриш;
- б) янги материалларни баен ўилиш;
- в) янги материалларни мустрхамлаш;
- г) уйга вазифа беришни ўз ичига олади.

Кейинги 15 йил ичида ўўувчилар мустрўил булишининг ривожланиш тажрибаси пайдо бўлиб, замонавий дидактика мазмунини ташкил килган Таолим назариясида янги назариялар вужудга келди. М.И.Мухмутов, С.Г.Шапаваленко, В.Ф.Паламарчук, В.В.Гавидов, М.Н. Сикаткин, Ю.К.Бабанский каби олимлар педагогикада укитишнинг мантикий услубларини ишлаб чикишди.

Дарснинг типларга ажратиш масалаларига жуда кўп таткикотлар багишладилар. Улар хозирги пайтда дарсларни куйидаги типларга ажратадилар:

1. Кириш дарслари.
2. Янги материаллар билан дастлабки таништириш дарси.
3. Янги материалларни ўзлаштириш дарси.
4. Эгалаган билимларни амалда куллаши.
5. Кўникма тарбиялаш дарси.
6. Такрорлаш ва умумлаштириш дарси.
7. Назорат дарси.
8. Омухта дарслар.

Бу дарсларнинг учта типи материалларни ўзлаштириш, колганлари кўникма ва малака ҳосил ўилиш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ. Дарснинг асосий дидактик маъсадига кура уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Янги материални ўрганиш дарси.
2. Ўўувчилар билимлари, кўникмалари ва малакаларини такомиллаштириш дарси.
3. Ўўувчилар ишлари натижаларини, тушунчалар системаларини ўзлаштиришлик даражасини аниқлайдиган назорат дарслари.

Куришиб турибдики, дарс турлари жуда хилма хил, уларни утиш усуллари нихоятда мураккаб.

Бу мураккаб жараёни оқилдона бошқариш осон эмас ўйитувчи дарсга ҳар томонлама пухта таергарлик курмаса маъсадга эриша олмайди.

Ўйитувчининг дарсга тайёрланиши.

Ўйитувчи қайси дарс утишидан катий назар, қуйидагича таергарлик курса, маъсадга мувофиқ бўлади:

1. Ўўув дастурини атрофлича таҳлил қилиб, шу мавзунини ўрганишдан қўзланган маҳсад ва вазифани билиши, бу мавзудан олдинги ва бундан кейинги утиладиган мавзу ҳақида аниқ тасаввур ҳосил ўилиниши керак.

2. Мавзунини ўрганиш натижасида ўўувчилар қайси асосий тушунчаларни ўонунларни, назарияни билишлари нималарни ҳал қила олишлари кераклигини билиши керак.

3. Услубий адабиётларни урганиб дарсликдан мавзунини атрофлича утиш режасини тўзиш.

4. Дастурда назарда тутилган предметлар аро олоқани уйлаб топиш маскур дарснинг вазифаларини ва мазмунини ривожлантириш.

5. Мавзунини утишда фойданаладиган техника воситалари созлигига курсатиладиган тажрибваларни аниқ қилиб қуриб, тўйрилилигига ишонч ҳосил қилгандан кейин дарсга маъсад қуйилади.

6. Ўйиш уқитиш услубларининг обтимал бирикмасини танлайди.

7. Ўўувчиларнинг дарсларда умумсинф гуруҳий ва индивидуал ўўув ишларини уюштириш шакилларини роционал бирикмасини танлаб, мустаўил фикрлашга қайта этибор беради:

а) дарс мавзуси;

б) дарс маъсади;

в) дарс структураси, анки нималар ўилиш белгиланади;

г) тажрибалар ва дарс учун кургазмали куролларни қайси пайитда курсатилиши белгиланади;

д) дарсни ҳар бир этапига вақт белгиланади;

е) дарсни утиш учун барча жихозлар езилади.

8. Укитишнинг танланган варианти самарадорлигини баҳолайди.

Биз бир соатлик дарсга ўйитувчини таергарлиги ҳақида гапирдик. Шундай дарслар борки, уларга алоҳида ва жиддий таергарлик куриш керак. Бундай дарслардан бири - муаммоли дарслардир.

Муаммонинг ечими:

Тажрибалар шуни курсатадики, ўйитувчи муаммоли дарсларга илмий асосланган ҳолда таергарлик куриши лозим. Бунинг учун у ўзи утадиган дарсни ҳар томонлама чуқур тахлили ўилиши керак.

1. Ўўув материалларини тушунчали тахлили. Бунда ўйитувчи таъриф, тушунча, ўонунларни мазмунига караб маўсад ва вазифаларни белгилайди. Янги материал хажмини белгилайди, ўтган материал билан алокасини тиклайди, ҳамда дидактик маўсад куяди. Ўўувчилар ўзлаштириши зарур бўлган материалларни асосий ва иккинчи даражалилигига ажратади. Янги тушунчаларни мохияти, ечиш йўлларини белгилаб, билимлар кетма-кетлигини тўзади. Дарста хулосалар, таърифлар, шеърлар, тез айтишлар, ўонун ва шу кабиларни тавсифлаш вариантларини таерлайди. Бу тазхлилида ўўувчилар нимани билиши, нимани такрорлаши ва нимани ўрганиши керак деган саволларга жавоб топади.

2. Мантикий тахлил. Ўйитувчи янги билимларини баен ўилишда тушунчалар, мулоҳазалар, хулосалардан фойдаланади. Ҳамда ўўувчиларни мустаўил фикрлаш билан курулантиради. Ўйитувчи куйидаги коидага риоя ўилиши керак.

- дастлаб бошўалар билан боғланмаган материал баен ўилинади;

- Бошўасини билмастан туриб, ўзлаштириб булмайдиган материал кейин баен ўилинади.

Фараз ўилиш пайтида вужудга келадиган гепотезани ўртага ташлаб, топкирлик муаммосини хал ўилади.

3. Психологик тахлил. Бу маолум даражада мантикий тахлилининг аниклаштиради. Ўўувчиларни мустаўил фикрлатиш даражасини рухий белгилаш учун зарур. Дарсни режалаштиришда куйидагиларни ҳисобга олиш даркор:

- муаммоли вазият йўллари;

- муаммоли вазият типларини ўўувчилар томонидан мустаўил ечилиши ва Таолимни индивидуаллаштириш учун ўйитувчи томонидан асосий ва кушимча муаммоларни куйилиши;

- материялдаги якинликни кучайтириш воситаси, мавзуга кизикиш уйготиш, ўўувчилар фикрини, кайфиятини ўзгартириш учун таосир этиш йўллари.

Бу тахлилда машгулотларга, муаян синф, аник ўўувчи билан ўйитувчини таергарлик даражаси курилади.

4. Ўўув материаллининг тарбиявий аҳамиятини тахлили. Бунда ўйитувчи:

а) ўўувчиларни илмий дуне карашини шакиллантириш эстетик, боявий, сиесий, ватанпарварлик, ота-боболаримиз кадириятлари, ахлоқ одоб нормалари, меҳнат тарбиясига мос келадиган тушинча ва тасаввурларни ажратади;

б) ўўув материалларини ўйитувчи ва ўўувчи хулосаларини мустаўил Республика ўаётидаги воқеалар ва тарихи фактларини, ҳамда буюк алломалар ўаётидаги фактлар билан тулдиради, яони муаммоли таълисм жараёни тушинчаларини илмий йўл билан шакиллантиришни таминлайди.

5. Материалларни дидактик тахлил ўилиш. Юўоридаги тахлил натижаларини хулосалаб пелагогик нуктаи назардан дидактик маўсадни аниқлайди.

Ўўувчилар қайси тушунчаларни ўзлаштириш ва ўандай ҳаракат усулларини шакиллантириш кераклигини белгилайди. Ўўитувчи ва ўўувчини дарс жараёндаги дидактик масалани ҳал ўилишдаги фаолияти аниқланади. Материални ҳажми белгиланади, зарур бўлганда дарслик тулдирилади. Мантикий ўз аро боғланувчи қисмларга ажратилади ва уларни ўрганиш вақти белгиланади.

Дарс структурасини белгилаб, муаммоларни ҳал ўилиш усулларини танлайди. Илгари олинган билимларни такрорлаш ва янги билимларни ўзлаштириш учун мустаўил иўлаб системасини танлайди. Фан тарихидан янги тушинчаларни ўўувчи ўзлаштириб олишини текширади.

Ўўувчилар ўандай факт ва рақамларни мустаўил топа олишларини ва улардан дарс жараёнида фойдаланишни аниқдлайди.

Дидактик материаллар ва Таолимнинг техник воситаларини таерлайди. Билимларни баҳолаш индивидуаллаштариш учун ўўувчилар руйхатини тўзади. Предметлараро алоқаларнинг таёт билан алоканинг услубий йўл ва усулларини, муаммоли вазият яратиш усулларини, шу жумладан ердамчи саволлар карточкаси, кургазмали куроллар еки мустаўил ишларни белгилайди. Ўзлаштирилган билимларни кулланилиши, қўникма ва малакаларни шакиллантириш ҳамда ўўувчилар билимини баҳолаш учун топширик ва машқ танлайди. Ўз вазифаси учун материал таерлайди ва унинг ҳарактерини белгилайди.

Муаммони хулоса:

Юўорида санаб утилган фикрларни ўўитувчи аниқ материалларда тез ва осон камраб олиши, материални билишига, қасб маҳоратига боўлиўдир. Демак, ўўитувчи ҳар бир дарсга, айникса, муаммоли дарсга жуда катта таергарлик куради.

Ўўитувчининг мана шундай тайёргарлигини ўадрлай билиш керак. Афсуски, қўп вақт унинг ишига етарли эотибор берилмай, дарс тахлил ўилиш баҳонасида унинг асабига тегилади, айрим нотўри, эскирган фикрга асосланиб дарсдан фаўат камчилик исталади.

Дарс тахлилига етарли эотибор берилмаслиги натижасида ўўитувчининг ишдан қунгли совийди. Хозирги кунда мактабга юўори ташкилотдан келган уртоклар фаўат камчилик топувчи шахсга айланмокда. Давр ўўитувчига услубий ердам бериш, унинг меҳнати кадрига етиш, тоифасини тўри белгилаш, моддий ва маонавий рағбатлантиришни илмий ташкиллашни талаб қилмокда. Бунда асосий курсатқичлардан биттаси дарсдир. Хозиргача дарс тахлил буйича жуда қўп услубий адабиётлар бўлсада, ҳали дарс тахлил ўилишнинг замонавий илмий услубий тартиби ишлаб чиқилмаган.

Таянч сигналлар. Украинанинг Донецк шахридан ўўитувчи А.Ф.Шаталов қўп йилдан бери физика, математика уқитишда таянч сигналларидан фойдаланиб келмокда. Таянч сигнал дейилганда бирор бир ахборот маоноси ифода қилувчи белги тушунилади. Бундай белги сўз, атама, ибора, схема, рақам ва бошўа шакилда ифодаланади.

Таянч конспект - бир дарсга мулжалланган ўўув материални ўзаро боълиў холда таянч сигналлар ердамида ифода ўилинишидир. Таянч жадвал одатта таянч конспекти катта коғозга рангли килиб ишлаганидир. Бундай жадвал дарс давомида доскага илиб куйилади.

Таянч сигналлардан тасвир шунда, блок системасида, афтоном тушунарли, рангли ифодаланади. Нима учун (аник фанларни уқитишда) биология, физика, математика каби дарслардан таянч сигналларга катта аҳамият берилмокда, деган савол тугилади. Чунки таянч сигналлар:

1. Ўўитувчи мавзу мазмунини тушинтираётганда курсатмали курул вазифасини утайди;
2. Ўўувчи дарсга таергарлигини, мавзунини ўзлаштиришни соддалаштиради, тезлаштиради,
3. Дарсда ўрганилаётган ўўув материални хажминини оширишга инком беради.

Таянч конспект тўзиш аввало ўўув программасини маолум текст мазмунини урганилиши, унинг асосий атамалари, сабаб, оқибат боълиўлиги олимларнинг оқи, уларнинг фанга қушган хиссаси еки кашфиети аникланади. Шу билан биргаликда дарслик тексти ва кургазмаларни ҳам яхши билиш керак. Сунг урганилмоқечини ўўув материални маоноси мантик жихатдан тугалланган булимларга ажратилади. Ўар бўлим блокнинг асосий атамалари аниқлаб чиўилади. Сигнал конспекти тулик тўзиб чиўилади ва дарс жараёнида ундан фойдаланилади.

Таълим мазмуни. Таълим тушунчасининг мазмуни, моўияти ва тарихий хусусиятлари. Таълим ўқувчиларга назарий билимларни бериш асосида уларнинг билиш қобилиятларинини ўстириш, уларнинг амалий қўникма, малакалари ва дунёқарашинини шакллантиришга йўналтирилган жараён бўлиб, ушбу тушунча негизида шахсининг танқидий фикрлаши, яратиши, борликда содир бўлаётган ўодисаларни ўзаро алоқадорлик нуқтаи назаридан баўолай олиши ўам акс этади.

Таълим тушунчаси, шунингдек, ажодлар томонидан тўпланган ижтимоий аўамиятли тажрибаларининг авлодларга доимий узатилишинини таъминловчи тизимли жараёни ўам саналади..

Шахсини ижтимоийлаштириш уни жамият томонидан тан олинган хулқ-атвор меъёрлари, билим ўамда қадриятлар тизимини ўзлаштиришдан иборат ижтимоий ўаётга жалб этиш жараёнидир.

Таълим мазмуни тизимлаштирилган билим, қўникма ва малакалар, қарашлар, ишончлар тўплами, ўқув-тарбиявий ишларни ташкил этиш натижасида эришилган амалий тайёргарликнинг маълум даражаси билан белгиланади.

Таълим мазмунининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган билимлар муўим ижтимоий қадрият ўам саналади. У индивиднинг ижтимоийлашиши, одамнинг социум (ижтимоий муўит)га киришига ёрдам беради. Ўтган асрда таълим мазмунининг сиёсийлаштиришга уринишга қаратилган ҳаракатларнинг юзага келганлиги унинг мазмунининг белгилашда экстенсив ёндашиш (микдорий – сонини қўпайтириш) етакчи ўрин эгаллади. Натижада таълим мазмуни ўқув фанлари сонининг доимий ортиб бориш ўисобига кенгайтирилди, таълим жараёнида тайёр билимларни бериш асосида ўқувчиларда билим, қўникма ва малакаларининг шакллантиришга эътибор қаратилиб, ўқувчи шахсини ривожлантириш масаласи ўз ечимини топмади.

Сўнгги йилларда таълимни инсонпарварлаштириш йўлида таълим мазмунини аниқлашда шахсга-йўналтирилган ёндашув асосий ўринни эгаллай бошлади. Бундай ёндошиш В.В.Краевский, И.Я.Лернер, М.Н.Скаткин (Россия); М.Очилова, Н.Н.Азизхўжаева, Н.Сайидаўмедов, Ф.Р.Юзликаев (Ўзбекистон)ларнинг ишларида ўз аксини топди.

Масалан, В.В.Краевский, И.Я.Лернерлар таълим мазмуни деганда шахсни ҳар томонлама ривожлантиришни таъминловчи педагогик билим, кўникма ва малакалар тўплами, ижодий фаолият тажрибаси ўамда эмоционал-иродавий муносабат тажрибасини тушунадилад.

Демак, шахсга йўналтирилган ёндошишга мувофиқ таълим мазмуни моўиятини аниқлашда асосий қадрият билим эмас, балки одамнинг ўзи ўисобланади. Бундай ёндошув шахснинг таълим олиш, маънавий, маданий ва ўаётий талаб-эўтиёжларини қондириш, ривожланаётган шахсга нисбатан самимий муносабатида бўлиши таълим мазмунини эркин танлаш имконини беради.

Анъанавий педагогика деярли фақат одамнинг ижтимоий моўиятини тан олганлиги боис, таълимнинг мақсади инсоннинг жамият аъзоси сифатида ривожланиши, унда ижтимоий аўамиятли сифатларининг шаклланиши ўисобланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида таълим жамият ва давлатнинг маънавий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ривожланиши асоси деб эълон қилинди. Таълимнинг мақсади мустақил фикрлайдиган, маънавий-ахлоқий жиўатдан етук, ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашдан иборат.

Ўрта махсус, касб-ўунар таълимнинг умумий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- аўоли миллий-маданий эўтиёжларини қониктириш, жисмоний ва маънавий соғлом авлодни тарбиялаш;

- ўқувчилар томонидан ижтимоий ва ишлаб чиқариш талаблари билан белгиланадиган билимлар тизимини ўзлаштирилишини таъминлаш;

- уларда илмий дунёқараш, сиёсий, иқтисодий, ўукуқий маданият, ижодий, эркин фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, уларнинг мустақил билимларини ошириб бориши;

- ёшларда Ватанга муўаббат, ватанпарварлик, фуқаролик дунёқараши, инсоний қадр-қиммат, демократик ўзини бошқаришда иштирок этиш, шунингдек, ўз ҳаракатлари учун жавобгарлигини юзага келтириш.

Ана шу умумий вазифалар бир қатор алоўида масалалардан иборат бўлади. Улар ўқув фанлари мазмунида уйғунлаштирилади.

Таълим турлари ва кўринишлари. Европа ва Шарқ, Осиё ва Америка мамлакатларида таълим турлари тарихий тараққиёт натижасида юзага келган. Биринчи тури мифологик таълим бўлиб, унда дунёнинг моўияти эртак, афсона, достон, қисса ўамда кўшиқлар шаклида ўрганилган.

Кейинги тарихий тури схоластик таълим бўлган. Унинг моўиятига кўра таълимда матн маданияти ва ер, осмон ўақидаги билимлар сўз билан ифодаланиб, хотира ва иродани машқ қилдириш асосида ёш авлодга инсон мавжудлиги ва у томонидан ташкил этиладиган фаолият мазмуни ўақида билимлар берилган, саводхонлик ва нутқ маданиятига ўргатилган.

Таълимнинг учинчи тарихий тури - маърифатпарварлик бўлиб, у дунёвий билимлар яратилган даврда юзага келган. XX асрдан бошлаб эса турли таълим парадигма (модел)лари, турлари ва кўринишларининг ривожланиш жараёни кузатилди.

Бугунги кунда асосларига кўра таълимнинг қуйидаги турлари, кўринишлари мавжуд:

- илмий билимларни ўзлаштириши тури ва сифатига кўра (биологик, математик, физик, иқтисодий, филологик таълим ва шу каби);
- устувор мазмунга кўра (назарий ва амалий, гуманитар ва бошқалар);
- ижтимоий фаолиятларни эгаллаши тури ва маъоратига кўра (мусикий, бадиий, техник, технологик, педагогик-тиббий таълим ва шу кабилар);
- маданий қадриятларни ўзлаштиришига кўра (анънавий таълим, бадиий-эстетик, диний таълим ва бошқалар);
- кишилик жамиятининг маданий қадриятларни ўзлаштириш кўламига кўра (миллий, европа, халқаро, глобал таълим ва бошқалар);
- таълим тизими турига кўра (университет, академик, гимназия, лицей таълими ва бошқалар);
- таълим мазмуни йўналишининг устуворлигига кўра (формал ва моддий, илмий ва элементар, гуманитар ва табиий фанлар, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ўунар, олий ва бошқалар);
- таълим даражасига кўра (бошланғич, тўлиқсиз ўрта, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ўунар, олий таълим).

Таълимнинг тарихий хусусиятлари. Таълим мазмуни тарихий хусусиятга эга, чунки у жамият ривожининг у ёки бу босқичида устувор ўрин тутувчи ижтимоий мақсад ва вазифалар билан белгиланади. Бу таълим мазмунининг ижтимоий ўаёт, ишлаб чиқариш ва илмий билимларнинг ривожланиш даражаси талаблари таъсири остида ўзгариб боришини англатади. Таълим ижтимоий ўодиса сифатида одамларнинг билимларни ўзлаштиришга бўлган прагматик (амалий) эўтиёжлари негизида шаклланган ва у одамларга ўаёт фаолиятларини йўлга қўйиш учун зарур. Билимларни тўплаш ва чуқурлаштириш, жамият маданиятининг ўсиб бориши билим томонидан ташкил этилувчи функциялари кўламини ошишини таъминлайди. Мазкур ёндашувлар (прагматик ва маданий) кишилик жамиятининг турли босқичларида таълим мазмуни йўналишларни белгилаб келади.

Ўрта асрда Яқин ва Ўрта Шарқда диний ўқув муассасалари – мадрасалар таълим ва фан марказлари бўлган. Ўзбекистонлик, Россиялик ва чет эл шарқшунос тадқиқотчилари томонидан мадраса туридаги ўқув муассасалари айнан Марказий Осиёда юзага келгани ва шу ердан бошқа мамлакатларга тарқалгани исботланган.

Сомонийлар даврида (X аср) фақат Самарқанднинг ўзида 20 га яқин мадрасалар мавжуд бўлган. Абу Али ибн Сино (980-1037) ўзининг «Донишнома» («Билимлар китоби») номли асарида мазкур мадрасаларда фақат мусулмончиликка оид билимлар берилибгина қолмай, балки дунёвий илмлар ўам ўрганилганлиги, илмий тадқиқотлар олиб борилганлиги, уларнинг негизида илмий мактабларнинг юзага келганлиги қайд этилади.

Ўз даврида мадрасаларда ўқитилиши йўлга қўйилган фанларни Абу Али Ибн Сино қуйидаги тизимлар бўйича ажратади: одоб (хулқ этикаси), астрономия, тиббиётшунослик, тил ва унинг грамматикаси, фикр (мусулмон қонунчилиги).

Аллома томонидан таклиф этилган тарбия турлар эса қуйидагилардан иборат: 1) ақлий тарбия; 2) жисмоний соғломлаштириш; 3) эстетик тарбия; 4) маънавий тарбия; 5) ўунарга ўргатиш. Абу Али Ибн Сино томонидан таклиф этилган тарбия турлари Марказий Осиёда Уйғониш даврида (IX-X аср) таълимнинг инсонпарварлик ва шахснинг баркамол ривожланиши борасидаги ғояларга асосланган эди дейишга имкон беради.

Шарқдаги Уйғониш даври Шарқ мутафаккирлари – Муаъаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райъон Берунийлар ўзларининг таълимий қарашларида биринчи ўринга инсон шахсини қўядилар ўамда болаларни ҳар томонлама, жисмоний ва эстетик камолотга эришишлари, шунингдек, тилларни билишларини зарур деб ўисоблайдилар. Ақлий таълимни ташкил этувчи фанлар сирасига математика, астрономия, механика ва табиатшунослик каби табиий-илмий фанларни киритадилар.

Алломалар болага ўурмат билан муносабатда бўлиш ғоясини илгари сурадилар, схоластик ўқитиш ва қаттий интизомга қарши чиқадилар. Уларнинг фикрича, ўқиш болада билимларга қизиқишни уйғотиши керак.

Муъаммад Тарағай Улуғбекнинг (1394-1449 йиллар) Самарқанддаги фаолияти XIV-XV асрларда мадрасаларнинг фанлар ривожини таъминловчи марказлари вазифасини бажарганлигини кўрсатади. Муъаммад Тарағай Улуғбек Самарқанднинг ўукмдори бўлиши билан бирга астроном, математик ва тарихчи сифатида машўур бўлган. Шунингдек, алломанинг моўир педагог ўам бўлганлигини тарихий далиллар қайд этади. Чунончи, аллома қўплаб истеъдодли ёшларни тарбиялаган. У одамлар, айниқса ёшларнинг илмий билимларни ўрганишларига катта аўамият берган.

Аллома ўз давлатида таълим соўасида жиддий ислохотларни ташкил этди. У мадрасаларни давлат таъминотига ўтказди, мударрис (ўқитувчи)ларга ойлик иш ўақи белгилаган, шогирд (талаба)ларга степендия ажратган.

Муъаммад Тарағай Улуғбек мадраса ўқув режасига қуйидаги фанлар: араб тили, адабиёт, қуръон, Ўадис, риторика, мантик, фалсафа, фикр (қонунчилик), метафизика, математика, астрономия, тиббиёт, география, тарих каби фанларни киритади.

Мутафаккир томонидан барпо этилган ўамда ўзи бевосита таълим берган мадрасаларда ўқиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлган:

1. “Анда” (кичик) – ўқиш муддати 2 йил.
2. “Ауст” (ўрта) – ўқиш муддати 3 йил.
3. “Аъло” (олий) – ўқиш муддати 3 йил.

Бундай ёндашувда бугунги кун нуқати назаридан айтганда бакалаврият ва магистратура кўзга ташланади. Айни вақтда улар ўрта аср европа университетлари учун ўам хос бўлган.

Буюк истеъдод эгаси сифатида аллома ўз давридан бир неча асрларга ўзиб кетган. Деярли 600 йил аввал Муъаммад Тарағай Улуғбек қуйидаги аксиомани илгари сурган: билим олишга интилиш давлат равнақига йўл демақдир. Иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг ўозирги тажрибаси мазкур фикрни тўла тасдиқлайди.

Европа уйғониш даври (XIV-XVI асрлар) маърифатпарварлари XVIII-XIX асрларда ўам шахснинг баркамол ривожланиши ғояларини илгари сурганлар. Мисол учун, Италия маърифатпарвари В. Де Фельтре (XV аср) “қувонч мактаби”ни ташкил этади. Бу мактабда болага эркин жисмоний ва ақлий ривожланиш имкони берилган. Ж.Ж.Руссонинг эркин тарбия назарияси, И.Г.Песталоццининг одамни фаол ўаётгий фаолиятга жалб этиш йўли билан уни ривожлантириш ўақидаги ғояси XX аср педагогикасининг ривожига ўз таъсирини кўрсатди.

Таълим назария (концепция)лари мазмуни. Анъанавий педагогикада формал ва моддий таълим назарияси кенг танилган. Бу назарияларнинг моўияти нима ва ўрта таълим мазмунига қандай таъсир этади?

Формал таълим назариясига Джон Локк (XVII аср), Песталоцци, Кант ва Гербарт (XVIII-XIX асрлар) асос солганлар. XVIII асрнинг охирларида дидактик формализм назарияси (концепцияси) вужудга келди (бу ном Э.Шмит ва А.А.Немейернинг «Принцўпи воспитания и обучения» асарида тилга олинади). Концепция тарафдорлари таълимни ўқувчиларнинг итидори ва кизикишларини ривожлантирувчи воситаси сифатида эътироф этадилар. Кейинчалик бу таълимот формал таълим назарияси сифатида шакллантирилди. Дидактик формализм тарафдорларининг асосий ғояси қадимий олим Гераклит томонидан айтилган (кўп билим ақлни кучайтирмайди) фикрларига асосланади. Кейинчалик бу ғояни И.Кант ва И.Г.Песталоццилар ривожлантиришди. Улар ўқитишнинг асосли мақсади, энг аввало, ўқувчининг иқтидорини ривожлантириш, ўқувчининг тўғри тафаккур юритишини кучайтириш бўлиши шарт деб ўисоблайдилар.

Ушбу назария тарафдорлари фалсафий рационализм (лотинчада «rationals» - ақлли)га таянадилар ва билим манбаи ақлдир, билим фақат ақлнинг мустақиллигида туғилади, шу боис таълим ўқувчиларнинг маълум билимларни эгаллаб олишлари эмас, балки уларнинг ақлини ўстириш, яъни, анализ, синтез, мантиқий фикрлаш лаёқатларини ривожлантириш каби вазифани ўал этиши зарур деб ўисоблайдилар. Уларнинг фикрича, фикрлашни ривожлантириш воситаси тиллар, айниқса, қадимий юнон ва лотин тили, шунингдек, математикани ўрганиш лозим. Формал таълим элементларидан ўозирги кунда ўам фойдаланилади. Англиядаги грамматик мактабларда ушбу назария ғоялари асосида иш кўрилади.

XVII аср охири – XIX аср бошларида моддий таълим назарияси жадал ривожлади. Назариянинг пайдо бўлишига саноат ва унинг илмий-техник асослари ривожланиши асос бўлиб хизмат қилди. Бинобарин, саноатнинг жадал ривожланиши табиий фан, техник ва амалий тайёргарликка эга бўлган одамларни тайёрлаш масаласини кун тартибига олиб чиқди. Педагогика тарихида бу назария (концепция) дидактик материализм назарияси сифатида ўам машўурдир. Ушбу назария тарафдорлари (уларни “энциклопедистлар” деб ўам атаганлар), хусусан, инглиз шоири ва тарихчиси Дж.Мильтон, немис педагоги Н.Б.Беседовлар мактабнинг асосий мақсади ўқувчиларга билимлар бериш деб ўисоблаганлар ўамда ўзлари ўқитадиган фанга иложи борица кўпроқ материалларни киритишга интилганлар. Мактаб таълими мазмунини шакллантиришга бундай ёндошишнинг самараси кам бўлиб чиқди, чунки ўқувчиларга жуда кўп ахборотлар берилади. Натижада ахборотлар қисман ва юзаки ўзлаштирилади.

Бу назариянинг бошқа тарафдорлари эмпиризм ғояларини илгари сурадилар (лотинча «*empiria*» - тажриба). Файласуф-эмпиристлар, хусусан инглиз файласуфи Г.Спенсер (1820-1903 йиллар) билиш тажриба чегарасидан чиқа олмайди ва билим манбаи фақат тажриба ўисобланади, дея таъкидлайдилар. Бундан қуйидаги педагогик хулосалар чиқарилади: ўқувчиларни асосан табиий-илмий билимлар билан қуроллантириш керак, таълим материалларини танлаш учун эса ўаётга, келажакда ўқувчиларнинг амалий фаолиятлари учун зарур бўлган билимларга мурожаат қилиш керак. Моддий таълим назарияси реал йўналиш деб аталувчи мактаб таълими асосини ташкил этади. Масалан, XIX аср охирлари XX аср бошларида Россия, ва Туркистонда реал гимназия ва реал билим юртларида ўқитиш қадимги ва ғарбий Европа тилларини ўрганишга эмас, балки табиий-илмий фанлар (математика, физика, химия ва бошқалар) ўамда амалий хусусиятли фанларни ўзлаштиришга асосланган.

Формал ва моддий таълим назарияларини К.Д.Ушинский ва А.Авлонийлар жуда асосли танқид қиладилар. К.Д.Ушинский билимларни ўзлаштиришдан узоқ бўлган формал деб аталувчи ривожланиш ўйлаб топилган ёлгон деб айтади. Ҳар бир фан бирор-бир бошқа нарсa билан эмас, одамни ўзининг мазмуни билан ривожлантиришини таъкидлайди. Шундай экан, мактаб фақатгина ривожлантирибгина қолмай, балки уларнинг кейинги фаолиятларида фойдали бўладиган билимларни ўам бериши керак. Ўзбек педагоги Абдулла Авлоний ўам (1878-1934 йиллар) ана шундай фикрни билдирган. У ўзининг “Туркий гулистон ёўуд ахлоқ” номли асарида “... билим бизнинг ақлимизни ва бизнинг хотирамизни қилич каби ўткир қилади. Билим, фанни эгаллаш тараққиёт йўлида бизнинг илгари қадам ташлашимиз шартидир.... Билимсиз одам бу мевасиз дарахтга ўхшайди” деб ёзади. Шу билан бир вақтда А.Авлоний фанни ўзлаштиришга фақатгина хаёлий амалиёти учун утилитар (фойдали) яроқлилиги нуқтаи назаридан ёндошиш мумкин эмас деб ўисоблайди. У ўаёт билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган билимлар ўам бор ва улар амалий билимлардан кам бўлмаган аўамиятга эга деб ўисоблайди. Мисол учун қадимги тарихдан амалий фаолиятда фойдаланиб бўлмайди, лекин уни ўрганиш керак ва фойдалидир: уни (тарихни) билиш ўқувчиларнинг билимларини кенгайтиради, дунёқарашни шакллантиради.

XX аср бошларида чет эл ва айниқса америка педагогикасида мактаб таълими масалалари бўйича прагматик (юнонча «*pragma*» – ҳаракат, амалиёт) ғояси кенг тарқалди. Педагогикада машўур прагматизм тарафдори Джон Дьон (1859-1952 йиллар) мактаб таълимининг ўз концепциясини яратишга кўп уринди. Бу йўналишлар вакиллари (Дж.Дьон, Г.Кершенштейнер) ўқитиш бу ўқувчининг “тажрибасини қайта ташкил этиш” узлуксиз жараёни деб ўисоблайдилар.

Ўқитишни Дьон кундалик ўаётдан олинган амалий масалаларни ўал этишга оид болалар фаолиятини ташкил этиш сифатида тушунади. Бу назариянинг асосий бошланғич қоидалари қуйидагилардан иборат деб ўисобланган: “Олдиндан тузилган ўқув курслари керак эмас”, “Ўқитиш материалларини боланинг тажрибасидан олиш керак”, “Бола ўқитишнинг сифати каби миқдорини ўам белгилаши керак”, “Бажариш ёрдамида ўқитиш – мактабда асосий метод”. Шундай қилиб, Дьон мактабда таълим ва алоўида фанлар аниқ белгиланган мазмуни зарурлигини рад этади, илмий таълимни тан олмайди ва

ўқишни тор ўамда ўқувчиларнинг қизиқишларига асосланган практицизмдан иборат ўисоблайди.

Мазкур назария асосида унинг издоши Уильям Килпатрик 20-йилларда “ўқитишнинг лойиўали тизими” (ёки лойиўалар методи)ни ишлаб чиқди, унинг мазмуни ўз қизиқишларидан келиб чиқиб болалар ўқитувчи билан бирга қандайдир амалий масаланинг ечимини лойиўалаштиришларидан иборат. Мисол учун, ўйинчоқ уйчаннинг қурилиши амалий фаолиятга киритилади ва унинг давомида тил, математика, бошқа фанлари бўйича у ёки бу маълумотларни билиб оладилар. Бу назария оммавий мактабда таълим даражасини пасайтириши мумкинлигини тушуниш қийин эмас.

Америкалик педагоглар И.Адлер, Дж.Бруннер ва бошқалар Дьон назарияси америка мактаблари ривожланишини ортга тортганини айтадилар ва таълимни модернизациялаштириш ўамда такомиллаштириш йўллариини излайдилар.

Кўплаб педагоглар - А.Дистервег, К.Д.Ушинский, М.Бейбуди ва А.Авлонийлар мактаб таълимига тааллуқли кўплаб қимматли ғояларни илгари сурганлар. Улар халқ мактаблари, янги усулли мактабда таълим даражасини ошириш, табиий-илмий фанлар ва гуманитар фанлар бирлиги тарафдори эдилар.

Бугунги кунда турли таълим концепциялари мавжуд. Концепциялардан бири таълим мазмунини таълим муассасаларида ўрганиладиган фаннинг педагогик мослаштирилган асослари сифатида талқин қиладилар. Бу ерда шахснинг ижодга қобилияти, эркин танлашни амалга ошира билиши, одамларга ўаққоний муносабатларда бўлиши каби сифатлари четда қолиб кетади. Ушбу ёндошиш ўқувчиларни фан ва ишлаб чиқаришга жалб этишга қаратилган, лекин демократик жамиятда мустақил ўаётга йўналтиришга эмас. Амалда одам бу ерда ишлаб чиқариш омили сифатида иштирок этади (авторитаризм).

Бошқа бир концепция таълим мазмунини ўқувчи ўзлаштириши керак бўлган билим, кўникма ва малакалар мажмуи сифатида қарайди. Бу концепция муаллифлари билим ва малакаларни эгаллаб олиш одамга замонавий жамиятда мос равишда ўаёт кечиришга имкон беради деб ўисоблайдилар. Одамдан фақатгина у билиши ва бажара олишини талаб этиш етарли. Бундай ўолатда таълимга талаблар ўам қуйидагича бўлади: ўсиб келаётган авлодга она тили. математика, физика ва бошқа фанлар бўйича билим ва малакалар бериш зарур.

Миллий умумий ўрта таълим мактаби ўозирги замон шароитларида ривожланиши учун бу етарли эмас. Жамиятнинг ўқувчилардан фақат маълум ўқув фанлари мазмунини эмас, балки уларда ирода кучи, ўз ҳаракатлари учун, жамият ва мамлакат тақдири учун масъулиятли, атроф-муўитни ўимоя қилиш; миллатчилик ва диний ақидапарастликка йўл қўймаслик ва шу каби сифатларни ривожлантиришни талаб этади. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» (1997)да замонавий таълим мазмуни ижодий, мустақил фикрловчи демократик жамият фуқаросини шакллантириш вазифаларига мос келиши керак деб ёзиб қўйилган.

Россия таълим академияси (РАО) ўақиқий аъзоси В.В.Краевский томонидан илгари сурилган концепцияда қайд этилишича, таълимнинг асосий ижтимоий вазифаси аждодлар томонидан тўплаган тажрибаларни авлодлврга узатиш ўисобланади.

Мазкур концепция мазмунида таълим мазмуни қуйидаги тўртта ташкилий элементлардан иборат бўлади:

- идрок этиш фаолиятини амалга ошириш усуллари қайд этилган шаклидаги идрок этиш фаолияти (билимлар);
- амалий фаолиятни амалга ошириш усуллари шаклида қайд этилган амалий фаолият тажрибаси (кўникма ва малакалар);
- муаммоли вазиятлар, ностандарт вазиятларда янги масалаларни ўал этиш шаклида ижодий фаолият тажрибаси;
- атроф-муўитга, бир-бирига, эмоционал қадриятли муносабатлар тажрибаси, яъни, эмоционал, ахлоқий, эстетик тарбиялаш.

Мазкур элементлар ўзаро боғлиқ ва бир-бирига асослангандир. Мамлакалар билимларсиз бўлиши мумкин эмас. Одамнинг ижодий фаолияти билимлар ва кўникмалар мазмунли маълум материалида амалга оширилади. Маънавий-ахлоқий тарбиялилик одам яшайдиган жамиятининг хулқ кўникма ва малакаларини эгаллаб олганлигини кўзда тутди. Ижтимоий тажрибанинг бу элементларини ўзлаштириш одамга жамиятда муваффақиятли яшаш, яхши бажарувчи бўлиш билан бирга мустақил ҳаракат қилиш, жамиятни ўзгартира олиш, ижтимоий тараққиётга ўз ўиссасини кўша олишга имкон беради. Шунинг учун умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ўунар таълими биринчи навбатда, ўаётга тайёрлайди, иккинчидан, инсон ушбу тартибга ўз ўиссасини кўшиш, хатто уни қайта тузишга ўам қодир бўлади. Академик В.В.Краевскийнинг концепцияси ўқитувчини ўқувчилар онгида умуминсоний ва миллий қадриятлар тизими, одамларга инсонпарварлик муносабатини шакллантириш, эркин фикрловчи, баркамол ривожланган шахсни шакллантиришга қаратилган махсус фаолиятга йўналтиради.

Ўозирги замон босқичида таълим мазмунини белгиловчи муўим ғоялар (асослар). Таълим мазмуни – бу жамиятнинг шахсни маънавий ривожланиши даражасига қўйилган талаблар, жамиятнинг ижтимоий тажриба ва маданиятини акс эттирган ижтимоий буюртмаси моделидир.

Ижтимоий тажриба қуйидаги тўрт элемент билан тавсифланади:

- инсон табиат, жамият ўақидаги билимлари
- фаолиятнинг кўникма, малака ва усуллари;
- янги вазифаларни ўал этиш бўйича ижодий фаолият тажрибаси;
- атрофдагилар билан ўзаро эмоционал (ўиссий) – қадриятли муносабатлар тажрибаси.

Шуларга мувофиқ замонавий дидактика ғояларига кўра таълим мазмунининг таркибида қуйидагилар ўз аксини топади: 1) олам ўақидаги билимлар; 2) фаолиятни амалга ошириш усуллари тажрибаси; 3) ижодий фаолият тажрибаси; 4) атроф-муўитга эмоционал (ўиссий) қадриятли муносабат тажрибаси.

Билим ва кўникмалар ижодий фаолият асоси бўлиб қолиши мумкин, лекин унга тайёрликка қафолат бўла олмайди. Ижодга, таълимнинг ўзига хос тури сифатида махсус ўқитиш керак бўлади. Атроф-муўитга эмоционал-умумий муносабатда бўлиш у ўақида билиш, лекин уларга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмасликни назарда тутди. Уни ривожлантириш учун ўқитиш жараёнида махсус ишлаш олиб бериш зарур.

Илмий асосланган таълим мазмунини қандай аниқлаш мумкин? Таълим мазмунига нима таъсир кўрсатади? У нимага боғлиқ бўлади?

Таълим мазмунини аниқловчи асосий омиллар қуйидагилардан иборат бўлади:

- фан, техника, маданиятнинг жамиятда ривожланганлиги даражаси;
- таълимнинг мақсад ва вазифалари;
- ўқувчиларнинг ёши хусусиятлари;
- ўқувчи шахсининг эътиёжлари.

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим мазмуни ўқувчиларда атроф-муҳит ўақида умумий тасаввурларни ўсил қилиши, уларни ўзларининг амалий фаолиятлари учун зарур бўлган билимларни излашга ва бу билимларни ўаётинг муаммоларни ўал этишда қўллашга ўргатиши керак. Таълим мазмуни ўқув режалари, ўқув дастурларида, дарсликларда акс этирилади,

XX аср 80-йилларида амалий қўлланилган ўрта умумтаълим мактаби намунавий ўқув режалари мактабни янгилаш вазифаларига, ўқув-тарбиявий жараёни ўозирги замон талаблари асосида ташкил қилишга мос келмас эди. Бу ўқув режасининг энг асосий камчилиги – уни шакллантиришнинг ўаддан ташқари марказлаштирилишидир, бу эса мактабларнинг ўаммаси бир хил бўлиши, таклиф этилаётган таълим идеалининг бир хиллигига олиб келади, унда шахс, жамият ва давлатнинг турли таълимий талаблари ўисобга олинмайди; кўп предметлилик, ўқувчиларга вазифалар ортиқчалик, оғирлик қилади ва таълим мазмунининг сунъий қисқалиги, аралашлиги юзага келади; бу таълимнинг технократик йўналиши унинг инсонпарварлик ва маданий, бадий-яратувчилик ролини йўқотишига олиб келади. Ўқув режасининг ана шу ва бошқа кўплаб камчиликлари дидакт олимлар ва амалиётчилар томонидан кескин ва ўақли равишда танқид қилинди.

1991 йилда Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, узлуксиз таълим тизимини такомиллаштиришга киришилди. Бундай шароитларда таълим, янги демократик давлат барпо этиш, маданий ва маънавий тикланиш, демократик жамият ва бозор муносабатлари шаклланиши, миллий фан ва техниканинг ривожланишини дунё стандартлари талаблари даражасига кўтаришнинг асоси бўлиб қолиши керак.

Умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ўунар таълими мазмунига талаблар таълимни ривожлантириш давлат стратегияси билан белгиланади. Бу стратегия республиканинг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган (1997 йил), таълимни тубдан ислоў қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича миллий тизимни яратиш ўисобланади. Таълим мазмунида қуйидаги икки жиўат кўзга ташланади: миллийлик ва умуминсонийлик.

Ўозирги шароитда ўрта мактаб, академик лицей ва касб-ўунар коллежлари учун таълим мазмуни (ўқув режалари)ни ишлаб чиқишда таълим мазмунида қуйидаги ғоялар етакчи ўрин тутади:

- 1) инсонпарварлаштириш;
- 2) интеграция;
- 3) стандартлаштириш;
- 4) кўп босқичлилик;
- 5) ахборотлаштириш;

- 6) индивидуаллаштириш;
- 7) кетма-кетлик.

Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш таълим муассасасининг ўқувчига эътибор қаратиши, унинг шахси, хоёиш-истак ва қизиқишларини ўурмат қилиши, биринчи навбатда ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг мустақил ўёётда ўз йўлларини топиб олишлари учун шароит яратишни кўзда тутати. Инсонпарварлаштириш гуманитар ва табиий фанларни оптимал нисбатларда бўлиши, математик, биологик, техник курслар мазмунини инсонийлик ўақидаги билимлар билан бойитишни кўзда тутати. Таълим мазмунида инсонпарварлик ғояларининг акс этиши ўқувчиларда фикрлаш лаёқатининг шаклланишига ёрдам беради.

Таълимни инсонпарварлаштириш бу таълим тизими ва бутун таълим жараёнини ҳар бир инсон ўқуқларини ўурмат қилиш, педагоглар ўртасида ўзаро ўурматга асосланган муносабатларни ривожлантириш, уларнинг соғлиқларини сақлаш ва мустаўкамлаш, шахсий кадр-қимматларининг ўис этишларини таъминлаш ва шахсий имкониятларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Таълимни инсонпарвар (гуманитар)лаштириш янги таянч ўқув режасининг иккинчи муўим ғоясидир. Таълимни гуманитарлаштириш биринчи навбатда таянч ўқув режасида гуманитар фанлар ўажмини оширишда ўз ифодасини топади (50 % дан кўпроқ). Бу хусусан эстетик тарбияни ташкил этишга ўқув вақтини икки баробар кўпайтиришга имкон беради. Гуманитарлаштириш – бу таълимнинг босқичи ва туридан қатъий назар асосий ижтимоий муаммо - инсон фаровонлиги муаммосини ўал этишга имкон берувчи таълим мазмунини ўзлаштиришга йўналтиришдир.

Таълим янги мазмунини ишлаб чиқишнинг учинчи ғояси – таълимни дифференциялаштириш. Бу йўналиш мажбурий курслар билан бирга катта синфларда чуқурлаштирилган ва ихтисослаштирилган ўқитиш, фанларни танлаш асосида олиб боришни кўзда тутати. Синфда, синфлар ўртасида ўамда турли ёшдаги ўқув гуруўларида факультатив курсларни индивидуал, гуруўли машғулотлар ўамда қизиқишларига кўра тўғарақларни ривожлантириш ўам кўзда тутилади. Дифференциялаш – бу замонавий шароитда таълимни ривожлантириш умумий йўналиши ўисобланади. Республикада ўтган асрнинг 90-йилларида таълимни дифференциялаш мақсадида ихтисослаштирилган мактаблар ва синфлар (физика, химия, математика, чет тилларини чуқур ўрганиш билан) лицейлар, гимназиялар очилди.

1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ХІ сессиясида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши таълим тизимини ривожлантиришда янги босқич бўлди. Давлат таълим стандартлари талабларидан келиб чиқиб таълим дастурларининг янги авлоди ишлаб чиқилди.

Курсларни интеграциялаштириш таълимнинг янги мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган яна бир ғоя ўқувчиларда дунёни яхлит тасаввур қилиш лаёқатини ривожлантиришда умумлаштирувчи, дунёқарашни шакллантириш имконини берувчи интегратив фанларни яратиш муўим аўамият касб этади.

Янги ягона (таянч) ўқув режасида интеграциялаш ўисобига ўқув фанлари сони камайитрилди, соатларнинг умумий ўажми ихчамлаштирилди. Хусусан, “Тарих” фани умумий тарих ва Ўзбекистон халқлари тарихига асосланади.

Стандартлаштириш – бу мажбурий ўқув фанлари тўпламини соатлари аниқ белгиланган ўажмини белгилаш. Таълим стандартлари ёрдамида таълим муассасаларида ўқув ишларининг нормативлари мослаштирилади, ўқувчилар билимларини баёлашнинг ягона мезонлари ишлаб чиқилади.

Кўп босқичлилик – бу таълимнинг ҳар бир босқичида ўқувчининг имконият ва қизиқишлари даражасига жавоб бера оладиган билим даражасига эришиш имконини берувчи кўп босқичли таълим жараёнини ташкил этишдан иборат. Турли босқичларнинг ҳар бирида ўқитишнинг якуний ўолати таълимнинг сифатли яқунланганлиги ўисобланади.

Фундаменталлаштириш – шахс (ўқувчи)ни ижтимоий фаолиятига назарий ва амалий жиўатдан тайёрлашни кучайтириш. Бу ерда мактаб бўлса ўам, лицей, коллеж ёки олий ўқув юртининг таълим тизими, ўқув режаси, барча фанлар бўйича илмий-назарий билимларни чуқур ва тизимли ўзлаштиришга алоўида аўамият берилади.

Таълимни ахборотлаштириш ўқувчиларни ўқитиш жараёнида ўисоблаш техникаси ва ахборот технологияларидан оммавий ва кенг фойдаланиш билан боғлиқ бўлади. Таълимни ахборотлаштириш охириги ўн йилликда кенг тарқалди, бунинг боиси шуки, замонавий видео-радиотехника ва компьютерларнинг таълим тизимида қўлланилиши мумкин бўлганлиги ўамда фойдаланиш нисбатан оддийлигидир.

Индивидуаллаштириш таълим-тарбия жараёнида ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ўамма турларидан фойдаланган ўолда уларнинг индивидуал хусусиятларини ўисобга олиш ва ривожлантириш демакдир.

Ўзлуксизлик жамият ўаётининг тез ўзгариб бориши одамни доимий равишда таълим олиш (мустақил таълим олиш)га ундовчи жараён моўиятини англатади.

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим мазмунини танлаб олиш тамойил ва мезонлари. Мактаб таълими мазмунини шакллантириш кўидаги умумий тамойилларга мувофиқ амалга оширилади:

1. Таълим мазмунининг барча элементлари барча босқичларда жамият, фан, маданият ва шахс ривожланиши талабларига мос бўлиши тамойили. Бу тамойил таълим мазмунига анъанавий бўлган билим, кўникма ва малакалар билан бирга жамиятнинг ривожланганлиги, илмий билим, маданий ўаёт даражаси ва шахснинг ривожланиш имкониятларини акс эттирувчи фанларни киритишни талаб этади.

2. Таълимнинг ягона мазмунли ва процессуал томони тамойили. Бу тамойил таълим мазмунини танлашда бир томонлама илмий йўналишни рад этади. У аниқ бир ўқув жараёнини амалга ошириш билан боғлиқ педагогик ўақиқатни ўисобга олишни кўзда тутати. Бу умумий ўрта ва ўрта махсус таълим мазмунини лойиўалаштиришда уни бериш ва ўзлаштириш тамойиллари ўамда технологияси, ўзлаштириш даражаси ва у билан боғлиқ ҳаракатларни ўисобга олиш кераклигини англатади.

3. Таълим мазмунининг яхлит тузилиши тамойили. Бу тамойил таълим тизимининг турли босқичларида назарий билимларнинг берилиши, ўқув фани, ўқув материали, педагогик фаолият, ўқувчи шахси каби ташкил этувчиларининг ўзаро мослигини кўзда тутати.

Охирги йилларда таълим мазмунини танлаш гуманитарлаштириш ва фундаменталлаштириш каби тамойиллар етакчи ўрин эгалламоқда. Бу умумий ўрта ва ўрта махсус таълим шахснинг инсонпарварлик маданиятини шакллантиришга йўналтирилган бўлишини англатади. Инсонпарварлик маданияти биринчи навбатда билим, ўиссиётлар маданияти, муомала ва ижодий ҳаракатлар уйғунлигидир.

4. Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш тамойили. Бу тамойил биринчи навбатда ўқувчиларнинг умуминсоний ва миллий маданиятни фаол ижодий ва амалий ўзлаштиришлари учун шароитлар яратиш билан боғлиқдир. Бунинг учун гуманитар ғоялар умумий таълим мазмунига сингдирилиши керак. Бу эса ўз навбатида гуманитар ва табиий-илмий фанларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро муносабатлари тамойилининг ўзгартирилишини талаб этади, унинг асосини шахсга эътибор қаратиш ташкил этиши зарур.

5. Таълим мазмунини фундаменталлаштириш тамойили таълимни гуманитарлаштиришдаги тўсиқларни йўқотишга имкон беради (анъанавий педагогикада уни илмийлик, тушунарлилик ва тарихийлик тамойили сифатида қаралади). У гуманитар ва табиий-илмий билимларни бирлаштириш, кетма-кетликни ўрнатиш ва фанлараро алоқаларни ўқувчиларнинг идрок этиш ва амалий фаолият методологияси моўиятини англаб етишларига таянишни талаб этади.

6. Таълим мазмунининг кетма-кетлиги тамойили, бу тамойил таълим мазмунини ўсиб боровчи йўналишда режалаштиришдан иборат бўлишини англатади, бунда биринчи навбатда ҳар бир янги билим аввалгисига таянади ва ундан келиб чиқади.

7. Таълимнинг мазмуни мунтазамлиги тамойили, ушбу тамойил ўрганилаётган билимлар ва шакллантирилаётган малакаларни ягона тизимдаги ўрни, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, барча ўқув курслари ва яхлит мазмуннинг бир-бирига ўамда умуминсоний, миллий маданият тизимига кирувчи тизим сифатида кўришни кўзда тутади.

8. Таълим мазмунининг ўқувчилар ёшлари имкониятларига мослиги тамойили ўқувчиларнинг ёш даражаси ва тайёргарлигини кўзда тутади. Уларга ўзлаштириш учун у ёки бу билимлар ва малакалар тизими ўзлаштириш учун таклиф этилади.

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг мазмунини шакллантириш кўриб чиқилган тамойилларини замонавий ўрта мактаблар ва академик лицейлари учун танлаб олиш қуйидаги мезонлар бўйича амалга оширилади:

- эркин фикрловчи шахснинг ривожланиши ва унинг маданиятини шакллантириш масалалари мазмунини яхлит акс эттириш;
- илмий ва амалий аўамияти;
- таълим мазмунининг мураккаблиги, ўқувчилар имкониятларининг мавжуд ўқув дастурларига мослиги;
- таълим ўажмининг уни ўрганишга ажратиладиган вақтга мослиги;
- мактаб ўамда лицейлар базасининг замонавий талабларга жавоб бериши;
- умумий ўрта таълим мазмунини қуришда халқаро тажрибаларни ўисобга олиш.

Таълим мазмунини белгиловчи меъёрий хужжатлар. Илмий педагогик адабиётларда таълим мазмунини шакллантиришнинг қуйидаги уч босқичи кўрсатилади:

1) умумий назарий босқич;

2) ўқув босқичи;

3) ўқув материалини ўзлаштириш босқичи, яъни, таълим мазмунининг ўқув режаси, ўқув дастури ва дарсликлар каби меъёрий хужжатларда ўзифодасини топиши.

Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ўунар таълими мазмуни давлат таълим стандарти, ўқув режалари мазмунида намоён бўлади. Ўқув режалари қуйидагилардан иборат: таянч, намунавий ва мактаб ўқув режаси.

Умумий ўрта ўамда ўрта махсус, касб-ўунар таълими муассасалари (академик лицей ва касб-ўунар коллежлари) учун таянч ўқув режаси давлат таълим стандартининг ташкилий қисми ўисобланган асосий меъёрий хужжат бўлиб, у намунавий ва амалий ўқув режаларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Таянч ўқув режаси давлат таълим стандарти таркибий қисми сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маўкамаси томонидан тасдиқланади.

Мактаб, академик лицей ва касб-ўунар коллежларининг намунавий ўқув режалари таянч ўқув режаси асосида тузилади ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ўамда Олий ва ўрта махсус таълим Вазирликлари томонидан тасдиқланади. Бу режа узоқ муддатга мўлжаллаб тузилади ва унинг асосида мавжуд шароитларни ўисобга олиб ишчи ўқув режалари ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси – меъёрий хужжат ўисобланиб (таълим муассасаси сертификати) қуйидагиларни белгилайди:

- ўқув йили, чорак (семестр)лар ва таътиллارнинг давомийлиги;
- ушбу таълим муассасасида ўрганиладиган ўқув фанлари тартиби;
- ўқиш йиллари бўйича фанларни тақсимлаш;
- ҳар бир фан бўйича яхлит таълим даври ва ҳар бир синф (курс)да фанларни ўрганишга ажратилган соатлар ўажми;
- ҳар бир фанни ўрганишга ажратилган ўафталик соатлар ўажми;
- практикумлар, ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётлар ўамда шу кабиларнинг давомийлиги.

Ўқув режасида, яна шунингдек, аниқ бир ўқув муассаси хусусиятларини акс эттирувчи, ўқувчиларнинг эркин танлови бўйича факультатив ва мажбурий машғулотлар акс эттирилади.

Ўқув дастури – муайян ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакалар мазмуни, умумий вақтни муўим билимларни ўрганилиши бўйича тақсимлаш, мавзуларнинг кетма-кетлигини белгилаш ўамда уларнинг ўрганилиш даражасини ёритувчи меъёрий хужжат.

Дастурда ўқув материалининг таълимнинг ҳар бир йили ва ҳар бир синф, курс бўйича тақсимланиши тузилиши асослаб берилган. Дастурда кўрсатилган билим, малака ва кўникмаларни ўқувчилар томонидан тўла ўзлаштирилиши ўқитиш жараёни муваффақиятлилиги ва самаралилиги мезонларидан бири ўисобланади.

Ўқув дастурлари намунавий, ишчи ва муаллифлик бўлиши мумкин.

Намунавий ўқув дастури у ёки бу таълим соъасига нисбатан давлат таълим стандартлари талаблари асосида ишлаб чиқилади. Ўқув дастурлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- ушбу фанни ўрганиш мақсадлари, ўқувчиларнинг билим ва малакаларига асосий талаблар, ўқитиш тавсия этиладиган шакл ва методлари ўқидаги тушунтириш хати;
- ўрганилаётган материалнинг тематик мазмуни;
- курснинг алоўида саволларини ўрганишга ўқитувчи сарфлайдиган тахминий соатлари ўажми;
- дунёқарашни шакллантирувчи асосий саволлари рўйхати;
- фанлараро ва курслараро боғлиқликни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар;
- ўқув ускуналари ва кўргазмалар қўлланмалар рўйхати;
- тавсия этиладиган адабиётлар.

Намунавий ўқув дастурлари Халқ таълими ўамда Олий ва ўрта махсус таълим Вазирликлари томонидан тасдиқланади, тавсиянома хусусиятига эга бўлади. Намунавий дастур асосида мактаб, академик лицей педагогик кенгаши томонидан ишчи ўқув дастурлари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Намунавий дастурдан фарқли равишда ишчи дастурда регионал компоненти таърифланади, ўқув жараёнини методик, информацион, техник таъминлаш имконияти, ўқувчиларнинг тайёргарлиги даражаси ўисобга олинади.

Муаллифлик ўқув дастурлари давлат стандарти талабларини ўисобга олган ўолда ўқув фанини қурилиши бошқача мантикидан иборат бўлиши, у ёки бу назарияларни ўрганишга муаллифлик ёндашуви, ўрганилаётган ўодиса ва жараёнларга нисбатан муаллифлик нуқтаи назарини акс эттириши лозим. Бундай дастурлар ушбу фан соъасида педагог, психолог, методистларнинг ташқи рецензияларига эга бўлиши керак ва улар мавжуд бўлганида мактаб, академик лицей ўамда касб-ўунар коллежларининг Педагогик Кенгаши томонидан тасдиқланади. Муаллифлик ўқув дастурлари ўқувчиларнинг эркин танлови бўйича (мажбурий ва факультатив) курслар ташкил этишда кенг фойдаланилади.

Ўқув фани таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ёш, идрок этиш имкониятларига мувофиқ уларга муайян фан соъаси бўйича умумий ёки мутахассислик билимларини бериш, кўникма ва малакаларни шакллантиришни таъминловчи манбадир.

Ўқув фанининг мазмуни ҳар бир педагог томонидан ихтиёрий белгиланмайди, балки ижтимоий ўодиса сифатида таълимнинг тарихий ривожланиши давомида ишлаб чиқилади. Ўрта мактаб, академик лицей ва касб-ўунар коллежи ўқув фанларини илмий билимнинг умумий тузилишига мос равишда шакллантириш керак деб ўисобловчи нуқтаи назар энг кенг тарқалган ва тан олинган ўисобланади.

Таълим мазмуни ва ўқув дастурлари ўқув адабиётларида лойиўлаштирилади. Бундай адабиётлар сирасига дарслиklar ва ўқув қўлланмалари киради.

Ўқув адабиётлари орасида дарслик алоўида ўрин тутати. Дарслик муайян ўқув фани бўйича таълим мақсади, ўқув дастури ва дидактик талабларга мувофиқ белгиланган илмий билимлари тўғрисидаги маълумотларни берувчи манба бўлиб, у мазмуни ва тузилишига кўра фан бўйича яратилган ўқув дастурига мос келади.

Намунавий ўқув дастурлари асосида яратилган дарсликлар мақсадга мувофиқ ўолда Республика Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим Вазирликлари томонидан барча мактаблар, академик лицейлар ва касб-ўунар коллежлари учун тавсия этилади. ғоявий ва методик жиўатдан мукаммал бўлган дарслик таълим мазмунига қўйиладиган барча талабларга жавоб бера олиши, ўқувчилар учун қизиқарли, иложи борица қисқа, тушунарли, кўрғазмалилик нуқати назаридан эстетик хусусиятга эга бўлиши керак.

Дарслик бир вақтнинг ўзида ўам барқарор, ўам қулай таркибий тузилмага эга бўлиши керак. Дарслик барқарорлигига кўра мустаўкам асосга эга, мобиллигига кўра эга асосий тузилмага даўл этмаган ўолда янги билимларни тезликда киритиш имкониятини намоён этади. Уларга қўйиладиган талаблар турли-туман ва қарама-қарши бўлиб, мукаммал дарсликларнинг етишмовчилиги доимо ўис этилади. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда муқобил, параллел дарсликлар нашр этилади, шу сабабли ўқитувчилар ва ўқувчилар улар орасидан энг яхшиларини танлаб олиш имкониятига эгалар.

Дарслик ўқувчиларнинг таълим жараёнида онгли равишда ва фаол иштирок этишлари, ўқув материални тўла ўзлаштиришларини таъминлаши керак. Ана шу масалаларни ўал этиш йўлида дарсликлар қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) мотивацион вазифа - бу вазифа ўқувчиларни ушбу фанни ўрганишга йўналтирадиган, уларда ишга позитив муносабати ва қизиқишини шакллантирувчи рағбат (сабаб)ларни ўосил қилишдан иборат;

2) ахборот вазифаси ўқувчиларга ахборотларни етказиш, самарали усуллар ёрдамида уларнинг билимлари ўажмини кенгайтиришга имкон беради;

3) назорат-тузатиш (машқ қилиш) вазифаси – таълим жараёни, унинг натижаларини текшириш, ўқувчиларда ўзини баўолаш ва тузатиш лаёқати ўамда зарур бўлган кўникма, малакаларни шакллантириш учун ўрганиш машқларини тавсия этишни назарда тутати.

4) мувофиқлаштириш вазифаси материал устида ишлаш жараёнида таълимнинг бошқа воситалари (ҳариталар, кўрғазмали материаллар, диапозитив ва бошқалар)ни жалб этишни ифодалайди;

5) ривожлантирувчи –тарбияловчи вазифаси дарслик мазмунининг ўқувчиларга маънавий-ахлоқий таъсир кўрсатиши, китоблар билан ишлаш жараёнида улардан меўнатсеварлик, фаол фикрлаш, ижодий қобилият каби сифатларни шакллантиришдан иборат;

6) ўқитиш вазифаси дарслик билан ишлашда мустақил билим олиш учун зарур бўлган конспект ёзиш, умумлаштириш, асосийсини ажратиб кўрсатиш, мантиқий эслаб қолиш каби малака ва кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беришида кўзга ташланади.

Таълим мазмуни ўқув материали даражасида дарсликлар билан бир қаторда турли хил ўқув қўлланмалари: адабиёт ва тарих хрестоматиялари, справочниклар, математика, физика, химия бўйича масалалар тўпламлари, георафия, биология бўйича атласлар, тил бўйича машқлар тўпламлари ва бошқаларда очиб берилади. Ўқув қўлланмалари дарсликнинг баъзи томонларини кенгайтиради ва аниқ масалаларни ўал этиш мақсадига эга бўлади (ахборот, машқ қилиш, текшириш).

Давлат таълим стандарти. Таълим мазмунининг ривожланишида кўзга ташланаётган замонавий тенденцияларидан бири уни стандартлаштириш (давлат миқёсида ягона қоидалар ва талаблар ўрнатилиши) ўйибланади. Стандартлаштиришда қуйидаги икки омил муъим аҳамиятга эга:

2) турли таълим муассасаларида таъсил олаётган ёшларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ўунар билимлар ўажмининг бир хиллик даражасини таъминловчи мамлакатда ягона педагогик муъитни яратиш зарурлиги;

3) Ўзбекистоннинг жаҳон ўамжамияти тизимига кириши натижасида халқаро таълим амалиётида умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ўунар таълими мазмунини ривожланиши тенденцияларининг ўйибга олиниши.

Давлат таълим стандарти:

1) таълим олиш шаклидан қатъий назар битирувчилар эришишлари керак бўлган таълим даражасини белгиловчи асосий хужжат;

2) ўқув фани бўйича якуний таълимнинг якуний натижаларини белгиловчи асосий хужжат;

3) таълим дастурлари мазмунининг минимуми, ўқувчилар томонидан бажариладиган ўқув ишларининг максимал ўажми, шунингдек, битирувчиларнинг тайёргарлик даражаларига қўйилувчи талабларни белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни билан бир қаторда таълим стандарти асосий меъёрий хужжат ўйибланади. «Стандарт» инглиз тилидан таржима қилинганда «меъёр», «намуна», «андоза», «модел» маъноларини англатади. Стандарт ёрдамида республика миқёсидаги турли таълим муассасаларида таълимнинг барқарорлик даражасини таъминлашга эришилади, ўқув ишлари нормативлари мослаштирилади, ўқувчиларнинг билимларини баёолаш мезонлари ишлаб чиқилади. Ўқувчи давлат томонидан белгиланган таълим стандарти билан чекланишлари мумкин, ёки билимларни янада чуқурроқ эгаллаб олиш мақсадида мустақил шуғулланиш имкониятига эга. Унинг учун қийин бўлган ёки қизиқарли бўлмаган фанни ўрганишда ўқувчига стандартга киритилган норматив минимум билан чекланиш имконияти берилади.

Ушбу ёолатда ўқувчи ўзига мос келадиган таълим йўлини англаган ёолда ва мустақил танлаб, ўз қизиқишлари, истаги, қобилиятлари ва интилишларини амалга оширишга имкониятга эга бўлади. Шакли ва мазмуни бўйича тушунарли ифода этилган стандарт талаблари олдиндан ўқувчиларга ва уларнинг ота-оналарига етказилади.

Таълимни стандартлаштириш дунёнинг ривожланган мамлакатларида аллақачон ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш, таълим маълум даражасини белгилаб билан амалга оширилади. Аммо “стандарт” термини ўзи таълимга нисбатан яқин даврлардан қўлланила бошланган. Давлат таълим стандартлари таълим сифатини оширишга имкон беради. Улар таълим мазмуни минимал ўажмини қайд этиш ва таълим даражасининг қуйи чегарасини белгилаб беради.

Таълим стандартини киритишдан аввал бундай мажбурий қоидалар мавжуд эмас эди. Ўзлаштиришнинг аниқ белгиланган чегаралари йўклиги ХХ асрнинг 80-йилларида кўпчилик битирувчиларининг ўақиқий билим даражалари жуда паст бўлишига олиб келди.

Давлат таълим стандартларини яратиш бўйича ишлар Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунини (1992 йил) қабул

қилингандан кейин бошланди. Мазкур хужжатнинг 6-бандида жаҳон таълими амалиёти меъёрларига мос келувчи давлат таълим стандартларини яратиш зарурлиги таъкидлаб ўтилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида (1997 йил) Ўзбекистон Республикасининг янги таъриридаги “Таълим тўғрисида”ги қонуни қабул қилингандан сўнг таълим дастурлари янги авлоди яратилди. Жаҳон амалиёти тажрибаси асосида яратилган таълим стандартлари ҳар бир фан бўйича ўзлаштирилиши зарур бўлган билимларнинг минимал даражасини белгилашга имкон берди.

Давлат таълим стандартлари таркибий тузилишига кўра қуйидагилардан иборатдир:

1. Таълимнинг янги ёки аниқлаштирилган мақсадлари, фаннинг ўрганиш объектлари ва асосий мазмунли йўналишлари кўзда тутилган ўқув фанининг умумий таърифи.

2. Ўқув фанининг мазмуни, таянч (инвариант) даражасини тасвирлаш.

3. Таълимнинг мажбурий натижаларини ифодалаш, яъни ўқувчиларнинг ўқув тайёргарликлари зарур бўлган минимал даражасига талаблар.

4. Билим, кўникма ва малакаларга қўйилувчи талаблар, бу уларнинг мажбурий тайёргарликлари даражасининг “ўлчамидир”, яъни, текшириш ишлари, тестлар ва алоҳида топшириқларни бажаришларига қараб ўқувчилар томонидан талабларнинг мажбурий даражасига эришилганлиги ўқида фикр юритиш мумкин бўлади.

Назорат учун саволлар:

1. Таълим мазмунининг моўияти нимадан иборат?

2. Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ўунар таълими мазмунини танлаб олиш тамойилларини таърифлаб беринг.

3. Ўзирги босқичда таълим мазмунини белгилаш асосий ғояларини (асосларини) айтиб беринг.

4. Мутахассислик фани бўйича умумий ўрта, ўрта махсус таълими давлат таълим стандартини таўлил қилиб беринг.

5. Ўқув режаларининг турларини айтинг, академик лицей ўқув режасини таърифлаб беринг.

6. Ўқув дастурларининг қандай турлари мавжуд?

7. Мутахассислик фани бўйича дарсликлар билан танишиб чиқинг. қуйидаги саволлар бўйича уни таърифлаб беринг: а) дарсликда китобнинг мазмуни, мақсад ва вазифалари; б) кириш сўзининг мавжудлиги; в) китоб билан ишлаш давомида ўқувчиларни фаоллаштириш йўлида фойдаланилган усуллар; г) китобнинг кўргазмали материаллари, уларнинг дарслик матни билан боғланганлиги; д) параграф ёки бўлим охирида резюме ёки хулосаларнинг мавжудлиги; ж) китобнинг ташқи кўриниши (қоғози, шрифти, асмлари, муқоваси).

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. —Т.: Ўзбекистон, 1993.

2. Каримов И.А. ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. —Т.: Ўзбекистон, 1992.

3. Каримов И.А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. —Т.: Ўзбекистон, 1993.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. —Т.: Ўзбекистон, 1993.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсақасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарққиёт кафолатлари. —Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов И.А. «Баркамол авлод—Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». —Т.: Шарқ, 1997.
7. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. “Тафаккур” журнали, 1998 й., 2-сон.
8. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. “Мулоқот” журнали, 1998 й., 5-сон.
9. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. —Т.: Ўзбекистон, 1998.
10. Каримов И.А. Адолатли жамият сари. —Т.: ўқитувчи, 1998.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. —Т.: Ўзбекистон, 1998.
12. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ўаёт – пировард мақсадими. 8-жилд. —Т.: ўзбекистон, 1999.
13. Алишер Навоий. Маўбуб ул-қулуб. Асарлар. ўн беш томлик. 13-том. —Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1996.
14. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. —Т.: Ўқитувчи 1993.
15. Абдурасулов М. Ўзбек маърифатпарвар шоирлари илм маърифат ўақида. —Т.: Ўқитувчи, 1981.
16. Аликулов Ў., Омонбоев Р. Жомий ва Давоний таълим-тарбия ўақида. —Т.: Ўқитувчи, 1981.
17. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. ғодоб дурдоналариғ. —Т.: Ўзбекистон, 1990.
18. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомеъ ас-сахих. —Т.: Ўзбекистон, 1991.
19. Интенками К. Педагогическая диагностика. (Пер. с нем. М.: 1991.)
20. Лакшин В.А., Пузанов Б.П. Основнўе дефектологии. Учеб. пособие для студ. Пед. ин-тов. —М.: Просвеўение, 1992.
21. Мавлонова Р. ва бошқ. Педагогика. —Т.: Ўқитувчи, 2001.
22. Педагогика (проф. А.К.Минаваровнинг умумий таҳрири остида). —Т.: ўқитувчи, 1996.
23. Подласый И.П. Педагогика I-II т. —М.: Владос, 1999.
24. Рахмонова В.С. Логопедия ва дефектология асослари. —Т.: ТДПИ, 1993.
25. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. —Т.: Молия, 2003.
26. Усманова М.Н. Педагогическое тестирование. Т.: Адолат, 1995.
27. Фарберман Б.Л. Составление педагогических тестов. —Т.: 1993.
28. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар. —Т.: Фан, 2000.
29. Ўзбек педагогикаси антологияси I-II т. (тузувчилар К.Ўошимов, С.Очил. Ўқитувчи, 1995-2000)
30. Ўошимов К., Нишонова С. ва бошқ. Педагогика тарихи. —Т.: Ўқитувчи, 1996.
31. Юсуф Хос ўожиб. кутадғу билиг (сўз боши муаллифи Б.Туўлиев). Т.: Юлдузча, 1990.
32. Ўзбек педагогикаси антологияси (тузувчилар К.Ўошимов, С.Очил. Ўқитувчи, 1996.)